

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ТАЪЛИМ,  
ФАН ВА ИННОВАЦИЯЛАР ВАЗИРЛИГИ  
БУХОРО МУХАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ  
ИЖТИМОИЙ ФАНЛАР КАФЕДРАСИ

Гулчехра Наврўзова

# НАҚШБАНДИЯ - ҲУШЁРЛИК ЙЎЛИ



«ФАН» НАШРИЁТИ  
ТОШКЕНТ  
2024

**УДК: 28-335-9**  
**ББК: 86.38+87.3**  
**Н 14**

**Масъул муҳаррир**

**М.Н. Болтаев** – фалсафа фанлари доктори, профессор

**Тақризчилар:**

**Э.Х. Зойиров** – фалсафа фанлари доктори (DSc), доцент

**Х.Х. Рахматова** – фалсафа фанлари доктори (DSc), профессор

**Г.Н. Наврўзова**

**Нақшбандия – хушёрлик йўли** [Матн]: Г.Н. Наврўзова. – Тошкент: «Фан» нашриёти, 2024. – 184 бет.

Монографияда Баҳоуддин Нақшбанд (1318–1389) томонидан асосланган Нақшбандия таълимотининг хушёрлик йўли эканлиги фалсафий тадқиқ этилган. Жунайд Бағдодийнинг хушёрлик йўли асосчиси эканлиги, Юсуф Ҳамадонийнинг «Хуш дар дам» ўғитининг Хожагон ва Нақшбандия таълимотининг асосий тамойили сифатида мазмун-моҳияти очиб берилган. Хушёрлик Нақшбандия тасаввуфий таълимотининг асосий тушунчаси сифатида таҳлил этилиб, унинг борлик, билиш, инсон ва қадрият тушунчалари билан алоқадорлиги ёритилган. Хушёрлик тамойилининг асосий тушунчаси нафаснинг моҳияти метафизик методологик ёндашув билан асосланган. Асар тадқиқотчилар ва тасаввуф билан қизиқувчи китобхонлар учун мўлжалланган.

**Бухоро муҳандислик-технология институти Илмий кенгаши томонидан 2024 йил 4 мартдаги 10-сонли баённомасига асосан нашрга тавсия этилган.**

«Фан» нашриётининг ёзма рухсатисиз ушбу нашрни қисман ёки тўлиқ ҳолда бошқа оммавий ахборот воситаларида электрон ёки механик кўринишда кўчириб босиш, нусха олиш, магнит ташуви воситаларида тарқатиш қатъиян тақиқланади.

**ISBN 978-9943-19-701-5**

© Г.Н. Наврўзова, 2024  
© «Фан» нашриёти, 2024

*Мўътабар аёл, садоқат рамзи азиз ва муҳтарам онажоним Фотима аяжон  
Ходжаеванинг (1922–2018) муқаддас хотираларига бағишлайман.*

**Муаллиф**

## **КИРИШ**

Барги дарахтони сабз бар назари хушёр,  
Ҳар варақаш дафтарест аз маърифати Кирдикор.

**Саъди Шерозий**

*Мазмуни:*

Яшил дарахт япроғи хушёрнинг назарида,  
Ҳар варағи Аллоҳ марифатидан бир дафтардир.



**Р**еспублика Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг №Ф-4988, 11 июль 2017 йил «Абдулхолиқ Гиждувоний таваллудининг 915 йиллигини ва Баҳоуддин Нақшбанд таваллудининг 700 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказиш тўғрисида»ги фармойиши эълон қилинди. Унда бутун умрини инсоннинг маънавий-руҳий йўлига бағишлаган икки табаррук инсоннинг ҳаёти ва фаолиятини, улар қолдирган бой илмий-диний меросининг гуманистик моҳиятини чуқур ўрганиш, шу асосда халқимизни, айниқса, ўсиб келаётган ёш авлодни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш мақсадида вазифалар белгилаб берилган. Мазкур фармойиш ижросини таъминлаш учун Баҳоуддин Нақшбанднинг ҳаёт йўли ва маънавий меросини мукамал ўрганиш ва ундан халқимизни баҳраманд қилиш эзгу ниятида ушбу монографияни тайёрладик.

Янги Ўзбекистонда Учинчи Ренессанс пойдеворини куриш мақсадида улкан режалар амалга оширилмоқда. Шулардан бири Янги Ўзбекистон Тараққиёт стратегиясининг қабул қилинганлиги ҳисобланади. Тараққиёт стратегиясининг бешинчи йўналиши «Маънавий тараққиётни таъминлаш ва соҳани янги босқичга олиб чиқиш»ни амалга оширишга доир мақсадлар белгиланган. «Янги Ўзбекистон маърифатли жамият» концепциясини амалга оширишда маънавий меросимизни чуқур таҳлил



этишга махсус эътибор қаратилган. Маънавиятимиз дарғаларидан бири Баҳоуддин Нақшбанд ва Алишер Навоийдир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёев жамият иқтисодиётини тана ва маънавиятини руҳ билан қиёслаб, унинг камолоти учун маънавиятнинг аҳамиятини жуда юксак эканини таъкидладилар. Маънавиятимизнинг теран илдизларидан бири Нақшбандия таълимотидир. Инсонни камолотга етишига, ўзлигини англашга ёрдам берувчи тасаввуфнинг мўътадил таълимотлардан бири Нақшбандиядир. Бу таълимотни Баҳоуддин Нақшбанд номи билан маълум ва машҳур Муҳаммад ибн Муҳаммад ал-Бухорий (1318–1389) асослаган. Бухорои Шарифда дунёга келган бу таълимотни Баҳоуддин Нақшбанднинг шогирдлари Алоуддин Аттор, Муҳаммад Порсо, Яъқуби Чархий ва Алоуддин Ғиждувоний ривожлантирдилар. Хожа Аҳрор Валий уни жаҳоний таълимот бўлиб кенг ёйилишига хизмат қилди. Нақшбандия таълимотининг моҳиятини англашга таълимот вакилларининг асарлари билан бирга мақомот, манокӣб, тазкира ва рисолалар манба бўлиб хизмат қилади. Нақшбандия таълимотини Хожа Аҳрордан кейин ривожлантирган шахс Махдуми Аъзамдир.

Тасаввуф оламида вужудга келган турли сулуклар комил инсон бўлишнинг турли йўл ва ўзига хос услубларини топганлар. Манбалар таҳлили кўрсатадики, барча йўллари умумий бўлган хусусият – хушёрлик ва хушсизликка муносабатига қараб иккига бўлиш мумкин. Тасаввуфда хушсизлик – суқр ва хушёрлик – саҳв йўли деб аталади ва манбаларда Боязид Бастомий ва Жунайд Бағдодий йўли ёки ишқ ва маърифат йўли деб ҳам ёзилган.

Бу икки йўлдан бирини танлаган мутасаввифларни шартли равишга аҳли маърифат ва аҳли муҳаббат деб ажратадилар. Маърифат аҳли – маърифат масалаларига кўпроқ аҳамият бериб, инсонни ўз-ўзини англаш ва маънавий маърифатни эгаллаш йўлларини таҳқиқ этадилар, макро ва микро олам алоқалари, комил инсон масалаларига кўпроқ тўхталадилар. Нақшбандия таълимоти ҳам шу йўлни танлаган.

Тасаввуфшунос олимлар Нақшбандия тариқатини жунайдия-хушёрлик йўлининг энг изчил давомчилари деб тан оладилар. Дарҳақиқат, бу тариқат комил инсон даражасига юксалиш учун таълимотдаги ўн битта талаблари орасида энг зарур ва аҳамиятлиси «Хуш дар дам» – «ҳар бир дамда хушёрлик» деган талабни қўйганлар. Шунинг учун Нақшбандия тариқати жаҳонда жуда кенг ёйилган ва у ҳақида «акраб-ут-тариқ» – энг яқин йўл, деган таъриф мавжуд. Яъни бу тариқат олам



моҳиятини англаш ва комил инсон даражасига юксалишнинг энг яқин йўлини кўрсатади, деганлар.

«Хуш дар дам» – «хуш» ва «дам» сўзларидан олинган бўлиб, ҳар бир инсон умрининг ҳар бир лаҳзаси, оннда хушёр, зеҳнли, огоҳ бўлишини англатади. «Дам» ибораси бу ерда лаҳза, фурсат, он, нафас маъносида келмоқда. Тадқиқотларда «хуш»ни баъзида «хуш» деб ёзиб, ҳар онни хурсанд, хушвақт ўтказиш маъносини англатади деган талқинлар учрайди. Лекин Накшбандияда у хушёр маъносида келган. Хушёрлик ғафлат тушунчасига қарама-қарши бўлиб, инсон ўз умрининг бирор нафаси, берилган бирор фурсатини ҳам ғафлат билан, уйқу ҳолатида ўтказишга ҳаққи йўқлиги айтилади.

«Хуш дар дам» тамойилининг шаклланиши чуқур илдизга эга. Барча тасаввуфий таълимотларда ҳам ғафлат қораланган ҳамда ғафлатдан кутулишнинг турли услуб ва йўллари топганлар. Тасаввуф ҳақида Бухорода ёзилган Абу Бакр Муҳаммад ибн Абу Исҳоқ Калободийнинг «ат-Таъарруф ли мазҳаби аҳлит-тасаввуф» («Тасаввуф аҳлининг йўли билан танишув») асарига ёзилган Мустамлий Бухорийнинг шарҳида таъкидланган «Бир лаҳза ҳам Ҳақдан ғофил бўлмаслик» шарти «Хуш дар дам» рашҳасининг илдизи бўлиб ҳисобланади.

Бу тамойилнинг шаклланишида Саъдий Шерозий қарашларининг таъсири бор. Бу ҳақда Иброҳим Мўминов ҳам ўз фикрларини билдирган эдилар. Бизнинг фикримизча, Саъдийнинг машҳур «Гулистон» асаридаги қуйидаги ғоялар бунга асос бўлган: «Ҳар нафасе, ки фурў меравад мумидди ҳаёт аст ва чун бармеояд фараҳи зоти ҳаст, пас ба ҳар нафаси ду неъмате мавжуд аст ва ба ҳар неъмат шукре вожиб аст»<sup>1</sup>. Мазмуни: «Ҳар бир ютиладиган нафас одам умрини узайтирувчидир, у чиққанида зотга фараҳ бахш этади. Шунинг учун ҳар бир нафасда икки неъмат мавжуд ва ҳар бир неъмат учун шукур вожибдир». Яна Саъдийнинг шу мазмундаги қуйидаги назмий парчалари бор:

Ҳар дам зи умр меравад нафасе,  
Чун ниғаҳ микунӣ намонад бaсе.  
Эй ки, панчоҳ рафта дар хобӣ,  
Магар ин панч рӯз дар ёбӣ.  
Хижил он кас, ки рафту кор насохт,  
Кӯӯси реҳлат заданду бор насохт<sup>2</sup>.  
*Мазмуни:*

<sup>1</sup> Саъдий Шерозий. Гулистон. Қўлёзма. 3 а.

<sup>2</sup> Саъдий Шерозий. Гулистон. Қўлёзма. 4 б.



Ҳар дамда умрдан нафаслар кетади,  
Қараб турсанг улар умуман тугаб қолади.  
Эй, сен элликка кириб, ғафлатда қолган,  
Сен беш кунни ҳам ўзинг топа олмайсан.  
Умрини беҳуда ўтказганга хижилдир,  
Кетиш вақти бўлди, аммо у охиратга озуқаси йўқ.  
Ёки:

Бияндеш ва он гаҳ баровар нафас,  
Ва з-ин пеш бас кун, ки гўянд бас<sup>3</sup>.

*Мазмуни:*

Андеша қилгину нафасингни чиқар,  
Бўлди бас дейишидан олдин оғзингни юмгин.

Яна:

Абру, боду, маҳу, хуршеду фалак дар коранд  
То ту ноне ба каф орию ба ғафлат нахўри<sup>4</sup>.

*Мазмуни:*

Булут, шамол, ой, куёш фалакда доим ҳаракатдадир.  
Токим сен нонни кафтинга олсангу, лекин ғафлат билан емасанг.

«Ҳуш дар дам» талаби Юсуф Ҳамадонийдан қолган. Уни Абдулҳолик Гиждувоний Ҳожагон тариқатига тамойил қилиб олган эди. У бу ғояни ривожлантирди. Абдулҳолик Гиждувоний хушёрликка чақириб, ҳар бир нафасни охирги ва умр сармояси деб билган. Қуйидагича таърифлаган: «Ҳар доим охирги нафасга тайёр бўл! Яъни ҳар бир нафасни охирги деб ўйла! Ҳар ишни ўз вақтида қилки, ғафлат юз тутмасин»<sup>5</sup>. «Умр нафасларнинг сармоясидир. Бу сармоядан туну кун, уйку ва бедорликдан огоҳликда харж қилиш керак. Уни жавоҳир каби асраш лозим. Агар у зое кетса катта зарар кўрилади. Худди бу асл жавоҳир бир хазинаю, беҳуда нафас хазинани ўғирлаган билан баробардир. Шунинг учун ҳам ҳар бир фурсатни ғанимат билиш керак, уни эътибор ва истиғфор билан ўтказиш керак»<sup>6</sup>.

Яссавия тариқатининг асосчиси Аҳмад Яссавий ҳам ғофил бўлмасликни уқтиради. Унинг ғоялари ҳам Нақшбандия таълимоти учун асос бўлган.

---

<sup>3</sup> Саъдий Шерозий. Гулистон. Қўлёзма. 4 а.

<sup>4</sup> Саъдий Шерозий. Гулистон. Қўлёзма. 4 б.

<sup>5</sup> Хожа Абдулҳолик Гиждувоний. Маслак ал орифин. Қўлёзма. 18 а.

<sup>6</sup> Хожа Абдулҳолик Гиждувоний. Маслак ал орифин. Қўлёзма. 22 б.



*Аллоҳ ёдин айтур қуллар маъно бирлан  
Бемаънога ҳаргиз қулоқ солмас бўлур.  
Аллоҳ деган ошиқ қуллар доим мудом  
Ҳақ ёдидин зарра зофил бўлмас бўлур*<sup>7</sup>.

Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд «Хуш дар дам»ни шундай изоҳлаганлар: «Банои кор дар ин роҳ бар нафас мебояд кард, чунонки, иштиғол ба вазифа ба ҳама замону ҳол, аз тафаккури мози ба тафаккури мустақбил машғул гардонад, нафасро нагузаронанд ва дар хуруж ва духули нафас бе хифзи мобайни нафас саъй намояд, ки бо ғафлат фуруъ нараваду бар наояд». Мазмуни: «Барча ишларнинг асоси нафасдадир. Йўл юрувчи ишида ҳаракат қилиши лозимки, замоннинг муҳим вазифаси билан шуғулланишда хаёлни ўтмишдан ва фикрни келажакдан озод этсин, ҳар бир нафасни зое этмасликка уринсин. Нафаснинг кириши, чиқиши ва икки нафас ўртасини эҳтиёт қилсинки, нафас ғафлат билан кириб чиқмасин».

Баҳоуддин Нақшбанд огоҳликка ҳамма ерда, хусусан, таом тановулида риоятни шарт, деганлар. Агар дарвешлардан бир киши луқмани ғафлат ичра егучи бўлса, Баҳоуддин дарҳол уларни шафқат ва тарбият қилиб айтарди: «Бир луқмани ғафлат билан ема. Агар бир таом ғазаб, қароҳат ва душворлик билан табақ бўлган бўлса, уни емагин демаймиз»<sup>8</sup>. Ўзлари ҳам мудом шунга амал қилганлар. Ғадют деган жойда у киши уларга келтирган таомни емаганлар ва айтганларки:

– Бизга бу таомни ейиш мумкин эмас. Бунга сабаб шуки, у ғазаб билан пиширилгандир.

Баҳоуддин мудом шогирдларига таъкидлардиларки, агар таомнинг бир капгири ғазаб ва қароҳат билан пиширилган бўлса, бизлар емаймиз. Ҳар ишки ғазаб ва нафрат, қароҳат ва душворлик билан бўлса, унда хайру баракот йўқдур, ҳавойи нафс ва шайтон унга йўл бўлишадир. Ҳосили аъмоли ҳасана таоми ҳалолдадир, уни ғафлатда емаймиз<sup>9</sup>.

Баҳоуддин Нақшбанддан сўрадилар:

– Ҳузури қалб намозда нимадан ҳозир бўлур?

Буюрдилар:

– Таомни ҳалол егул. Доим воқиф ва огоҳликда бўл.<sup>10</sup>

<sup>7</sup> Аҳмад Яссавий. Ҳикматлар. – Тошкент, 1991. 154-бет.

<sup>8</sup> Салоҳиддин ибн Муборак. Анис ут-толибин уддат ус-соликин. Қўлёзма. 47 б.

<sup>9</sup> Салоҳиддин ибн Муборак. Анис ут-толибин уддат ус-соликин. Қўлёзма. 47 б.

<sup>10</sup> Салоҳиддин ибн Муборак. Анис ут-толибин уддат ус-соликин. Қўлёзма. 48 б.



Юқоридаги сўзлардан бу тариқат аҳли орасида ҳалол луқма ва огоҳлик асосий талаб эканлиги маълум бўлади.

Тадқиқотларда «Хуш дар дам»нинг моҳиятини турлича талқин этганлар. Масалан: Дж.С. Тримингэм «Хуш дар дам»ни «ҳабси дам» деб талқин этган. У маърифат йўли (Аллоҳни билиш)га албатта мушоҳада, ҳабси дам ва зикр киради. Буларнинг мақсади инсон руҳиятини юксалтириб, оламдаги энг латиф қатлам даражани кўтаришдир, дейди. Дж.С. Тримингэм «Хожагон-Нақшбандия тариқати учун хос нарса ҳабси дам «нафасни сақлаш»<sup>11</sup> деб таъкидлайди. У «Хуш дар дам» рашҳасига изоҳ беришда ҳам «нафас олишни назорат этиш йўллари»<sup>12</sup>, дейди.

Юқоридагилардан шундай хулосага келиш мумкин:

– Нақшбандия таълимоти ва тариқати ҳушёрлик ила бутун олам билан уйғунлашиб, комил инсонни тарбиялашнинг энг мақбул йўлини танлаган.

– «Хуш дар дам» рашҳаси инсонни Гўзал, Уйғун тарзда энг яқин йўл билан камолотга етказди.

– «Хуш дар дам» рашҳаси Нақшбандия таълимотини тасаввуфдаги мўътадил, меъёрий оқимга мансуб эканлигини кўрсатади.

Монографияда тасаввуфдаги ҳушёрлик йўлининг келиб чиқиши ва Нақшбандия таълимотидаги ғояларнинг ривожланиши тарихийлик ва мантиқийлик нуқтаи назаридан таҳлил этилган. Шунингдек, «Хуш дар дам» тамойили фалсафий таҳлил этилиб, метафизик методология асосида ёритилган. Асарда йўл қўйилган хато-камчиликлар учун олдиндан узр сўраймиз ва сизларнинг фикр-мулоҳазаларингизни кутиб қоламиз.

---

<sup>11</sup> Тримингэм. Дж. С. Суфийские ордены в исламе. – М., 1989. 61 с.

<sup>12</sup> Тримингэм. Дж. С. Суфийские ордены в исламе. – М., 1989. 167 с.

# I БОБ. ТАСАВВУФДА ХУШЁРЛИК ЙЎЛИ: ТАРИХИЙ-ФАЛСАФИЙ ТАҲЛИЛ

## 1.1. ТАСАВВУФДАГИ МУҲОСАБА ТУШУНЧАСИНИНГ ТАРИХИЙ-ФАЛСАФИЙ ТАҲЛИЛИ

Тасаввуф фалсафасининг асосий категорияларидан бири хушёрликдир. Хушёрлик ғафлатга қарама-қарши бўлган тушунчадир. Хушёрлик ва ғафлат инсоннинг ҳолати билан боғлиқ тушунчалардир. Хушёр деганда ақлу хуши ўзида, ҳар бир қилаётган амалини назорат қила оладиган киши тушунилади. Тасаввуфдаги хушёрлик йўлининг асосчиси Жунайд Бағдодий бўлса-да, унинг устози Ҳорис Муҳосибийдир. Ҳорис Муҳосибий хушёрлик йўлининг асосий тушунчаси бўлган муҳосаба ҳақида таълимот яратган. Муҳосаба инсонни ўз-ўзини назорат этиш, ўз-ўзига ҳисоб бериш орқали инсонни хушёрликка йўллайди.

Муҳосибия дастлабки тариқатлардан бўлиб, Муҳосибий томонидан асосланган. Абу Али ал-Ҳорис б. Асад ал-Анази Муҳосибий (тах. 781–857) – суфийлик таълимотининг биринчи назариётчиларидан бўлиб, Басра шаҳрида туғилган.

Ҳадис ва фикҳ илмини Йазид б. Харун (821 йил ваф.) ва Абз Исҳоқ ал Курашидан ўрганган. Ёшликда Бағдодга кўчиб келиб, бу ерда мустақил илм ўрганишни давом эттирган. Ҳаёти шу ерда ўтгани учун уни суфийликнинг Бағдод мактабига мансуб деб айтадилар.

Муҳосибий сўфийлик «психологияси» (илм ал-қулуб ва-л-хатарот) нинг асосий қоидаларини асослаган. Унинг фикрича инсон камолоти учун, ўз-ўзини камолотга етказишда муруқоба – ўз-ўзини кузатиш ва муҳосаба – ўз-ўзини назорат этиш асосий қурол бўлиб хизмат этади. Шунинг учун ҳам унга Муҳосибий номи берилган. Чунки муҳосиба – ўз-ўзини назорат этувчи, ўз-ўзига ҳисобот берувчи маъносини англатади. Муҳосибий фикрича, назорат этиш объекти, энг аввало, ният ва қалб ҳаракати (хатарот) бўлиши лозим, чунки улар инсоннинг хатти-ҳаракатини белгилайдилар. Ҳақ йўлидан борувчининг йўлида турли хавф-хатар ва алдовлар учрайди. Баъзилар дунё шон-шухратидан фойдаланмоқчи бўладилар. Бунга улар ташқи томондан ўзларини Художўй қилиб кўрсатиб эришадилар. Бунга Муҳосибий риё ва кибр деб атаган. Уларга ният ва амалдаги сидқ, ихлос фазилатларини қарама-қарши туришини таъкид этган. Инсон атрофдагиларнинг у Ҳақдаги



фикрига ишонмаслиги лозим, чунки фақат унинг ўзигина уни ҳаракатга келтираётган асл мотивларни билади. Имонли киши ўзини Тангрининг ҳақиқий бандаси деб ҳисоблаб, дунёвий боғланишлардан узилган бўлиши лозим. Чунки бу инсонга ҳар бир ҳаракатини илоҳий ирода асосида амалга оширишга ва фақат Аллоҳ ризолигини талаб этадиган бўлишга ёрдам беради. Илоҳий ҳуқуқларга тўғри риоят этиш учун инсонга ақл берилган. Муҳосиби ақлни тоат ва ақлсизликни маъсият деб баҳо беради.

Муҳосибий 30 асар муаллифидир. Унинг қуйидаги асарлари маълум ва машҳурдир:

1. Китаб ар-раъийат ли-ҳуқуқ Аллоҳ
2. Китаб ат-таваҳхум
3. Китаб ал-баъс ва-н-нушур
4. Китаб ал-васая
5. Фаҳм ал-Қуръан.

Муҳосибий сўфийликнинг Бағдод мактабини асослаб жуда кўп кишини тарбиялаган. У Жунайд Бағдодийнинг ҳам устозидир<sup>13</sup>.

Ҳужвирий «Кашф ал-махжуб» асарининг биринчи бўлими 11-бобига «Абу Абдуллоҳ ал-Ҳорис ибн Асад ал-Муҳосибий» номини бериб, у ҳақида маълумотлар келтирилган. Унинг фикрича, Муҳосибий ўз давридаги барча уламолар томонидан тан олинган. Унинг «Раъият ли-ҳуқуқ Аллоҳ» – «Аллоҳ олдидаги вазифаларни бажариш» асари сўфийликнинг тамойиллари ҳақидадир. «Муҳосибий ўз даврида Бағдоднинг биринчи шайхи эди»<sup>14</sup>, – деб ёзади Ҳужвирий.

Ҳужвирий Муҳосибийни қуйидаги фикрини келтиради: «Кимга қалбининг яширин ҳаракати таниш, у танани ҳаракат қилдириб амал қила оладиган кишидин афзалдир».

Илм бу камолот, илм бу илоҳий сифатдир, дейди Муҳосибий. «Бир онлик тафаккур олтмиш йиллик ибодатдан афзал», деб Муҳосибий қалб ҳаракати, маънавий, руҳий, тафаккурий ҳаракатни жисмоний ҳаракатдан афзал ва устун деб ҳисоблайди.

Шунинг учун «Донишманднинг уйкуси, нодоннинг бедорлигидан афзал» деб айтадилар. Чунки доно киши қалби доим Тангри билан, демакки, танаси ҳам у билан боғлангандир.

---

<sup>13</sup> Қаранг: Кнйш А. Ал-Муҳосиби. Ислам. Энциклопедический словарь. – Москва: Наука, 1991. 182–183-бетлар.

<sup>14</sup> Али ибн Усман аль-Джулаби аль-Худжвири. Раскрытие скрытого за завесой для сведущих в тайнах сердец (Кашф аль-махжуб ли арбаб аль кулуб). Перевод с английского А. Орлова, Изд. Перв. – Москва: Единство, 2004. 107–108-бетлар.

Асарда шунингдек, Муҳосибийни «Ёки илоҳий бўл, ёким ҳеч ким бўл»<sup>15</sup>, деган фикри келтирилган. Яъни Илоҳий иродага бўйсуниб, покиза бўл, бўлмаса сени одам зотига мансуб дейиш хато.

Муҳосибия тариқатидан муҳосаба ҳисоб-китоб қилиш ҳолати ҳам сақланган. Бу ҳам ризо билан уйғун ҳолатдир. Нақшбандия тариқатида орифлар камолоти учун мушоҳада, муҳосаба ва муроқабаси асосий шарт деб қабул этилган ва Баҳоуддин Нақшбанд шунинг таъсирида Вуқуфи замоний – ҳар бир ондан огоҳ бўлиш рашҳасини кашф этган.

Муҳосаба – орифлар руҳий камолининг учинчи йўлидир. Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд бу учинчи йўл – орифларнинг Ҳаққа етиш воситасини шундай изоҳлаган: «Муҳосаба – ўтган ҳар бир соатимизни ҳисоблаш ва текширишдир. Ўтган ҳар бир соатимиз, нафасимиз ва замонамиз ҳузур билан ўтдимиз, ёки нуқсон биланми, агар ҳаммаси нуқсон билан ўтган бўлса, қайтамиз ва амални аввал бошдан бошлаймиз»<sup>16</sup>.

Баҳоуддин Нақшбанд муҳосаба билан Вуқуфи замоний тушунчасини бир маънода ишлатади<sup>17</sup>.

Вақт муҳим фалсафий тушунчадир. Вақт фалсафий тушунчаси олам атрибути бўлиб, барча объектлар мавжудлигининг давомийлиги ва ҳолатлар алмашинувининг изчиллигини характерлайди. Қадимдан ҳозирги кунгача бу муаммо файласуфларнинг баҳс мавзуи бўлган ва бўлмоқда.

Цицерон «Фалсафа Фалесдан бошланади, у биринчи эди», деб айтган. Ана шу инсон, яъни Фалес: «Ҳаммадан донороқ нарса нима?» деган саволга, «Вақт» деб жавоб бериб, «Чунки ёлғиз вақтгина ҳамма нарсани ойдинлаштиради»<sup>18</sup>, деган. Қадимги Юнонистондаги етти етакчи файласуфнинг бири приеналик Биант: «Энг яхши маслаҳатчи ким?» деб сўраганда, «Вақт» деган. Бошқа юнон файласуфи Лукреций Тит Кар – «Вақт илдамлагани сайин буюмларнинг моҳияти ҳам ўзгара боради», деган. Ўрта аср файласуфи италиялик Фома Аквинский: «Вақт ва мангулик айна бир нарса эмас», «Бозцийнинг фикрича, вақт ва мангулик ўртасидаги фарқ шундаки, мангуликнинг ҳар бир лаҳзаси яхлит воқеликдан иборат.

Вақт эса бундай сифатдан маҳрумдир. Мангулик – мавжудлик мезони бўлса, вақт – ҳаракат мезони», «Вақтнинг чеки йўқ, дейдилар.

---

<sup>15</sup> Қаранг: Ўша асар. Ўша жойда.

<sup>16</sup> Сафий Фахриддин Али. Рашаҳот. (Оби ҳаёт томчилар.) Табдил ва сўнгсўз муаллифи М.Ҳасаний. – Т.: Абу Али ибн Сино номидаги тиббиёт нашриёти, 2003. 39-бет.

<sup>17</sup> Қаранг: Рашаҳот. 39-бет.

<sup>18</sup> Ҳақиқат манзаралари. – Т.: «Янги аср авлоди», 2007. 10-бет.

Лекин унинг маълум бир бўлагини олиб бошланиш ва тугаш нуқтасини белгилаш мумкин. Масалан, биз кун ёки йилнинг бошланиши ва охири ҳақида гапирамиз. Аммо мангулик ҳақида бундай деёлмаймиз. У бундай сифатдан холидир», деган. Ўрта Осиё мутафаккирлари ҳам вақт ҳақида мушоҳада ва тадқиқотлар олиб борганлар.

Муҳосаба даражасига етиш учун ориф вақтнинг қадрини биладиган бўлиши керак. Нақшбандия тариқати аҳли орасида бутун тасаввуф аҳлига хос бўлганидек, вақт жуда қадрланган. Вақтнинг нақадар қимматли ва азиз эканлигини билиш лозимлигини солиқларга уқтирганлар. Уни бекорга зое этиб сарфлашдан уларни сақлаганлар. Зеро, вақт – нақдир. Уни бошқа қайтариб бўлмайди. Шунинг учун солиқлар йўлнинг қайси мартабасида бўлсалар ҳам вақтни муҳофаза ва муҳосаба этиб, уни зое этмасликка ҳаракат қилганлар. Туркиядан чиққан «Тасаввуфий ахлоқ» деган китобда муҳосаба ҳақида гап кетганда қуйидаги мисралар ёзилган:

*Нақди умри йўқ ерга сарф этма гафлат айлаб,  
Ҳар замон тоатда бўл, ул гафлатла энтар бўлмагил.  
Вақтингга олим бўлиб, дарк айла дуру нафъини,  
Бўлма жоҳил вақтингга, хусронга мазҳар бўлмагил<sup>19</sup>.*

Вақтни сақлаш, асраш учун бу таълимот кундузлари рўзадор, кечалари бедор бўлишни талаб этади. Яъни вақтни ейиш ва ухлашга сарфламасдан, оз ейиш, оз ухлаш керак, дейди.

Қалбни беқарорликдан, Аллоҳдан ўзгага боғланишлардан ҳимоя этиш, тилини куруқ сўздан, кўзини фойдасиз нарсага боқмоқдан, кулоқларни кераксиз ва гуноҳкор овозлардан, оёқларини беҳуда ерга, гуноҳга ботган жойларга боришдан муҳофаза эта олиши керак. Ҳаром ва шубҳали нарсаларни ейишдан жуда ҳам сақланиши керак. Ахлоқи замимани тўлалигича тарк этиши, бу моддий дунёдаги тааллуқотларини узиши лозим. Вақтида қилиниши лозим бўлган тоат ва зикрларни қилиш, уни бошқа замонга қолдирмаслик керак. Дангасалиқдан жуда сақланиш керак.

Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд асослаган бу тариқат аҳли ўртасида шундай фикр ҳукмрон бўлган: «Мусибатлар жуда кўпдир. Фақат энг буюк мусибат эса вақтнинг фойдасиз, бекорга кетишидир»<sup>20</sup>.

<sup>19</sup> Аҳмад Заҳид Кутку. Тасаввуфи Ахлақ. Истанбул: Сена, 1985. 102-бет.

<sup>20</sup> Тасаввуфий ахлоқ. 102-бет.



Демак, Муҳосибий таълимоти ва муҳосибия тариқати таъсирида Нақшбандия таълимотидаги қуйидаги ғоялар вужудга келган ва ривожланган.

- Тасаввуфда муҳосибийлар асослаган инсон камолотида ўз нафсини кузатиш ва назорат қилиш йўлини Нақшбандийлар давом эттирганлар<sup>21</sup>.

- Муҳосибия учун асос бўлган ризо тушунчасини Нақшбандия тариқати асос сифатида қабул этган.

- Вақт илми – Вуқуфи замоний ғоялари муҳосибия тушунчаси асосида шаклланган.

- Муҳосаба нақшбандларнинг ҳаёт тарзининг асоси, турмуш тарзига айланган.

Илк тариқат муҳосибия асослаган муҳосаба ва ризо қодирия, Хожагонлар таъсирида бойиган ва Нақшбандия йўли учун асос бўлган. Бу ғоялар ҳозирги кунгача жамиятимизда барқарор турмуш тарзи, мураса, мадора билан яшаш, хотиржамлик ва тинчлик учун зарурдир.



---

<sup>21</sup> Қаранг: Наврўзова Г. Нақшбандия – камолот йўли. – Т.: Фан, 2007. 5–6-бетлар.

## 1.2. ЖУНАЙД БАҒДОДИЙ ҲУШЁРЛИК ЙЎЛИ АСОСЧИСИ

Жунайдия тариқати асосчиси Жунайд Бағдодийдир. Абулқосим Жунайд Муҳаммад ал-Каварири ал-Хаззаз Жунайд Бағдодий (910 йил вафот этган) – тасаввуфдаги ҳушёрлик – саҳв йўлининг асосчиси. У Бағдодда туғилиб, ўзининг ҳаётини тўла шу шаҳарда ўтказди. Ёшлигида отаси вафот этиб, тоғаси – сўфий Сари Сақати (867 йил вафот этган) кўлида тарбия топди. У Ҳорис Муҳосибийдан ҳам илм ўрганди. Жунайд сўфийликда мунтазам руҳий покланиш воситасини кўрарди. Унинг фикрича, инсон учун ўзининг илоҳий қувват олдидаги ожизлиги ва унга жуда муҳтожлигининг абадийлигини билиш зарур.

Жунайд Бағдодий куйидаги уч поғонадан иборат сўфийлик назариясини асослаган:

1. Ягона ҳақиқий борлик – илоҳий борликдир.

2. Бутун борлик шу асосдан бошлангани учун яна шунга қайтади. Жамъ ҳолати учун тафриқ ал-аввал деб уни номлайди.

3. Жамъ ҳолатига етиш учун фанодан бақо ҳолатига етиш, яъни илоҳий ҳолатдан инсонларга янги сифат билан қайтиш – бақо баъд ал-фана, ал-фарқ ас-сани, ал-фарқ ат-табии, жам ал-жам – номлари билан аталадиган ҳолга етиш. Бу ҳолатда инсониятга илоҳий нур ва маърифатни тарқатиб хизмат қилиш<sup>22</sup>.

Демак, Жунайд Бағдодий тасаввуфга Боязид Бистамий томонидан киритилган фанони инсон камолоти, ёки бақо ҳолига етиши учун бир восита сифатида қараган.

**Бақо** – фанонинг зидди, давомийлик. Тасаввуфий истилоҳда кулнинг ўзида мавжуд нарсалардан кечиб, Аллоҳга оид ҳақиқатлар билан бақога эришиши. Башарий иродадан илоҳий, яъни энг олий иродага юксалиш.

Нақшбандия таълимотида ҳам бақо ҳолатига оид куйидаги фикрлар мавжуд:

**Нубувват камолоти** валоятини **бақо** деб ҳам номлайдилар. Биринчи ҳолатда Амр олами латоифлари бақога етган бўлса, иккинчи ҳолатда жисмдаги Халқ олами латоифлари ҳам аслини таниб бақога етади<sup>23</sup>. Кейин ҳақиқатлар очила боради. Дастлаб **Каъбаи Мукаррамаи Раббоний ҳақиқати**га етади. Бу даражада кашфлар бўлади, мушоҳадага етади. Кейин Қуръон ҳақиқати очилади. Кейин **Ҳақоик ал Ҳақоик** очилади. Бу Муҳаммадий ҳақиқатдан иборатдир.

<sup>22</sup> Акимушкин О. Ал-Джунайд /Ислам. Энциклопедический словарь. С. 68–69.

<sup>23</sup> Рисолаи дигар мансуб ба Соҳиб-зода. /Моле. Нақшбандиёт. Техрон, 1958. 322-бет.

## ИНСОН КАМОЛОТИДА БАҚО

Даража номи	Ҳолат
Бақо	<p><i>Бақо ба Аллоҳ</i></p> <p>Амр олами латоифлари асли</p> <p>Анбиёлар валояти</p> <p>Халқ олами латоифлари асли</p>

Жунайд Бағдодийдан битта «Расоил» асари сақланган. Улар мактуботлар, тасаввуфга оид рисола ва Қуръон оятлари шарҳлари тўпламидир<sup>24</sup>.

Жунайдийларни «товус ал-уламо»<sup>25</sup> – яъни уламоларнинг товуси деб атаганларини Хужвирий қайд этади. Сўфийликнинг барча таълимотларидан Жунайд Бағдодийнинг қарашлари маълум, машҳур ва кўпчилик томонидан тан олингандир.

Сукр ҳоли инсонни тобелик, қарамлик, маҳдудлик туйғуларидан халос айлаб, руҳий фаолликни таъмин этса-да, ақл ва иродага ён бермагани боис, Жунайд Бағдодий ва унинг издошлари сукрдан саҳвни устун қўйганлар ва сукр соҳибларининг ҳолатларини макбул ҳам кўрмаганлар. Жунайд тасаввуфда рационал йўлни бошлаб берган.

Ривоят этилишича, Мансур Ҳаллож Амр бин Усмон билан алоқани узгач, Жунайд Бағдодийнинг ҳузурига борибдилар. Жунайд: «Бизнинг ёнимизга нега келдинг?» деб сўраганида Ҳаллож: «Шайхнинг суҳбатидан баҳраманд бўлмоқ учун», деб жавоб берибдилар. Жунайд эса: «Мен телбалар билан суҳбат қурмасмен. Суҳбат ақлнинг комиллигини талаб этар. Акс ҳолда, оқибат салафларинг Маккий ва Тустарий каби бўлур», демиш. Ҳаллож: «Устод, саҳв ва сукр қулнинг икки сифати эрур. Қул башарий сифатларидан фориф бўлар экан, Раббисидан маъжуб қолур...» Жунайд: «Мансур, саҳв ва сукр ҳақида ғалат фикрдасен. Саҳв – Аллоҳ ила саломат бўлиш ҳоли эрур. Сукр эса шавқ ва муҳаббатнинг жўшишидир. Буларнинг иккисига ҳад қасддан ва мажбуран эриша олинмас...»<sup>26</sup>

<sup>24</sup> Ўша асар. 69-бет.

<sup>25</sup> Кашф ал-маҳжуб. 188-бет.

<sup>26</sup> Кашф ал-маҳжуб. 289-бет.



Тасаввуф оламида вужудга келган турли сулуклар комил инсон бўлишнинг турли йўл ва ўзига хос услубларини топганлар. Манбалар таҳлили кўрсатадики, барча йўлларни умумий бўлган хусусият – хушёрлик ва хушсизликка муносабатига қараб иккига бўлиш мумкин. Тасаввуфда хушсизлик – суқр ва хушёрлик – саҳв йўли деб аталади. Манбаларда Боязид Бистамий ва Жунайд Бағдодий йўли ёки ишқ ва маърифат йўли деб ҳам ёзилади.

Тасаввуфдаги икки оқим – хушсизлик ва хушёрлик оқими Нақшбандия тариқатидан анча олдин вужудга келган. Бу икки оқим ҳам амалиётда илоҳиёт билан интуитив етишиш мумкинлигини тан олиб, бунга эришишнинг руҳий йўлларини кўрсатганлар.

Тасаввуфдаги хушсизлик ёки суқр йўлини анъанавий Боязид Бистамий билан боғлаганлар. Унинг таълимотида энг биринчи экстаз ва илоҳий ишқдан маст ҳолатга тушиш (суқр) характерлидир. Бу оқим тарафдорлари Аллоҳнинг ягоналиги мушоҳадасига тўла ва чуқур берилиш ботиний покликка олиб келади ва шахснинг «Мен»и абсолют даражада йўқолиб, фано ҳолатига етади ва шахс илоҳий сифатни эгаллайди, деган фикрда турадилар.

Иккинчи саҳв хушёрлик оқими Абулқосим Жунайд Бағдодий (ваф. 910 й.) фаолияти билан боғлиқ. Унинг таълимоти шахснинг илоҳий сифатини тўла эгаллаш – фано ҳолатига тушишни тан олади. Лекин Жунайд фанони фақат ундан юксакроққа кўтарилишнинг оралик йўли, воситаси, деб билади. Шахс янада юксакроқ хушёрлик ҳолатига етиши керак.

Аллоҳни билиш, уни бақо даражасига олиб келишни ва илоҳий моҳиятни англаган шахс тўла ўз-ўзини бошқариш ва кузата олиш қувватига эга бўлиб, ўзини экстаз ҳолатидан қўлга олиб, яна бу оламга қайтиши ва кишиларга маърифат бериши керак, дейди. Бу оқим хушёрлик номини олди, чунки у ўз хисларига хушёр, танкидий қараш ва уларни тўла назорат қилишга асосланади. Бу оқим тасаввуфда мўътадил оқим деган ном билан ҳам юритилади.

Саҳв – хушёрлик йўлининг асосчиси Жунайд Бағдодийни «Султонал муҳаққиқин» ва «Абул машойих» номлари билан тилга олардилар. Унинг фикрича, ориф – мастлик ва беҳудлик ҳолатидан ақлга келиши ва ўзини англаши лозим. Ҳақни ўз қалбида мушоҳада қилиши керак. Жунайд фикрича, саҳв – хушёрлик Аллоҳга бўлган солиқнинг руҳий муносабатини мустаҳкам сақлай олади. Унинг фикрича, солиқнинг ўнг қўлида муқаддас китоб – Қуръон ва чап қўлида суннатни сақлаган шахс

тариқат йўлини босиб ўта олади. Абдурахмон Жомийнинг «Нафаҳотул-унс» асарида Абдулхолиқ Ғиждувоний ҳақида берилган таърифда: «Рўй ба роҳи Ҳақ дорад ва китоби Худойро иззу ва жалла ба дасти рост гирад ва суннати расулро ба дасти чап гирад ва дар миёни ин рўшнои роҳи сулук кунад»<sup>27</sup>. Мазмуни: «Юзини Аллоҳга борадиган йўлга қаратиб илоҳий китобни ўнг қўлида, Расул суннатини чап қўлида олиб ва бу ёруғлик орасида сулук йўли ила борган», дейилган. Бу сўзлар билан Жунайд Бағдодий кўрсатган йўл-йўриқлар айнан бир эканлигида чуқур маъно бор. Жунайд Бағдодий тасаввуфда катта обрўга эга эканлигини «Нафаҳотул-унс» асаридаги қуйидаги фикрлар кўрсатади: «Ҳар кас ки бо вай Жунайд ним рўз сўхбат дошта бошад аз вай беадаби намонад, фикайфа ки бештар»<sup>28</sup>. Мазмуни: «Кимки Жунайд билан ярим кун суҳбатда бўлса, ундан адабсизлик чиқмас, хусусан, ки кўпроқ».

Бу асарда «Абу Жаъфар Ҳаддодни қуйидаги сўзлари ҳам келтирилади: «Агар ақл эр киши бўлганида Жунайд суратида бўларди деганлар»<sup>29</sup>. Шунинг учун тасаввуфшунослар «Жунайдия йўлини ақлга кўпроқ аҳамият берувчи, олимликни устун қўювчилар»<sup>30</sup>, деган фикрни ёзадилар.

Бу икки йўлдан бирини танлаган мутасаввифларни шартли равишга аҳли маърифат ва аҳли муҳаббат деб ажратадилар. Маърифат аҳли – маърифат масалаларига кўпроқ аҳамият бериб, инсонни ўз-ўзини англаш ва маънавий маърифатни эгаллаш йўлларини таҳқиқ этадилар, макро ва микро олам алоқалари, комил инсон масалаларига кўпроқ тўхталадилар. Нақшбандия таълимоти ҳам шу йўлни танлаган.

Аллоҳга йўл боши «Халқдан Ҳаққа» етганда инсон касратдан ваҳдатга томон юз тутаети. Тавҳид ҳолатига етгач, «Ҳақдан Ҳаққа томон» бориб ал-Ҳақ сифатларини қалб кўзи билан кўради ва Ҳақдан Ҳаққа сафар қилиб илоҳий сифатларни ўзида кўради ва сўнг «Ҳақдан халққа сафар қилиб комил инсон даражасига етган ҳолда халққа маърифат беради.

Жунайд Бағдодий хушёрлик ҳолатини мастлик ҳолатидан юқорироқ кўяди ва айтади: **хушёрлик табиий ҳолат, мастлик ғайри табиий рухий ҳолатдир**. Шунинг учун Ориф – ҳақиқатга етганлар мастликдан ўзига келиши, хушсизликдан ақлга ва ғайбатдан хузурга келиб ҳақиқатни англаши лозим. Саҳв солиқнинг рухий ҳолати ва унинг ҳақиқатга муносабатини барқарор сақлайди. Жунайд ғояларини Абу Насри

<sup>27</sup> Жомий. Нафаҳотул-унс. 243-бет.

<sup>28</sup> Нафаҳотул-унс. 53-бет.

<sup>29</sup> Ўша жойда.

<sup>30</sup> Ҳазратқулов М. Тасаввуф. Душанбе: Дониш, 1990. 8-бет.



Саррож, Абуали Даққок, Абулқосим Қушайри ва тасаввуфнинг Қодирия ва Нақшбандия тариқатлари ривожлантирганлар.

Тасаввуфшунос олимлар Нақшбандия тариқатини жунайдия – хушёрлик йўлининг энг изчил давомчилари деб тан оладилар. Дарҳақиқат, бу тариқат комил инсон даражасига юксалиш учун таълимотдаги ўн битта талаблари орасида энг зарур ва аҳамиятлиси «Хуш дар дам» – «хар бир дамда хушёрлик» деган талабни қўйганлар. Шунинг учун Нақшбандия тариқати жаҳонда жуда кенг ёйилган ва у ҳақида «акрабу-ут-тариқ» – энг яқин йўл, деган таъриф мавжуд. Яъни бу тариқат олам моҳиятини англаш ва комил инсон даражасига юксалишнинг энг яқин йўлини кўрсатади, деганлар.

Сафийнинг «Рашаҳот айн ал-ҳаёт» китобида «Хуш дар дам» – «рашҳа» сифатида тавсифланади. Рашҳа – ҳаётбахш томчи маъносини англатади. «Хуш дар дам»ни рашҳа дейиш билан уни англаган ва унга амал қилган толиб ҳаётбахш қатрадан ичиб, абадий тириклик томон қадам қўйгандай бўлади, дейилади.

Нақшбандия таълимотининг пири бўлган Абдурахмон Жомийнинг устози Саъдуддин Қошғарий ёзади: «Хуш дар дам хар бир нафаснинг ғафлатда бўлмасдан хузур сиридан воқиflik ила ўтиши»<sup>31</sup> маъносини англатади. Унинг фикрича, Нақшбандия тариқати аҳли нафасни ҳимоя этишни муҳим деб билишлари лозим. Агар бирор киши нафасини муҳофаза қилмаса, у ҳақда фалон киши нафасини йўқотибди, яъни тарик йўлини йўқотибди, деб айтадилар. Демак, хар бир нафасдан огоҳлик ҳолатининг бўлиши, ғафлат, яъни йўлни йўқотишдан асрар экан.

Демак, Жунайд Бағдодий асослаган жунайдия йўлининг изчил давомчиси сифатида Нақшбандия таълимотида бу тариқат таъсирида қуйидаги тамойиллар шаклланган:

1. Бақо ҳолати.
2. «Хуш дар дам» тамойили.
3. Огоҳлик ва хушёрлик.

Тасаввуфда ақл билан иш юритиш, хушёр, огоҳ бўлиш, рационал йўл, маърифат тамойилини бошлаб берган жунайдия ғоялари нақшбандлар томонидан изчил ривожлантирилди. Бу тариқатнинг «Хуш дар дам» ғояси давлатимизнинг огоҳлик талаби билан уйғундир.

---

<sup>31</sup> Рашаҳот. 21-бет.



### 1.3. ЮСУФ ҲАМАДОНИЙ АСОСЛАГАН ҲАЁТБАХШ РАШҲАЛАР

Бухорои Шарифни дунёга танитган Етти Пир ва Яссавия таълимоти пиру муршиди Аҳмад Яссавийнинг Улуғ ва Мўътабар устози Юсуф Ҳамадоний (1048–1141) Нақшбандия таълимоти асосий тамойили бўлган 11 рашҳа – ҳаётбахш ўғитнинг тўрттасининг асосчисидир. Хожагон таълимотининг асосчиси Абдулҳолиқ Ғиждувонийга, Юсуф Ҳамадоний бу ўғитларни айтганлар. Юсуф Ҳамадонийнинг хушёрлик тамойили – «Хуш дар дам», собитқадамлик сари йўл – «Назар бар қадам», ватанпарварликнинг ўзига хос талқини – «Сафар дар Ватан» ва холис, ҳалол меҳнатсеварликка йўл – «Хилват дар анжуман»ни инсоният камолоти йўли сифатида кўрсатган<sup>32</sup>.

#### ХУШ ДАР ДАМ

Юсуф Ҳамадоний Хожагон таълимотига киритган биринчи рашҳа «Хуш дар дам» ҳисобланади. «Хуш дар дам» Юсуф Ҳамадоний томонидан тасаввуф таълимотига киритилган энг асосий ҳаётбахш ўғит бўлиб, бу рашҳа Хожагон ва кейинчалик Нақшбандияни хушёрлик, огоҳлик, дахлдорлик, онглилик, воқиғлик йўлидан бориб, жаҳоний таълимотга айланишига сабаб бўлди. «Хуш дар дам» рашҳаси ўзида «хуш» ва «дам» тушунчаларини уйғунлаштирган. «Хуш» – хушёр, огоҳ, воқиғ, ҳар бир ишнинг асли, моҳиятини англаш, зеҳн маъноларида келса, «дам» – нафас, он, вақт, замон мазмунини англатади. «Хуш дар дам» зоҳирий ва ботиний мазмунга эга рашҳадир.

Нега айнан «Хуш дар дам» рашҳаси биринчи ўринга қўйилган? Бунда бирор ҳикмат борми? Ундан кейинги, яъни «Назар бар қадам»ни «Хуш дар дам»дан олдин қўйса бўлмайдими? Ҳамма гап шундаки, «Хуш дар дам» машғулотни хаёлни жиловлаш, фикрни бир жойга тўплашга қаратилган. Хаёлни жиловлаш эса осон эмас. У гоҳ ўтмишга, гоҳ келажакка биздан сўроқсиз сайр қилаверади. Хаёл кирмайдиган кўча, у кезмайдиган минтақа йўқ ҳисоб. Шу сабаб, агар фикру хаёл жиловланиб, ёлғиз Аллоҳга қаратилмаса, солиқ кейинги рашҳаларга амал эта олмайди. Зеро, Юсуф Ҳамадоний рашҳалари фақат тил зикрига эмас, дил зикрига асосланади. Қўлга тасбеҳни олиб, шунчаки тилда «Аллоҳ» деган билан

<sup>32</sup> Наврўзова Г.Н., Нурматова Н.У. Юсуф Ҳамадоний – Етти Пирнинг табаррук устози. – Т.: «Mashhur-press» нашриёти, 2016. 93–133 бетлар.

мурод ҳосил бўлмайди. Ҳар нафасда тилни ҳам, дилни ҳам, фикрни ҳам Аллоҳ зикри, Аллоҳ ёди эгаллаши лозим. Кўришиб турибдики, «Ҳуш дар дам» рашҳаси кейинги рашҳаларга амал қилмоқ учун ҳал этувчи вазифани бажарар экан, шу боис у биринчи ўринга қўйилган.

Зоҳиран «Ҳуш дар дам» инсондан ҳар нафасни онгли, тўлақонли, шукроналик билан олишни англашиб, инсонни жисмонан ва ақлан камолотга етказса, ботиний маъноси ҳар дам, ҳар нафасни ғанимат билиб, илоҳий неъмат сифатида сақлашдир.

«Ҳуш дар дам» рашҳасини тасаввуф аҳли турлича талқин этганлар. «Аҳли тариқатнинг ибодати чиққан ва кирган нафаслардан огоҳ бўлмоқликдир», – дейди Боязид Бастомий. Саъдуддин Қошғарий «Ҳуш дар дам»ни қуйидагича шарҳлаган: «Нафас олмоқ ва чиқармоқ ғафлат билан эмас, балки ҳузур ва огоҳлик юзасидан бўлиб, ҳар бир нафас Аллоҳ таоло зикри билан ўтсин». Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор эса уқтирганларки, ҳар бир нафасни асраш ғоят муҳим, агар нафас огоҳлик билан олинса, ҳузурбахш бўлур. Ўз нафасини асрай олмаган (яъни Аллоҳ зикридан бошқа ишларга нафасини сарфлаган) киши уни йўқотади. Нафасни беҳуда сарфлаган тариқатни қўлдан бой беради.

Ҳазрат Баҳоуддин деганларки, бу йўлда нафас ҳал этувчи омилдир. Яъни нафас олганда хаёл на ўтмиш, на келажакка банд, балки хаёл ўтмиш ва келажак воқеаларидан озод бўлиши керак. Нафасни олиш ва уни чиқариш, шунингдек, икки нафас ўртасини ғоят эҳтиёт қилиш зарур. Зеро, нафас ғофиллик билан кириб чиқмасин.

Олмон адиби Гётенинг қуйидаги байтлари айнан мана шу рашҳалардаги ғоя таъсирида битилган:

*Нафас олмоқ ҳамда чиқармоқ эрур,  
Икки эҳсон, буни англамоқ зарур.  
Бири сиқар, ўзгаси янги қувват,  
Шулар сабаб ҳаёт гўзалдир ғоят.  
Аллоҳга шукр де, нафас кирган он,  
Шукр де нафасинг чиқарган замон.*

«Ҳуш дар дам» – ҳар дам, ҳар нафасда ҳушёр бўлишни англаувчи ибора бўлиб, у қоида сифатида нафас олиш қувватини назорат этиш, ҳар бир нафасни идора этиб, уни эзгулик йўлига, Ҳақ ризолиги учун сафарбар этишни назарда тутади.

Инсон саломатлиги учун энг зарурий асослардан бири нафас олиш

жараёнидир. Юсуф Ҳамадоний таълимотининг асосий тамойили бўлган «Ҳуш дар дам» тамойили нафас олишни тартибга солади. У бу жараённи ташқи ва ички томонидан мукаммаллаштириб, моҳиятини очади. «Ҳуш дар дам» тамойилининг **зоҳирий**, яъни ташқи томони ҳар бир оладиган нафасни тўғри, бутун ўпка қувватларини сафарбар этиб, олинган нафаснинг бутун вужудга тарқалиши учун ичида сақлаб, уни тўғри чиқариш ва нафас олиш жараёнида хушёр бўлиш, ҳар бир берилган нафас, кирадиган, чиқадиган нафаслар орасидаги вақтга шукроналик қилишдир. Бу оддий инсоннинг ҳам саломатлигини тиклайди, уни ёш, тетик ва ғайратли бўлишга ёрдам беради. Бу жараённи тўғри амалга оширган инсон жуда Гўзал бўлади.

Тасаввуф таълимотига Юсуф Ҳамадоний томонидан киритилган «Ҳуш дар дам» рашҳасига амал қилиш инсонни ҳар томонлама Гўзал ва Уйғун қилиб, ташқи томондан ва ботинан ўзгариш ва камолотга олиб келади. Буни биз қуйидагиларда кўришимиз мумкин:

– Инсон руҳи ва жисми онгли нафас олиш натижасида ёшаради, қувватли бўлади, ёш қариш ва бевақт ўлимдан сақлайди, ҳаракатчан бўлади;

– тўғри нафас олиш натижасида инсон бадани ортиқча туз, чиқинди, ёмон руҳ, ёмон кўз, суқ, ҳасаддан покланади ва соғлом бўлади;

– тўлақонли нафас инсон миясининг ишлаш қобилиятини оширади, ақлий фаолиятнинг самарадор бўлишига олиб келади;

– тўғри нафас олиш орқали инсон сезгирлиги, ҳис қила олиш қобилияти кучаяди ва ўзини барча хавф-хатардан ҳимоя эта олади;

– «Ҳуш дар дам» натижасида ҳужайралар тўйиниб яшайди, модда алмашинуви яхшиланади, тананинг барча яширин имкониятлари юзага чиқади. Инсон бутун коинот билан уйғун бўлади;

– мазкур рашҳа натижасида инсон танаси муқаддас руҳнинг манзилига айланади, астрал тана ҳаракати яхшиланади;

– инсон «ҳуш дар дам» рашҳаси асосида ўзи учун зарурий уч жараён: нафас олиш, овқат ҳазм қилиш, қон айланишни бошқариб, идора қила оладиган бўлади. Натижада инсон танасидаги қувватнинг асосий марказлари уйғонади.



## НАЗАР БАР ҚАДАМ

Юсуф Ҳамадоний асослаган ва кейинчалик Хожагон-нақшбандия таълимотининг асосий тамойилига айланган иккинчи рашҳа «Назар бар кадам» бўлиб, унинг мазмуни шундаки, камолот сари интилаётган кишининг назари доимо оёғи учига қаратилган бўлиши лозим, назар нолайиқ жойларга тушмаслиги зарур. «Назар бар кадам» рашҳасидаги «назар» сўзининг маъноси кўз қуввати, нигоҳ, қараш, кўриш, ақлу хуш, қалб кўзи, қалб нигоҳи бўлиб ва «кадам» сўзининг маъноси кадам босиш, қаергадир бориш, бирор иш қилиш маъноларини англатади. «Назар бар кадам» рашҳаси инсоннинг ўзини ўзи назорат қила олишга ўрганиши, ҳар бир қўяётган қадами нима мақсадда эканлигини англаб, таҳлил этиб, агар у кадам эзгулик йўлида бўлса давом эттириш, оқибати нохуш ҳолатга олиб келувчи ҳаракат бўлса, ўзини бу ишдан тўхтатиш, яъни инсоннинг нигоҳи ҳамма вақт қўяётган қадамида бўлмоғи лозимлигини талаб этади. Шунингдек, нигоҳнинг қадамга қадалган бўлиши инсонни кибру ҳаводан сақлаб, камтаринлик фазилатини шакллантиради.

Юсуф Ҳамадонийнинг «Назар бар кадам» рашҳаси хусусида мутафаккир алломалар ўз фикрларини билдирганлар. Масалан, Абдурахмон Жомий ўзининг «Тухфатул Аҳрор» асарида Ҳазрат Баҳоуддинга атаб ёзган байтида ушбу рашҳага қуйидагича шарҳ беради:

Гум зада бе ҳамдамии хуш дам,  
Дур нагузошта назараш аз кадам.  
Баски зи худ карда ба суръат сафар,  
Боз намонда қадамаш аз назар<sup>33</sup>.

*Мазмуни:*

У хушёр бўлмай бирор нафас олмади, ғафлат билан нафас олишдан кутулди, назари эса доимо қадамига қаратилган эди. У шу қадар катта суръат билан ўзлигидан узилиб сафар этди, аммо қадами назаридан ортда қолмади.

Сўфи Оллоёр ўзининг машҳур тасаввуфий «Саботул ожизин» асарида мазкур рашҳа тўғрисида қуйидагича ёзади:

*Кел, эй мўмин, агар тарсанда бўлсанг,  
Кўзингни асрагин ҳар қандай бўлсанг.*

---

<sup>33</sup> Рашаҳот. 34-бет.



*Қўйи бўлсин ҳаммиша нуқтаи чашим,  
Мабодо бўлмагай бало тушиб хашим.  
Назар қилгунча бад эй нафси маъюб,  
Тушиб кўз нуқтаси кўр бўлгани хуб.  
Саодатдур назар бўлса қадамда,  
Тажовуз айлагач бўлса надамда.  
Агар қон чашма бўлса, чашма эй меҳ,  
Хатарлик ерга тушгандан эрур беҳ.  
На хушдур дидай тарсанда бўлсанг,  
Вагарна косасидан канда бўлсанг.*

Юсуф Ҳамадоний тасаввуф таълимотига киритган «Назар бар қадам» рашҳадан мурод нигоҳни жиловлашдир. Чунки назар то ношоиста нарсаларга тушмаса, фикр бузилмайди, кўнгилда шайтон васвасаси авж олмайди. Демак, назар жиловланса, кўп гуноҳлардан одам тийилади.

«Назар бар қадам»нинг асл моҳияти – кўриш, назар қувватларини бошқаришни англатади. Баҳоуддин Нақшбанд рашҳани қуйидагича шарҳлайди:

*Эй, монда зи баҳри илм дар соҳил айн,  
Дар баҳр фароғат асту, дар соҳил шайн.  
Бардор сафи назар зи мавжи кавнайн,  
Огоҳ зи баҳр бош байнул нафасайн<sup>34</sup>.*

*Мазмуни:*

*Эй, илм денгизи соҳилида қараб турган киши,  
Денгизда фароғат бору, соҳилда ёмонлик.  
Сен назарлар сафини икки олам тўлқинларидан кўтаргин,  
Нафасларинг орасидаги дамда ҳам огоҳ бўлгин.*

Бу ерда денгиз – ботин олами, моҳият оламидир. Инсон бутун оламга мушоҳада назари билан, очик кўз билан қарайди. У ташки, зоҳир оламга назар этади. Шеърда ботинга, моҳиятга қара, зоҳир - яъни соҳил бу ёмонликдир, шунинг учун сен назарлар сафини тўлқинлардан олиб, денгизга қарагин деб таъкидланади. Инсоннинг ҳар бир назари ибрат бўлиши керак. Халқимизда бир нақл бор: «Бирни кўриб фикр қил, бирни кўриб шукр қил». Инсон ҳар бир қадамини ўйлаб оқибатининг хайрли бўлишини истаб, оҳиста ерга қараб юрса ердан қувват олади ва заминдай вазмину серҳосил бўлади.

<sup>34</sup> Рашаҳот. 32-бет.



Кўз инсонга берилган энг олий неъматлардан бири. Бу мўъжиза туфайли инсон борликни кўради. Кўриш қуввати қалб ҳолатига бевосита боғланган. Гўзал нарса ва ҳодисаларга қараш қалбнинг ҳолатини яхшилаسا, ифлос, хунук нарса ва ҳодисалар қуввати қалбни ўлдиради. Қалб соғломлиги ва поклиги кўзнинг қаерга ва кимга тушишига боғлиқ. Шунинг учун Баҳоуддин таъкидламоқдаки, «Назарларинг сафини икки олам тўлқинларидан олгин». Сароб, ўткинчи нарсаларга қараб кўз нуруни, кўриш қувватини зое этмаган ва ботин назари билан қараган кишига ҳақиқий илоҳий илм насиб этади. У ўзини билиб, Ҳаққа етади. Кўз қувватини асраш, ножоиз кишига қарамаслик, нолойиқ жойга боқмаслик қалб билан кўзни поклаб, қалб кўзининг очилишига имкон беради.

Бундай инсонлар назари кимга ва қаерга тушса, у ерга хайру баракот, эзгулик неъматлари ёғилади. Шунинг учун бундай инсонларни «Назар карда», «Назари Хўжа Хизр каби» деган иборалар билан таърифлайдилар ва имкони борича бу одам кўзининг болаларига тушишига, унинг назарига тушишга ҳаракат қиладилар.

Алишер Навоийнинг Фарҳодга берган таърифида ўзи, сўзи поклигини эътироф этиш билан бирга кўзи поклигини ҳам алоҳида таъкидлайди: «Кўзи покдир, сўзи покдир, ўзи пок...», – дея шоир Фарҳоднинг куч-қудратининг асоси поклик эканлигига эътиборни қаратади. Назарнинг поклиги қалб кўзини очишга ёрдам беради. Жалолиддин Румий бу ҳақда «Кўзни юмгин, кўзга айлансин кўнгил», деб таъкидлаган. Бухоронинг олтинчи пири, Баҳоуддин Нақшбанднинг устози Саид Амир Кулол шундай ёзган:

Ин дида бипўш то дилат дида шавад,  
Зи он дида жаҳони дигаре дида шавад.  
Гар равзаи дил ба зикри Ҳақ бикушои,  
Дар боми жаҳон ҳар чи бувад дида шавад.

*Мазмуни:*

Бу кўзни юмгин, то қалб кўзинг очилгай,  
Ундан бошқа жаҳон кўрингай.  
Қалб эшигини Ҳақ зикрига очиб қўйсанг,  
Жаҳон томида нима бўлса кўрингай.

Бу рашҳага амал қилган инсон ўз ҳаракати ва феълени бошқара олади. Шунинг учун Нақшбандияда таъкидланади:



Доим ҳама вақт, дар ҳама жой, дар ҳама ҳол  
Медор нухуфта чашми дил жаноби ёр.

*Мазмуни:*

Доимо, ҳамма вақт, ҳар ерда, ҳар ҳолатда,  
Яширин қалб кўзинг ёрга томон бўлсин.

Демак, сен барча ҳолатда ўзингни ўзинг идора этиб, Ҳаққа мақбул амалларни бажаришинг лозим.

«Назар бар қадам» рашҳасида назар билан бирга қадам қувватини бошқариш, ҳар бир қўяётган қадамни босишдан олдин ўйлаш тавсия этилади. Токи босилган қадам, «Билмайин босдим тиканни, тортадурман жабрини», «Сўнгги пушаймон ўзингга душман» дейдиган ачинарли ҳолатга олиб келмасин. Ҳар қадамни бошқариш билан инсон ўз ҳаётини тўғри йўлга солади. Юсуф Ҳамадонийнинг ўзи ҳам доимо ҳар бир қадамини ҳисоб-китоб қилган.

«Назар бар қадам» рашҳасининг моҳияти кўз ва оёқ қувватларини бошқаришдир. Мазкур рашҳа қадам қўйиш ва назар қилиш қувватларини эҳтиёт қилиш лозимлигини талаб қилади.

Инсон ўз қадамини ножоиз жойларга қўймаслиги, ҳар бир қадамини мушоҳада қилиб қўйиши ва юриш қувватини эзгулик томон сафарбар этиши лозим. Назар қадамни мунтазам кузатиши ва ҳар бир қадам Ҳаққа инсонни яқинлаштириши, илоҳий сифатларни олишига ёрдам бериши керак.

«Назар бар қадам» рашҳаси замиридаги ўғитлар ёшларни ножоиз йўлларга боришдан, ўйламай қадам босишдан асрайди. Демак, доим қадам қувватлари назарнинг назоратида бўлиши инсоннинг камолотига ёрдам беради.

«Назар бар қадам» инсонни кўз нуруни асрашга ундайди. Ҳозирги кунда ёшларимиз ўз кўз нуруни компьютер, мобиль телефонлардаги турли хил ўйинлар ва интернетдаги ножоиз сайтларга кириб онгини заҳарлайдиган маълумотларни кўриш, ўқиш жамият равнақига салбий таъсир кўрсатади. Юсуф Ҳамадонийнинг «Назар бар қадам» рашҳасини тушунтириш ва шу асосда тарбия қилиш ёшларнинг зарарли таъсирлардан холи бўлишига хизмат қилади.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, Юсуф Ҳамадонийнинг «Назар бар қадам» рашҳаси ҳозирги кунда ёшларни одам савдоси билан шуғулланувчилар домига тушиб қолишдан, ақидапараст ва экстремистлар йўли каби турли хатарли йўллардан сақлашга ёрдам беради.



## САФАР ДАР ВАТАН

Юсуф Ҳамадонийнинг инсоннинг ўзлигини англашга, уни Ҳазрати Инсон зотига мансуб, мукаррам ва муаззам, улуғвор ва борлиқ гултожи эканлигини билиб, фахрланишига ёрдам берувчи тасаввуф таълимотига киритган учинчи рашҳаси «Сафар дар Ватан» – «Ватанга сафар»дир.

«Сафар дар Ватан» рашҳасининг мазмун-моҳиятини билиш учун аввало «сафар» ва «Ватан» тушунчаларини Юсуф Ҳамадоний қандай мазмунда тасаввур қилганини англаш лозим. «Сафар» тушунчаси зоҳирий ва ботиний мазмунга эга. Зоҳиран сафар мазмуни инсонни тана ёрдамида Ватани бўйлаб сафарини англатади. Бундай сафар илм олиш, ҳунар ўрганиш, сайр қилиш, кўчиш ва бошқа мақсадларда амалга ошиши мумкин. Бундай сафар натижасида инсон кўпни кўради, турли инсонлар билан мулоқотга киради, турли шароитларда яшайди. Сафар вақтидаги қийинчиликларга қарата халқимизда «Йўл азоби, гўр азоби» деган нақл бор. Сафар натижасида инсон нафси риёзат чекади. Шунинг учун бўлса керак, «Мусофир бўлмасдан мусулмон бўлмас», дейилади. Сафар натижасида инсон ўз уйи, Ватани қадрини яхшироқ англаб, Ватан туйғусини ҳис қилади.

Сафарнинг ботиний мазмуни, руҳий сафардир. Бундай сафар инсоннинг ўзлиги, борлиғи, ботинида ақли, шуури, фаҳму фаросати билан амалга ошади. Руҳий сафар инсондан кўпроқ куч-қувват, ирода ва истак, ихтиёр, хотира ва хаёл қувватини талаб қилади. Инсон ҳушёр, огоҳ, воқиф бўлганида бундай сафар натижали бўлади. Ботиний сафарда тана аъзолари: кўз, қўл, оёқ ва бошқалар иштирок қилмай, балки ички ҳиссиётлар асосий роль ўйнайди. Бундай сафарда инсон ўз ботинидаги ҳар бир ўй-фикр, ҳиссиёт, хотира ва хаёлнинг боришини кузатиб, уларни ижобий томонга йўналтиради.

Юсуф Ҳамадонийнинг «Сафар дар Ватан» рашҳасидаги «Ватан» тушунчасини тор ва кенг маънода англаш мумкин. Тор маънода Ватан тушунчаси инсон танаси билан боғлиқ бўлган тушунча бўлиб, инсон туғилган жой, киндик қони тўкилган манзил-макон тушунилади. Бу маънода Ватан муқаддас маскан, она тупроқдир. Инсон дунёга келиб нафас олган, улғайган, она табиат ҳам Ватандир. «Ватанни севмоқ иймондандир» деганда инсон дунёга келган, илм олиб улғайган, камол топган юртни севиш назарда тугилади. Инсон камол топиб, шу юрт фарзанди бўлиб, уни эъзозлаши, асраши ва равнақи учун хизмат қилиши лозим.



Юсуф Ҳамадоний «Сафар дар Ватан» рашҳасининг асл моҳиятида Ватан инсоннинг ботинини англади. У инсоннинг ўзини алоҳида Ватан деб тушунтиради. Бунга сабаб тасаввуфда инсон зоҳиран кичик олам – олами асғар бўлса, лекин аслида у катта олам - олами акбардир, деб таъриф берилади. Бу борада Жалолиддин Румийнинг қуйидаги мисралари фикримизга далилдир:

Гар ба сурат олами асғар туи,  
Лек ба ботин олами акбар туи.  
Зоҳиран он ахтарон қаввоми мо,  
Ботини мо гашта қаввоми само.

*Мазмуни:*

Зоҳиран сен кичик олам бўлсанг-да,  
Ботинан сен акбар - катта оламсан.  
Зоҳиран юлдузлар сенга қувват бераётгандай,  
Ботинимиздаги нур бутун оламга қувват беради.

Хожа Аҳрор Валий томонидан ҳам инсон моҳияти ҳақида ёзган фикрлари тасаввуфдаги ушбу масала моҳиятини янада бойитади.

Эй нусхаи номаи илоҳи, ки туи,  
Эй оинаи жамоли шоҳи, ки туи.  
Берун зи ту нест ҳар чи дар олам ҳаст,  
Дар худбиталаб ҳар он чи хоҳи, ки туи.

*Мазмуни:*

Илоҳий номанинг нусхаси сенсан,  
Шоҳ жамоли (Аллоҳ)нинг кўзгуси сенсан.  
Сендан ташқарида эмас ҳар неки оламда бор,  
Ўзингдан тилагин, ниманики истасанг ўзингсан.

Шу ўринда яна Жалолиддин Румий шеърятидан парча келтиришни лозим топдик. Румий Аллоҳни ахтариб юрган инсонга қарата қуйидагиларни айтади:

Онҳо, ки талабгоре Худоед,  
Берун зи шумо нест Худоед, Худоед.  
Чизе, ки накардед гум аз баҳри чи жуеи,  
Андар талаби гумнашуда аз баҳри чароед.



*Мазмуни:*

Аллоҳни излайдиган эй инсонлар,  
Ани излашга ҳожат йўқ, Илоҳийсан, Илоҳийсан.  
Йўқотмаган нарсангни нега қидиряпсан,  
Йўқотмаган нарсангга нега паришонсан.

Инсон ўз ботинига сафар қилиб, ўз аслини топиб боқийликка эришади. Тасаввуфда «Ўлмасдан олдин ўлмоқ» деган тушунча бор. Инсоннинг ўлим ҳолати деганда унинг руҳининг ўз асли билан учрашиши ва боқий оламда абадий қолиши тушунилади». Ўлмасдан олдин ўлмоқ» – тирик ҳолатдан фоний бўлиб, ботинни поклаб, қалбни Аллоҳнинг назаргоҳига айлантирмоқдир. Юсуф Ҳамадоний инсоннинг ушбу ботинини унинг Ватани деб тушунтиради.

«Сафар дар Ватан» рашҳаси зохиран, тор маънода – кичик олам, яъни олами сағир бўлган кишининг ўз Ватанига сафарини англатади. Кенг маънода «Сафар дар Ватан» инсоннинг ўз ботинига ўзлигини англаш, ўз аслини билиш учун қиладиган сафаридир. Бундай сафар натижасида кичик инсон улуғ инсонга, Ҳазрати Инсонга айланишига тўсқинлик қиладиган Аллоҳ ва инсон ўртасидаги ҳижоб, тўсиқлар олиб ташланади, бундай инсон ҳақиқий ватанпарвар бўлади.

Мазкур рашҳа орқали Юсуф Ҳамадоний инсонни нақадар буюк, улуғ, гўзал илоҳий мавжудот эканлигини ва боқий барҳаётлигини кўрсатади. Юсуф Ҳамадоний асослаган ва ҳозирги кунгача ўз аҳамиятини сақлаб келаётган учинчи рашҳа «Сафар дар Ватан» солиқ – Ҳақ йўлидаги кишининг ўз табиатига сафари ҳисобланади. Ёмонликни тарк айлаб, яхшиликка юз тутиш, аста-секинлик билан одамийликдан фаришта сифатига кўчиш бу рашҳадан кўзланган мақсад ҳисобланади. Зеро, Мавлоно Саъдуддин Қошғарийнинг таъкидлашича, «Иллатлардан қутилмаган одам қаерга борса ҳам ўзи билан ёмонлиги ҳамроҳдир».

Толибни сафарда ёки ўз жойида муқим туриши ҳақида тариқат пирларининг фикрлари турличадир. Айримлари ибтидода сафар этиб охирида муқим турмоқликни тавсия этсалар, баъзилари ибтидода муқим бўлиб, охирида сафар қилмоқни жоиз деганлар. Яна шундайлар борки, ибтидода ҳам, интиҳода ҳам сафар қилмоқликни ман этишган. Айримлари эса, ибтидо ҳам, интиҳода ҳам сафар қилаверинг, дейишган. Лекин Хожагонлар тариқатида, агар солиқ ибтидода сафар қилиб ҳақиқий шайхга дуч келса, ул шайхнинг ҳузурда муқим туради. Агар шундай шайх ўз юртида топилса, умуман сафар қилинмайди, деб таълим

берилган. Убайдуллоҳ Аҳрор фикрича, ибтидода сафар қилувчи солиқ ҳеч қандай фойда олмайди, балки вақтини беҳуда ўтказди, паришонликдан бошқа нарсага муяссар бўлмайди. Толиб бирор азизнинг суҳбатига эришса, азиз этагини маҳкам тутиб, чидам ва ихлос билан то камолга етмагунча қимирламасин. Бир киши Боязиддан сўради: «Бу толиблар йўл юрмакдин бир дами ором олмайдилар?» Боязид деди: «Мақсуд ва матлуб муқимдир. Мусофир эрмас, муқимни сафардан изламоқ яхши эмас». Бу ривоят ҳам далолат бериб турибдики, муроду мақсадга «Ватаннинг ўзига сафар» қилиб, яъни муқим туриб эришса ҳам бўлади.

Юсуф Ҳамадоний «Сафар дар Ватан» рашҳасинининг моҳиятини англашга қуйидаги рубоий ёрдам беради:

### **Рубоий:**

Ё раб, чи хуш аст бе даҳан хандидан,

Бе воситаи чашм жаҳонро дидан.

Бинишин, сафар кун, ки бағоят хуб аст,

Бе заҳмати по гирди жаҳон гардидан<sup>35</sup>.

*Мазмуни:* Ё раб! Оғизсиз (яъни ичдан) кулмоқ нақадар яхши кўзни очмай (яъни кўзсиз) бутун жаҳонни кўриб турмоқ нақадар соз! Бир жойда қимирламай туриб оёқсиз бутун дунёни кезиб чикмоқ нақадар яхшидур. Абдурахмон Жомийнинг «Шиккат ул-ламъаат» рисоласида қуйидаги байт келтирилиб, ушбу рашҳа шарҳланган:

Ойнаи сурат аз сафар дур аст,

Ки он пазиройи сурат аз нур аст<sup>36</sup>.

Мазмуни: Ўзида суратни қабул қилувчи, яъни қалб ойна сурат сари сафар қилмайди. Негаки, у нур туфайли суратни қабул қилур, яъни унда суратнинг ўзи тажаллий этур. Шунга ўхшаб, юрак ҳам ўзини поклай олса, дунёвий нарсалардан кечса, софлик билан безанса, ҳар қандай таъма, беҳуда ҳаваслардан кечса, ундай юракда Аллоҳ нури тажаллий этади ва шудан кейин бундай одамга сафар этмоқ даркор эмас. Чунки юрак сайқалланган бўлса сафарга эҳтиёж қолмайди.

Саёҳатга бўлган муносабатига қараб Юсуф Ҳамадоний асослаган Хожагон таълимотидаги «Сафар дар Ватан» рашҳаси амал қилиши билан бошқа тариқатлардан фарқланади. Сафар икки хил: баданий сафар ва маънавий сафар маъноларида келади. Бу таълимотда ўзига муршиди

<sup>35</sup> Рашаҳот. 35-бет.

<sup>36</sup> Рашаҳот. 35-бет.



комил топгунча баданий сафар мумкин, лекин ундан сўнг маънавий сафар бошланади. Маънавий сафар нафс ва рух саёҳатидир. Бу саёҳат жисмоний саёҳатга нисбатан анча машаққатли кечади. Ёмон хулқдан яхшига, замима ахлоқдан ҳамидага, нафс орзуларидан Ҳақ амрига, бадан ҳокимлигидан рух салтанатига, моддий оламдан маънавий оламга, халқдан Ҳаққа, касратдан ваҳдатга қалбан ва руҳан йўл очмоқдир. Бу сафарни ниҳоясига етказган киши Комил Инсон бўлади.

Барча мумтоз тариқатларнинг моддий унсурлари бор, яъни улар ташки кийимларига эътибор берадилар. Юсуф Ҳамадоний асослаган Хожагон таълимотида махсус жой, махсус кийим бўлиши талаб қилинмайди. Улар зоҳиран халқ билан ва ботинан Ҳақ билан бўлишга амал қилганлар.

Шунинг учун Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд айтганлар:

Аз дарун шав ошнову, аз берун бегонаваш,  
Инчунин зебо равиш кам мебувад андар жаҳон<sup>37</sup>.

*Мазмуни:*

Ичдан ошно бўлу, ташқаридан бегонадай бўл,  
Бундай гўзал равиш бутун жаҳонда оздур.

Бу мисралар орқали инсон қалбида Тангрини сақлаши ва бунини бошқаларга билдирмаслиги ҳамма қатори меҳнат қилиб яшаши зарур дейилади. Бундай пок, гўзал равишни жаҳонда оз учраши кўрсатилади. Буларга ботиний сафар натижасида эришиш мумкин.

Хожа Муҳаммад Порсонинг «Фасл ул-хитоб» асарида Юсуф Ҳамадоний ва унинг ҳикматли сўзлари ҳақида маълумотлар берилган. Асарда «Сафар дар Ватан» қоидаси қуйидагича изоҳланган. Бунинг маъноси шуки, сафардан мақсад – сафар машаққат тортишга сабабдир, машаққат эса нафсни тоблантиради, аммо нафсни кучдан қолдиради. Нафснинг хор бўлиши нафсоний ва шахвоний истак-майлларнинг тийилиши ҳамда қалбнинг покланишига ва ислоҳ бўлишига олиб келади.

Пировардида инсонда жамиятдаги ўз мавқеига нисбатан масъуллик ортиб, унинг элпарварлик, ватанпарварлик, инсонпарварлик, меҳр-муҳаббат, ғурур, ор-номуси каби туйғулар шаклланади ва ривожланади. Инсон ўз ҳаётини олий кадриятга айлантириб инсонийлик мақомини сақлаш ҳамда уни юксалтиришга интилади. Хулоса қилинса, демак, инсон ўз аслига, яъни илоҳий сифатларига қайтишига ишора қилувчи ушбу асос чин ахлоқий маъно билан бирга ирфоний мазмун ҳам касб

<sup>37</sup> Анис ат толибин. 58-бет.



этади. Инсоннинг сафари ҳам инсон учун билиш воситаси бўла олади. Фақат у ақл-идрок билан бор нарсаларда ҳикматни илғаши туфайли ҳосил бўлади<sup>38</sup>.

«Сафар дар Ватан» қондаси замирида инсоннинг ўз аслига сафари назарда тугилади. У башарий сифатларидан илоҳий сифатлари сари ёмон хулқлардан яхши хулқлар сари юксалиши лозим. Иккинчи маъноси, сафар қилмоқни лозим топиши керакки, у инсон учун ҳикматни танишда асос бўлади. Инсон ўз вужудини тафтиш этиши, барча ғуборлардан покланиши муҳим саналади. Зеро, сафар машаққати нафсни ислоҳ этишнинг йўлларида биридир.

«Сафар дар Ватан» рашҳаси орқали қалбни поклашга асосий талаб қўйилади. Чунки қалб Аллоҳнинг назаргоҳи, манзили, маконидир. Рашҳада қалб ҳолатини назорат этиш билан инсон ботинидаги қувватларни идора этиши назарда тугилади. Яъни қалбда ўрнашиб олган, уни ҳалокатга олиб борадиган, инсон ҳаёти мазмунини йўқотадиган кибр, ҳасад, ғазаб, нафрат, гина, кудурат каби иллатлардан покланиш ва ниятни поклаш даражасига етиш мумкинлиги таъкидланади. Баҳоуддин Нақшбанд бу маънода шундай дейди:

Зи ғайрат хонаи дилро зи ғайрат кардаам холи,  
Ки ғайратро намешояд дар ин хилват саро будан<sup>39</sup>.

*Мазмуни:*

Ғайрат қилиб, ғайрдан (яъни иллатлардан) қалбни покладим,  
Чунки иллатлар бу хилват маконига арзимайдилар.

Кибр, ҳасад, гина, ғазаб қалбнинг қувватларини кана каби сўриб олиб, инсон қувватини ёмонликка йўналтирадилар, нафсининг қулига айлантирадилар. Қалб ва ботинни поклаш инсонни эзгу ниятли, эзгу сўз ва амалли бўлишига ёрдам беради. Яъни инсон илоҳий ахлоқ билан безанади.

Тожик олими Аълоҳон Асфаҳзод Нақшбандиянинг мазкур талабини қуйидагича изоҳлади: «Сафар дар Ватан – сўфий ўзининг талабларида сафар қилишни ҳамда ёмон ахлоқни тарк этиб, фаришталар даражасига етиш керак»<sup>40</sup>. Бу талабда сафар – моддий саёҳат, бир жойдан бир жойга боришни англамайди, балки у ботиний, ички, руҳий саёҳатни англатади.

<sup>38</sup> Қаранг: Намозов Б. Хожа Муҳаммад Порсонинг фалсафий таълимоти. – Тошкент, «Мумтоз», 2015 й.

<sup>39</sup> Яъқуб Чархий. Рисолаи унсия. Самарқанд: 2022. 30-бет

<sup>40</sup> Асфаҳзот А. Адабиёти форсу тоҷик дар нимаи дуввуми асри XV- Душанбе, 1989. – Саҳ. 25.

Яъни бу сафар натижасида киши ўзининг табиатини чуқур ўрганиб, ундаги ёмонликларни тарк этиши ва яхши сифатларга томон сайр этишни мушоҳада қилади. Асосий мақсад – ўзининг ботинидан кина, ҳасад, кибр, ғазаб, буғз ва шунга ўхшаш ёмон иллатлардан қутулиш ва фаришталарга хос сифатларни эгаллашдир. Бу ботиний сафар туфайли қалб пок бўлади ва ёр билан хилватда висолга эришишда ёмон хислатлар халақит бермайди.

«Сафар дар Ватан» туфайли ботин пок бўлиб, хилват учун имконият туғилади. Юқорида айтилган талаблар натижасида инсон мукаммал ҳаракатни ўрганади. Бунинг натижасида солиқ ўз қалбида Аллоҳнинг сифат, феъл, зотини кўради. Бундай мукаммал ҳаракат натижасида солиқ Тангрининг тажаллий этиш манзилига айланади. Шунинг учун ас-Сафий «Рашаҳот айн ул-ҳаёт» китобида бу талабларни рашҳа – ҳаёт берувчи қатралар деб тўғри таърифлаган.

«Сафар дар Ватан» инсонга ўзлигини англашга ёрдам беради. Ўзлигини англаган шахс эса Ватани равнақиға беқиёс ҳисса қўша олади. Мазкур рашҳа комил инсонни тарбиялашни ўз олдига асосий мақсад қилиб қўяди. Комил инсон қуёш каби Ватанига нуру зиё таратади. У Ватанининг тирик виждонига айланади ва ўз халқини ҳушёрликка ва уйғоқликка даъват этади.

## ХИЛВАТ ДАР АНЖУМАН

Юсуф Ҳамадоний тасаввуфий таълимотида инсон ҳаётининг мазмунини холис, эзгу ният ила ҳалол меҳнат қилиш ташкил этади. Шунинг учун бу таълимот жаҳонга танилгандир. Юсуф Ҳамадоний таълимотининг дунёвийлик хусусиятини ва ҳаёт мазмунига оид қарашларини очиб беришга «Хилват дар анжуман» рашҳаси ёрдам беради.

«Хилват дар анжуман» тамойилининг моҳияти шундаки, Тангрини таниш учун анжумандан узоқлашишга зарурат йўқ. Балким «Даст ба кору дил ба Ёр», «Дил ба Ёру тан дар бозор» деб ҳалол меҳнат қилиш лозим. Юсуф Ҳамадоний таъкилайдики, Тангрини таниш учун чилла ўтириш, узлатга чекинишга зарурат йўқ. Аксинча, ҳалол меҳнат билан, жамоага фойда келтириб, фано бўлиш ва боқийлик даражасига етиш мумкин. Чунки ҳалол меҳнат жараёнида инсон нафсини жиловлайди, ўзини танийди ва шу орқали Тангрини ҳам танийди. «Хилват дар анжуман» талаби асосида вужудга келган «Даст ба кору дил ба Ёр» талаби орқали



бу таълимот XV асрда Мовороуннаҳр ва Хуросонда хунармандлар ўртасида катта эътибор топган. «Хилват дар анжуман»даги кундалик турмуш билан зоҳирий ҳаракатда фарқ йўқлиги, яхшилик, олий ҳиммат, меҳнатга муҳаббат, хунармандчилик, деҳқончилик қилиш, фақат ўз меҳнати билан кун кечириб, текинхўр, мағрур, насабпараст ва шунга ўхшаш дарвешларни танқид қилиши бу йўлнинг обрў ва нуфузини халқ ичида кўтарди. Шунинг учун Бухоронинг етти пирлари, Хожа Исмаил, Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий, Давлатшоҳ Самарқандий ва бошқалар бу йўлни танладилар<sup>41</sup>.

«Хилват» – арабча сўз бўлиб, ёлғизлик, ёлғиз ўтириш, ёлғиз ўтирадиган жой, бегоналардан холи бўлган жойда ўтириш<sup>42</sup> маъноларини англатади. «Анжуман» – жамият, мажлис, одамлар жамоаси, халқ, кишиларни англатади. Бир қарашда бу икки сўзнинг бир-бирига қарама-қарши маънога эга эканлиги маълум бўлади. Умуман олганда хилват анжуманни ва анжуман хилватни инкор этади. Аммо Юсуф Ҳамадоний тасаввуфий таълимотида бу қарама-қаршилик ўзига хос йўллар билан уйғунлаштирилган.

Юсуф Ҳамадоний «анжуманда хилват» орқали бир-бирига муқобил кўринадиган бу тушунчаларнинг, ботиний йўллар билан уйғунлаштириш воситаларини топган. У ўз издошларига «анжуманда хилват» талаби орқали риёсиз фақат Тангри ризолиги учун пок амаллар қилишни ўргатган ва бу билан инсонлар ҳаётининг мазмунини, камолот йўлини белгилаб берган.

«Хилват дар анжуман» Нақшбандия таълимоти асосида турадиган 11 талабнинг биридир. Уни Юсуф Ҳамадоний Абдулхолиқ Ғиждувонийга насиҳат қилган<sup>43</sup>. Хожаи Жаҳон уни қабул этиб, ўзи асослаган Хожагон тариқати учун қоида қилиб қўйган. Баҳоуддин Нақшбанд муршидидан бу ўғитни қабул қилиб, такомиллаштириб мукамал қилган ва ўзи асослаган тариқатнинг негизи сифатида қўйган ва шунинг воситаси билан комил инсон бўлишнинг энг яқин ва энг мақбул йўлини кўрсатган.

Баҳоуддин Нақшбанд Ҳиротда бўлганида Малик Ҳусайн билан учрашади. Малик Ҳусайн у кишидан сўрайди: «Сизнинг хулафонгизда жаҳр билан зикр айтиш, хилват ва самоъ борми?» У киши жавоб бердилар: «Йўқ». Яна сўрайдилар: «Сизнинг тариқатингизнинг асоси нима?» Баҳоуддин буюрдилар: «Анжуманда хилват, Ватанда сафар,

<sup>41</sup> Мирзозода Х. Таърихи адабиёти тоҷик. – Душанбе, 1989. – С. 85. 2

<sup>42</sup> Фарҳанги забони тоҷикӣ. Иборат аз ду ҷилд. – Ҷ. 2. – М., 1969. – С. 477.

<sup>43</sup> Ориф Усмон. Баҳоуддин Нақшбанд ва унинг таълимоти ҳақида. – Тошкент: Университет, 1993. 17-бет.



зоҳирда халқ билан ва ботинда Ҳақ билан бўлиш»<sup>44</sup>. Баҳоуддиннинг бу жавоби кўрсатадики, унинг таълимоти асосини Юсуф Ҳамадонийнинг рашҳалари ташкил этади.

Юсуф Ҳамадонийнинг «Хилват дар анжуман» тамойили ҳалол лукмага риоят, қаноат, ўз меҳнати билан кун кечиришга чақиради. Бу эса Юсуф Ҳамадоний ва унинг издошларини жаҳонга машҳур этган «Даст ба қору дил ба Ёр» – «Кўл ишдаю қалб Аллоҳда» шиорларини ҳам келтириб чиқарган. Кўпинча мазкур таълимотнинг асосий йўналиши, маъносини белгилаб турадиган бу шиор «Дил ба Ёру даст ба қору!» (Дил Худо билан ва қўл меҳнат билан), деб ёзилади ва талқин этилади. Қолбуки, бу машҳур шиор «Рашаҳот айн ул-ҳаёт» асарининг Хожа Аҳрорга бағишланган (иккинчи) қисмида Хожа Абдулҳолиқ Ғиждувоний тилидан шундай тарзда берилган: «Мифармудандке, Ҳазрати Хожа Абдулҳолиқ Ғиждувоний (қ.с.) фармуданке, гароний аз халқ бармибояддошт ва он намишавад, илло бо касби ҳалол даст ба қору, дил ба ёр дар тариқи Хожагон (қ. с. арвоҳам) амри муқаррар аст»<sup>45</sup> деб ёзилган. Мазмуни: Ҳазрат Абдулҳолиқ Ғиждувоний буюрадилар: «Халқнинг оғирлигини енгил қилмоқ керак. Бу эса фақат «Кўл меҳнатда ва қалб Аллоҳда», дейилган. Хожагонларда муқаррар амр ила ҳалол касб билан бўлади.

«Рашаҳот айн ул-ҳаёт» асаридан келтирилган юқоридаги иқтибос «Даст ба қору дил ба Ёр» шиорининг моҳиятини очиб беради.

Хожа Абдулҳолиқ Ғиждувоний бу шиорни айтишдан олдин «гарони аз халқ бар мебояд дошт» дейдилар. Гарони – сўзининг мазмуни оғирлик, мушкулликдир.

Яъни халқнинг оғирини енгил қилиш керак, дейилмоқда. Бунинг учун эса меҳнат қилиш, қўлни ишда қилиб, қалбда Аллоҳни асраш лозим. Фақат шу йўл билан кишиларнинг оғирини енгил қилиш мумкин. Баҳоуддин Накшбанд бу шиорни «Дил ба Ёру даст ба қору» деб ҳолис меҳнат жараёнини унумдор эканлигини таъкидлаганлар.

«Дил ба Ёру даст ба қору» шиори, меҳнат жараёнида ҳалоллик ва эзгулик билан ишлайдиган киши, албатта, Аллоҳни қалбида сақлайди, яъни тилида эмас, дилида Аллоҳ, эканлигини англатади. Чунки у Аллоҳ берган ҳар бир нафас ва ҳар бир неъматини англаб, улардан тўла эзгулик йўлида фойдаланади. Мантиқан чуқур тааммул қилсак, кўринадики, Аллоҳнинг дийдорига муяссар бўлиш, Ҳаққа етишнинг энг яқин ва

<sup>44</sup> Муҳаммад Боқир, Макомати ҳазрат хоча Накшбанд. – Бухоро: Бухорои шариф. 53–54-бетлар.

<sup>45</sup> Рашаҳот. 255-бет.



тўғри йўли, бу бир касбу хунарни мукамал ўрганиб, ўшани ҳалоллик билан бажаришдир.

«Дил ба Ёру даст ба кор» – инсон Аллоҳ яратган мавжудотларнинг энг шарафлиси ва аълосидир, унинг Зоти тажаллийси, демак, унинг борлиғи илоҳий борлиқ билан узвий бирликда бўлади, деган фикрни уқтиради. Бу борлиқ инсонда шукроналик туғдиради ва инсон қалби орқали намоён бўлади. Демак, инсоннинг Аллоҳ билан илоҳий-ирфоний муносабати унинг зотини фавқуллодда шарафли қилиш билан бирга ўзининг ҳар бир нафасида у Олим, Нозир, Қодир ирода назарида туришини ҳам чуқур англатади ва борлиқда унинг зухуротини кўради. Шунинг учун у берган неъматларни эзгуликка сарф этади ва қўлини ҳам кишилар оғирлигини енгил қилиш учун равона этади.

Демак, «Хилват дар анжуман» таълимоти покланиш ва камолотга эришувнинг асоси эзгулик, яхшилик қилиш, халқ мушқулини осон этиш деб тушунади. Бу эса фақат Аллоҳни қалбга жойлаб, тақво ва тоат қилиш билан эмас, балки аввало, Аллоҳ берган қўлни меҳнатга банд қилиш, яъни маълум хунарни эгаллаб одамларга фойда келтириш заруратини тақозо этади.

Тасаввуф таълимотида оламда яратилган барча нарсалар Аллоҳнинг зухуроти эканлигини кўрсатиб, улар маълум мақсадда яратилиши таъкидланади. Ҳар бир киши нарсанинг моҳиятини кўра билиши, унинг ботиний, ички томонини англай олиши керак. Аллоҳ сўзламайди, у яратгани орқали бизларга нима демокчи бўлса, англатади. Демак, инсонни ҳам қўл билан яратибдими, бу қўллар эзгулик, яхшилик учун хизмат қилиши ва ҳалол меҳнат билан шуғулланиши керак.

Аллоҳ инсонларга қўлларни ато этиб, бизни меҳнат қилишга чорлаган. Лекин сўфийлар дунёдаги бойлик ва мол-мулкдан кўнгил узган кишилар бўлганидан, улар бу меҳнатни ўзгалар оғирини енгил қилиш учун бажарадилар. Бундай холис, эзгулик ниятидаги меҳнат жараёнида инсон руҳан юксалади. У топган нарсаларини муҳтожларга улашиб, фақат эзгу ишлар билан шуғулланади ва руҳан эркин бўлади.

Ориф Усмон «Баҳоуддин Нақшбанд ва унинг таълимоти ҳақида» рисоласида мазкур шиорнинг фавқуллодда муҳимлиги ва Нақшбандия (Хожагон) таълимотининг туб моҳиятини ва ижтимоий-дунёвий аҳамиятини белгилаб беришини назарга олиб, унинг ўзбекча, туркча ва татарча таржималарини ҳам келтирган. Бу машҳур шиордаги «даст ба кор», яъни «қўл ишда» талаби «дил ба Ёр»лик ҳолатидан олдин келган. Бу эса Нақшбандия таълимотида ижтимоий-дунёвийлик асосий масала



эканлигидан далолат беради. Ҳар бир киши аҳил меҳнат қилиши билан ўзининг имонли эканлигини кўрсатишини исботлайди.

Тасаввуфшунос тожик олими А. Муҳаммадхўжаев хилватни инкор этиб, меҳнат билан кун кечиришни Абу Али Даққоқ, Нажиб Сухраварди, Абу Сайид Абулхайрлар ҳам тавсия этганини ёзган<sup>46</sup>. Шунингдек, бу мазмунда иш олиб борган бошқа валий ва шайхлар ҳам мавжуд. Аммо шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, фақат Юсуф Ҳамадоний ўзининг таълимоти асосига «Хилват дар анжуман»ни қўйди ва бу таълимотни мукамал такомил этиб таҳлил қилди. У қандай қилиб анжуманда хилват қилиш мумкин эканлигини исботлади. Ўзи ўз ҳаёт йўли орқали бу амалнинг афзаллигини кўрсатди.

Тасаввуфшунос олим Н. Комилов «Тасаввуф» китобида «хилват ва анжуман»га махсус боб ажратиб, уни чуқур таҳлил этади. Хилват ва анжуман тушунчаларининг шаклланишида икки ҳадис – «Ислолда роҳиблик йўқ» ва «Фақирлик менинг фаҳрим»нинг ўрни борлигини исботлаб беради<sup>47</sup>.

«Хилват дар анжуман» рашҳаси таълимотнинг инсонпарварлик моҳиятини очиб беради. Чунки бу ерда хилват танҳолик, ёлғизликда яшаш, узлатга чекиниш, чилла, оила ва жамоани тарк этиш маъносида эмас, балки анжуманда, кишилар ўртасида бўлиб, меҳнат билан шуғулланиш қалбда Аллоҳни асрашни ифода этади ва бу билан бошқа тасаввуф тариқатларидан устун туради. Зоҳирда халқ билан бўлиш, у билан бир хил яшаш ва меҳнат қилиш, оилани тебратиш деган маънони англатади.

«Хилват дар анжуман» таълимотида Баҳоуддин Нақшбанд хилват мавзеини қалб ва хилватни ботинда Ҳақ билан бўлиш деб тушунган. Баҳоуддин бу маънони шундай назмга туширган:

Зи ғайрат хонаи дилро, зи ғайрат кардаам холи,  
Ки ғайратро намешоят, дар ин хилват саро будан<sup>48</sup>.

*Мазмуни:*

Ғайрат қилиб қалб уйини ўзгалардан бўшатдим,  
Чунки ўзга бу хилватгоҳга арзимайди.

---

<sup>46</sup> Муҳаммадходжаев А. Идеология нақшбандизма. – Душанбе: Дониш, 1993. – С. 169–170.

<sup>47</sup> Нажмиддин Комилов. Тасаввуф ёки комил инсон ахлоқи. – Тошкент: Ёзувчи, 1996. 90–113-бетлар.

<sup>48</sup> Мавлоно Яъқуб ибн Усмони Чархи. Мухтасар дар баёни силсилаи Нақшбанд: Қўлёзма. ЎзФАШИ. N 9328-1. – В. 7.

Маълум бўладики, хилватгоҳ – қалбада, Ёр – Тангри билан бўлиш учун, биринчидан, ғайрат керак, иккинчидан, барча Тангридан ўзга нарсалардан қалбни пок этиш лозим экан. Бу учун аввало, **огоҳ** ва **хушёр** бўлиш ва ғафлатда қолмаслик зарур. Бунда киши ўзини таниши ва ёмон ахлоқдан пок бўлиши керак. Шундан келиб чиқадики, «Хилват дар анжуман» талаби «хуш дар дам», «Назар бар қадам», «Сафар дар Ватан» талаблари билан ўзаро боғлиқ экан.

Хилватнинг луғавий маъноси «чекиниш» деганидир. Чекиниш халқдан, жамиятдан, ташқи муҳитдан узилиш демакдир. Токи узилмай туриб боғланиб бўлмайди. Хилватнинг тури икки хил бўлади:

1. Танҳо хилват
2. Анжуманда хилват.

Тариқатда то Юсуф Ҳамадонийгача «Танҳо хилват» тушунчаси мавжуд эди. Лекин Ҳамадоний «Анжуманда хилват» тушунчасини таълимотга олиб кирди. Маълумки, танҳо хилват – халқдан чекиниш, панага ўтиш, яширинишдир. Жисмоний якка шахснинг ўз рухий-маънавий олами билан тўлиқ бирикувидир. Бу ишда «анжуман», яъни халқ, жамият ва бошқа ташқи муҳит халақит беради. Шунинг учун ҳам «танҳо хилват» масаласи тасаввуф тариқатларида жорий этилди. Танҳо хилват, чилла, узлат, оила, маҳалла олдидаги масъулиятдан кишини узоқлаштиради ва шуҳрат, кибру ҳавони келтиради.

Аммо Хожাগон таълимоти асосчиси Юсуф Ҳамадоний тариқат талабларига «Анжуманда хилват» қоидасини киритдики, бу юқоридаги «танҳо хилват» тушунчасидан бирмунча фарқ қилади. Зеро, бу тариқат йўли «суҳбат» усули билан амалга ошгани учун ҳам анжуманни талаб қилар эди. Бинобарин, «анжуманда хилватни» ҳосил қилишга эҳтиёж туғилди.

Анжуманда хилватни қандай ҳосил қилиш мумкин? «Анжуманда хилват»да ҳам «танҳо хилват» каби халқдан чекиниш билан юз беради. Аммо бу ерда ёмон ҳамсуҳбатдан узоқлашиш талаб этилади. Бу шундай хилватки, икки ёки ундан ортиқ ҳаммаслак, ўзаро «мен», «сен» тушунчасига эга бўлмаган, руҳиятида ягона Аллоҳ ишқи билан ёнган ўнлаб, юзлаб кишиларнинг бир одамга айланиши демакдир. Бу талқин моҳиятини очиш учун тасаввуф тарихидаги битта ривоятга мурожаат қиламиз. «Бир жиноят содир бўлиб, тариқатдаги бир неча солиқни қози ҳузурига гувоҳликка олиб келишади. Уларни қози якка ҳолда сўроқ қилганида ҳаммасидан бир хил жавоб олади. Шунда қози ёрдамчисини

койиб дейдики», Сен менга битта одамни олиб келдинг, холос, зеро улар (тарикатдагилар) сонда бир неча кишидан иборат бўлса-да, сифатда якко шахсдир».

Юсуф Ҳамадоний киритган тўрт устуни – мустаҳкам қоидасининг тўртинчиси «Хилват дар анжуман» ҳисобланади. Юсуф Ҳамадоний асос солган Ҳожагон таълимотининг пойдеворини ҳам ушбу қоида ташкил этади. Тарикат хослар иши. Тарикатдаги қоидалар эса унинг хусусий сир-асрорларидир. Бу билан тарикат эришган руҳий-маънавий камолот меваларидан кенг халқ оммасини мутлақо баҳраманд этиб бўлмайди деган фикрдан йироқмиз. Ҳожаи Авлиёи Кабир дейдиларки, зокир зикрга шу даражада берилсинки, ҳатто бозорда бўлганда ҳам шовқин сурон унинг қулоғига кирмасин, ҳеч қандай ташқи ҳодиса уни зикрдан чалғитмасин. Убайдуллоҳ Аҳрор фикрларича, зикр машғулотиға қаттиқ берилиш билан беш-олти кун ичида шундай даражаға етишиш мумкинки, одамларнинг ҳар қандай гаплари зокир қулоғига зикрдай туюлади ва ўзи ҳам неки деса, зикр каби бўлади. Бу даражаға етмоқ учун эса қаттиқ саъй-ҳаракат даркор.

«Хилват дар анжуман» талабига риоя этиш учун махсус руҳий тайёргарлик лозим, чунки жамият ичида бўлиб, зикр ва таквони фақат Тангри учун холис бажариш мустаҳкам ирода ва кучли эътиқодни талаб этади. Бундай ҳаракат ботиний бўлиб, зохирий ҳаракатдан тубдан фарқ қилади. Албатта, бу йўл хос кишиларнинг йўлидир. Зоҳирда халқ билан, ботинда Ҳақ билан бўлиш учун солиқнинг қалб кўзи очик ва мукамал ҳаракат қилишга қодир бўлиши лозим. У ҳар бир қилаётган амалини Тангри кўриб тургани, огоҳ эканлигига шак-шубҳа қилмаслиги лозим. Хилватга Шоҳ Нейматуллоҳ шундай таъриф берган: «Хилват риёзат орқали кам ейиш, кам ухлаш, рўза тутиш, оз гапириш, ёмон ҳамсухбатлардан узоқ туриш, мудом зикр қилиш ва хотирдаги алоқаларни йўқотиш орқали нафс билан муҳолафат қилишдир»<sup>49</sup>. Баҳоуддин Нақшбанд Шоҳ Нейматуллоҳ таъриф берган бу хилватни анжуманда амалга оширишни таклиф этади. У меҳнат жараёнида нафсни идора қилиш керак, дейди. Баҳоуддин таклиф этаётган меҳнат қилиш оддий одамларнинг меҳнатидан фарқ қилади. Чунки бундай меҳнат нафс, яъни ейиш, кийим-бош, мол-дунё, обрў ва мансаб, халқ кўзига тушиш учун эмас, балки Тангри ризолиги учундир. Шунинг учун Баҳоуддин «Ал косиб ҳабибуллоҳ» ҳадисини шарҳлаб, баён этганларини Алишер Навоий ёзган:

<sup>49</sup> Саччоди. Фарҳанги луғот ва истилоҳот ва таъбироти ирфони – Техрон, 1350 х. й. – Саҳ. 356.

Нукта асносида Ҳабибуллоҳ,  
Деди, ал косибу ҳабибуллоҳ.  
Маъни айтур бу сўзга пири комил,  
Ки сўз эрди Ҳақ сари шомил.  
Ғараз эрмас бу сўздин дунё,  
Бал эрур касбдин мурод фано<sup>50</sup>.

Мазмунидан маълум бўладики, ҳалол меҳнат, холис амал натижасида фано ҳолати ҳосил бўлади, шахс боқийлик билан боғланади. Бундай даражага улғайиш учун қаноат зарурлигини Алишер Навоий шундай ёзган:

Қаноат тариқига кир, эй кўнгил,  
Ки хатм ўлғай ойини иззат санга.  
Десанг, шоҳ ўлай, еру кўк бас дурур,  
Бу бир тахту ул чатри рафъат санга.  
Фано шўъласида ёшур жисмни,  
Керак бўлса зарбафт хилъат санга.  
Етар лола бутган қиё қулласи,  
Мурод бўлса гулгун ҳашмат санга<sup>51</sup>.

Юсуф Ҳамадоний таълимотида анжуман ичида меҳнат қилиб кўз, кулоқ, тил, қўл, оёқни ҳаромдан сақлаш лозимлиги уқтирилади. У инсонга яхлит тизим сифатида баҳо бериб, ўзидаги яхши қувватларини ягона мақсадга йўналтириши ва қалбини Тангри жамоли билан висолга очиб қўйиши зарур, деб санайди.

Юсуф Ҳамадоний таълимотидаги «Хилват дар анжуман»нинг хусусиятлариданянабири – уни суҳбат билан боғлиқлигидир. Таълимотни суҳбат билан боғлиқлигига алоҳида эътибор бериб, Баҳоуддин шундай буюрган: «Бизнинг тариқатимизда жаҳр-баланд овоз билан зикр этиш ва рақс йўқ. Бизнинг тариқатимиз суҳбатдир ва хилватдир, анжуманда ва Ватанда сафар этишдир.

Хилватда шуҳратдир ва шуҳратда офат. Хайрият жамиятдадир»<sup>52</sup>. Яхши кишилар билан суҳбат инсон камолотига ёрдам беради, аммо хилват бўлса шуҳрат келтиради, дейди у. Шуҳрат офати шундаки,

---

<sup>50</sup> Алишер Навоий, Мукаммал асарлар тўплами. 5-Т. – Тошкент: «Фан», 1990. 487-бет.

<sup>51</sup> Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 1-том. Тошкент: «Фан», 1987. 628–629-бетлар.

<sup>52</sup> Анис ат-толибин. 58-бет.

бунинг натижасида инсон турли йўллар билан уни сақлашга уриниб рухий таназзулга учрайди. Ёмон кишидан қочиш, хилватда бўлиш керак, лекин яхшилар билан суҳбатнинг аҳамияти катта.

«Анжуман» деган тушунча «суҳбат» орқали намоён бўлади. Абдурахмон Жомий яхши ҳамсуҳбатга эътибор бериш керак, дейди ва шундай ёзади:

Маншин бо бадон, ки суҳбати бад,  
Гарчи поки туро палид кунад.  
Офтоб ба ин бузургиаш,  
Парчаи абр нопадид кунад.  
Гавҳар аз ноқисони раҳ маталаб,  
З-он, ки ин моя комиле дорад<sup>53</sup>.

*Мазмуни:*

Ўтирмагин ёмонлар биланки, унинг суҳбати,  
Сен пок бўлсанг-да, сени ифлос қилади.  
Қуёш шундай буюк бўлса-да, лекин  
Бир парча булут уни тўса олади.  
Гавҳарни нуқсонлилардан сўрама,  
Чунки моя комиллардагина бор.

«Хилват дар анжуман» – зоҳирда халқ билан ва ботинда Тангри билан бўлиш хуфийа зикри тақозо қилган, чунки бундай зикр анжуманда хилватда бўлишга имкон берган.

«Хилват дар анжуман» рашҳасини Хожа Аҳрор Валий куйидагича таъриф берган:

Нақшбандия ажаб қофилаосоранд,  
Ки баранд аз раҳи пинҳон ба ҳарам қофиларо.  
Аз дили солики раҳ жозибаи сўҳбаташон,  
Мебарад васвасаи хилвату фикри чилларо<sup>54</sup>.

*Мазмуни:*

Нақшбандия ажаб карвонбошидирки,  
Карвонни яширин йўл билан ҳарамга элтади.  
Уларнинг суҳбатининг жозибасидан солиқлар қалбидан,  
Хилват васвасаси ва чилланинг фикри йўқолади.

---

<sup>53</sup> Рисолаи Ҳазрати Азизон. Бухоро: Бухорои Шариф, 1326 х. й. 36-бет.

<sup>54</sup> Чоми А. Нафаҳот ул-унс. 413-бет.

«Тавҳид асрорини англаб етиш Сунна билан бошланиб, тасаввуф ирфониди юксак камолотга эришди. Аммо бу йўналишлар ибрат, мантикий тафаккур ва руҳий камолот сифатида, асосан инсоннинг ички такомилига қаратилган эди. Инсон ўз-ўзини англаш орқали Ҳақ асрорни идрок этишга интилди, аммо инсоннинг якуний мақсади шунда тугайдими? Инсон Тавҳид асрорини ўзи учун англаб етди, дейлик, энди у нима қилиши керак? Шу саволга тасаввуфнинг охирги тариқати – Нақшбандия жавоб берди»<sup>55</sup>, – деб изоҳлайди М. Имомназаров.

Биринчи мақсадга эришилди: «дилда Ёр» ҳолати мавжуд, энди ишга киришмоқ лозим – «даст ба қор»га ўтиш керак. «Дилда Ёр» ҳолати дилда ғараз, яъни худбинлик йўқлигини кўрсатади, энди «даст ба қор» бўлса, яъни ишга қўл урилса, ўз шахсий ғаразли мақсадлари учун эмас, холис Аллоҳ учун, Ҳақ учун, ҳақиқат ва адолат тантанаси учун амалий ҳаракатга киришилган бўлади. Шу сабабли ҳар нафас «дилда Ёр» бўлиши, «Аллоҳ» исми дилда зикр этилиши, яъни «Хуш дар дам» қоидасига риоя этиш тақозо қилинади.

Чунки Аллоҳ номи бир нафас дилни тарк этса, дарҳол ўрнини ғараз, худбин бир ният эгаллаши мумкин. «Назар бар қадам» ҳам шу маънога яқин туради, яъни беҳуда бирор қадам қўймаслик, ҳар бир амалий ҳаракатнинг Ҳақ йўлида қўйилаётганини таҳлил этиб, диққат билан кузатиб, назардан қочирмай бориш кераклиги иккинчи қоидадир. Тўртинчи қоида – «Хилват дар анжуман» Ҳақ асрорини англаб етган орифнинг халқ билан бирга бўлиши лозимлигини, аммо доимо Ҳақни дилда тутган ҳолда халқ билан бирга бўлишни таъкид этади.

Тўлиқ «Хилват»ни танлаш кибрга, тўлиқ «анжуман»га киришиб кетиш ғаразга етаклаши мумкин, «Хилват дар анжуман» эса мувозанатни сақлаб туриш, демакдир»<sup>56</sup>.

Демак, «Хилват дар анжуман» инсон ва борлик муносабатларини мувозанатга келтиради ва меъёрда сақлайди. Бу Нақшбандия таълимоти меъёрда бўлганлигини, уйғунликка олиб келишини яна бир бор кўрсатади.

Умумий хулоса қилиб айтиш мумкинки, Юсуф Ҳамадонийнинг «Хилват дар анжуман» рашҳасининг қуйидаги жиҳатлари муҳим аҳамиятга эга:

---

<sup>55</sup> Имомназаров М. Миллий маънавиятимизнинг такомил босқичлари. – Тошкент: Шарқ, 1996. 70-бет.

<sup>56</sup> Ўша ерда.



1. Юсуф Ҳамадоний таълимотида комил инсон тарбияси энг яқин ва барчага мақбул йўл «Хилват дар анжуман» тамойили асосида амалга ошади.

2. Бу тамойил эзгу ниятда ҳалол меҳнат қилиб, ўзгаларнинг оғирини енгил қилиш ғоясига асосланади ва ёшларни меҳнатсеварлик, айнан ҳалол меҳнат қилиш руҳида тарбиялашга хизмат қилади.

3. Шу тамойил асосида Абдулҳолиқ Ғиждувоний «Даст ба кору дил ба Ёр», Баҳоуддин Нақшбанд «Дил ба Ёру даст ба кор» бунёдкорлик ғоялари шаклланди.

4. Бу тамойил инсондаги жисмоний, ҳиссий, нафсоний, ақлий, ижтимоий, илоҳий манфаатларини уйғунлаштириб, камолга етказди.

5. «Хилват дар анжуман» устоз ва шогирд муносабатларининг эркин асосда қурилишига асосланади ва инсоннинг руҳини озод камол топишига имкон беради.

Умумий хулоса қилиб айтганда, Юсуф Ҳамадонийнинг тўрт рашҳаси инсонни ҳар нафас, кўз, оёқ ва ботиний қувватларни бошқаришга ўргатади. Бундай инсон қалбида Аллоҳ ва қўли ҳалол меҳнатда бўлиб, бутун борлик учун азиз ва муқаррам инсонга айланади.



#### 1.4. АБДУЛХОЛИҚ ҒИЖДУВОНИЙНИНГ ТҶҮРТ ҲАЁТБАХШ РАШҲАЛАРИ

Абдулхолиқ Ғиждувоний асослаган Хожагон тариқатига устози Юсуф Ҳамадоний ўғит берган «Хуш дар дам», «Назар бар қадам», «Сафар дар Ватан», «Хилват дар анжуман»ни асосий тамойил қилиб олганлар. Юсуф Ҳамадоний садоқатли шогирдлари Абдулхолиқ Ғиждувонийга: «Эй Абдулхолиқ, хавотирни билиш иши сенга ҳавола қилинди» деганлари Хожаи Жаҳоннинг «Рисолаи соҳибия» асарида келтирилган. Хожа Абдулхолиқ Ғиждувоний устозларига садоқат ила хотира масалаларини ўрганиб, янги тўрт тамойил: «Ёдқард» – хотирага келтириш, «Бозгашт» – қайтиш, хотирани поклаш, «Нигоҳдошт» – нигоҳ, яъни хотира, зеҳни сақлаш ва «Ёддошт» – хотирани узок муддат пок ҳолда сақлашни кашф этдилар ва уларни Хожагон таълимотининг асосига қўйдилар. Хожагон таълимоти асосида саккиз рашҳа – ҳаётбахш ўғитлар бор.

Хожа Абдулхолиқ Ғиждувоний устозлари Юсуф Ҳамадоний ўғитларини бажариш мақсадида хотира масаласига махсус эътибор бериб, уни кузатиб тадқиқ эта бошладилар ва шуни аниқладиларки, инсон маънавий, руҳий тараққиёти унинг хотирида асосланади, яъни хотирада идрок этилган таассуротларни сақлаб қолиш ва онгда, ақлда уларни қайтадан тиклашга асосланади. Бундай ҳолатни мия моддаларни бир неча маротаба такроран янгиланиши билан мувофиқлантириши мумкин. Файласуф олим М.Н. Болтаев «Хожа Абдулхолиқ Ғиждувоний – инсондўст ҳақим, рифъат шайх» номли рисолаларида одамнинг жисму жасадининг хужайраларида ҳамиша модда алмашинуви содир бўлиб туради: эскирган жиҳат, моддалар чиқарилиб, узоклаштирилиб, янгилари вужудга келади, унинг оқибатида тахминан етти йил давомида киши жисми, жасади тўла янгиланади, деган фикрни асослаб берганлар. М.Н. Болтаевнинг фикрларига кўра, янгиланиш тез суръатлар билан қандай амалга ошса, шу билан бирга инсон танасидаги фаолиятни бошқарувчи марказ бўлган мияда ҳам янгиланиш вужудга келиб, мия бир неча маротаба янгиланади. Шунинг учун мия киши маънавий, руҳий фаолиятининг аслий асоси бўла олмайди. Агар мия инсон маънавий-руҳий фаолиятининг асоси бўлса эди, мия моддаларининг янгиланиши хотирадаги илгарилар идрок этилган маънавиятнинг йўқолишига олиб келар эди. Ҳақиқатда эса, бундай ҳолат юзага келмайди. Маълумки, кўпинча болалик чоғида ва ҳатто бир марта қабул этилган таассурот қарилик чоғигача хотирада қолади. Шунинг учун Абдулхолиқ



Ғиждувоний хотиранинг инсон руҳий камолотидаги аҳамиятини англаб, Хожাগон тариқатига тўртта янги кудсий калом киритди. Манбаларда бу калималарни рашҳа, яъни ҳаётбахш ўғитлар деб ёзадилар.

Абдулҳолиқ Ғиждувоний кашф этган тўрт рашҳа – «Ёдкард», «Бозгашт», «Нигоҳдошт» ва «Ёддошт»дир.

«Ёдкард» – «ёд» ва «кард» форс-тожик сўзларидан олингандир. «Ёд» деган сўз хотирани англатади, «Кард» – қилди, амалга оширди деганидир. Ёдкард – хотирага келтирди, эслади маъносини англатади. Хожай Жаҳон «Ёдкард»ни ҳақиқат йўлида бўлган инсон тили ва қалби билан Аллоҳни зикр этиши ва уни хотирага келтириши амалиёти сифатида қўллаганлар ва Хожাগон тариқати тамойили сифатида киритганлар.

Тоҳир Эшон «Тазкираи Нақшбандия» асарида «Ёдкард» ҳақида куйидаги фикрларни ёзган: «Ёдкард – зикри лисони ва ё зикри қалбийдин иборатдур». Демак, ёдкард тил билан ёки қалбда Аллоҳни эслаб, унинг гўзал исмлари ва сифатлари билан хотирага келтириш экан. Ҳазрати Мавлоно Саъдуддин Қошғарий айтганларки, ёдкард инкор ва исбот зикрининг, яъни «Ла илаҳа иллаллоҳ» калимасини қалбни ҳозир тутиб, тилни танглайга ёпиштириб, тишларни бир-бирига банд этиб, оғизни ёпиб, нафасни сақлаб кўнгил ёки тил билан Аллоҳ зикрида билан машғул бўлиш лозимлигидир. Нафйи – «Ла илаҳа» деганда тамоми мавжудодларни фоний эканлигини англаш ва «Иллаллоҳ» деганда ягона Аллоҳ борлигини хотирада тасдиқлаш ва исбот этиш. «Ла илаҳа иллаллоҳ» калимасининг такрорланиши тавҳиднинг сурати таъсирини дилда жо этади.

Фаҳруддин Али Сафий «Рашаҳот» асарида «Ёдкард» рашҳасининг таърифини берган. У киши ёзадиларки, ёдкард тил ёки қалб зикри бўлиб, нафасни сақлашга сабр қилиш лозим, бир нафасда уч маротаба айтсин, токим зикр ҳаловатининг асари кўнгилга етсин. «Рашаҳот» асарида таъкидланишича, Убайдуллоҳ Аҳрор – Хожа Аҳрор Валий «Калимоти кудсия»ларининг баъзисиди ёзибдирларким, «Зикрдан мақсад улдирким, кўнгил ҳамиша муҳаббат ва таъзим ҳолати билан Ҳақ таолодан огоҳ бўлгай. Зикрнинг мағзи ва руҳи шудирким, кўнгил Ҳақдан огоҳ бўлсин ва жамоа зикрида суҳбатдан бу огоҳлик ҳосил бўлмаса агар мақсадга етмас».

Абдулҳолиқ Ғиждувонийнинг «Ёдкард» таълимоти ҳақида Муҳаммад Порсо «Рисолаи кудсия» асарида шундай ёзганлар: «Ҳақ Субҳаноҳунинг зикри ёдкард – хотирага келтиришдир. Бу йўлнинг буюк асосий шартларидан бўлиб, (Аллоҳдан ўзга нарса билан боғланган) хотираларни

йўқотишдир». Демак, инсон ўз хотирасини дунё ташвишлари, ўткинчи хою ҳаваслар ва нафс истакларидан поклаб, ўша жараёнда фақат Аллоҳ ва унинг ризолиги билан машғул бўлиши керак. Чунки дунё, нафс ва шайтоний истаклар Аллоҳ йўлига ҳижоб, тўсиқ ва пардадир. Муҳаммад Порсо яна таъкид этадиларки, «тил зикрининг мақсади тўла таважжух, яъни Аллоҳга юзланишдир. Бутун руҳоний ва жисмоний қувватлар ёт хотирани йўқотиш ва тўла Аллоҳга юзланиш учун керакдир». «Тил зикрининг давомийлигидан зикр қалбга етади ва тилдан дилга кўчади, булар фанога олиб келади». Баҳоуддин Нақшбанд: «Зикрининг мазмуни ёдқарддир, яъни Ҳақ Субҳонаху тавфиқини ёдга келтиришдир», – деб унга янгича таъриф берганлар.

Бухоролик нақшбандшунос олимлар Садриддин Салим Бухорий ва Самад Азимов «Хожаи Жаҳоним бор» рисолаларида таъкид этадиларки, «Ёдқард» иккига – тил ва дил зикрига бўлинади. «Ҳуш дар дам», «Назар бар қадам», «Сафар дар Ватан», «Хилват дар анжуман» рашхалари ёдқардга ўтиш учун тайёргарлик босқичи ҳисобланади. «Ёдқард» Аллоҳ зикрини қалбда нақшлашда асосий омилдир. Дарҳақиқат, хотирани бошқариш анча мураккаб жараёндир. Инсон ўзининг нафас олиш жараёни, кўзи, оёғи, ботини, қўли ва вужудини бошқаришда малака ҳосил қилгандан сўнг хотирасидан ёмон ва ёт нарсаларни кува олади.

Абдулҳолик Ғиждувоний томонидан яратилган иккинчи рашҳа «Бозгашт»дир. Бозгашт – форс-тожикча «боз» – яна ва «гашт» – қайтди сўзларидан олинган бўлиб, зикр жараёнини холис ва пок бўлишини таъминлайди. Тил ёки дил зикри билан машғул бўлган киши, тўхташи ва аввалги ҳолатига қайтиши, шу орада қилинган зикрини таҳлил этиши ҳамда қуйидаги иборани: «Худоё мақсуди ман туи ва ризогии ту мебошад» - «Илоҳи анта мақсуди ва ризока матлуби», яъни «Парвардигоро, Сен менинг мақсадимсан ва сенинг ризолигинг менинг матлубимдир»ни такрорлаши лозим. Бу калимани такрорлашнинг аҳамияти шундаки, зикр жараёнини ғафлат билан ўтишдан сақлайди.

«Рашаҳот» асарида ёзиладики, «Бозгашт улдурким, ҳар мартабаеким, зокир тили ва кўнгли билан калимаи тойибани айтса унинг изидан шул тили билан айтсун: «Худовандо менинг мақсадим Сен ва Сенинг ризолигингдир», шунинг учунким бу калимаи бозгашт нафий этгувчидир, яъни хотирадан келадиган яхши ва ёмонни йўқотувчидир, токи зикр холис бўлсин ва унинг сири мосиводан фориғ айлансин»<sup>57</sup>. Асарда таъкидланадики, зикр айтувчи калимаи бозгаштни айтаётганда ҳали

<sup>57</sup> Рашаҳот. 37-бет.



ўзида сидқ мавжудлигини топа олмаса ҳам, бу калимани тарк этмасин шунда аста-секинлик билан сидқнинг асари ҳосил бўлади.

Тоҳир Эшон «Газкираи Нақшбандия» асарида «Бозгашт» калимасини изоҳлаб шундай ёзганларки, бозгашт калимаси солиқнинг хотирига хайру шар, яъни яхшилик ва ёмонлик кирса ҳаммасини йўқ этгувчидир, то унинг зикри холис айланиб, мосиволлоҳдин фориг бўлгай<sup>58</sup>. Демак, «Бозгашт» инсон томонидан хотирани назорат қилиш жараёнидир ва бу амалиёт натижасида хотирада фақат Аллоҳ ва унинг ризолиги келади, бу эса қалбда ниятнинг покланишига ёрдам беради.

Абдулҳолик Гиждувоний томонидан Хожагон таълимотига киририлган учинчи рашҳа «Нигоҳдошт»дир. «Нигоҳдошт» бу ҳам иккита форс-тожик сўзидан олинган бўлиб, «нигоҳ» – қараш, назар ва «дошт» – сақлаш сўзларидан олинган бўлиб, нигоҳни, яъни диққат, эътибор, зехни асосий нарсага, мақсадга қаратилган ҳолатда сақлаш маъносини англатади. Хаёл кучи хотирани турли томонга олиб бормоқчи бўлади, нигоҳдошт хаёл қувватидан хотирани сақлайди.

Тоҳир Эшон калимаи «Нигоҳдошт»нинг маъноси хотирнинг муроқабаси ва дилнинг ҳузуридир<sup>59</sup>, деб изоҳлаганлар. Чунончи, бир дамда калимаи тайибани бир неча мартаба айтар ва хотирининг огоҳлигидан ташқари чиқишдан муҳофаза этгай.

«Рашаҳот» асарида бу рашҳага қуйидагича таъриф берилган: «Нигоҳдошт» – ул иборатдур муроқибай хавотирдин, андоқким, бир дамда неча мартаба калимаи тайибани айтурким, хавотири ғайбийга ташқари кетмас». Асар муаллифи «Нигоҳдошт»ни хотира муроқабаси деб айтади ва инсон хотираси ёрдамида калимаи тойибани неча мартаба айтаётганини назорат қилиб туради, бошқа ғайр хотирларни киришга қўймай хотирани илоҳий, раҳмоний, малакий, пок ҳолатида сақлайди, деб тавсиф этади.

Мавлоно Саъдуддин Қошғарий «Нигоҳдошт»ни шарҳлаб айтганларки, бир соат, икки соат ва икки соатдан зиёда, у миқдоргаким муяссар бўлур, хотирани сақласун, шундагина Аллоҳдан ўзга нарсалар унинг хотирасига кира олмайди<sup>60</sup>. «Нигоҳдошт»да Ҳақ йўлидан бораётган киши хотирини хаёлига келадиган бошқа нарсалардан муҳофаза этар экан.

«Рисолаи кудсия» асарида Муҳаммад Порсо шундай ёзганлар: «Тил ва

<sup>58</sup> Хожа Абдулҳолик Гиждувоний. Сўзбоши, таржимон ва шарҳлар муаллифи Маҳмуд Ҳасаний. – Т.: «Ўзбекистон», 2002. 83-бет.

<sup>59</sup> Хожа Абдулҳолик Гиждувоний. Сўзбоши, таржимон ва шарҳлар муаллифи Маҳмуд Ҳасаний. – Т.: «Ўзбекистон», 2002. 83-бет.

<sup>60</sup> Рашаҳот. 38-бет.



дил зикридан мақсад нигоҳдошт – бутун вужудни Аллоҳга юзлантириш, қаратиш ва шу ҳолатни сақлашдир. Бу хотиранинг муроқабаси, яъни илоҳий ҳақиқатга яқинлашувидир»<sup>61</sup>. Яъкуби Чархий ўзининг «Рисолаи унсия» асарида «Нигоҳдошт» рашҳаси ҳақида ўз мушоҳадаларини ёзиб, Баҳоуддин Нақшбанддан эшитган қуйидаги фикрни келтиради: «Нигоҳдошт» билан шуғулланиш нафаснинг кириши ва чиқишидан воқиф бўлишдан иборат бўлиб, бунда ҳаёлнинг Аллоҳдан доимо огоҳда бўлишига нуқсон йўл топмайди. Бу билан шуғулланиш бора-бора ҳеч бир қийинчиликсиз ҳосил бўлади». Чархий «Нигоҳдошт»ни «Мушоҳада» деб ҳам юритилишини таъкидлайди ва шундай ёзади: «Баъзи тоифа доимо огоҳликдан иборат бўлган «Нигоҳдошт»ни мушоҳада деб атайдилар. Бу мақомга етган зоҳирий машғулотлар ботиний машғулотга монелик қилолмайдиган даражага етади». Демак, «Нигоҳдошт» ҳар бир нафас, ҳар бир дамни огоҳлик билан ўтаётганлигини мушоҳада этиш, мушоҳаза этиш ва шу ҳолатни сақлаш экан.

Ҳожаи Жаҳон тасаввуф таълимотига киритган тўртинчи рашҳа «Ёддошт»дир. «Ёддошт» – иккита форс-тожик сўзларидан ташкил топган. «Ёд» – хотира, зехн, «дошт» – сақлашдир. «Рашаҳот» асарида бу рашҳага қуйидаги таъриф берилган: «Ёддоштким, мақсуд ондин ҳама ул турур, Ҳақ СубҳанАллоҳу таолоға ба тариқаи завқ доимо огоҳ бўлмоқдин иборатдур ва баъзи бу ибора бирла айтибдурларким, ҳузури беғайбат турур. Ва аҳли таҳқиқнинг наздида мушоҳидаеким, кўнгулга шухуди Ҳақ Субҳона ҳуббизотининг тавассули, яъни воситаси, сабаби била истило топа, ҳусули ёддоштдин киноя турур»<sup>62</sup>.

Тоҳир Эшон ўз асарида таъкидлайдики, «Ёддошт»нинг маънисини улдурум, солиқ завқу шавқ била мунтазам Ҳақ таолодин огоҳ бўлиб, фаромуш қилмағай. Ва баъзилар дебдурларким, онинг маънисини ҳузури дилдур, ғайбат ва ғафлат бўлмағай. Аҳли таҳқиқ уламолари дебдурларким, «Ёддошт» калимасининг маъноси улдурум, муҳаббати зотийнинг воситаси бирла дилга Ҳақ таолонинг ҳузурининг ғалабасидур»<sup>63</sup>.

Муҳаммад Порсо «Ёддошт»ни қуйидагича тавсифлаганлар: «Ёддошт» – хотирани сақлашдир, мушоҳадада фоний бўлишдир»<sup>64</sup>.

Ҳожа Аҳрор Ҳожаи Жаҳон асослаган тўрт рашҳани қуйидагича қисқа

<sup>61</sup> Ҳожа Муҳаммад Порсо. Рисолои кудсия. Баҳоуддин Нақшбанднинг кудсий калималари / А. Болтаев таржимаси. – Т.: «Movarounnahr», 2020. 60-бет.

<sup>62</sup> Рашаҳот. 39-бет.

<sup>63</sup> Ҳожа Абдуллоҳиқ Ғиждувоний. Сўзбоши, таржимон ва шарҳлар муаллифи Маҳмуд Ҳасаний. – Т.: «Ўзбекистон», 2002. 85-бет.

<sup>64</sup> Ҳожа Муҳаммад Порсо. Рисолои кудсия. Баҳоуддин Нақшбанднинг кудсий калималари / А. Болтаев таржимаси. – Т.: «Movarounnahr», 2020. 61-бет.



шарҳлаганлар: ёдкард зикрида қаттиқ ҳаракат қилиш, бозгашт – Ҳақ Субҳаналлоҳу таолога юзланиб, ҳар гал калимаи тойибани айтганда, калимаи бозгаштни такрорлашдир, нигоҳдошт – тил билан эмас, балки дил билан зикр этишдир, ёддошт – нигоҳдошда мустаҳкам туришдир.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, Хожаи Жаҳон Хожагон таълимотига киритган янги тўрт ҳаётбахш тамойиллар «Ёдкард», «Бозгашт», «Нигоҳдошт» ва «Ёддошт» хотирани поклаш, унинг софлигини ҳимоя этиш, инсонни ғафлатдан уйғотиб, огоҳлик мақомига етказишга қаратилган. Абдулҳолиқ Гиждувоний яратган бу қудсий, муқаддас каломлар инсониятни хотиржамлик мақомига етказди. Хотиржамлик инсон хотирасининг Аллоҳ билан жам бўлиши, яъни қўшилишидир. Хотиржамлик ҳолати ҳақиқий бандага хос сифатдир. Банда дегани ҳамма жиҳатдан ҳар ишда ва ҳамма ҳолатда Аллоҳ билан боғланган саодатманд, пешқадам инсондир. Сўфийлар мудом таъкидлаганлар:

Зиндаги омад барои бандаги,  
Зиндаги бе бандаги шармандаги.

*Мазмуни:*

Тириклик, ҳаёт, умр банда бўлиш учун берилган,  
Бандаликсиз, яъни Аллоҳ билан боғланмай яшаш шармандалиқдир.

Сўфийлар орасида Саъдий Шерозийнинг қуйидаги байтлари жуда ҳам машҳурдир:

Гуле, ки бўй надорад ба вай чаман ҳайф аст,  
Касе, ки фаҳм надорад ба вай сухан ҳайф аст.  
Диле, ки дард надорад ба вай бадан ҳайф аст,  
Саре, ки сажда надорад ба вай кафан ҳайф аст.

*Мазмуни:*

Қайси гулнинг ифори бўлмаса унга чаман ҳайфдир,  
Кимни фаҳми бўлмаса унга сухан ҳайфдир.  
Қайси қалбда дард бўлмаса унга бадан ҳайфдир,  
Саждаси бўлмаган бош учун кафан ҳайфдир.

Абдулҳолиқ Гиждувоний ҳаётбахш рашҳалари инсонни шундай камолот даражасига юксалтирадики, ундан мудом муаттар ифор таралади ва ҳаёт чаманининг энг гўзал гулига айланади. Бундай инсон фаҳму фаросатли бўлиб, юрагида илоҳий ишқнинг дарди бор. У доимо ибодатда бўлган ҳақиқий инсондир.



Н.Х. Авлиёкулов «Нақшбандия таълимоти жаҳон цивилизацияси ривожланиши баёнида» асарида Абдулхолиқ Ғиждувоний Хожагон таълимотига киритган тўрт рашҳани таҳлил этиб, ушбу босқичлар йиғиндиси илм олишнинг услубини ташкил этади, деб билдирганлар. «Ёдқард» – илмни эгаллашнинг дастлабки босқичи, «Бозгашт» – илмни қайта-қайта такрорлаш, «Нигоҳдошт» – диққатни тўлиқ мақсад сари марказлаштириш малакасига эга бўлиш ва «Ёддошт» – бунёдкорлик ва шукроналик, фикрларнинг ҳукмронлигига эришиш, яъни илмни теран тушуниш билан қиёслаб, улардан комил инсонни тарбиялаш жараёнида ҳозирги кунда ҳам фойдаланиш мумкинлигини таъкидлайдилар.

Убайдулло Қосимов «Хожа Абдулхолиқ Ғиждувоний. Хожагон тариқати рашҳаларининг психологик жиҳатлари» рисолаларида Хожаи Жаҳоннинг таълимотга киритган тўрт рашҳасини психологик нуқтаи назардан таҳлил этганлар.

Бу асарда ёзилишича, Хожа Абдулхолиқ комиллик даражасига кўтарилиш ва унга етишиш учун, инсон ўзини-ўзи бошқара билиши, ўз ҳаётий хатти-ҳаракатларини ўзи тартибга солишни ўрганиши учун тариқатнинг «Ёдқард» психологик жараён боқичини ўташи зарур эканлигини кўрсатади. Муаллифнинг фикрича, тариқатдаги «Ёдқард» жараёни икки йўналишни, бир томондан ботиний, яъни Аллоҳни англаб, уни хотирга киритиш ва уни хотирга, қалбга муҳрлашни, иккинчи томондан инсоннинг моддий ҳаётий ҳаракатлари Аллоҳ ёди билан илоҳий Аллоҳ талаб этган ҳалол, пок инсоний ҳаракатлар, муносабатлар, муомалага киришиш тарзини назарда тутаяди.

Демак, «Ёдқард» психологик амалиётининг натижасида киши инсоний ҳалол, покиза муносабатлар ва ҳаракатларни чуқур англаган ҳолда уларни хотирга киритиш ва Аллоҳни чуқур англаган ҳолда унга бўлган меҳр, ҳурмат ва унинг ёди билан барча покиза, ҳалол муносабатларни онглилик, онгостилилик, онгсизлик ҳолатларида ўзидан-ўзи намоён бўлишига эриша олади.

Шунинг учун ҳам «Ёдқард» хотирага Аллоҳга бўлган чексиз меҳр, ёдини муҳрлаш, қалбга сингдириш орқали кучли психологик қувват ҳосил қилиш билан барча инсоний муносабат ва ҳаракатларни ўзидан-ўзи тартибга солишга ҳамда инсоний хулқни ҳар хил муҳитда ўзидан-ўзи бошқарилишига эришишдан иборат чуқур психологик мураккаб жараёндир.

У. Қосимов ёзадиларки, «Ёдқард»да авваламбор, Аллоҳнинг ягоналиги, буюклиги, ҳамма нарсага қодирлиги, юксак поклиги, олий



муҳаббат манбаилиги, барча нарсдан ҳар лаҳзада воқифлиги ва бошқа фазлу карамларини англаш, тан бериш ва уларни хотирга киритиш учун уни улуғловчи калималарни зикр этиш орқали аввал тил билан, кейин эса онгостилилиқ ва онгсизлик даражасида қалб зикрига эришиш талаб қилинади. Бу рашҳа натижасида инсон учун энг муҳим аҳамиятли бўлган ички психологик мувозанат ҳосил бўлади.

Муаллиф тасаввуфда одамларни икки турга – нурий ва норий одамларга бўлинишини таъкидлаб, «Бозгашт» ва «Нигоҳдошт» қоидалари туб моҳияти билан норий одамларни тўғри йўлга солиш ва нурий одамларни Ҳақ таолога яқинлаштириш усулидан бири бўлиб хизмат қилишини таъкидлайди. Хожагон таълимотидаги рашҳалар психологик-руҳий амалларини қатъият билан онгли равишда иродавий зўр беришлар орқали бажариш билан киши психологик мувозанат – руҳиятидаги эркинликка эришади. Бу руҳий ички мувозанат, эркинлик эса ташқи дунёвий амалларда, муносабатларда барча ахлоқий ҳаракатларда ўз ифодасини топади. Хожаи Жаҳоннинг тарихда абадий қоладиган хизматлари шундаки, тўрт янги ҳаётбахш рашҳани яратиб, уларни Хожагон таълимотининг тамойили сифатида киритдилар. Бу тамойиллар асосида яшаш инсониятга хотиржам бўлиш сирларини ўргатади ва уларни ҳақиқий банд бўлиб икки дунё саодатига эришиш йўллари очиб беради.



## 1.5. ХОЖА АЛИ РОМИТАНИЙ МАЪНАВИЙ МЕРОСИДА ХУШЁРЛИК МАСАЛАСИ

Хожа Али Ромитанийдан бой маънавий мерос сақланган. Бизнинг тадқиқотларимиз кўрсатадики, у кишидан «Рисолаи Ҳазрат Азизон» асари, 16 рашҳа – кишига оби хаёт берувчи ҳикматлар, битта қитъа ва рубойлар сақланган. «Рашаҳот» асарида 16 рашҳа келтирилган. «Рисолаи ҳазрат Азизон» ҳақида маълумот ва бу асарнинг таржимаси «Нақшбандия камолот йўли» монографиямизда берилган. Хожа Али Ромитаний маънавий меросида хушёрлик масаласи кенг ёритилган.

### Қ И Т Ў А

Нафас мурғи муқайад дар дарун аст,  
Нигаҳ дораш, ки хуш мурғест дамсоз.  
Зи пояш банд магсил, то напаррад,  
Ки натвонаш гирифтан баъди парвоз<sup>65</sup>.

*Таржимаси:*

Нафас сенинг танангда қамалган қушдир,  
У сенинг яхши ҳамдамингдир, уни асрагил.  
Учиб кетмаслиги учун оёқларидан ипни узма,  
Зероки, учгандан кейин уни топа олмайсан.

«Рашаҳот»ни таржима этишда қитъадаги нафас сўзи нафс деб ёзилган. Лекин бу қитъани профессор М.Н. Болтаев қуйидагича шарҳлайдилар: «Жон, рух, нафас, жисм танда муайян ҳолатда мавжуд бўлиб, ундан ажралиб парвоз этиб, бошқа эркин ҳолатга ўтиши мумкин. Мана шундай интиқол жараёни ўлимдир, яъни бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга ўтишдир. Ҳақиқий инсон ўша аслий, абадий томонни англаб олиб, ўтар ҳаёти давомида ўшанга диққату эътиборни қаратиши зарур. Агар шундай қила олмаса, тириклигидаёқ аслий томонидан ажралиб, нукул пастга тушиб қолиши, аслини йўқотган тубан мавжудотларга айланиши мумкин»<sup>66</sup>. Устозимизнинг бу шарҳларига биз тўла қўшилаемиз. Хожа Али Ромитаний бу мисралари орқали ҳар бир нафасимизга эътибор бериб, фоний нарсалардан узилиб, боқий нарсаларга боғланиш зарур, деб айтганлар. У кишининг бу қитъалари Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд

<sup>65</sup> Рисолаи Ҳазрати Азизон / Наврӯзова Г. Хожа Али Ромитаний ва Баҳоуддин Нақшбанд. – Бухоро, 1994. 55-бет.

<sup>66</sup> Болтаев М.Н. Хожа Абдулхолик Ғиждувоний – рифъат шайх. – Бухоро, 1994. 29-бет.



таълимотига, айниқса, «Хуш дар дам» рашҳасининг такомиллашувига ўз таъсирини ўтказган.

Хожа Али Ромитанийдан сақланган рубойлар ичида, айниқса, қуйидаги рубой жуда машҳур бўлиб, уни Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд муридларига тез-тез такрорлаб турганлар:

## РУБОЙ

Бо ҳар ки нишастию, нашуд, жамъ дилат,  
Аз ту нараמיד заҳмати обу гилат.  
Аз сўҳбати вай агар табарро нақунӣ,  
Ҳаргиз нақунад руҳи Азизон беҳилат<sup>67</sup>.  
*Таржимаси:*  
Сухбатдошинг ила қалбинг ноҷам,  
Кетмади севгилинг заҳмати ҳам.  
Демак, ундайлардан узоклашмасанг,  
Азизон руҳи кечирмагай ҳам.

Бу рубой орқали яхши киши, ҳақиқий авлиёлар суҳбати одамда башарий – танадаги тупроқ, сув талабларини йўқотиши ва ёмон кишилар билан суҳбат қилмаслик ғояси туради. Баҳоуддин Нақшбанд «бизнинг тариқатимиз суҳбатдур» деганда ана шундай ҳақиқий одамлар билан суҳбатни назарда тутиб, ёмонлардан узокда туришни таълим берадилар.

Тасаввуфнинг Хожагон тариқати инсонни камолотга етакловчи мўътадил, меъёрдаги мақбул йўлни топган.

Хожагон тариқатининг пири Баҳоуддин Нақшбанд устозларидан бири, Ҳазрат Азизон номи билан машҳур ва у яшаган йилларни Ҳазрат Азизон даври дейиш даражасига муносиб зот Ҳазрат Хожа Али Ромитаний ҳам инсон камолоти масалалари ҳақида тафаккур этган. «Рисолаи Ҳазрат Азизон»да у инсонни Ҳақиқатга етишига ёрдам берувчи, комил инсон бўлиши учун лозим бўлган **ўнга** шартни кўрсатган. Рисолада риоя этиш, бажариш керак деган шартлар инсонни ўз-ўзини англашга, ўз-ўзини бошқаришга ёрдам беради.

**Биринчи шарт таҳоратли бўлиш ёки покланишдир.** Ҳазрат Азизон покланиш ёки таҳоратни тўрт хилга: зоҳирӣ, ботинӣ, дил ва бош таҳоратига бўлиб, инсонни пок зот – Аллоҳ файз ва нурларини олишга тайёр бўлишга ёрдам берувчи шарт, деб қарайди. Зоҳиран таҳоратли бўлишга ҳаракат қилиб инсон ўз жисми, либоси, манзилу маконини

<sup>67</sup> Рашаҳот. 55–56-бетлар.



поклайди. Ботин таҳорати ила ҳалол луқма ва ичимликларга риоя этиб, вужудидаги барча ҳужайраларигача поклайди. Бош ва қалб таҳорати ила маънавий олами покланиб, зоҳиран ва ботинан камолотга тайёр бўлади.

Рисолада ёзиладики, инсон покланиб, ҳам халққа, ҳам Холиққа мақбул бўлсагина бу шартни мукамал бажарган бўлади.

Иккинчи шарт ношоиста сўзлардан тилнинг хомушлиги. Бу шарт инсонни ўзига берилган гапириш қувватларини бошқаришга ўргатади. Инсон бошқа мавжудотлардан фасоҳатли нутқи билан ажралиб туради. Бир оғиз яхши сўз билан инсонни ўлимдан сақлаш ва ёмон сўз билан ўлишга етаклаш мумкин. Шунинг учун тилни бошқариш масаласи бутун инсониятни хотиржам, барқарор яшашга таъсир этувчи жаҳоншумул муаммодир.

Ҳазрат Азизон бу маънида қуйидаги рубойни келтирадилар:

Эзид чу бино кард ба ҳикмат тану жон,  
Дар хар узве маслиҳате кард ниҳон.  
Гар муфседате надида буди зи забон,  
Маҳбус намекард ба зиндони даҳон<sup>68</sup>.

*Мазмуни:*

Аллоҳ ҳикмат ила тану жонни яратди,  
Ҳар бир узва бир маслиҳатни яширди.  
Тилдан бирор ёмонликни кўрмаганида эди,  
Уни оғизнинг зиндонига маҳбус қилмасди.

Ҳазрат Азизон инсонни тана ва жон, яъни руҳдан иборат мураккаб хилқат эканлиги ва танадаги ҳар бир узв бир мақсадда яратилганлигини таъкидлаб, инсонни ўз-ўзини жисми ва руҳини, нафси ва жонини ўрганишга, тафаккур қилишга чақиради. Алишер Навоий ҳам шу маънода таъкидлаган:

Ўз вужудингни тафаккур айлагил,  
Ҳар на истарсен ўзингдан истагил.

Ҳазрат Азизон, инсондан тил нима учун тишлар ва лаблар орасида яшириб, қамаб қўйилганлигини мушоҳада этишни талаб этади. Нега кўз ва кулоқлар очик оламни кўриб, эшитиб турганини мулоҳаза этишга чақиради.

---

<sup>68</sup> Рисолаи Ҳазрати Азизон / Наврўзова Г. Хожа Али Ромитаний ва Баҳоуддин Нақшбанд. – Бухоро, 1994. 17-бет.



Бу кўриб, эшитиб, мия қувватидан фойдаланиб, тафаккур этиб, ўшанга яраша кўл, оёқ қувватлари ила ҳаракат этиш ва зарур бўлганидагина тилдан фойдаланиш дегани эмасмикан... Хожа Али Ромитаний хомушликнинг аҳамиятини Биби Марям мисолида, Исо пайғамбарнинг ҳаёти ила исбот этганлар.

**Тўққизинчи шарт уйғоқликдир.** Бу шарт билан Ҳазрат Азизон инсонга берилган вақтни бошқариш, уйқу, ғафлат ҳолатидан бедорлик, ҳушёрлик ҳолатига ўтишни тавсия беради:

Гуфтам: «Ба чи хизмат ба висолат бирасам?»

Гуфто: «Ба тааллуқи Халлоқ Аллоҳ!»<sup>69</sup>

*Мазмуни:*

Айтдим: «Не хизмат билан сенга етаман?»

Айтди: «Ҳамма вақт Аллоҳ билан боғланишда бўлиш билан».

Ҳушёрлик, бедорлик – мудом Аллоҳ билан боғланиш, яъни асл моҳиятни кўришдир. Шунинг учун Баҳоуддин Нақшбанд ҳам «Тааллуқ ҳижоб асту, беҳосили», яъни «Бошқа нарсаларга (Аллоҳдан ўзга нарсаларга) боғланишлар инсон кўзини тўсиб, кўр қилиб, ҳосилсиз қиладиган нарсадир» деганлар. Дарҳақиқат, дунё, мол-мулк, шон-шуҳрат ва ҳ.з. ҳаддан зиёда, меъёридан ортиқ боғланиш кишини ғафлат дунёсига ғарқ этади. Хожа Али бедор, бўлишни ва ҳатто тунги вақтдан ҳам унумли фойдаланишни тавсия этиб, фойдали эканлигини таъкидлайди. У бу маънода шундай ёзади:

Аз субҳи вужуд беҳабар буд адам,

Он жо, ки ману ишқи ту будем ба ҳам.

Дар рўз агар касе наёбад маҳрам,

Шаб аст, ғамат аст маро пеш чи ғам<sup>70</sup>.

*Мазмуни:*

Адам - йўқлик ҳолатида вужуд сўбҳидан беҳабар эди,

Мен ва сен ишқ ичра эдик.

Ким маҳрамни кундузи топа олмаса,

Тун бор, сенинг ғаминг бор, менга не ғам.

---

<sup>69</sup> Рисолаи Ҳазрати Азизон / Наврўзова Г. Хожа Али Ромитаний ва Баҳоуддин Нақшбанд. Бухоро 1994. 23-бет.

<sup>70</sup> Рисолаи Ҳазрати Азизон / Наврўзова Г. Хожа Али Ромитаний ва Баҳоуддин Нақшбанд. – Бухоро, 1994. 24-бет.



Йўл соликлари ҳар қандай топган давлат ва саодатларини тунда топганлар.

Давлати шабгир хоҳй, хез, шабро зинда кун.  
Хуфта нобино бувад, давлат ба бедорон расад<sup>71</sup>.

*Мазмуни:*

Тунда ҳам олиб билувчи давлатни истасанг, тунни тирилтиргин.  
Ётган киши кўрдир, давлат эса уйғоқларгагина етар.

**Ўнинчи шарт луқмани сақлаш.** Бу шарт инсон тўққиз шартга амал қилиб қўлга киритган покланган вужуд ва камолотга етган руҳ қувватларини сақлаш, асраш, бошқаришга қаратилгандир. Чунки ҳаром луқма барча риёзатни йўқ қилади. Ҳазрат Азизон луқмани сақлашни куйидаги асосларини кўрсатган:

1. Ният қилиш, токи ҳалол рўзи насиб этсин. Чунки ҳадисда ёзилганки, «Ибодат ўн қисмдан иборатдир. Унинг тўққиз қисми ҳалол рўзи талаб этиш, қолган бир қисми барча ибодатлардир». Демак, ҳалол луқма, ҳалол ризқ қилиб берган нарсалар билан яшаган кишининг намоз, рўза, закот, ҳаж ва бошқа Қуръон ўқишу ибодатлари қабул бўлади. Шунинг учун ибодатли бўлиш учун бир шартни бажариб, тўққизтасини бажармай қолганлар, ўз охиратини куйдиради.

2. Ҳалол луқма огоҳлилик билан қилинган меҳнат ила топилган луқмадир. «Дил ба Ёру даст ба кор» – «Қалб Ёр – Аллоҳ билан, қўл меҳнат билан» шиорининг моҳияти ҳам шудир.

3. Луқмани истеъмол этишдан мақсад ибодатнинг мукамал бўлиши, яъни ибодатнинг тўққиз қисми бўлган ҳалол ризқ-рўзи топиш учун меҳнат қилишга куч-қувват йиғиш бўлиши керак. Нафсга қул бўлиб, луқмани истеъмол этиш инсонни ғафлатга етаклайди ва у ҳалол бўлмайди.

4. Ҳалол пок луқма исроф қилинмайди.

5. Луқмани истеъмол қилаётганда зикр билан, огоҳ ҳолатда, берилган неъматларга шуқр этиш лозим.

6. Луқмани яхши кишилар билан бирга истеъмол этиш, ёмон кишилар билан ҳамтовоқ бўлмаслик лозим. Бу маънида Ҳазрат Азизон шундай мисраларни келтирганлар:

---

<sup>71</sup> Рисолаи Ҳазрати Азизон / Наврўзова Г. Хожа Али Ромитаний ва Баҳоуддин Нақшбанд. – Бухоро, 1994. 24-бет.



Маншин бо бадон, ки суҳбати бад,  
Гарчи покй туру палид кунад.  
Офтоб бад ин бузургиаш,  
Парчаи абр нопадид кунад.  
Гавҳар аз нокисони раҳ матлаб.  
3-он, ки ин моя комиле дорад.<sup>72</sup>

*Мазмуни:*

Ёмонлар билан ўтирмагинким, ёмон суҳбат,  
Сен пок бўлсанг-да сени палид қилар.  
Қуёш шунча катта бўлса-да, уни,  
Бир булут парчаси кўринмайдиган қилиб тўсади.  
Бу йўлда бўлган ноқислардан гавҳар тилама,  
Бу моҳият, асл жавҳар комилларда бор.

7. Таом пишираётганда огоҳ, хушёр, Аллоҳ зикри ва шукрига, неъматларни тафаккурида бўлсин, бўлмаса ўзи ва бошқаларни ғафлатга олиб келади.

8. Таомни пишираётган киши таҳоратли бўлиши лозим. Хожа ХИЗР бир таомни емабдилар ва айтибдилар «Хамир қорган киши таҳоратсиз бўлган, бундай лўқма бизга лойиқ эмас». Баҳоуддин Нақшбанд ҳам битта капгир ғазаб, ғафлат билан таом тайёрлашда урилган бўлса, уни емаганлар, – деганлар. Ҳазрат Азизоннинг инсон камолотига етишнинг ўн шарти асосида ҳозирги кунда баркамол инсонни тарбиялаш жараёнида қуйидаги масалаларга махсус эътибор бериш зарур:

- Инсон ўз зоҳир ва ботини, яъни ташқи ва ички томони, манзил-макони, либосини пок, тоза, ораста сақлашга ўрганиши шарт.
- Тилга эътиборли бўлиши ва ношоиста сўзлардан тилни хомуш сақлашни ўрганиши лозим. Бунини махсус машқ этиш керак.
- Инсон ўз тани ва руҳини чуқур билиши, ўз-ўзини тафаккур этиши, ўз моҳиятини англаши ва ҳар бир узвидан ўринли, ҳикмати-ла фойдаланишни илмий ўрганиши керак.
- Инсон ўз кўз, қўл, оёқ, қулоқ қувватларини, салоҳиятини бошқариб, эзгуликка равона этиши лозим.
- Ўз нафсини таниш, унинг ёмонликларидан огоҳ бўлиш ва уни жиловлаш лозим.
- Инсон бутун оламга тафаккур назари билан қараб, унда ўз ўрнини, боқий ва фаний, абадий ва ўткинчи нарсаларни ажрата олиши лозим.

---

<sup>72</sup> Рисолаи Ҳазрати Азизон / Наврӯзова Г. Хожа Али Ромитаний ва Баҳоуддин Нақшбанд. Бухоро 1994. 25-бет.

- Қалб поклигига махсус эътибор бериш. Бунинг учун огоҳ ва риёсиз, холис бўлиш лозим.
- Нафаслар ва нафаслар орасидаги вақтни ҳам асраш, ундан тўғри фойдаланиш учун малакали бўлиши керак.
- Хотирани бошқариш лозим. Ундан ёмон фикрларни қувиб, фақат эзгуликка чорловчи хотираларни сақлашни машқ қилиш керак.
- Инсон доимо бутун борлиқ билан уйғун, мувофиқ, ризо ҳолатида бўлиши лозим. Бунинг учун ўзини хавф ва рижо орасида сақлаши лозим.
- Инсон ўз хатти-ҳаракатларини назорат этиши, бошқариш сирларини ўрганиши керак.
- Инсон ўзига берилган танлаш эркинлиги, ихтиёрни бошқаришни ўрганиши керак.
- Яхши киши билан ҳамсуҳбат бўлиши ва ёмонлардан узоқлаши шарт.
- Инсон доим огоҳ, ҳушёр, уйғоқ бўлиб, ғафлат, беҳудлик, уйқу ҳолатидан чиқиши лозим.
- Уйқу вақтини меъёрга солиб, тундан ҳам эзгу ишлар учун фойдаланиш лозим.
- Бирор нарсага ҳам меъёридан ортиқ боғланмаслик керак.
- Лукмани сақлашнинг барча шартларига риоя этиш шарт.
- Ҳалол ризқ-рўзи топиш учун меҳнат қилиш лозим.
- Таом тайёрлаш жараёни технологиясига ҳалоллик ва покликни зарурий шарт, деб киритиш лозим.



## II БОБ. БАҲОУДДИН НАҚШБАНД ТАЪЛИМОТИДА ВОҚИФЛИК МАСАЛАСИ

Баҳоуддин Нақшбанд асослаган Нақшбандия таълимотида Хожагон тариқатидаги 8 рашҳага янги 3 та: «Вукуфи замоний», «Вукуфи ададий», «Вукуфи қалбий» тамойилларини киритди. Уч рашҳада ҳам вукуф, яъни хабардорлик, огоҳлик тушунчаси мавжуд. Бу билан Баҳоуддин Нақшбанд Юсуф Ҳамадоний ва Абдулҳолиқ Ғиждувоний асослаган рашҳаларни мукамал ўрганиб ҳам микдор, ҳам сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарди. Натижада Нақшбандия таълимоти асослари 11 рашҳадан иборат бўлди.

### 2.1. БАҲОУДДИН НАҚШБАНДНИНГ «ВУКУФИ ЗАМОНИЙ» ТАМОЙИЛИ ВА «ҲУШ ДАР ДАМ»

Баҳоуддин Нақшбанднинг тасаввуф таълимотидаги энг асосий хизматларидан бири вақт ҳақидаги илми инсон камолотининг асосида кўйди. Унинг тарихий хизматларидан бири «Вукуфи замоний» – «Замон, вақтдан огоҳлик» рашҳа – ҳаётбахш ўғитларини Нақшбандия таълимотининг асосий тамойили сифатида киритди. Вукуфи замоний – инсон ўзи яшаётган давр, замон қандай кечаётганлигидан огоҳ бўлиши, умр бир бор берилиши ва инсон уни хайрли, эзгу ишларга сарф этиши лозим, ғафлатда қолмаслиги, лоқайд бўлмаслиги, огоҳ, ҳушёр, дахлдор бўлиши керак деган мазмун-моҳиятни англатади.

Ҳужвирий «Кашф ул маҳжуб» асарида вақт илми ҳақида ёзган, Муҳосибий ўтган вақтни доимо ҳисоб-китоб қилиб туриш лозим деган, Абдуҳолиқ Ғиждувоний «умр энг улуғ сармоя, йўқотилган вақт шу сармоянинг беҳуда сарфланиши» деб уни асраш лозимлигини васият қилганлар. Ориф Ревгарий «Орифнома» асарида «Вақт қилич каби кескирдир», деган. Умуман, тасаввуф аҳли вақтни қадрлаган. Хожагон таълимотида Юсуф Ҳамадоний томонидан киритилган «Ҳуш дар дам» тамойилида ҳам мазкур ғоя акс этади. Аммо Баҳоуддин Нақшбанднинг хизматлари шундаки, «Вукуфи замоний» рашҳасини назарий жиҳатдан асослаб, Нақшбандия тариқати амалиётида жорий этди.

Вақт фалсафий тушунчаси оламни атрибути бўлиб, барча объектлар мавжудлигининг давомийлигини ва ҳолатлар алмашувининг изчиллигини характерлайди. Вақт тушунчаси муҳим фалсафий категориялардан бири



сифатида классик фанда ўзига хос ва ноклассик фанда ўзгача талқин этилган. Вақт тушунчаси тасаввуфий таълимотда ҳам муҳим саналган.

Илк тасаввуфий ғояларни назарий таҳлил этган Ҳужвирий илмларни куйидаги хиллари борлигини ёзган: 1. Вақт илми. 2. Асосий ва иккинчи даражали илм. 3. Ҳақиқат илми. 4. Қонун илми. Ҳужвирийнинг илмлар таснифидан маълум бўладики, тасаввуф аҳли илмлар ичида «вақт илми»ни муҳим санаганлар, вақтни илм сифатида кўриб уни ўрганганлар, тадқиқ этганлар ва уни ҳаёт учун муҳим деб билганлар. Ҳужвирий «Илми вақт» – вақт илмига оид ғояларни «Кашф-ул маҳжуб» асарида келтирган: У «Вақт илми (илми вақт)ни – вақтга таъсир этувчи барча ички ва ташқи шарт-шароитларни билиш» деб таъриф берган ва бу илмни эгаллаш ҳар бир кишининг бурчидир, деб уқтирган.

Шунингдек, вақт тасаввуфда руҳий ҳолатнинг таърифи бўлиб, бундай ҳолатда инсон вақт устидан назорат қилиб билади, яъни ўз-ўзини шу вақт ичида бошқара олади. Вақт илми тушунчаси Абу Сулаймон Доронийда ҳам учрайди. У вақтни руҳий ҳолатни ҳимоя этувчи сифатида тилга олади. Саҳл ибн Абдуллоҳ Тустари вақтни ҳол ҳақидаги илмни излаш сифатида таъриф беради.

Ҳужвирий «Кашф ул-маҳжуб» асарининг 24-бобида асосий тасаввуфий тушунчаларни изоҳлашни «ҳол» ва «вақт» талқинидан бошлаган. Вақт – сўфиёна истилоҳ бўлиб, шайхлар уни жуда кўп муҳокама қиладилар. «Вақт ўтмиш ва келажакдан қатъи назар инсон ҳозир амалга оширадиган иши» дейди Ҳужвирий. Сўфий ўтмишни эслаш, қўмсаш, келажакни орзу қилиш билан эмас, вақт ичида – андар вақт бўлиши ва хушёр, огоҳ бўлиши керак. Сўфийлар учун «ўтмиш» ва «келажак» билан банд бўлиш камолотларига ҳижоб, яъни тўсиқ деб таъриф қиладилар. Чунки инсон фақат ўтмиш билан яшаса ва ёки келажак орзусида вақтини ўтказса фаол бўлмайди, унга берилган вақтни беҳуда ўтказди. Келажакни билмаймиз ва билмаган нарса ҳақида ўйлаш хато иш. Энг қимматли нарса ўтмиш ва келажак орасида сенга берилган вақтдир. Уни беҳудага ўтказмаслик керак, дейдилар сўфийлар.

Сўфийларда вақт икки хил бўлади: 1. Фақд – вақтни йўқотмоқ ҳолати. 2. Важд – вақтни ичида бўлиш, уни эгаллаш ҳоли. Тасаввуф аҳли дейдики, вақт – ҳақиқийлик, у бизни ихтиёримиздан ташқарида, уни танлаш эркинлиги йўқ. Истасак ёки истамасак ҳам вақт бор. Вақтни бозордан сотиб ололмаймиз, уни бирор нарса билан алмаштириб бўлмайди, ҳатто ҳаётимизни бериб ҳам вақтни қайтара олмаимиз. Инсон вақтни ўзига яқинлаштириб ҳам, узоқлаштириб ҳам билмайди.



Тасаввуфда вақт макон тушунчаси билан бирга ишлатилган. Юсуф Ҳамадонийнинг шогирди Андокий сўфийларнинг яшаши учун ихвон, макон, замонни муҳим деб билган. Яссавий дарвешсифат инсонларнинг етишишини замон, макон ва ихвон унсурларига боғлаб бундай дейди: «Мубтадийлар мурури, мутасаввифлар судури ва мунтаҳийлар зухури шу тўрт асосга боғлиқдир:

- 1) Макон,
- 2) Замон,
- 3) Ихвон,
- 4) Рабти султон».

Бу ғояларни ривожлантириб, Маҳдуми Аъзам ҳам буларга уйғун равишда тариқатнинг тўрт қондасини кўрсатган:

1. Хон – тариқат фаолиятининг самарали бўлишини таъминлаш ҳукмдорларга боғлиқ ва уларнинг бош вазифасидир.

2. Ихвон – тариқат аъзолари ўз хатти-ҳаракатларида ҳамдард, ҳамнафас, ҳамфикр ва ҳамжиҳат бўлишлари керак.

3. Макон – тариқат аҳли барча вазифаларини бажариши учун яратилган муҳит (яшаш жойи, хонақо, жоме, масжид ва б.) зарур.

4. Замон – вақт, он, имконият ҳар бир нафаснинг кадр-қиммати ва огоҳликда ўтишидир.

Илк тасаввуфий тариқатлардан бири бўлган муҳосибия тариқатининг асосчиси Ҳорис Муҳосибий муҳосаба – вақтни ҳисоб-китоб қилиш ҳолати ҳақидаги тушунчани сўфийлик истилоҳига киритган. Унинг ғояларини Абдулҳолиқ Гиждувоний ривожлантирган. «Маслак ал-орифин» асарининг 13-бобида Ҳожагон тариқати асосчиси Абдулҳолиқ Гиждувонийнинг тариқат мақомлари ва инсон руҳий камолотининг босқичлари ҳақидаги фикрлари ёритилган. Ушбу бобда муҳосаба тушунчасига махсус эътибор берилган: «Муҳосаба ҳар бир ўтган вақтнинг ҳисобидир». Абдулҳолиқ Гиждувонийдан сўрадиларки, «Муҳосаба нима?» У жавоб берди: «Муҳосаба нафасни сақлашдир, токи у беҳуда ўтмасин». Кўриниб турибдики, Абдулҳолиқ Гиждувоний нафас тушунчаси билан вақтни бир маънода ишлатган.

Абдулҳолиқ Гиждувоний устози Юсуф Ҳамадонийнинг «Хуш дар дам» – ҳар бир дам, он, нафасни асраш огоҳ бўлиш, хушёр бўлиш ўғитини Ҳожагон тариқатига тамойил сифатида киритади ва инсон ҳаётининг асосини нафасда дейди. Худди шу нафас ичида амал бор, вақт бор, ўлим бор, ҳаёт бор. Одам энг сўнгги нафасини олаётганда, нафас кадрини тўлиқ англайди. Шунинг учун «Муҳосабадан мақсад охирги нафасдир.

Муҳосаба нафасни нигоҳдошт, яъни сақлаш билан изоҳланади, токи у ғафлат билан беҳуда ўтмасин», дейди Хожаи Жаҳон. Муҳосаба ҳақидаги ғоя Баҳоуддин Нақшбандда ҳам учрайди. Нақшбандия тариқатида ҳам орифлар камолоти учун мушоҳада, муҳосаба ва муроқабаси асосий шарт деб қабул этилган ва Баҳоуддин Нақшбанд шунинг таъсирида Вуқуфи замоний - ҳар бир ондан огоҳ бўлиш рашҳасини кашф этган.

Муҳосаба – орифлар руҳий камолининг йўлидир. Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд бу йўл – орифларнинг Ҳаққа етиш воситасини шундай изоҳлаган: «Муҳосаба – ўтган ҳар бир соатимизни ҳисоблаш ва текширишдир. Ўтган ҳар бир соатимиз, нафасимиз ва замонамиз ҳузур билан ўтдимиз ёки нуқсон биланми, агар ҳаммаси нуқсон билан ўтган бўлса, қайтамиз ва амални аввал бошдан бошлаймиз».

Хожагон тариқати аҳли «Икки нафас орасидаги Ҳақ хоҳишини асрай» олган. Чунки ҳар бир нафасни иноят деб билганлар.

Абдулҳолиқ Гиждувоний «тириклик сармояси» бўлган умрнинг «ҳар нафасини эҳтиёт қилиш керак»лигини таъкидлайди. Бунинг учун ҳар нафасни эҳтиёт қилиш керак, уни қайтариб бўлмайди, ҳар бир ўтадиган оннинг қадрига етиш лозим, деб таъкидлайди.

Абдулҳолиқ Гиждувоний буюрадиким, «Зое кетган вақтларни тавба билан тадорик қилиш, яъни чорасини кўриш лозим ва бўш бўлган вақтни азиз деб билиш керак. Уни муҳофаза этишга ҳаракат қилинганки, барча футуҳлар вақтни сақлашга боғлиқдур. Ҳақ йўлидагилар вақтнинг риоятига жуда катта ғайрат қиладилар. Чунки Тангри ҳар бир нафасни эҳтиёт қилувчиларни севади».

«Вақтни азиз деб сақланг ва унинг одобини жойига қўйинг. Вақтни азиз тутиш сўфийлар учун лозим бўлган ишлардандир».

Абдулҳолиқ Гиждувоний бирор нафасни ҳам ғафлат билан ўтказмаслик, огоҳ бўлиш ва асраш лозимлигини уқтиради: «Умр нафасларнинг сармоясидир. Бу сармояни туну кун, уйқу ва бедор-ликда огоҳлик билан ҳарж қилиш керак. Ҳар бир ўтадиган бир нафасни зое кетказмаслик уни жавоҳир каби асраш лозим. Агар у зое кетса, катта зарар кўрилади. Худди бу асл жавоҳир бир хазина, беҳуда нафас хазинани ўғирлатиш билан баробардир.

Шунинг учун ҳар бир фурсатни ғанимат билиш керак ва уни эътибор ва истиғфор билан ўтказиш лозим. Чунки заррача қилинган яхшилик ва заррача қилинган ёмонликнинг ҳам ҳисоби бор».

Хожаи Жаҳон нафасни асраш, уни қадрлаш ботин иш эканлиги ва инсон камолотининг асоси, дейди. У таъкидлайдики, нафасингизни



эхтиёт қилинг, нафас ботин ишдир. «Вақт қилич каби кескирдир» ҳар бандаки, бир соатини ҳаётидан кесади, уни қайтиб қўлига кирита олмайди», деб ҳар он, ҳар нафасни асрашни Гиждувоний ўғит берган. Хожа Ориф Ревгарий ҳам «Орифнома» асарида вақтни қилич билан тенглаштиради. У шундай ёзади: «Ҳушёр бўлсинки, ал вақту сайфун қотиун! Яъни – вақт шамшир каби кескирдур! Турфатул айн (дақиқа)ни ҳам ғафлат ва беҳуда ўтказмасин».

Баҳоуддин Нақшбанд асослаган Нақшбандия таълимотида инсон фаол ҳаёт тарзини ўтказиш кераклиги қайд этилган. «Дил ба Ёру даст ба кор»лик, хилватнинг анжуманда бўлиши, сафарнинг Ватанда қилиниши бунга имкон бериши билан бирга Нақшбандияда робита деган амалиёт киритилган. Нақшбандия йўлидаги инсон робита амалиёти орқали ўз-ўзини таҳлил этиб туради. «Робитаи ҳузур» «Робитаи мавт» «Робитаи муршид», бир томондан эркин меҳнат фаолиятини олиб бориб эътиқод қилишга имкон берса, иккинчидан инсонни ҳар бир ўтган вақт, замонини таҳлил этишга ўргатади. Нақшбандия вақтдан тўғри фойдаланиш натижасида инсон «ибн ул вақт» – вақт ўғли, «абул вақт» – вақт отаси даражасида улғайиши ва вақтни ўз измида бошқара олиши мумкин деган.

Баҳоуддин Нақшбанднинг «Вуқуфи замоний» тамойили нафсни жиловлаш учун жуда катта аҳамиятга эга. «Бу қоидага асосан банда ҳамиша ўз аҳволдан воқиф бўлмоғи лозим, токи ҳар бир сифат ўзгаришда (замонида) банданинг ҳоли қандай кечади, мавжиби шукр бўладими ёки мавжиби узрми? Бу деган гап, солик (Ҳақ йўлидан бораётган киши) ўз умридаги ҳар бир дақиқани, яхшилик (хайр) билан ўтдими ёки ёмонлик (шарр) билан ўтдими, буни доимо ҳисоб-китоб қилиб яшамоғи даркор».<sup>73</sup> Демак, «Вуқуфи замоний»га асосан Ҳақ йўлидан бораётган шахс ўз аҳволини назорат қилиши, тўғри иш қилган бўлса шукр қилиши, гуноҳ қилган бўлса истиғфор айтиб, Аллоҳдан мағфират сўраши лозим. Мавлоно Яъқуби Чархий маълумот берадиким, ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд менга, оғир ҳолатимга истиғфор этишга, тавба қилишга ва яхши, хуш аҳволимда шукр этишга амр этардилар ва шу икки ҳолатга риоя этиш Вуқуфи замоний эканлигини айтар эдилар.

Баҳоуддин Нақшбанд муҳосаба билан «Вуқуфи замоний» тушунчасини бир маънода ишлатади. Муҳосаба даражасига етиш учун ориф вақтнинг қадрини биладиган бўлиши керак. Нақшбандия тариқати аҳли орасида бутун тасаввуф аҳлига хос бўлганидек, вақт жуда

---

<sup>73</sup> Рашаҳот. 39-бет.

қадрланган. Вақтнинг нақадар қимматли ва азиз эканлигини билиш лозимлигини солиқларга уқтирганлар. Уни бекорга зое этиб сарфлашдан уларни сақлаганлар. Зеро, вақт-нақдир. Уни бошқа қайтариб бўлмайди. Шунинг учун солиқлар йўлнинг қайси мартабасида бўлсалар ҳам вақтни муҳофаза ва муҳосаба этиб, уни зое этмасликка ҳаракат қилганлар.

Вақтни сақлаш, асраш учун бу таълимот кундузлари – рўзадор, кечалари – бедор бўлишни талаб этади. Яъни вақтни ейиш ва ухлашга сарфламасдан, меъёрида ейиш ва ухлаш керак, дейди. Қалбни бекарорликдан, Аллоҳдан ўзгага боғланишлардан ҳимоя этиш, тилини қурук сўздан, кўзини фойдасиз нарсага бокмоқдан, кулоқларни кераксиз ва гуноҳқор овозлардан, оёқларини беҳуда ерга, гуноҳга ботган жойларга боришдан муҳофаза эта олиши керак. Ҳаром ва шубҳали нарсаларни ейишдан жуда ҳам сақланиши керак. Ахлоқи замимани тўлалигича тарк этиши, бу моддий дунёдаги тааллуқотларини узиши лозим. Дангасалиқдан жуда сақланиш керак.

Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд асослаган бу тариқат аҳли ўртасида унинг шундай фикри машҳур бўлган: «Мусибатлар жуда кўпдир. Фақат энг буюк мусибат эса вақтнинг фойдасиз, бекорга кетишидир».

Муҳосаба вақтида ориф ҳар бир нафасини назорат қилиши ва агар гафлат билан ўтган бўлса бозгашт қилиш керак, яъни ишни қайтадан бошлаши лозим, дейди.

Баҳоуддин Нақшбанд «Вуқуфи замоний» рашҳасининг асосида «хуш дар дам» талаби туради. Баҳоуддин Нақшбанд вақт моҳиятини очиқ айтадики, «Ҳар ким ўз вақтида вазифасини адо этиш билан машғул бўлса, уни «соҳибул вақт» (вақт эгаси) дейдилар. Бу даражада етишганлар бу вақтни абадиятга боғлайдилар. Бундай вақт соҳиби вақтнинг тасарруфидан халос бўлган, балки вақт ва нафасларни ўз тасарруфига олган бўлади. Уни «абул вақт» – «вақт отаси» дейдилар.

Маълум бўладики, тасаввуф аҳли вақт сиру асрорини билишга ҳаракат қилиб, уни ўз изнларига солганлар. Пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.)нинг шундай ҳадиси шарифлари бор: «Бир онлик тафаккур, бир йиллик ибодатга тенг», «Бир онлик тафаккур, етмиш йиллик ибодатга тенг», «Бир онлик тафаккур, минг йиллик ибодатга тенг». Бу ҳадисларни шарҳлаб, қодирия тасаввуфий таълимот асосчиси бўлган Ғавсул Аъзам, Пири Дастгир номлари билан машҳур Абдулқодир Гилоний (XII аср) нимани ва қандай тафаккур қилиш ибодат қувватини оширишини айтади.

Вақт тасаввуфий талқинда, бир томондан, илм сифатида таснифланган бўлса, иккинчи томондан, муҳосаба – ҳисоб-китоб қилиб туриши зарур



ҳодиса, учинчи томондан, ўтмиш ва келажак орасида мавжуд бўлган, ҳақиқий имконият, он, нафас, тўртинчи томондан, огоҳ бўлиш зарур дамдир. Уни билиш, англаш ва ундан фойдалана олиш инсон ҳолатига таъсир этиб, камолотга етишига ёрдам беради.

Тасаввуф аҳли вақтга инсоннинг унга бўлган муносабатига қараб таъриф берган. Вақт ичида бўлиш, вақт имкониятини англаш, шу вақт яъни ўтмиш ва келажак орасидаги муддатда инсоний ҳолатда яшаш, вақтнинг самарадорлигини ошириш – бир онни минг йил билан тенглаштириш.

Демак, тасаввуф аҳли учун вақт абстракт бир тушунча эмас, инсон билан чамбарчас боғланган ва инсонни икки дунё саодатига етаклай оладиган тушунчадир. Вақт инсониятни абадиётга дахлдор қилгани каби, инсон ҳам вақтни ўлмас, абадий қила олади.

Умумий ҳулоса қилиб айтиш мумкинки, Хужвирий вақт илми тушунчасини тасаввуфда қўллаган бўлса, Муҳосибий муҳосаба – вақтни ҳисоб-китоб қилиш тушунчасини қўллаган.

Андоқий, Яссавий, Маҳдуми Аъзамлар вақтни макон билан бирга тилга олганлар, Абдулқодир Гилоний бир онни минг йиллик самара бера олишини қайд этган, Юсуф Ҳамадоний «хуш дар дам», деб нафас билан вақтни уйғун ҳисоблаган, Абдулҳолиқ Ғиждувоний эса вақтни – умрнинг сармоёси, жавоҳир каби қимматли деган, Абдулҳолиқ Ғиждувоний ва Хожа Али Ромитаний – Ҳазрат Азизон вақтнинг самарадорлигини ошириш учун тунни ҳам уйғоқ ўтказишни, Сулаймон Боқирғоний Ҳақим ота – саҳар вақтининг аҳамиятини ва ҳар кишини Хизр билиш ва ҳар кечани Қадр билишнинг аҳамиятини кўрсатган, Баҳоуддин Нақшбанд Вуқуфи замоний тамойилини кашф этиб, вақт ичида бўлиб ўз ҳолатдан хабардор бўлишга чақиради, у вақт ўғли – ибнул вақт ва вақт отаси – абул вақт тушунчалари орқали вақтнинг соҳиби бўлган, вақтни ўз тасарруфида олган одамларни таърифлайди. Баҳоуддин Нақшбанд ғояларини давом эттириб, Ҳазрат Жомий ҳар нафасни асраш султонлик даражасига олиб келади деса, Ҳазрат Навоий ҳар тунни Қадр ва ҳар кунни Наврўздек қадрлашга ундайди. Бу ғояларни таҳлил этиш уларни фалсафий асосларини аниқлаш давр талабидир.

Манбалар таҳлилидан Баҳоуддин Нақшбанд «Вуқуфи замоний» тамойили мазмун-моҳияти асосида вақтни тасаввуфий тушунишнинг қуйидаги талқинлари мавжуд эканлиги маълум бўлади:

- Вақт бор бўлган, мавжудлик, ҳақиқийликдир.
- Вақт бу ҳозирги замон. Ўтган ўтди, келадиган вақт номаълум.

Шунинг учун вақт инсон учун берилган яшаш ва ижод қилиш учун имконият. Вақт умр сармоясидир.

- Вақт илмдир ва уни ўрганиш, билиш лозим. Вақт илмига амал камолот мезонидир.

- Вақтни билиш, ундан самарали фойдаланиш инсон ҳолатига таъсир этувчи асосий мезондир.

- Вақт макон билан узвий боғлиқдир.

- Вақт ҳаракат билан ўзаро боғлиқдир. Инсон қанча мукамал ҳаракат қилса вақтни сақлаши, чўзиши, унинг устидан ҳукмрон бўлиши мумкин. «Абул вақт» вақт отаси тушунчаси шунга ишоратдир. Бунинг учун вақтни сарҳисоб қилиб туриш муҳосаба мақомида бўлиш лозим.

- Вақтдан унумли фойдаланиш унинг самарадорлигини юксак даражада оширади. Ҳаракат тезлиги вақтни секинлаштиради.

- Вақт нақддир. У қадрият бўлиб, аксиологик аҳамиятга эга. Шунинг учун «хуш дар дам» бўлиб, уни асраш, «Вуқуфи замоний» – замон, вақтдан огоҳ бўлиб уни қадрлаш лозим.

- Инсон руҳий камолоти вақтни тўғри тасарруф этиш билан уйғун ўсади.

- Вақт шафқатсиз ва қилич каби кескирдир. У инсон ихтиёридан ташқаридадир.

- Вақт инсон ҳолати билан уйғун тушунчадир.



## 2.2. ВУҚУФИ АДАДИЙ

Баҳоуддин Нақшбанднинг тасаввуф таълимотидаги энг муҳим хизматларидан яна бири сон ҳақидаги илмни яратиб, инсон камолотига оид таълимотнинг асосига қўйди. Баҳоуддин Нақшбанд «Вуқуфи ададий» деган рашҳа – ҳаётбахш ўғитни кашф этиб, унга амал этиш лозим, дедилар. «Вуқуфи ададий» – сондан, ададдан огоҳ бўлишдир. Бу таълимот асосида икки тушунча: касрат – кўплик ва ваҳдат – ягоналик ётади. Оламга назар солганда борлиқдаги барча нарсалар ранг-баранг ва турли-туман кўринса-да, уларнинг асл моҳияти биттадир. Баҳоуддин Нақшбанд бирлик, ягоналик, аҳад барча нарсаларда тажаллий этган, акс этган дейди. Абдурахмон Жомийнинг «Шарҳи рубоиёти»да Баҳоуддинни «Вуқуфи ададий» таълимоти қуйидагича изоҳланади:

Дар мазҳаби аҳли кашфу арбоби хирад,

Сорист аҳад дар ҳама афроди адад.

Гарчи адад берун аст зи ҳад,

Лек дар сурату, дар модааш ҳаст аҳад.<sup>74</sup>

*Мазмуни:*

Кашф аҳли ва хирад арбоби мазҳабида,

Барча ададларда аҳад(бирлик) намоёндыр.

Ададлар ҳаддан зиёда бўлсалар-да,

Лекин уларнинг сурати ва моддаси аҳад – ягонадыр.

Демак, барча борлиқнинг асл моҳияти битта илоҳий бирлик, яъни аҳадиятдыр, демоқчи Баҳоуддин Нақшбанд. Бу мазмунда унинг шундай фикри бор:

Касрат чу нек дарнигори асли ваҳдат аст,

Маро дар ин шак нест, гар туро шак ҳаст.

Дар ҳар рақам бингари аз рӯи эътибор,

Гар сураташ бубини, лек модааш як аст.<sup>75</sup>

*Мазмуни:*

Касратга эътибор билан қарасанг асли ваҳдатдыр,

Менда бунга шак йўқ, гар сенда шак бўлса-да.

Ҳар бир сонга эътибор билан қарасанг,

Сурати турлича бўлса ҳам, асли биттадыр.

<sup>74</sup> Рашаҳот. 42-бет.

<sup>75</sup> Рашаҳот. 41-бет.



Бутун олам ягона асосга эга, деган фикр билан Баҳоуддин Нақшбанд бутун борлиқни севиш, эъзозлаб, унга муҳаббат билан муносабатда бўлиш лозим демокдалар. Баҳоуддин Нақшбанд бутун инсониятни – унинг дини, ирқи, жинси, миллати, иқтисодий мавқеига қарамасдан илоҳий хилқат сифатида кўриш, уни асраш лозим деб, барчани ахил, тинч, хотиржам, мурсою мадорада яшашга ундайдилар. Сонлар фалсафасига Пифагордан бери эътибор берилган бўлса-да, Баҳоуддин Нақшбанд Вукуфи ададийни ладуний илмнинг ибтидоси деб қарайди ва сондан огоҳ инсон ладуний илм соҳиби бўлиши мумкинлигини исбот этади.

Баҳоуддин Нақшбанд: «Вукуфи ададий ладуний илм мартабасининг аввалидир»<sup>76</sup>, – деб айтган. «Ладун» арабча сўз бўлиб, олдидан, ёнидан деган маънони англатади. Қуръони каримда бу сўз такрорланиб туради. Ладуний асосан Аллоҳнинг олдидаги, ёнидаги илм маъносини англатади. Ладуний илм деганда Аллоҳгагина бор бўлган ва унинг ёнида бўлган, у истаган кишига, истаган жой ва вақтда берадиган илм тушунилади. «Фарҳанги забони тожик»да ладуний илм ҳақида шундай дейилган: «Ладуний – табиатда зехннинг иштирокисиз, жидду жаҳд қилмасдан, Аллоҳ томонидан ато этиладиган, Аллоҳ берган илмдир». Буни ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд куйидагича таърифлаган: «Ладуний илм шундай илмдурким, қурб аҳлига илоҳий таълим ва раббоний тафҳим ила маълум ва мафҳум бўлади. Бу иш ақлнинг далили ва нақлнинг шоҳидисиз амалга ошади».

Тасаввуфга доир барча луғат, мақолаларда билиш ҳақида гап кетганда ладуний илм – яқин, тўғри билим, ҳақиқат даражасидаги билим деб, уни Аллоҳ инояти билан берилиши таъкидланади. Йирик олим Франц Роузенталь ҳам «билим, нур, сўфийлик» ҳақида гапирганда «илм» ва «яқин» тушунчаларини таққослайди ва «яқин» илоҳий томонидан берилади, деган тушунчани илгари суради. Баҳоуддин Нақшбанд таълимотида бу нуқтаи назар бошқача изоҳланади. Унинг фикрича, ладуний илм билан яқин илми ўртасида фарқ мавжуддир. У шундай деган: «Ладуний ва яқин илмларнинг орасида фарқ шудирки, яқин илми – асл зотнинг нури ва илоҳий сифатларини идрок этишдан иборатдир. Ладуний илм эса илҳом орқали унинг маъносини ва Ҳақнинг каломларини фаҳмлай олишдир».

Юқоридаги фикрлардан келиб чиқадики, Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанднинг фикрича, яқин илми орқали сўфий Тангрининг зоти ва

---

<sup>76</sup> Рашаҳот. 41-бет.

сифатларининг нурларини идрок қилади. Ладуний илмда эса Илҳом орқали Ҳақ моҳияти ва каломларини фаҳмлай олади. Баҳоуддин Нақшбанд ладуний илмни яқин илмдан кўра юқори даражада ва бутун оламдаги илмларнинг энг юксаги, деб қарамокда. Чунки асл мақсад - бу нурларни кўриш эмас, балки Ҳақ моҳияти ва каломлари маъносини англашдир.

Нақшбандийликка оид манбаларда ладуний илм қуйидаги уч йўл билан:

1. Ваҳий орқали пайғамбарларга.
2. Илҳом орқали муқаддас шахслар – валийларга.
3. Интуиция (фаросат) орқали сўфийларга берилиши кўрсатилган.

Ладуний илм – ҳол илмининг энг юксагидир. У барча ботиндаги моҳиятларнинг асл маъносига етишга ёрдам беради.

Баҳоуддин Нақшбанд «Вуқуфи ададий» таълимоти орқали ислом фалсафасидаги энг асосий тушунча тавҳид масаласини тасаввуфий нуқтаи назар билан таҳлил этади ва бу тушунчани англашга ёрдам беради. Тавҳид бутун борлиқнинг ягоналиги, ягона моҳиятга эга эканлиги масаласидир.

Баҳоуддин Нақшбанд бутун борлиқ ва унинг кўринишлари – табиат, инсон, жамият ва уларнинг қуйидан юқоригача бўлган барча даражаларини ва ҳар бир кўринишларини касрат – кўплик тушунчаси билан ифодалайди. Баҳоуддин Нақшбанд уларнинг ҳар бири турли кўринишда бўлса-да, моҳиятан ягона аҳад, ваҳдат тушунчаси билан ифодалаб таъкидлаб, бутун борлиқни ягона илоҳий моҳиятга эга эканлигини таъкидлайди.

Баҳоуддин Нақшбанднинг барча сонларнинг асосида бир сони туриши ва барча борлиқнинг кўринишларининг асоси бир – аҳад дейиш билан барча зоҳир бўлаётган, кўринаётган нарсалар илоҳий нурнинг тажаллийси эканлигини таъкидлайди. Бу билан бутун борлиқдаги жонли ва жонсиз нарсалар, ўсимлигу ҳайвонлар, бутун инсоният ягона моҳиятнинг тажаллийси эканлиги ва шунинг учун ҳам уларнинг ўзаро боғланганлиги, алоқадорликда эканлигини айтиб, бу фикр билан бутун борлиққа меҳр-муҳаббат ила муносабатда бўлиш лозимлиги ғоясини илгари суради.

Шунинг учун ҳам нақшбандлар борлиқдаги бутун мавжудотга меҳр-муҳаббат билан, илоҳий моҳиятнинг тажаллийси сифатида назар қилиб, уларни асраганлар ва эзгу муносабатда бўлганлар. Нақшбандия таълимотининг бутун борлиққа меҳру муҳаббат билан муносабатда

бўлиш ва эзгулик қилиш ғояси барча асрларда бу таълимотни коинот ва борлиқ учун мақбул ва инсоният учун фойдали бўлишини таъминлаган.

Демак, Нақшбандия таълимотидаги Баҳоуддин Нақшбанд киритган «Вуқуфи ададий» ғояси инсонларнинг коинотга нисбатан меъёрида муносабатини таъминлаб, ҳозирги глобаллашув жараёнидаги экологик инқирознинг олдини олишга кучли иммун тизим сифатида хизмат қилади. Вуқуфи ададий инсонларнинг ўзаро муносабатида меъёр бўлишини таъминлаб, инсонпарварлик хусусиятидаги таълимот сифатида жамият тараққиётига катта хавф солаётган уруш масалаларини тинчлик йўли билан ҳал қилишнинг жуда кучли воситаси бўлиб хизмат қилади. Бу тамойил миллатлараро тотувлик ва ижтимоий ҳамкорлик муносабатларини жамиятда амалга ошишини ва халқларнинг тинч, фаровон яшашига имкон беради.



### 2.3. ВУҚУФИ ҚАЛБИЙ

Баҳоуддин Нақшбанднинг тасаввуфдаги тарихий хизматларидан яна бири қалб ҳақидаги илмни Нақшбандия таълимоти ва амалиёти асосига қўйди. У киши «Вуқуфи қалбий» – «қалбдан огоҳ бўлиш» рашҳаси – ҳаётбахш ўғитини кашф этиб, Нақшбандия таълимоти тамойили сифатида жорий этдилар. Умуман, тасаввуф аҳли қалб масаласига жуда катта эътибор беради.

Бу масалада Баҳоуддин Нақшбандгача кўп фикрлар айтилган, асарлар ёзилган, лекин айнан Баҳоуддин Нақшбанд «Вуқуфи қалбий» тушунчасини инсон камолоти учун зарурий тамойил сифатида Нақшбандия тариқатига киритдилар. Баҳоуддин Нақшбанднинг «Аврод» рисоласи ва у кишининг айтганлари жамланган Муҳаммад Порсонинг «Рисолаи қудсия» асарида айнан қалб инсоннинг жисмоний ва руҳий оламини бир-бири билан боғлаб турган марказ эканлиги, қалбда нақшланган нарса хотирада муҳрланиши, қалб ҳолати инсоннинг бутун ҳолатини белгилаши ва шунинг учун қалбни поклаб туриш, уни ташқи таъсирлардан асраш, ёмон ҳамсуҳбатлар, ёмон ҳиссиётлардан асраш лозимлигини таъкид этганлар.

Баҳоуддин Нақшбанд қалбдан мудом огоҳ бўлиб, уни барча ифлосликлардан тозалаб, унда фақатгина Аллоҳнинг муҳаббатини жойлаш лозимлигини таъкидлаш билан «Дил ба Ёр»лик моҳиятини очмоқдалар. Қалб – илоҳий хилват маконида фақат илоҳий ишқ, илоҳий муҳаббат, бутун борлиққа илоҳий муҳаббат, эзгу ният, эзгуликлар мужассам бўлиши лозим. Кибр, ҳасад, ғазаб, кина, нафрат, ўзга боғланишлар: дунёпарастлик, суратпарастлик, зоҳирпарастлик, молпарастлик, мансабпарастлик каби иллатлардан қалбни тозалаб туриш керак, дейдилар.

Мустақиллик даврида файласуфлар умуман фалсафа, шунингдек, инсон фалсафасини янгича ёндашув билан тадқиқ эта бошладилар. Инсон руҳияти, қалби, ички олами, иродаси, имон-этикоди, виждони, менталитети каби масалалар фалсафий тадқиқот объекти бўлмоқда. Инсон онгли мавжудот сифатида анча ўрганилган бўлса-да, лекин унинг қалби масаласи ҳали етарлича тадқиқ этилмаган. Ҳолбуки, инсон қалбига йўл маънавий-маърифий тарғиботнинг энг асосий масаласидир. Қалб масаласи тасаввуф таълимотларнинг диққат марказида бўлган. Тасаввуфнинг Нақшбандия таълимотининг асосчиси Баҳоуддин Нақшбанд ҳам қалб масаласига махсус эътибор берган.

Баҳоуддин Нақшбанд таълимотининг таҳлили кўрсатадики, уларда қалб икки маънода тушунилади: биринчиси – танада жойлашган, ҳайвонларда ҳам бор бўлган гўшт парчаси, яъни юрак бўлса, иккинчиси – раббоний руҳ деб аталадиган латоиф қалбдир. Қалб латиф илоҳий руҳ бўлиб, олам ҳақиқатини идрок этиши, ақллар ҳайратда қоладиган нарсаларни била олиши, жисм билолмайдиган нарсалар ва сифатларни англаши каби имконияти чексиз даражада бўлган борлиқнинг бир кўринишидир. Қалб раббоний руҳ маъносида асл ҳақиқатини билувчидир. Нақшбандия таълимотида раббоний руҳ деб аталувчи латиф қалб билан жисмоний гўштпора кўринишдаги юрак орасида махсус боғланиш борлиги таъкидланган.

Баҳоуддин Нақшбанднинг қалб ҳақидаги қарашларини қуйидагича кўрсатиш мумкин:

### **«ҚАЛБ РАББОНИЙ РУҲ МАНЗИЛ-МАКОНИ – АСЛ ҲАҚИҚАТНИ БИЛУВЧИ»**

Танадаги гўшт парчаси юрак – ҳайвонларда ҳам мавжуд, танани қон билан таъминлайдиган марказ.

Юрак жисмни ҳаракатга келтирувчи бўлган қон томирларига жон берса, қалбга олти нарса хослигини Баҳоуддин Нақшбанд қуйидагича таъкидлайди: ҳаёт ва ўлим, соғлиқ ва касаллик, уйқу ва уйқусизлик. Буларнинг мазмуни қуйидагича изоҳланади: қалбнинг ҳаётлиги – уни ҳидоят қилувчи эканлигида бўлса, унинг ўлими йўлдан адашиб, залолатга ботишидир; қалбнинг соғлиги – поклиги; касаллиги – алоқалар, боғланишлар билан ўралашиб қолишида; уйқу ҳолати – қалбнинг ғафлатда қолиши; унинг бедорлиги – ҳушёрлигидир. Нақшбандияда қалбнинг дақиқ, нозик, латифлиги таъкидланиб, уни гуноҳ, ёмон нарсалардан асраш лозимлиги уқтирилган. Арзимас гуноҳ ҳам ёмон оқибатларга олиб келиши мумкинлиги айтилган.

Шунинг учун Нақшбандия тариқатига ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд «Вукуфи қалбий» – қалбдан огоҳ бўлиш рашҳасини киритган. Бу тамойилнинг вужудга келишида биринчи сўфия аёл Робия Адавиянинг: «Ё раб, дилимни намозга ҳозир айла ва дил торимни ўзингга созла!» ғояларининг таъсири бор.

Баҳоуддин Нақшбанднинг қалбга оид таълимотига Пири Дастгир, Ғавсул Аъзам номи билан маълум Абдулқодир Гийлоний таълимотининг ҳам таъсири борлигини кўрамиз. У қодирия тариқатининг асосчиси



бўлиб, унда «Машғуллик ила фориғлик» шиори қабул қилинган. Шу талаб асосида Нақшбандия тариқатидаги «Дил ба Ёру даст ба кор» шиори шаклланган. «Машғуллик ила фориғлик» очкўзлик ва худбинликдан буткул йироқ бўлишдир; ўзинг яратган моддий-маънавий бойликлардан ўзгалар ҳам баҳраманд бўлса, бундан фахрланиб, хурсанд бўлиб яшашдир; кўпчилик учун фидо бўлиш, жонкуярлик қилиш ва бунинг оқибатида инсонларни хурсанд қилиб, Аллоҳдан ажр-савоб, яхшилик кутишдир; «ҳаммага берсин, кўпнинг қаторида менга ҳам берсин», – дея дуода бўлиб, меҳнат қилишдир. Ўз нафсини бахилликдан сақлай олишдир.

Муҳаммад Сиддиқ Рушдийнинг маълумотларига асосан Абдулқодир Гийлоний авлиёлар ўртасида энг юксак рутбада турган. Барча авлиёлар бўйни унинг қадами остида бўлган. Султонул Орифин Абу Язид Бастомий Ҳаққа арз этдики, «Шайх Абдулқодирни мендин қайси важҳ бирла даражасини юқори бўлмоққа ҳукм қилурсен?». Нидо келдики, Саййид Абдулқодирнинг сендин икки важҳ бирла мартабаси баланддур, бири улки, ҳабибим Муҳаммад (с.а.в.) авлодларидур, иккинчи улки, сен дунёдин фориғ ва менинг хизматимга машғулсен. Саййид Абдулқодир бовужуди «Машғуллик бирла фориғдир». Гийлонийнинг бу фазилати Баҳоуддин учун ибрат мактаби бўлган.

Юрак ва қалбнинг ўзаро узвий боғлиқлиги Нақшбандиянинг «Дил ба Ёру даст ба кор» – «Қалб Аллоҳ билан, қўл ишда» шиорида ўз аксини топган. Инсон фаол бўлиши, яъни қўли ишда, халқ, юрт, эл, ватан манфаати йўлида холис хизмат қилиши, жисмонан кучли бўлиши, тананинг барча қисмлари уйғун ҳаракат қилиши учун юрак соғлом бўлиши лозим.

Қалб – маънавий марказида кибр, ҳасад, ғазаб, нафрат бўлса, гўштпора юрак ҳам қисилади, қон ҳаракатидаги уйғунлик бузилади. Булар жисмда турли хил касалликларни вужудга келтиради. Шунинг учун юрак қалбга, қалб юрак ҳолатига боғлангандир.

Баҳоуддин Нақшбанднинг қалб ҳақидаги фикрлари Хожа Абдулҳолиқ Гиждувонийнинг бу масаладаги қарашларидан озиқланган. «Аз гуфтори Хожа Абдулҳолиқ Гиждувоний» рисоласининг тўққизинчи боби «Дилнинг саломат бўлиши ҳақида» деб номланади. Бу рисолада Хожаи Жаҳоннинг шундай сўзлари келтирилади: «Билгилки, дилнинг саломатлиги Ҳақ таоло рози бўлмаган нарсалардан узоқ бўлишдир. Эртага соғлом дилдан ўзга ҳеч нарса ёрдам беролмайди».

Хожаи Жаҳон шу рисолада бемор дилни саломат қилиш учун



қуйидагича маслаҳат берадилар: «Унинг давоси шуқим, уламолар суҳбатига интилиб, уларнинг хизматида турмоқ, уларнинг айтганини қабул қилиб, машойихлар ҳузурида бўлмоқ лозим. Шундагина дилдан дунёга бўлган муҳаббат кетади. Расулulloҳ айтадилар: «Ўлим келмасдан аввал унга тайёргарлик кўринглар».

Хожаи Жаҳоннинг шогирди Ориф Ревгарий – Мохитобоннинг «Орифнома» асарида қалбни поклашга алоҳида эътибор берилади: «Пок эътиқодли бўл!

Зероки, қора юрак, ифлос кўнгил бутун аъзойи баданни палид қилгай. Ахир Тангрининг бизни қабул этиши ё этмаслиги айна шу кўнгил туфайли-ку!». Нақшбандиядаги «Вуқуфи қалбий» ҳақидаги таълимот учун бу ғоялар асосий манбалардан бири бўлиб хизмат қилган.

Баҳоуддин Нақшбанд қалб тарбиясини нафсни жиловлаш, бошқариш, меъёрга солишнинг асосий йўли деб билганлар. Инсоннинг камолоти учун қалбдан огоҳ, воқиф бўлиши зарур, деганлар. Баҳоуддин Нақшбанд ўз нафсининг тарбиясини қиёмига етказиб, комили мукамаллик даражасига етган эдилар. Шунинг учун ўзлари айтар эдилар: «Агар хоҳласам, нафсимни эллик марта сув лабига олиб бориб, яна ташна ҳолда қайтариб келаман».

Баҳоуддин Нақшбанд қалбга «руҳоний ва жисмоний олам ўртасидаги воситадир» деб баҳо беради ва шунга асосланиб тариқатга «Вуқуфи қалбий» деган тамойилни киритади. Баҳоуддин Нақшбанднинг «Вуқуфи қалбий» таълимоти икки маънони англатади. Биринчиси: «Ҳақиқатни англашни истаган кишининг қалби Ҳақдан огоҳ бўлиб туриши. Бунинг ёддошт деб айтадилар».

Шу маънода яна у «Вуқуфи қалбий» қалбнинг Ҳақдан шу даражада огоҳ ва ҳозир бўлиши, Худонинг ўзидан бошқа бирон нарса уни машғул қилмайди», деган. Бошқа жойда огоҳликни зарур ҳисоблаб, уни шухуд, вусул ва Вуқуфи қалбий деб номлаган.

Иккинчи маъноси: «Солиқ ўз қалбидан воқиф бўлиши ва таважжух қилиши, яъни унга тўла юзланиши керак. У қалбини Тангри зикри билан машғул бўлишга чорлаши ва уни ғофил бўлишга қўймаслиги керак».

Баҳоуддин инсон камолотида нафасни сақлаш ва санокқа эътибор беришни асосий деб санамаган, лекин Вуқуфи қалбийни шу икки маънода ҳам лозим деган. У бутун мақсадларнинг хулосасини Вуқуфи қалбийда, яъни қалбдан воқиф, огоҳ бўлишда деб билади ва шундай байтни келтиради:



Монанди мурғе бош, к-он дар байзаи дил посбон,  
К-аз байзаи дил зоядат мастиву завқу қаҳқаҳа.<sup>77</sup>

*Мазмуни:*

Шундай товуқ каби бўлгинки, у юрак тухмига соқчидир,  
Чунки дил тухмидан мастлик, завқ ва қаҳқаҳа туғилади.

Демак, Вуқуфи қалбий шундай таълимотким, инсон унга асосланиб, доимо барча ҳолат ва иш қилаётганида қалбига қараб огоҳ бўлиши, қалби бўлса, фақатгина илоҳий нурларни тажаллий этиши керак. Шундагина инсон Аллоҳнинг ердаги халифаси ва бутун оламнинг гултожи вазифасини бажара олади. У шундагина кубро оламини ботинида акс эттириб, айна пайтда суғро олами бўлиб қола олади. Бу таълимотда таважжуҳ ва мувоқабат амалиёти бирлашган бўлади. Мувоқабат илоҳий нур, файзга интизорликдир.

Юқорида таъкидлаганимиздек, Баҳоуддин Нақшбанд қалбни руҳоний ва жисмоний олам ўртасидаги воситадир деб айтмоқдалар. Инсон борлиғи ўзида барча борлиқни кўринишларини жамлагандир. Унда ҳам жисмоний-моддий, ҳам руҳий-маънавий томон мужассамдир. Бу икки бир-бирига зид, қарама-қарши, зулмат ва нурни бирлаштира оладиган, боғлайдиган латиф қувват қалбдир. Умуман инсонга ҳам олами суғро – микроолам, ҳам олами кубро – макроолам бўла олиш қудратини қалб беради.

Қалб бутун борлиқларнинг қувватини ўзида жамлаган инсондаги наномайдонга ўхшаш майдон, нанотехнологиялар каби қудратли воситасидир. Лекин наномайдон, нанотехнологиялар қуввати чекли бўлса, қалбнинг устунлиги унинг қувватининг чексиз, чегарасизлигидадир.

Қалб тарбияси учун аввало асосий йўл уни поклаш эканлигини Баҳоуддин Нақшбанд таъкидлаганлар. Покланиши учун, биринчидан, тавба мақомининг ўрни катталиги кўрсатилган.

Ҳазрат Нақшбанд инсон руҳий камолотининг биринчи мақомини «тавба» ва уни қалб оламига киришнинг ибтидоси деб, тушунтирган. Тавба тушунчаси «қайтмоқ» маъносини англатиб, киши илоҳий даражага юксалиш йўлига кираркан, Ҳаққа элтадиган узоқ йўлдан яқин йўлга қайтади.

Баҳоуддин тавбанинг турли босқичларини ўз ичига олган ягона руҳий камолот жараёни, деб билган. У тавбани тўрт гуруҳга бўлади.

---

<sup>77</sup> Рашаҳот. 42-бет.

1. Авом тавбаси – зоҳирӣ гуноҳлардан қайтиш.
2. Солиҳ тавбаси – ахлоқи замимадан қайтиш.
3. Ботин тавбаси – қалбни поклаш учун қайтиш.
4. Муҳиблар тавбаси – ғафлатдан қайтиш.

Баҳоуддин Нақшбанднинг 17-рақамли рубойида<sup>78</sup> ҳар бир инсонга ҳар тонг қуйидаги тўртликни такрорлашни тавсия этади:

يا رب بکشا بر دلم از توبه درى  
 بى منت مخلوق رسان ماحضرى  
 در باقى عمرم چنان بگذار  
 کز من نرسد بهيچ کس درد سرى

Ё Раб, бикушо бар дилам аз тавба даре,  
 Бе миннати махлуқ расон моҳазаре.  
 Дар боқии умрам чунон бигузур,  
 К-аз ман нарасад ба ҳеч кас дарди саре.<sup>79</sup>

*Мазмуни:*

Ё Роббим, қалбимда тавба учун эшик очгин,  
 Махлуқотнинг миннатисиз ҳалол лўқма етказгин.  
 Умримиз охиригача шундай сақлагин бизни,  
 Токим ҳеч кимга биздан озор етмасин.

Демак, қалбни поклаш учун, энг аввало, тавба мақомига кириш, яъни хато-камчиликни англаб, ундан қайтиш лозим экан. Тавба жисмни ёмон хатти-ҳаракатлар таъсирида ҳосил бўлган иллатлардан фориғ этиб, руҳни енгиллаштиради, бунинг таъсирида эса киши жисмоний касалликлардан ҳам қутулади. Чунки ҳақиқий тавба – ёмон хатти-ҳаракат, ҳасад, кина, гина, таъма, ғийбат, кибр каби иллатлар туфайли келадиган азоб-уқубатларнинг олдини олиб, жисмоний ва руҳий қувватларнинг жамини тўғри сарфлаб, камолот учун йўл очади.

Тавба йўлини топган киши нафс балосидан қутулади. Демакки, беҳуда гапириш, беҳуда ухлаш, беҳуда ёйишдан тийилади. Бу ҳам кишини жисмоний ва руҳий камолот сари бошлайди.

Баҳоуддин Нақшбанднинг устози Абдулҳолиқ Ғиждувоний: «Мабодо юрагинг хотиржам тортса, маънавий қарашинг тарқалиб кетмайди», деган. Демак, киши маънан устувор бўлиши учун қалбан хотиржам

<sup>78</sup> Баҳоуддин Нақшбанд. Рубойлар. Бухоро: «Дурдона» нашриёти, 2023. 22-бет.

<sup>79</sup> رباعيات خواجه نقشبند مرتب و شارح محمد قصورى اردوبازار لاهور الدينية پبليکيشنز ۱۸۴۱۹۹۸ صحيفه



яшаш ҳолатига эришмоғи керак. Зеро, Абу Бакр Сиддиқ ҳазратларидан шундай ўғит қолган: «Агар тил фасод бўлса, унинг зараридан кишилар йиғлайди, агар қалб фасод бўлса, унда малоикалар кўз ёш тўкадилар». Хотиржамлик – хотиранинг тарқоқ ҳолатидан жам ҳолатига келишидир, агар инсон қалби фақат Аллоҳгагина боғланса ва унга таваккул қилиб, унинг ризолиги учун ҳаракат қилса қалб хотиржам бўлади. Қалбнинг хотиржамлиги инсоннинг бутун ҳаёт тарзини тартибга солади, борлик билан уйғун ҳаракат қилишига олиб келади ва маънан устувор бўлишини таъминлайди. Бу ишнинг амалга ошишида Вукуфи қалбий тамойилига амал қилишнинг аҳамияти катта.

Нақшбандия тариқатининг асосий тамойили бўлган «Вукуфи қалбий» асосида вужудга келган «Дил ба Ёру даст ба кор», яъни «Қалбнинг Аллоҳда бўлсину, қўлинг меҳнатда» деган шиор ҳам жисмоний ва маънавий камолот йўлидир. Чунки бекорчилик инсонни тошбағир қилади. Холис меҳнат эса қалбни юмшатади ва жисмни ҳаракатга келтириш орқали уни иллатлардан қутқаради. Ҳадислардан бирида: «Тамағирлик уламоларнинг қалбидаги ҳикматни кетказди», дейилади. Зеро, қалб Аллоҳ назар қиладиган макон бўлиб, илоҳий нурларни қабул этиши ва камол топиши керак. Таъма эса қалбни қора булутдек қоплайди ва унга ҳикмат нурларини ўтказмайди. Шунинг учун ҳам инсон ўз қалбининг ҳар бир ниятини, ҳаракатини назорат этиши, хатоларга тавба билан, яхшиликларга шукр билан амал қилиши лозим. Бу назорат турини Баҳоуддин Нақшбанд муҳосаба деб атайд.

Баҳоуддин Нақшбанд сўфийларнинг адаби мукамал бўлиши кераклигини таъкидлайди. Кишиларни бир-бирларига хайр-эҳсонли, меҳроқибатли, кечиримли бўлишга чақиради. Чунончи, «Мифтоҳ-ул-жунун» – «Жаннат калити» асарида Баҳоуддиндан қуйидаги ўғит сақлангани қайд этилган:

Ё раб, ниҳоли умри мо паст макун,  
Моро зи шароби беҳуди маст макун.  
Ё раб, ту жавонмардону, жавонзанонро,  
Дилтангу, парешону тиҳи даст макун.

*Мазмуни:*

Эй Парвардигор, бизнинг умримиз ниҳолини паст қилма,  
Бизларни беҳудлик – ўздан кетишлик,  
(яъни такаббурлик) шароби билан маст қилма.  
Эй раббим, сен ёш эркаклару, ёш аёлларни,



Тор қалбли, паришон ва қўли калта бўлишдан сақла.

Тасаввуфнинг асосий муаммоси билишдир. Орифнинг асосий мақсади олий ҳақиқатга етиш. Бунга инсон ўз-ўзини англаш ва ўз-ўзини камолотга етказиш орқали етади. Инсон ўз моҳиятини англаш орқали ўзидаги илоҳий томонни билиб боради ва ҳақиқатни билишнинг ягона йўли ўз-ўзини билишдир. Баҳоуддин Нақшбанд қалб бутун илоҳий моҳиятни ўзида акс эттира олиш, билиш мумкинлиги ҳақида ҳам гапирган. Унинг йўли мўътадилдир.

Баҳоуддин Нақшбанд ғояларини Хожа Аҳрор, Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий, Маҳдуми Аъзам ва бошқалар давом эттирган.

Баҳоуддин Нақшбанд куйидаги рубоийни такрорлаб юришни шогирдларига айтганлар:

Аз хуни дилам ду чашми пурнам беҳтар аст,

Аз айшу нишод меҳнату ғам беҳтар аст.

Як лаҳза ҳузури дил ба даргоҳи Худо,

Аз салтанати тамоми олам беҳтар аст.

*Мазмуни:*

Юрак конидан намли икки кўз яхшидир,

Айшу шодликдан меҳнату ғам яхшидир.

Бир он қалбнинг Худо даргоҳидаги ҳузури,

Бутун олам салтанатидан яхшидир.

Хулоса қилиб куйидагиларни айтиш мумкин:

- Баҳоуддин Нақшбанд инсон ўз-ўзини англай билиши ва камолоти учун қалбдан воқиф, огоҳ бўлишни Нақшбандия таълимоти ва тариқатига «Вукуфи қалбий» рашҳаси сифатида асосий тамойил қилиб киритган.

- Баҳоуддин Нақшбанд инсон ўз нафсини таниш, уни жиловлаш, меъёрга солиш учун қалб тарбиясини асосий восита сифатида тавсия этган.

- Баҳоуддин Нақшбанд қалб тарбияси учун уни поклаш зарурлиги, бунинг учун эса тавба, муҳосаба – ўз-ўзини назорат этиш, ҳисоб-китоб қилиш, муроқабат – қалбга кирадиган илоҳий нур, ладуний илмларни интизорлик билан кутиш, таважжух – қалбни боғланишлардан узиб, Аллоҳга юзланишини асосий йўл ва чоралар сифатида тавсия берган.

- Баҳоуддин Нақшбанд қалбни моддий ва руҳий оламни бир-бири билан боғлайдиган, пайваст этадиган асосий марказ сифатида талқин қилган, инсоннинг мукамал, уйғунлиги қалб ҳолатига боғлиқ деган.



- Бутун тасаввуф аҳли каби Баҳоуддин Нақшбанд қалбни оламнинг асл моҳияти, абсолют ҳақиқатни билишга қодир, асл ҳақиқатни инъикос этадиган кўзгу деб инсонларни уни поклашга чақирган.
- Қалб инсон танасидаги юрак билан чамбарчас боғлиқ деган ғоя Нақшбандия учун хос. Қалб поклиги юрак соғлиги, юрак саломатлиги қалб улғайиши учун асосдир.
- Қалб ҳақидаги Баҳоуддин Нақшбанд ғояси Робия Адавия, Муҳосибий, Абдулқодир Гийлоний, Абдулҳолиқ Ғиждувоний, Ориф Ревгарийлар таълимотидан озиқланган.
- Баҳоуддин Нақшбанд қалб ҳақидаги ғояларини Хожа Аҳроп Валий, Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий, Маҳдуми Аъзамлар ривожлантирганлар.



## III БОБ. НАҚШБАНДИЯ ТАЪЛИМОТИДА ҲУШЁРЛИК ТАМОЙИЛЛАРИ

### 3.1. МУҲАММАД ПОРСО «ҲУШ ДАР ДАМ» ХУСУСИДА

Нақшбандия тарикатининг йирик намояндаси, ўз даврида ҳам кейинги даврларда ҳам тасаввуф ва шариат аҳли орасида юксак мавқега эга бўлган олим ва орифликни ўзида мужассам этган буюк ватандошимиз, Бухоро фарзанди Хожа Муҳаммад Порсо (1348–1420)дир. *У тасаввуф таълимотининг XIV аср охири ва XV бошларидаги назариётчиларидан бири бўлиб, манбаларда унинг тўлиқ исми Муҳаммад бин Муҳаммад бин Маҳмуд ал-Ҳофизий ал-Бухорий деб келтирилади.*

Хожа Муҳаммад Порсо Баҳоуддин Нақшбанднинг етук шогирдларидан эди. У устозидан кейин Марказий Осиёда Нақшбандия камолот йўлининг энг йирик вакили ҳамда тарғиботчиларидан бирига айланди.

«Рашаоту айнил ҳаёт», «Мақомоти Хожа Баҳоуддин Нақшбанд», «Нафаҳотул унс» ва «Тухфатуз зоирин» каби ўрта аср тасаввуф тарихи ва адабиётига бағишланган асарларда Баҳоуддин Нақшбанд ўз муридларининг пешқадамларидан бири бўлган Хожа Порсонинг тарбиясига алоҳида эътибор қаратганлиги айтиб ўтилган.

«Рашаот»да Муҳаммад Порсоннинг Баҳоуддин Нақшбанд муридлари орасида нақадар улкан мавқега эгалигини кўрсатиб берган бир воқеа ҳикоя қилинади. Бунда Ҳижоз йўлида Баҳоуддин Нақшбанднинг касалга чалингани ва дўстлар ҳузурда Хожа Муҳаммад Порсога: «Хожагонлар хонадонининг халифаларидан бу заифга нимаики етган бўлса ва бу йўлда ниманики топган бўлса, бу омонатларнинг барини сенга топширдим. Бу омонатларнинг барини Ҳақ субҳонаҳу халқига еткиз», деб васият қилгани тўғрисида айтилади. Шунингдек, Баҳоуддин Нақшбанд ҳаётининг охириги дамларида Хожа Порсо тўғрисида: «Бизнинг вужудга келишимизнинг сабаби Муҳаммад Порсонинг зуҳури эди», ёки «Кимки бизни орзу қилса, Хожа Муҳаммад Порсога назар қилсин» деб айтган гаплари мазкур тарикат аҳли орасида машҳурдир. Мазкур мисоллар Хожа Баҳоуддин Нақшбанднинг ўз шогирдлари орасида Хожа Муҳаммад Порсога юксак эҳтироми ва унинг истеъдодига нисбатан чуқур ҳурмат билан қараганлигининг далилидир. Хожа Муҳаммад Порсо том маънода устозининг ишончини оқлади. У нафақат Нақшбандия тарикатининг йирик вакили, балки бу таълимотни назарий ривожлантирган олим

сифатида камолга етди. У мазкур тариқатнинг ўзига хос жиҳатларини тадқиқ қилган кўплаб асарлар ёзди. Ҳозирги кунда бу асарларнинг аксарият қисми бизгача етиб келган. Унинг асарлари қуйидагилар:

1. Фаслул хитоб би васлил аҳбоб
2. Шарҳи «Фусусул ҳикам»
3. Тафсир
4. Арбаъун ҳадис
5. Маносикул ҳаж
6. Рамзул ақтоб
7. Таҳқиқот
8. Маҳбубийя
9. Ал-Фусул ас-ситта
10. Масъалату халқил афъол
11. Рисола дар таҳқиқи замон ва макон
12. Рисолаи қудсия
13. Ақоид
14. Рисолаи кашфия
15. Рисола дар одоби мурид
16. Мухтасари таърихи Макка
17. Мақомоти Хожа Алоуддин Аттор
18. Муқаддима ли-жомий ул-калим
19. Ҳафтоду ду фирқа
20. Эътиқодот
21. Аз анфоси қудсияи машойихи тариқат
22. Шарҳи «Фикҳи Кайдоний»

Мазкур асарларнинг бир қанчаси Ўзбекистоннинг қўлёзма фондларида мавжуддир.

Хожа Муҳаммад Порсо ўз даврида темурийзодалар орасида ҳам катта эътиборга сазовор бўлган. Унинг Амир Темур ўғли Шохрух Мирзо билан ёзишмалари ва кейинчалик унинг ёнига Хуросонга кетиши ёки Амир Темур набираси Халил Мирзо ва Мирзо Улуғбеклар билан муносабатлари тўғрисида тарихий китобларда ёзиб қолдирилган.

Хожа Порсонинг машҳур асарларидан бири «Рисолаи қудсия» бўлиб, у «Калимоти Баҳоуддин Нақшбанд» («Баҳоуддин Нақшбанднинг қудсий гаплари») деб ҳам юритилади. Мазкур асар Хожа Баҳоуддин Нақшбанднинг қудсий калималарини тўплаб, шарҳлашга бағишланган. Бу тўғрида муаллифнинг ўзи шундай дейди: «Бу бандаи заиф Муҳаммад ал-Ҳофизий ал-Бухорий (Аллоҳ субҳонаху унга Ўзи севадиган ва рози



бўладиган ишларга тавфиқ берсин) у зотнинг тилларидан ўтказилган ўша қудсий сўзларнинг баъзиларини сидқ, тайаммун ва истиршод юзасидан қаламга олди. Энди азиз дўстларимизнинг (Аллоҳ бизларни уларни кўрганда хушнуд қилсин ва умрларига барақа берсин) амри ва ишорати билан у ҳазрат нафасидан бир неча гапларни табаррук ва истийнос учун бу китобда қайд этди»<sup>80</sup>.

«Рисолаи қудсия» том маънода Баҳоуддин Нақшбанднинг тасаввуф назариясининг энг машҳур фано ва бақо, талвин ва тамкин, зикр ва сифот, валоят каби истилоҳларининг мазмунини очиб беради. Хожа Порсо ўзининг гўзал услуби билан асарни янада ўқимишли қилиб, қийматини оширади, яъни у аввал устозининг гапини келтириб, унинг остига ўзининг шарҳини ёзади. Устози ва ўзининг фикрлари аралашиб кетмаслиги учун улар орасига алоҳида айлана чизиб ажратади. Муаллиф ўзининг бу ишини қуйидагича тушунтиради: «Ва бунда ҳар бир шарҳланган жумлалар орасига қўшилган қўшимчалар билинсин деб, доира чизилди». Хожа Муҳаммад Порсо мазкур асарнинг муқаддимасида бу асарни ўз-ўзича бошламаганини, балки бу асар махсус топшириқ билан ёзилганини билдиради. Бунга кўра, асар Нақшбандиянинг Баҳоуддин Нақшбанддан кейинги энг улкан ва обрўли кишиси, силсила давомчиси Алоуддин Аттор кўрсатмаси билан ёзганлиги маълум бўлади. Порсо ёзади: «Бу заиф мазкур маъноларни тақдим қилмоқни ўз-ўзича бошламади. Аммо бу ишга шариф ишорат ҳукми аҳлуллоҳнинг суянчи, интибоҳ соҳибларининг покизаси, тариқат арбобларининг саййиди, ҳақиқат аҳли рамзларининг тушунтирувчиси, яқийн толибларининг таскин берувчиси Хожа Алоулҳаққи вад дийн Муҳаммад ибн Муҳаммад ал-Бухорий томонидан бўлдиким, у зот Аттор номи билан машҳурдир (Аллоҳ унинг ҳаёти муддатини узоқ қилсин ва унинг баракотли нурларидан муридларни файзлантирсин).

Шундан сўнг бу мажмуа имлосига киришилди. Агар у зотнинг ҳиммат мадади ва қабул назари бўлса, яна зиёда бўлмай».

Демак, юқоридагилардан англашиладики, Хожа Муҳаммад Порсо Баҳоуддин Нақшбанднинг шогирдлари орасида унинг сўзларидаги маъноларни энг кўп тушунадигани, таҳлил қила оладигани ва илмлиси бўлганлиги учун Алоуддин Аттор бу каби муҳим тарихий ва илмий-назарий асарни ёзиш вазифасини унга ишониб топширган.

«Рисолаи қудсия» ўз мазмун-моҳиятига кўра Нақшбандия тари-

---

<sup>80</sup> Хожа Муҳаммад Порсо. Рисолои қудсия. Баҳоуддин Нақшбанднинг қудсий калималари / А. Болтаев таржимаси. – Т.: «Movarounnahr», 2020. 15-бет.



қатининг аҳли сунна вал жамоа ақидасига асосланганлиги, Куръон оятлари, пайғамбар ҳадисларининг шу йўсинда тушунтиришини ва амал қилишини исботлайдиган асардир. Булардан ташқари, бу асарда Ҳаким ат-Термизий, Нажмиддин Кубро, Маждуддин Бағдодий ва бошқа кўплаб аҳли сунна вал жамоа мазҳабининг улуғ уламулари ва машойихларининг гаплари ва асарларидан иқтибослар келтирилган.

Асарнинг яна бир қимматли жиҳати бу Хожа Муҳаммад Порсонинг ўзидан аввалги даврларда яшаб ижод қилган сўфий шоирлар ижодидан самарали фойдаланганлигидир. Асарда муайян мавзуни таҳлил қилиш жараёнида уни тушунишга янада кўмаклашувчи Фаридуддин Аттор, Жалолиддин Румий каби мумтоз шоирларнинг асарларидан назмий иқтибослар ҳам келтирилади. Бу асарнинг ўқимишли бўлишини таъминлаш билан бир қаторда муаллифнинг назмий таъбининг нозиклигини, нафосатини ва дунёқарашини ифода этишининг ўзига хослигини ҳам кўрсатиб туради.

Ўндан ортиқ мавзуларни ўзида камраган бу мухтасар асар буюк ажодларимизнинг нафақат дин ривожига, балки халқимизнинг маънавий-ахлоқий камолоти йўлидаги хизматларини яққол кўрсатиб беради. Уни ўқиган китобхонларимиз ўз маънавиятларини бир қадар бойтадилар. Шу билан биргаликда Нақшбандия тариқати, унинг сулук ва одобларининг асослари тўғрисида маълум ахборотларга эга бўлади. Мазкур асарни иқтидорли олим ва таржимон Болтаев Абдурахим 2020 йилда форс тилидан ўзбек тилига таржима этиб нашр этди. Бу асар тасаввуфга қизиқувчилар, бу борада илмий тадқиқот олиб борувчилар учун керакли манба бўлиб хизмат қилади. Шу билан биргаликда 2020 йилда бўлиб ўтиши режалаштирилган Бухоронинг икки буюк фарзанди Абдухолик Ғиждувоний таваллудининг 900 йиллик ва Баҳоуддин Нақшбанд таваллудининг 700 йиллиги муносабати билан бўлиб ўтадиган юбилей тадбирларига муносиб тухфа бўлди.

Хожа Муҳаммад Порсо ўзининг «Таҳқиқот» асарида Нақшбандийликда зикр асослари, устунлари ва уларнинг ҳақиқати хусусида алоҳида фикр юритиб таҳқиқ (яъни ҳақиқатларини аниқлаш, билиш маъносида) таҳлил қилади. Бу асарни фалсафа фанлари доктори, профессор Б.Б. Намозов таржима этиб, фалсафий таҳлил этган. Унинг фикрича, Муҳаммад Порсо «Таҳқиқот» асарида шундай ёзади: «Асоси ва аркони зикри Хожагоний ин аст». Мазмуни: «Хожагонийлар зикрининг асоси ва рукнлари будир». Мутафаккир аввал зикр асосларини келтириб, улар тўртта эканлигини изоҳлайди: Асоси ин чоҳор аст: «Ҳуш дар дам»,

«Назар дар қадам», «Хилват дар анжуман», «Сафар дар Ватан»<sup>81</sup>.

Профессор Б.Б. Намозовнинг шогирди Гуламова Мунисахон 2022 йилда «Хожа Муҳаммад Порсо маънавий меросида инсон тушунчаси» мавзuida докторлик диссертациясини ёқлади. Диссертациянинг учинчи боби биринчи бандида Хожагон таълимотида зикр асослари ва унинг моҳиятини таҳлил этганда «Хуш дар дам» рашҳаси масаласига тўхталган. Унинг ғоялари асосида биз Муҳаммад Порсонинг «Хуш дар дам»га оид фикрларини келтирдик.

Хожа Муҳаммад Порсо турли манбаларда рашҳа, тамойил, коида, деб айтилган мазкур тушунчаларни зикрнинг ирфоний-ахлоқий асослари сифатида талқин қилган. Айтиш мумкинки, зикр асослари биринчидан, ахлоқий маъно касб этган, иккинчидан ирфоний маънога эга. Биз буни ҳар икки жиҳатдан таҳлил қилишга ҳаракат қилдик. Бироқ, муаллиф фикрларини тушуниш ўз қобилятимиз даражасида бўлишини инкор этмаймиз.

«Хуш дар дам» нафасда эс-хуш, нафасда ақл, нафасда идрок, деб сўзма-сўз таржима қилинса бўлади. Баъзан «дам» сўзи лаҳза деб ҳам таржима қилинади. Аммо юқоридаги иборада нафас маъносида келади. Уни Хожа Муҳаммад Порсо шундай келтиради: «Интиқол аз нафас би нафаси мибояд, ки аз сари ғафлат набошад ва аз сари ҳузур бошад ва ҳар нафаси ки мизад сир аз Ҳақ таоло ғофил набошад»<sup>82</sup>. Мазмуни: Нафасдан нафасга ўтишда сир мавжуд. Ундан ғафлатда қолмаслик керакки, ҳар нафас урганда сирдан ҳузур бўлса, Ҳақнинг сирридан воқиф бўлмай. Сир-бу пинҳон, яширин нарса, Ҳақ ва инсон ўртасидаги яширин ҳақиқат. Бу зикр рукни ҳар хил таржима ва шарҳ қилинган. Аммо нафас ўзи нима, фақат ҳавоми ёки инсон тириклигининг шартими ёки Ҳақнинг феъли амалими? Бу сир, шунинг учун ҳам уни асраш авайлаш назарда тутиладики, у Ҳақдан воқеъ бўлади. Унинг мағзида жуда катта маъно мужассам, инсон одам шаклини олиб Ҳақнинг нафаси билан тирилди. Унинг ҳаётга, тириклик оламига ташрифи ана шу нафас сабаблидир. Хожагонлар шунинг учун ҳам уни зикрнинг асосини ташкил этувчи энг биринчи элемент дея қабул қилишлари ҳам бежиз эмас. Аммо инсон ҳар доим ҳам бу сирдан огоҳ эканлигига кафолат йўқ. Зикр худди шу нарсани эсдан чиқармасликни талаб қиладиган амалиётдир. Ҳар доим, ҳар лаҳзада, ҳар нафасда сирни сирга улашга интилиш уни авайлаш

<sup>81</sup> Хожа Муҳаммад Порсо. Таҳқиқот. Намозов Б.Б. таржимаси. Бухоро. Марказий АКМ Шарқ кўлёмалари бўлими. INV /137 рақамли кўлёмза. – Б. 98.

<sup>82</sup> Хожа Муҳаммад Порсо. Таҳқиқот. Бухоро. Марказий АКМ Шарқ кўлёмалари бўлими. INV /137 рақамли кўлёмза.-Б. 98.

муҳимдир. Яна бир маъноси «вақт» сўфийлар учун лаҳза, фурсат, он дейиш мумкин. Чунки тирикликнинг мўъжизаси шунда яширин. Айтиш мумкинки, нафасдан ғофил бўлиш Ҳақни эсдан чиқариш, инсоннинг ғофил, яъни билиб билмасликка олиб юриши, унинг ахлоқидаги ноқисликларнинг келиб чиқишига сабаб бўлади. Зикр асосининг биринчи босқичи ахлоқий маъно касб этиши ҳам шундаки, зокир, яъни зикр қилувчи ҳар бир нафасини назорат қилиши, аввало, ақл-идрок ва фаросат билан умр кечиришни, Ҳақни эсдан чиқармасдан ўзлигини, нафсини таниши орқали оламдаги ўрни ва масъулиятини доимо ҳис қилиб туришига олиб келади. Тирикликнинг мазмун-моҳиятини англаш, ўз ҳаётининг мазмунини мушоҳада этишга ўргатади. Инсон олаётган нафаси бутун борлигини ҳаракатга келтираётганини, ботиний ва зоҳирий оламини янгилаб турганини билади. Ўзида кечаётган ўзгаришлар туфайли ислоҳга келаётган хулқ-атвори ич-ичдан хузур топаётганини пайқайди. Натижада инсон ҳам ботиний, ҳам зоҳирий томондан ўзини шунга муносиб тутишга ҳаракат қилади. Шунинг учун ҳам олимларимиз ахлоқнинг илдизи инсон борлигининг ичида уни ичдан тузатилмаса мақсад ҳосил бўлмайди, деб айтишади. Унинг ижтимоий ҳодисага айланиши ҳам ичдан сайқалланиб, камол топишига боғлиқдир.

Тасаввуф таълимоти ҳам ана шу ғояни илгари суриб, инсонни ўз ботинига назар қилишга даъват этади. Зеро, жамият, муҳит, замон ва макон, давр кулфатлари ахлоқ ноқислиги, маънавий емирилишлар туфайли пайдо бўлиб, инсониятни тубанликка маҳкум этади. Ахлоқан заиф ва кучсизланган ҳар қандай миллат ожизлик ва қўрқоқлик гирдобидида ўзлигини йўқотади. Маънавий-ахлоқий барқарорлигини ҳимоя эта олмайдиган халқ эса, келажаги ва авлодлар тарбияси, қадриятлар ворисийлигидан маҳрум бўлади. Чунончи, адолат, инсонпарварлик, шижоат, ўзаро ҳамжиҳатлик боринги, халқ ҳаёти учун муҳим бўлган қандай хислат ва фазилатлар бўлса, ҳамма-ҳаммасининг асоси ахлоқдир. Шунинг учун ҳам Нақшбандия ахлоқ сарҳадларини пиёда кезишни ихтиёр қиладики, ноқисликлар йўл азобидан ҳалок бўлсин. «Хуш дар дам» иборасида яна бир яширин маъно, вақтнинг энг кичик бирлиги бу «дам». Бу тўғрида тасаввуф адабиётида кўплаб шеърлар, манзумалар битилган. Айниқса, Алишер Навоий ижодида бу жуда гўзал ифодаланган:

Кел бир дам, эй ҳариф, харобот сориким,

Май важҳидин бу хирқа била жилсонимиз<sup>83</sup>.

Навоий вақтнинг энг кичик бирлиги – дам, лаҳза, фурсатга шу

---

<sup>83</sup> – Тошкент: Шарқ, 2007. – Б.131.

даражада катта мазмун бағишлайдики, давр ва замоннинг ранжу қийноқларидан ўзини муҳофаза қилишда дам гўё бир даҳлсиз қалқон сифатида кўзга ташланади.

Ҳақиқатда, дам, нафасдан нафасга ўтиш оралиғида воқеъ бўладиган ўша сир ҳақиқатидир. У лаҳзада, оний вақтда зухур этадики, зокир (зикр қилувчи) ундан ҳузур топади. Энди, у шу ҳузурнинг бардавом бўлишига умид қилади. Зикрда собитликни касб этади. Ўзида рўй бераётган ҳолатдан топаётган нарсаси ҳар нарсадан улуғ. Ўзида уни мушоҳада қила бошлайди. Шу зайл унга ирфон етади.

Нақшбандийликда ҳушёрлик асосий тамойил. Шунинг учун у ҳеч қандай экстаз ёки беҳудлик ҳолида бўлмайди. Уни мушоҳада орқали ҳиссиётлари тарк этмайди. Яна бир жиҳати ирфон яъни билишда сезги аъзолари муҳим рол ўйнайди. Энди, нафас тўғрисидаги фикрлардан келиб чиқиб уни қандай маъноларни беришига эътибор қаратсак. Биринчидан, дам, тирикликни таъминловчи нафас, яъни ҳаво, иккинчиси, нафас, он, лаҳза, фурсат; учинчиси, илоҳий латиф сир. Нима бўлганда ҳам Нақшбандийлик инсонни ҳар қандай қулфат ва жаҳолатдан огоҳ бўлишини ҳар нафас ҳолидан огоҳ бўлишдан бошланишига ишорат қилади.



### 3.2. ЯЪҚУБИ ЧАРХИЙ

Жаҳоншумул Нақшбандия таълимотининг асосчиси Баҳоуддин Нақшбанд, Шоҳ Нақшбанд, Балогардон, Хожай Бузург номлари билан машҳур Муҳаммад ибн Муҳаммад ал-Бухорий (1318–1389) ҳақида маноқиб, мақомот, тазкира ва рисолаларда маълумот берилган. Баҳоуддин Нақшбанд таълимоти ҳақидаги муҳим манбалардан бири Мавлоно Яъқуб Чархийнинг «Рисолаи Унсия» – «Дўстона суҳбат рисоласи»дир. Чунки рисола муаллифи Баҳоуддин Нақшбанднинг халифаси бўлган.

Мавлоно Яъқуби Чархий Баҳоуддин Нақшбанднинг тўртинчи халифаси, Олтин ҳалқа силсиласининг 18-пири, Нақшбандияни жаҳонга танитган Хожа Ахрор Валийнинг устози, ориф ва олимлик даражасига етган улуғ валийлардан биридир. Мавлоно Яъқуби Чархий ибн Усмон ибн Маҳмуд ибн Муҳаммад Ғазнавий 1363 йилда Афғонистоннинг Чарх деган жойида туғилганлар ва 1447 йил 1 май сафар ойининг бешинчисида вафот этганлар. Қабрлари Душанбедан беш километр йирокда Рудакий ноҳиясида бўлиб, Ҳазрат Мавлоно номи билан машҳур обод зиёрагоҳдир.

Мавлоно Яъқуби Чархий ҳаёт йўллари ва маънавий меросини олима М. Раззоқова тадқиқ этган ва 2013 йил Тошкентдаги «Muharrir» нашриётидан «Мавлоно Яъқуби Чархий» номли монографиясини нашр этган. 2017 йилда Душанбедан Иброҳим Наққош томонидан 456 бетдан иборат «Рисолаҳои Пирон ва пайравони тариқати Нақшбандия» – «Нақшбандия тариқати пирлари ва издошларининг рисолалари» асари нашрдан чиқди. Бу манбада Мавлоно Яъқуби Чархийнинг «Рисолаи унсия» асари ҳам тожик тилида таржима этиб келтирилган. Душанбе шаҳрининг «Истеъдод» нашриётидан 2018 йилда «Мавлоно Яъқуби Чархий ва ҳафт пири Нақшбандия» – «Мавлоно Яъқуби Чархий ва Нақшбандиянинг етти пири» рисоласи Иброҳими Наққош томонидан тожик тилида чоп этилди. Бу рисолаининг 78–91-бетлари Яъқуби Чархийга бағишланган.

«Рисолаи унсия» ҳақида тадқиқотларда маълумот берилган бўлса-да, аммо ўзбек тилида бу асар тўла таржима этилмаган. Раҳмонов Суннатилло томонидан бу асарнинг ўзбек тилига таржима қилиниши ва 2022 йилда Самарқандда нашр этилиши Баҳоуддин Нақшбанд таваллудининг 700 йиллиги ва 2020 йил Бухоро шаҳрининг Ислом маданияти пойтахти деб эълон қилинишига муносиб совғадир.

«Рисолаи унсия» асари – «Муқаддима», «Таҳоратда бардавом

бўлишнинг фазилати баёнида», «Махсус кайфият билан хуфия зикр қилмоқликнинг фазилати тўғрисида», «Вуқуфи қалбий фазилати ҳақида», «Нафл намозлари ҳақида» ва «Хотима»дан таркиб топган.

Яъкуби Чархий бу асарни ёзишдан мақсадини қуйидагича ифодалайди: «Ҳазрат» Махдум, Ислом ва мусулмонлар шайхи, Икки оламда валийлар қутби Хожа Баҳоу-л-Ҳаққ ва-д-дини Бухорий Нақшбанддан етган мустафавий сийрат ва мустақим тариқатнинг аслини китобат қилмоқни хоҳлади. Тоқим бундан бу рўзгор учун фойдалар етсин ва асҳоб учун унсга-дўстликка сабаб бўлсин».

Баҳоуддин Нақшбанд Яъкуби Чархийга шундай деганлар: «Биздан сенга нимаики етган бўлса, уларни Тангри таолонинг бандаларига етказ, тоқим бу уларнинг саодатига сабаб бўлсин». Яъкуби Чархий ёзади: «Мен Ҳазрат Хожанинг буйруғига мувофиқ ҳузуримда бўлган кишиларга хитоб-сўзлаш билан, узоқдагиларга эса китоб билан етказдим». Бундан маълум бўладики, Яъкуби Чархий Баҳоуддин Нақшбанд вафотларидан кейин то умрларининг охиригача 58 йил устозлари ўғитларига амал қилиб, бу жаҳоншумул таълимотни гоҳ хитоб-овоз, нутқ, ваъз, суҳбатлар ва гоҳ китоблар билан тарғиб этганлар. Демак, Яъкуби Чархий Нақшбандияни ҳам оғзаки, ҳам ёзма тарғиб этган улуғ Валийдир.

Рисоланинг муқаддимасида Яъкуби Чархий Баҳоуддин Нақшбанд билан учрашганлари ва тариқатнинг силсиласи ҳақида Баҳоуддин Нақшбанд оғизларидан эшитганларини ёзганлар. Яъкуби Чархий ёзади: «Бу улуғ ишда буйурилган вазифалардан биринчиси доимий таҳорат билан юрмоқлик бўлса, иккинчиси доимий Вуқуфи ададий ва Вуқуфи қалбий зикри билан бўлмоқликдир. Учинчиси эса ҳар бомдод намозидан олдин ва ҳар шом намозидан кейин ботин дарсидан сабоқ олишга машғул бўлиш, яна бири шарафли вақтларда нафл намозларига ишора қилган эдилар». Яъкуби Чархий ўз асарида Баҳоуддин Нақшбанд берган ўғитларга алоҳида боб ажратиб таҳлил этган. Нақшбандия таълимотининг ўзига хос томони хуфия зикрдир, яъни бу тариқат аҳлида самоъ, жаҳрия зикр йўқ. Рисолада хуфия зикр аҳамиятига махсус боб ажратилган. Баҳоуддин қалбнинг поклиги масаласига эътибор бериб, тоза қалб бўлмагунча бу дунё ва у дунё балоларидан қутилиб бўлмаслигига эътибор берганлар. Рисолада Баҳоуддин Нақшбанднинг бу маънода айтган қуйидаги жуда гўзал ва ибратли ўғитлари келтирилган:

Зи ғайрат хонаи дилро зи ғайрат кардаам холи,

Ки ғайратро намешояд, дар ин хилватсаро будан<sup>84</sup>.

<sup>84</sup> Яъкуб Чархий. Рисолаи унсия. – Самарқанд, 2022. 30-бет.



*Мазмуни:*

Сендан, яъни Аллохдан ўзга нарсалардан ғайрат қилиб дилимни тозаладим,

Бу хилват саройида, яъни қалбда сендан ўзганинг бўлиши муносиб эмас.

Рисолада Баҳоуддин Нақшбанднинг Вуқуфи ададийга мулозамат кўрсатиш, яъни кўпликни кўрганда асл моҳиятни англаш, касратда ваҳдатни англаш амалиётида давомли бўлсалар дил-қалб тезда зокирга айланади деганларини ва бу маънида куйидаги мисраларни айтганларини Яъкуби Чархий асарида ёзган:

Дил чу моҳи ва зикр чун об аст,  
Зиндагии дилҳо бо зикри Ваҳҳоб аст<sup>85</sup>.

*Мазмуни:*

Дил балиқ бўлса, зикр бу сувдир,  
Дил-қалбнинг тириклиги Ваҳҳоб (Худо) зикри биландир.

Қалб зикрига бағишланган бобда вуқуфи қалбийга оид Баҳоуддин Нақшбанднинг айтганлари келтирилган ва таҳлил этилган. Яъкуби Чархий шундай ёзади: «Мен Ҳазрат Хожамиздан (яъни Баҳоуддин Нақшбанддан Г.Н.) шундай деганларини эшитган эдим: «Зикр бу ғафлатнинг кетишидир. Агар ғафлат кетса, сен сукут қилувчи зокирга айланасан». Яна айтар эдилар: «Вуқуфи қалбий шу қадар муҳимки, киши еб-ичганда ҳам, юрганда ҳам, таҳорат олганда ва намозу Қуръон ўқиганда ҳам, ёзиб-чизганда ва дарс қилганда ҳам, ваъзу насихат пайтида ҳам, ҳар қандай ҳолатда токим мақсуд ҳосил бўлмагунча, бир лаҳза ҳам ғофил бўлмасин».

Хотимада Яъкуби Чархий устозлари Баҳоуддин Нақшбанд ва Алоуддин Аттор айтган ҳикматли сўзларини келтиради. Асарда ёзади: Ҳазрати Хожамиз бир куни амр маъносида менга айтдиларки «Лукма ҳалол бўлмаса, иш битмайди ва мақсуд ҳосил бўлмайди. Айримлар: «Биз денгиз бўлиб кетганмиз, бизга зарар қилмайди», дейдилар. Улар ёлғон айтадилар. Ҳа, аксинча, улар нажас денгизи бўлиб кетгандирлар. Зеро, Расул с.а.в. ғазаб билан сўйилган қўй гўштини ейишдан ҳам сақланадилар».

Ҳозирги кунгача Яъкуби Чархийнинг куйидаги асарлари сақланган:

---

<sup>85</sup> Яъкуб Чархий. Рисолаи унсия. – Самарқанд, 2022. 35-бет.

1. «Тафсири Яъкуби Чархий»
2. «Найнома» ёки «Рисолаи Ноия»
3. «Рисолаи Абдолия»
4. «Рисолаи Унсия»
5. «Рисолаи Шарҳи Асмоу-л-хусна»
6. «Рисолаи Ҳаввроия» ёки «Рисолайи Жамолия»
7. «Китоб-ул-фароиз»
8. «Тарихи хатми аҳзоб»
9. «Рисолаи қудсия»
10. «Рисола дар сийрати Муствафия ва тариқаи мустақимия»
11. «Рисола дар ақоид»
12. «Мухтасар дар баёни силсилаи Нақшбандия»

Эркин Зойиров 2023 йилда «Яъкуби Чархийнинг тасаввуфий – ирфоний қарашлари» монографиясини нашр этди ва шу асосда фалсафа фанлари доктори (DSc) диссертациясини ёқлади. Монографияда юқорида келтирилган Яъкуби Чархий асарларини фалсафий таҳлил этиб, фалсафа тарихида шу соҳада янгиликлар яратди.



### 3.3. ХОЖА АҲРОР ВАЛИЙ ВАҚТДАН ОГОҲЛИК ХУСУСИДА

Тасаввуф аҳли учун вақт жуда кадрли бўлган<sup>86</sup>. Нақшбандия таълимотида Баҳоуддин Нақшбанд «Вуқуфи замоний» – замон, вақтдан огоҳ бўлишни асосий тамойил сифатида киритган<sup>87</sup>. Хожа Аҳрор Валийнинг маънавий мероси у кишидан вақт хусусидаги ҳикматли сўзлар ва эзгу фикрлар сақланганини кўрсатади.

Хожа Аҳрорнинг вақт тўғрисидаги фикрлари тасаввуфий мазмундадир. У кишидан Қуръон тафсирига оид сақланган рашҳаларнинг 16-сида шундай ёзилган: «Кулла явмин ҳува фи шаън» оятида сўзлар айтдилар. Ул аснода тақриб била ойтдиларким: «Бақоун баъд ал фано». «Ва яна бир маъноси улким, ҳар бир онда ва замоннинг ажзоларидан жуъби ло йатахайялариди асмои зотиянинг осориданким, онда онга хорожда мазохир йўқ турур, ўзида асаре топар. Ва бу осори мутанаввийа ва муталаввинани онан фи онан ўз ботинида идрок этар ва асарларининг ихтилофи эътибори била ҳар бирининг орасида замонларнинг аксар замонида имтиёз этар ва бу бағоят нодиру олий турур. Арбоби валояти хоссадин афроди инсонийнинг акмалиға бул маъни бар сабили надра ҳосил бўлур. Ва ояти каримаи «Кулла явмин ҳува фи шаън» бу маънининг мубаййаани турур».

#### **Байт:**

Ҳар дам аз ин боғ боре мерасад,  
Тозатар аз тозатари мерасад.  
(Бу боғдан ҳар нафас мева етишади,  
Тоза мевалардан ҳам тозароғи етишади.)<sup>88</sup>

Хожа Аҳрор бу рашҳалари орқали вақтда, яъни ҳар куни, ҳар он, ҳар нафасда бутун олам, инчунин, инсонда ҳолатлар ўзгаради, яъни уларнинг мавжудлиги бардавом бўлади демоқда. «Кулла явмун ҳува фи шаън» – «Ҳар куни шаъндир» – оятида шаън – қору ҳол, иш ҳолат маъносида бўлиб, ҳар куни бутун олам доимо ишда, яъни ҳаракатда бўлиб, ҳолати,

<sup>86</sup> Қаранг: Наврўзова Г.Н. Вақтнинг тасаввуфий талқини // Фалсафа ва ҳуқуқ – 2009. № 3. 21–23-бетлар.

<sup>87</sup> Қаранг: Наврўзова Г.Н. Баҳоуддин Нақшбанд. – Бухоро: Фалсафа ва ҳуқуқ институти, 2009. 104–109-бетлар.

Nigmatovna, N. G. (2022). The Tendency «Wuqifi Zamoniyy» of Bahauddin Naqshband. Central Asian Journal of Literature, Philosophy and Culture, 3(3), 41–45.

<sup>88</sup> Фахриддин Али Сафий. Рашахот: (Оби ҳаёт томчилари). (Табдил ва сўнгсўз муаллифи М. Ҳасаний.) – Т.: Абу Али ибн Сино номидаги тиббиёт нашриёти, 2003. 299–300-бетлар.

даражаси ўзгаради дегани. Хожа Аҳрор бу оятни тафсирида «Бақоун баъд ал фано», яъни фанодин кейинги бақо деганлар. Бу ерда вақтга нисбатан бақо ва фано тушунчалари қўлланилмоқда. Бақо – боқий, абадий бўлса, фано-фоний, ўткинчи, ўзгарувчандир. Инсон фоний, ўткинчи нарсалардан узилса – фано ҳолатига етади. Фано ҳолатида, яъни бошқа нарсалардан мосиво бўлиб, Тангри билангина боғланиб, холис, таъмасиз, риёсиз меҳнат қилса боқийлик, абадийлик билан ҳаёт кечиради ва бақо даражасига юксалади. Хожа Аҳрор ҳар бир нафас, ҳар бир онни боқий, абадийга айлантириш мумкин, бунинг учун эса фано ҳолатига етиш лозим демоқдалар. Шунингдек, бу оят тафсирида ҳар бир он ва замоннинг жузъида илоҳий осор топиб, бу осорнинг турли ранг ва кўринишларини ўзининг ботинида идрок этади. Улар маълум замонда инсоннинг ҳолатини имтиёз – зиёда этади. Бу жуда нодир ҳолатдир. Бунинг маънисига уйғун деб, юқоридаги байтни келтирганларки, бу боғдан, яъни илоҳий лутф, марҳамат, илм, нур, файз, барака, хайр, эзгулик, маърифатдан ҳар доим, ҳар он ҳар нафасда мева етишади, яъни маълум бир янги ҳолат, эзгулик, яхшилик келади. «Тоза мевалардан ҳам тозароғи етишади», деб оламдаги барча нарсалар янгилашиб, ўзгариб туришни таъкид этади.

Бу ғоя Саъдий Шерозийни «Гулистон» асаридаги қуйидаги мисралари билан уйғундир.

Абру, боду, маху, хуршеду фалак дар коранд,

То ту ноне ба каф орию ба ғафлат нахўри<sup>89</sup>.

*Мазмуни:*

Булут, шамол, ой, қуёш ва фалак доимо ишдадир,

(яъни ҳаракат билан маълум ишни бажаради),

То сен нонни кафтингга олгину, ғафлат билан емагин.

Дарҳақиқат, буғдой тупроқ тагидан, бошоқ, дон ва кейинчалик нон бўлиб бизга етиб келгунча бутун олам ҳаракат қилиб, ёрдам беради. Инсон буни англаса ғафлатдан уйғониб, шукроналик билан яшайди.

Маълум бўладики, Хожа Аҳрор вақтни ҳаракат билан уйғунликда таърифлаганлар. Вақт кадри ҳаракат ҳолати ва сифатига боғлиқ демоқдалар. Илоҳий марҳамат ила бутун олам еру само, аршу фарш ҳаракат қилиб, янгилашиб инсон учун хизмат қилади. Инсон буларни англаб, шукроналик билан меҳнат қилса, вақтни абадиётга боғлайди, ғафлат билан бўлса, у вақтни ўлдиради, йўқотади ва умрини зое ўтказиши. Хушёрлик ҳолати эса инсонни вақт ичида бўлиб, унинг имкониятларидан

---

<sup>89</sup> Саъдий Шерозий. Гулистон. Тошбосма. 3-бет.

фойдаланиб, ўз ҳолати, даражасини зиёда бўлишига, яъни «тозарок мева бериш» ҳолатига етишига ёрдам беради. Вақт – мунтазам бутун борлиқнинг ҳаракати, инсонга туғилиб бораётган янги-янги, бой ва чексиз имкониятлар, моддий ва маънавий бойликларни пайдо бўлиши экан.

Хожа Аҳрор «Ли маъаллоҳу вақтун» – «Аллоҳнинг мен учун вақти бор» ҳадисининг шарҳига бешинчи ҳаётбахш ўғитлари, яъни рашҳаларини бағишлаганлар. «Ойтур эрдиларким: «Тарикат кубаро-лари қаддасаллоҳу арвоҳаҳумнинг баъзилари ҳадиси «Ли маъаллоҳу вақтун»нинг маъносида ойтиб турурлар: «Ай вақтун мустамаррун шомихун ли-жамийи авқотиҳи», яъни Набий саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг сирлариға иттисол ва иртибот бар сабили давом Ҳақ субҳонаху ва таъолонинг жанобиға ҳам бар сабили давом иттисол ва иртибот ҳосил этдиким, онда ҳеч нарсага ганжойиш йўқ эрди. Аммо куввати мудрикаким, мусаммо ба қалб турур ҳамма нарсага ганжойиш бор эрди».<sup>90</sup>

Хожа Аҳрор бу рашҳалари орқали инсон вақтини мунтазам, доимий энг комили мукамал инсон охирги замон пайғамбари мақомини олган Муҳаммад (с.а.в.) билан боғланиб, ишга сарф этса, яъни у кишининг гўзал ахлоқлари билан безаниб, у кишининг мислсиз сифатларини олса, Ҳақ билан ҳам боғланиб билади, дейди. Бу боғланиш қалбда воқеъ бўлади. Хожа Аҳрор вақтни илоҳий мазмун эгаллаши, яъни инсонга илоҳий назар бўлиши, аввало инсоннинг ҳолати – ахлоқи, сифатларига боғлиқлиги ва иккинчидан, бундай вақт макони қалб бўла олишини кўрсатади. Яъни вақт инсон ҳолати ва макон – қалб билан боғлиқ ҳолда илоҳий мазмунни олиб билади.

Хожа Аҳрор таъкидлаганларким, «Баъзилар ойтиб турурлар: «Ли маъаллоҳ вақтун», «Ай вақтун нодирун, азизун». Ва ойтдиларким: Хожа Алоуддин Гиждувоний алайҳир-р-рахма қавли сонийға табдил этибдурлар. Ва ойтур эрдиларким, комилларға бар сабили надрат бу ҳол воқеъ бўлур»<sup>91</sup>. «Аллоҳнинг мен учун вақти бор» ҳадисини Хожа Аҳрор «Бу вақт жуда нодир ва азиз» демоқдалар. Аллоҳ инсонга назар, лутфу марҳамат этадиган вақт барча вақтлар ичида энг азиз ва нодир, топилмасдир. Баҳоуддин Нақшбанд шогирди Алоуддин Гиждувоний бу ҳол, яъни илоҳий вақт фақат комилларга жуда нодир равиш йўл билан воқеъ бўлади дейдилар.

<sup>90</sup> Рашаҳот. 336-бет.

<sup>91</sup> Рашаҳот. 336-бет.



Инсонларга вақт тўғрисидаги нодир йўл ва равишни ўргатадиганлардан бири тасаввуф таълимотидир. Хожа Аҳрор машойихлар сўзи таҳлили билан боғлиқ рашҳаларининг 39-сида Шайх Абу Саид Абул Хайрнинг шундай ҳикматли сўзларини келтирадилар: «Машойихи тариқат қуддисаллоҳу таъоло арвоҳаҳумдин етти юз тан (яъни киши) тасаввуфнинг моҳиятинда сўз ойтиб турурлар. Ул сўзларнинг ҳаммасининг тамомроғи ва яхшироғи бу турурким: «Ал-тасаввуфу сарф ул-вақти бима ҳува авла биҳи», яъни тасаввуф сарфи вақт турур вақтига лойиқ ва муносиб бўлғон нимарсаким, муқтазойи вақтдир эрди»<sup>92</sup>. Демак, тасаввуф таълимоти вақт тақозо этадиган, шу вақтга муносиб ишга вақтни сафлашни ўргатади.

Масалан, ёшликда қабул қилинган билим мияда нақшланади. Шунинг учун ёш авлодга аввало ўзини англашга, жамиятда ўз жойини топишга ёрдам берадиган илмни бериш ва давр талаб этадиган руҳда тарбиялаш, шунга муносиб устозларни танлаш лозим. Хожа Аҳрор Валий куннинг маълум вақтларининг жуда қадрли эканлигини, ўшандай вақтга махсус эътибор зарурлигини айтганлар. Бу маълум вақтни қадрли билиш халқимизга хос. Маълумки, тонг вақти, Наврўз куни, Арафа ва Ҳайит кунлари, жума куни, Қадр кечаси кабилар халқимиз учун ардоқли ва жуда қадрлидир. Хожа Аҳрор 7-рашҳада айтганлар: «Баъзи акобири дин ризвонуллоҳи таъоло алайҳим ойтибдурларким, намози дигардин сўнг соатедурким, керакдур ул соатда аъмолнинг яхшироқиға машғул бўлсунлар. Баъзилар ойтибдурларким, аъмолнинг яхшиси муҳосаба турур ва муҳосаба ултурким, кеча ва кундузнинг соатида авкотларини ҳисоб этарлар, неччаси ондин тоатга сарф бўлиб турур ва неччаси маъсиятға ва улчаким тоат била ўтубдур онга шукр этурлар ва улчаким маъсият бирлан ўтубдур онга истиғфор ойтурлар»<sup>93</sup>. Хожа Аҳрор аср намозидан шом намозигача бўлган вақтни жуда қадрли эканлиги ва шунинг учун уни яхши амаллар билан ўтказилса яхши самара беришини айтмоқдалар. Яхши амаллардан бири деб муҳосабани тавсия этмоқдалар.

Муҳосаба тушунчаси тасаввуфга илк тариқатлардан бири бўлган муҳосибиянинг асосчиси Муҳосибий томонидан киритилганлигини Ҳужвирий таъкидлаб, бу ҳақда маълумотлар берган<sup>94</sup>, Хожа Аҳрор энг

<sup>92</sup> Рашаҳот. 352-бет.

<sup>93</sup> Рашаҳот. 341-бет.

<sup>94</sup> Али ибн Усман аль-Джулаби аль-Худжвири. Раскытие скрытого за завесой для сведущих в тайнах сердец. (Кашф аль-мажуб ли арбоб ал-кулуб) / перевод с англ. А.орлова изд. Перво. – Москва: Единство, 2004. 107–108, 176–182-бетлар.

Наврўзова, Г. Н., & Рахматова, Х. (2010). Нақшбандия тушунчалари генезиси. – Бухоро: Бухоро. 150 б.

яхши амал деб муҳосабани тавсия этади ва унга «бир кеча кундузга ўтказилган вақтларни ҳисоб-китоб қилиш» деб таъриф беради. Қандай инсон пули, молу дунёси каби ўткинчи нарсаларни ҳисобласа, ўз вақтини ҳисоб-китобига ҳам вақт ажратиши лозим экан. Асосий эътибор вақт нимага сарфланди ва қандай ўтди масаласига қаратиш лозим. Агар вақт ибодат билан, яъни бандалик талабига уйғун ўтган бўлса шукр этиш лозим. Аммо ўтган вақтда хато, камчилик, гуноҳ қилинган бўлса истиффор айтиш ва тавба қилиш лозим.

Тавба фақат тил билан эмас, қалб билан бўлиб, иложи борича ўша хато, гуноҳни тузатиш керак. Яъни кимни озор берган бўлса, бориб мағфират сўраб, кўнглидан чиқариш ёки хато ёзган бўлса тузатиш, молини хато сотган бўлса, харидорни топиб камчиликни тузатиши ва ҳоказо. Инсон вақтини ҳисоб-китоб қилиб турса, яхшига шукр этса ва хатоларини вақтида тузатса, руҳияти покиза бўлиб, тана ва руҳи илоҳийликка уйғун камол этади ва дуолари ижобат бўладиган бўлади. Муҳосабани Баҳоуддин Нақшбанд Вуқуфи замоний – замондан огоҳ бўлиш рашҳаларига киритганлар.

Хожа Аҳрор вақтини сарфлашга муносиб, яхши самара берадиган деб, «ўзини бир кишининг суҳбатига етқурурким, онинг суҳбатида ҳар нимарсаким, Ҳақ субҳонаҳу ва таъолонинг ғайри турур ондир малул бўлур ва Ҳақ субҳонаҳу ва таъолонинг жанобиға мойил ва мунжазб бўлур»<sup>95</sup>, деганлар. Яъни яхши ҳамсуҳбат инсонга таъсир этади. «Яхши билан ўтирсанг етарсан муродга» деб халқимиз беҳудага айтмаган.

Хожа Аҳрор шу маънода ғояларини қуйидагича таъкид этганлар: «Жамъе билан ултурунларким, сизларга ғолиб бўлмасунлар, то сизларни емасунлар, яъни нафсу ҳаво юзидан қавий бўлмасунлар, яъни сизларни вақтингизни зойиъ ва нобуд этмасунлар»<sup>96</sup>. Хожа Аҳрор ёмон ҳамсуҳбат деганда нафсу ҳавога берилган инсонларни тушунади. Бундай инсонлар суҳбати натижасида инсонда ҳирсу-ҳавас, нафсу ҳаво кучайиб, у инсон сифатида қадрсиз бўлиб, икки оёқли ҳайвонга айланади. Бундай одамлар билан ўтириб вақтни ўтказишни Хожа Аҳрор «вақтни зоеъ ва нобуд этмак» ва инсон сифатида мағлуб бўлмак, бировга емак бўлмак деб тушунган.

Хожа Аҳрор вақтни жуда чуқур таҳлил этиб, ҳатто сўз айтмоқнинг ҳам вақтини айтганлар: «Вақтининг аввал сўз айтмоқ ва насиҳат этмак маъсият турур», дейдилар Хожа Аҳрор.

<sup>95</sup> Рашаҳот. 341-бет.

<sup>96</sup> Рашаҳот. 360-бет.



У киши ҳар бир сўзни айтиш вақти бор, насиҳат этмак учун ҳам вақтини топиш, уни ушлаш лозим деб, шундай қилинмаса гуноҳ иш қилган билан тенглаштирганлар. Хожа Аҳрор тариқат ақобирлари мавъиза ва тазкир вақтини тадқиқ қилиб, кўп сўз айтганларни таъкидлаб, «сўз ойтмоқ вақти раво бўлурким, мутакаллим ул даражага етушган бўлсаким, онинг тили кўнглининг ноиби бўлуб, Ҳақ субҳонахунинг ноиби бўлғон бўлса». Демак, инсон қалби Ҳақ тажаллийси бўлиб, тили бундай қалб ойнаси бўлган он, вақт, замонда сўзлаши раводир. Вақт инсон ҳолати билан уйғундир.

Инсон вақтни билиши, айна вақтда муносиб, вақт тақозо этадиган ишларни қилишни Хожа Аҳрор тавсия этиб, айна вақтда қилиш зарур ишни фурсати етган деб, бундай дамни ғанимат билиш лозим дейдилар. «Неча кунларким, мен қайди ҳаётда турурман, саъй этмассизлар ва Худойбин бўлмассизларким, қачон бўлурсизлар.

Бу фурсатни ғанимат билингким, пушаймон бўлурсизлар ва пушаймонлик фойда этмасдур»<sup>97</sup> – дейдилар Хожа Аҳрор. Дарҳақиқат, буюк инсонлар, олиму фузалоларни бутун олам қувватлари ҳаракату баракат буриб тайёрлайдилар. Уларни қайди ҳаётлик даврида илму маърифатларидан, касбу хунарларидан баҳраманд бўлиши – вақтни, фурсатни тўғри сарфлашдир. Аммо улар тириклигида вақт, фурсатни ғанимат билмаслик пушаймонлик келтиради. Бундай азиз-авлиё, олиму фузалоларни олам ҳар кун ҳам бизга тухфа қилиб, неъмат қилиб, яратиб бермайди. Улар қайди ҳаётдан кетгандан кейин бундай фурсат, имконият қўлдан кетади. Бундай пушаймонлик ўзингга душмандир. Чунки бундай вақт қайтиб келмайди. Бу ерга вақтга хос хусусиятлардан бири, унинг макондан фарқли, қайтариб бўлмаслиги таъкидланмоқда. Шунинг учун «Вақт-нақд»дир, «Вақтинг кетди, нақдинг кетди», дейдилар. Бу яна бир бор вақтида, вақт тақозо этадиган, фурсати бўлган иш билан шуғулланишни тақозо этади. Пушаймонлик фойда бермайди.

Хожа Аҳрорнинг вақт тўғрисидаги фикрларидан шундай умумий хулосалар қилиш мумкин:

- Тасаввуфга вақт илмини ўргатадиган таълимот сифатида қараш унга берилган энг мақбул таърифдир.
- Инсон фано ҳолатга етганидан кейин, яъни ўз ҳаёти мазмунини тўғри англагандан сўнг бақога етиб, вақтни боқийлик, абадийликка боғлайдиган амалларга сарф этади. Вақт фоний ва абадий бўлиши мумкин.

---

<sup>97</sup> Рашаҳот. 377-бет.

- Вақт ҳаракат билан узвий боғлиқ. Вақтда, вақт ичида бутун олам ҳаракатда, ишда ўзгариш ва тараққиётдадир.
- Инсон ҳар нафас, онни огоҳликда ўтказиб, бутун олам у учун ҳаракатда эканлигини билиши ва шукронасини адо этиши лозим. Вақт кадру қиймати инсон ҳолатига боғлиқ.
- Вақт – бутун борлиқ мунтазамнинг ҳаракати, инсон ва инсоният учун янги-янги, чексиз имкониятининг туғилишидир.
- Вақт илоҳий бўлиши мумкин. Бундай вақт инсоннинг илоҳий сифатни эгаллаши, ҳолати билан боғлиқ.
- Вақт макон билан узвий боғлиқ. Илоҳий назар вақтининг макони қалбдир.
- Вақт ичида илоҳий назар воқеъ бўлиши, энг азиз ва нодирдир.
- Маълум вақтлар жуда кадрли бўлиб, уни билиш ва яхши амаллар билан ўтказиш лозим.
- Муҳосаба – ўтган вақтларни ҳисоб-китоб қилиш энг яхши амаллардир. У инсоннинг тана ва руҳини илоҳий меъёрга солади.
- Вақтни яхши ҳамсуҳбат билан ўтказиш лозим. Ёмонлар билан ҳамсуҳбат вақтни зоеъ ўтказиш ва нобуд қилишдир.
- Инсон сўз айтиш вақти – тилнинг илоҳий қалб кўзгуси бўлишидир.
- Вақтни англаш, фурсатни ғанимат билиш лозим. Фурсатни йўқотиш фойдасиз пушаймонликка сабаб бўлади.
- Вақтни орқага қайтариб бўлмас. Бу унинг ўзига хос хусусиятидир.



### 3.4. АБДУРАҲМОН ЖОМИЙ «ҲУШ ДАР ДАМ» МАЗМУН-МОҲИЯТИ ҲАҚИДА

Абдурахмон Жомийнинг «Ҳуш дар дам» тамойили мазмун-моҳиятини очадиган қуйидаги мисралари мавжуд:

Сарриштаи давлат, эй бародар, ба даст ор,  
Ин умри гиروми ба хасорат магузор.  
Доим ҳама жо, бо ҳама кас, дар ҳама ҳол,  
Медор нухуфта чашми дил жониби ёр<sup>98</sup>.

*Мазмуни:*

Эй дўстим, давлатинг бошини қўлга ол,  
Бу қимматбаҳо умрингни беҳуда ўтказма.  
Доим ҳар ерда, ҳамма билан, ҳамма ҳолатда,  
Қалб кўзингни яширин ёр томон сақла.

Хожа Аҳрор Валий «Анфоси нафиса» асарида Абдурахмон Жомийнинг шу мазмундаги қуйидаги мисраларини келтиради:

Аз зиндагиям бандагии туст ҳавас,  
Бар зиндадилон бе ту ҳаром аст нафас.  
Хоҳад зи ту мақсуди дили худ ҳама кас,  
Жомий аз ту ҳамин туро хоҳад бас<sup>99</sup>.

*Мазмуни:*

Менинг яшашимдан сенинг банданг бўлиш ҳавасдир,  
Қалби тириклар учун сенсиз бир нафас ҳаромдир.  
Сендан ҳар бир киши ўз мақсудини сўрайди,  
Жомий учун фақат ўзинг басдур.

Нақшбандия таълимотининг билимдони, шу тариқат пири ва муршиди бўлган Абдурахмон Жомий «Рисола дар маънии Ҳуш дар дам» асарини ёзиб, бу рашҳани мазмун-моҳиятини очган:

Туро як панд бас аст дар ду олам,  
Ки аз жонат наёяд бе Худо дам.  
Агар ту пос дори поси анфос,  
Ба султони расонандат аз он пос<sup>100</sup>.

---

<sup>98</sup> Рисолаи Мавлави Жомий. Қўлёзма. 139 б.

<sup>99</sup> Хожа Аҳрор Валий. Анфоси Нафиса. – Бухоро: Бухорои шариф. 1327 х. й. 5 б.

<sup>100</sup> Жомии А. Рисола дар маънии ҳуш дар дам. ЎзФАШИ. Қўлёзма №3844-В. 126а.



*Мазмуни:*

Икки оламда сен учун бир ўғит басдур.  
Худодан огоҳ бўлмай бир нафас ҳам чикмасин.  
Агар сен нафасларингни асрасанг, қўриқласанг,  
Шу сени султонлик даражасига юксалтиради.

Жаҳоншумул Нақшбандия тасаввуфий таълимотини асослаган Баҳоуддин Нақшбанд номи билан машҳур Муҳаммад ибн Муҳаммад Бухорий<sup>101</sup> (1318–1389) ҳақида жуда кўп тавсифлар ёзилган. Шеърят мулкининг султони Алишер Навоийнинг устози Абдурахмон Жомий (1414–1492) маънавий меросида Нақшбандия муҳим ўрин эгаллайди<sup>102</sup>. Абдурахмон Жомий «Тухфат ул-Ахрор» асарида Баҳоуддин Нақшбандни тавсифлаган<sup>103</sup>. Бу асарда «Дар манқабати қутбут-тарик, ғавсул-халойик Хожа Баҳоул-миллати вад-дин Муҳаммади Бухорий ал-маъруф ба Нақшбанд, қаддасаллоху таоло сирруху» – «Тарикат қутби, халойик ғавси Нақшбанд номи билан маъруф Хожа Баҳоул миллати вад-дин Муҳаммад Бухорий к.т.с. манқабати хусусида» номи билан Баҳоуддинга таърифлар берилган. Бу таърифни Иброҳими Наққош тартибга келтирган «Рисолаҳои пирон ва пайравони тариқати Нақшбандия» тўпламида кирилл ёзуви форс-тожик тилида киритилган<sup>104</sup>.

Олтмиш мисрадан иборат бу назмий парчада Абдурахмон Жомий аввало банда ва Аллоҳ ўртасидаги тўсиқ бўлган турли пардаларни йўқотиш кераклиги ва Ҳақ йўлга кириш учун инсонга раҳбар устоз зарурлиги таъкидланиб, шундай устозлардан энг улуғи Баҳоуддин Нақшбанд эканлигини қуйидаги мисраларда кўрсатган.

В-он гуҳари пок на ҳар жо бувад,  
Маъдани он хоки Бухоро бувад.  
Сикка, ки дар Ясрибу Батҳо заданд,  
Навбати охир дар Бухоро заданд.  
Аз хати он сикка нашуд баҳраманд,  
Жуз дили бе нақши Шаҳи Нақшбанд<sup>105</sup>.

<sup>101</sup> Navruzova G. Bahouddin Naqshband – the seventh pir of Bukharai Sharif (Noble Bukhara)// *Islom tafakkuri*. 2020. Maxsusson 5–8 p.

<sup>102</sup> Наврӯзова Г. Жомий ва Нақшбандия. / Баҳоуддин Нақшбанд (Манбалар таҳлили). Тўплаб нашрга тайёрловчи, мақола, изоҳ ва шарҳлар муаллифи Г.Н. Наврӯзова. – Тошкент: «Sano-standart» нашриёти, 2019. 100–104 б.

<sup>103</sup> Абдурахмони Жомий. Тухфат-ул-Ахрор. Осор. Жилди сеюм. – Душанбе: «Адиб», 1987. 249–286 б.

<sup>104</sup> Рисолаҳои пирон ва пайравони тариқати Нақшбандия. – Душанбе, 2017. 408–410-бетлар.

<sup>105</sup> Мавлоно Абдурахмон Жомий. Тухфат ул-Ахрор. Лакнав: Нувил Кишур, 1908. 26-бет.

*Мазмуни:*

Бу пок гавҳар ҳар жойда бўлмайди,

Унинг кони Бухоро тупроғидир.

Сикка, яъни муқаддаслик муҳри Ясрибу (Мадина) Бадҳо (Макка) да урилди,

Охирги навбатда Бухорога урилди.

Бу муқаддаслик муҳрини хатидан бўла олди баҳраманд,

Фақатгина нақшсиз дилга эга бўлган Шоҳи Нақшбанд.

Жомийнинг бу мисралари жуда машҳур бўлиб, Баҳоуддин Нақшбандга оид ёзилган тазкира ва тарихий асарларда келтирилган. Жомий Баҳоуддинни жуда қимматли бўлган пок гавҳарга қиёслайди. Бу пок гавҳар кони Бухоро эканини айтади. Бухорони Макка ва Мадина каби муқаддас шаҳар сифатида қиёслаб, бу муқаддаслик нуру зиёсидан фақатгина Баҳоуддин тўла баҳра олганлигини таъкидлайди. Мантиқан бу сатрларни таҳлил этганимизда муқаддас тупроқ бўлган Маккада Муҳаммад (с.а.в) дунёга келган. Бу улуғ зот Мадинада рихлат қилиб, муборак қабрлари шу шаҳарда жойлашган. Шунинг учун Маккани Мукаррама ва Мадинани Мунаввара деб эъвозлайдилар. Бухорода ҳам Муҳаммад (с.а.в.) йўлларини давом эттирган табаррук зот Баҳоуддин дунёга келганлар. Макка ва Мадинанинг муқаддаслигининг асоси Муҳаммад (с.а.в) бўлсалар, Бухорои Шарифнинг муқаддаслик асоси шу тупроқда туғилган ва муқаддас қабрлари ҳам шу тупроқда жойлашган Баҳоуддин, Шоҳ Нақшбанд, Хожаи Бузург номлари билан машҳур Муҳаммад ибн Муҳаммад ал-Бухорий (1318–1389) каби муборак зот туфайлидир.

Абдурахмон Жомий Баҳоуддин Нақшбандга хос бўлган асосий сифат бандалик эканлиги, яъни унинг қалбида фақатгина Аллоҳ нақшланган бўлиб, барча ишлари унинг ризолиги учун холисона амалга оширилганини таъкидлаб, қуйидаги мисраларни ёзади:

Хожа, ки баста зи сари бандаги,

Дар сафи сафват камари бандаги.

*Мазмуни:*

Хожа бутун борлиғи билан бандалик мақомида эди,

Покланиш учун бандалар сафига камарбаста эди.

---

Бундан кейин шеърлар шу манбанинг 26–27 бетлардан олинган.



Жомийнинг фикрича, ҳақиқий бандалик мақомида бўлган Муҳаммад Бухорий Аллоҳ ризолиги йўлида амал қилиб, Баҳоуддин номи билан эътироф этилди. Жомий бу ғояни қуйидаги мисраларда баён этади:

Тожи Баҳо бар сари дин ў ниҳод,  
Қулфи ҳаво аз дари дин ў кушод.  
Қутби яқин нуктаи тавҳиди ў,  
Хилъати дин ҳирқаи тажриди ў.

*Мазмуни:*

Дин бошига у, яъни Муҳаммад ибн Муҳаммад Бухорий Баҳо тожини қўйди,  
У дин эшигидаги кибру ҳаво қулфини очди.  
Унинг тавҳид нуктаси, яъни ҳикматли хулосаси яқиннинг қутбидир,  
Унинг тажрид ҳирқаси диннинг хилъатидир.

Бу мисралардан маълум бўладики, Муҳаммад ибн Муҳаммад Бухорий туфайли диннинг бошига Баҳо, яъни ёруғлик, равшанлик тожи қўйилди. Шунинг учун бу табаррук зотни Баҳоуддин номи билан халқ эътироф этди. Чунки Баҳоуддинни кўрган киши унинг хулқи ва амалларига қараб динимизни нақадар гўзаллигига тасанно айтар эдилар. Баҳоуддин жуда камтарин бўлганлиги учун диндорларда учраб турадиган кибру манманлик иллатларини тўла йўқотадилар. У кишининг «Нақш банд, ба дил банд» ғоялари тавҳид томон одамларни етаклаган. Баҳоуддинга хос фазилатлардан бири фано ва бақо мақомига етганлари эди. Буни Жомий қуйидагича тавсифлаган:

Сирри фаноро кас аз ў беҳ нагуфт,  
Дурри бақоро кас аз ў беҳ насуфт.  
Аввали ў охири ҳар мунтаҳи,  
З-охири ў жайби таманно тихи.

*Мазмуни:*

Фано сиррини ундан яхшироқ бирон киши айтолмади,  
Бақо дуррига бирон киши ундан яхшироқ жило беролмади.  
Ҳар бир интиҳога етганнинг охири унинг аввалидир,  
Унинг охири бўлса кўнгилдаги таманно, кибрдан соф бўлишидир.

Абдурахмон Жомий Баҳоуддин Нақшбанднинг тасаввуф таълимотидаги даражаларининг жуда баланд эканлигини қуйидаги мисралар орқали тавсифлаган:



Соџи ўро қадами фарш соџ,  
Поџи ўро ба сари Арш поџ.  
Сурати ў рост ба мизони шарў,  
Жони вайу зиндаги аз жони шарў.  
Ҳақталабонро ба назарҳои хос,  
Дода зи андишаи ботил халос.  
Ҳар ки бад-он ганжи иноят расид,  
Рахти бидояд ба ниҳоят кашид.

*Мазмуни:*

Унинг соџси ер юзида бир қадамдир.  
Унинг мартабаси Арш устидадир,  
Унинг сурати шариат мезонига уйғун.  
Унинг жони ва яшаши ҳам шариатга боғланган,  
Ҳақ талабида бўлганларни унинг хос назари билан.  
Ботил андишаларидан тўла қутиладилар,  
Ким унинг иноятига етишса.  
Бидоятда ниҳоятнинг рахтини чизади,

Юқоридаги мисралардан маълум бўладики, унинг мартабаси Ер куррасидан Аршгача улуғ бўлган. Бунга асосий сабаб Баҳоуддинни барча амаллари шариатга уйғун ва суннатга мувофиқ эканлигидир. Баҳоуддиннинг назарида шундай кучли қувват мавжуд бўлганки, Ҳақ йўлига кирганларни ботил, яъни нотўғри, шариатга зид андишалардан тўла қутқара олган.

Кимки унинг иноятига мушарраф бўлса, йўлнинг бошидаёқ бошқа тариқатлар эришадиган охирги натижага етишади.

Дарҳақиқат, Баҳоуддин асослаган Нақшбандия таълимоти инсон камолотининг энг қисқа йўлидир. Манбаларда нақл қилишларича, бир куни Баҳоуддин Нақшбанднинг шариф суҳбатларида Боязид Бистомий – Султон ул-Орифиннинг қуйидаги сўзлари нақл қилинибди: «Бу йўлда юрувчи қанчалик юрасин, унинг сўнгги қадами бизнинг биринчи кадамимиз устида бўлади».

Баҳоуддин Нақшбанд ғайрат юзасидан шундай дедилар: «Биринчи қадами Боязиднинг охирги қадами устида бўлмаган кишига Ҳақ Субҳанаҳунинг суҳбати ҳаром бўлсин!» У киши яна шундай дедилар: «Биз интиҳони ибтидода тугаллаймиз»<sup>106</sup>.

<sup>106</sup> Абул Муҳсин Муҳаммад Боқир ибн Муҳаммад Али. Мақомоти Хожа Баҳоуддин Нақшбанд. Форсийдан таржимон, сўзбоши, изоҳ ва луғат муаллифи М. Ҳасаний. – Тошкент: «O'zbekiston» НМИУ, 2019. 69–70-бет.



Бу билан Баҳоуддин Нақшбанд Нақшбандия тариқатига кирган кишининг ибтидода, яъни йўлнинг бошида бошқа тариқатлар интихо, яъни йўлнинг охирига етадиган ҳушёрлик, огоҳлик, воқиғлик мақомига етказишини таъкидламоқдалар. Демак, Нақшбандия таълимотидаги толиб дастлабки кунлардан бошлаб ғафлат уйқусидан уйғониб, ғофиллик ботқоғидан чиқиб, мушоҳада майдонига ҳушёрлик ва огоҳлик билан парвоз эта бошлайди.

Абдурахмон Жомий Баҳоуддин Нақшбанд таълимотининг ўзига хос томонларини ҳам ўз тавсифида қуйидагича баён этган:

Роҳнамои сафар андар ватан,  
Хилвати доираи анжуман.  
Гум зада бе ҳамдамии ҳуш дам,  
Дур нагузашта назараш аз қадам.  
Баски зи худ карда ба суръат сафар,  
Боз намонда қадамаш аз назар.

*Мазмуни:*

Сафарни ватанда қилиш йўлбошчисидир,  
Анжуман даврасида хилватни ўргатувчи.  
Ҳушсиз бир дамни ҳам ўтказмайди,  
Назарини қадамидан олмайди.  
Ўзида катта тезлик билан сафарда,  
Назарини қадамидан узмайди.

Бу мисралар орқали Абдурахмон Жомий Баҳоуддин Нақшбанд «Ҳуш дар дам», «Назар бар қадам», «Сафар дар Ватан», «Хилват дар анжуман» тамойилларига тўла амал қилиб, Ҳақ йўлига кирганларга ҳам бу ўғитларни ўрганишига раҳнамолик қилишини баён этмоқда.

Баҳоуддин Нақшбандга хос бўлган камолот даражаларидан бири таважжух, яъни Аллоҳга юзланишдир. Баҳоуддин қаерда қайси ҳолатда бўлса ҳам, қалбини хуфиёна Аллоҳга қаратиб мукамал холисона меҳнат қилган. Бу сифатларни Абдурахмон Жомий ўзига хос услубда баён этган:

Вақти таважжух шуда хамчун камон,  
Аз чиллаи хилватиён барканон.  
Бин, ки чи сон карда дусад қофила,  
Сайди камоневу камон бечилла.



*Мазмуни:*

Таважжух вақтида камондай эгилиб,  
Хилватдаги чилла ўтирувчилардан узилиб.  
Кўргин қандай икки юз қарвонни,  
Манзилга томон чилласиз этмоқда.

Бу мисралар билан Абдурахмон Жомий Баҳоуддин Нақшбанд йўлини «Дил ба Ёру даст ба кор» шиори асосида эканлигини, улар меҳнатсевар ва жамиятга фойда келтирувчи қатламлигини баён этмоқда. Баҳоуддин Нақшбанд йўлидан бораётганларни Жомий икки юзта қарвон билан тенглаштириб, улар узлат ва чилласиз Ҳаққа етишида Баҳоуддиннинг хизмати борлигини эътироф этмоқда.

Баҳоуддин Нақшбандга хос хусусиятларидан бири унинг бесифатлик даражасига эришганидир. Бу ўзига хосликни Жомий шундай тавсифлайди:

Чун зи нишонҳо ба аён омада,  
Маҳви нишонҳо-ш нишон омада.  
Ёфта дар тайи мақомоти хеш,  
Бесифатиро сифати зоти хеш.

*Мазмуни:*

Барча нишонлардан аён бўлиб,  
Барча нишонларни маҳв этиб, нишон бўлиб.  
Барча мақомларни босиб ўтиб,  
Бесифатлик сифатида намоён бўлиб.

Абдурахмон Жомий Баҳоуддин яратган йўлни «Урвату-л-вусқо» – кучли туткич эканлигини қуйидагича тавсиф этади:

Силсилаи нисбати пирони ў,  
Урваи вусқои асирони ў.  
Афканад овозаи он силсила,  
Дар сафи шерони жаҳон зилзила,

*Мазмуни:*

Унинг пирларининг силсиласи,  
Кучли туткич эрур асираси.  
Бу силсиланинг овозаси,  
Бутун жаҳон шерларнинг сафини зилзилага солади.



Жомий тўғри таърифлаганидек, Нақшбандия тариқатини «урвату-л-вусқо», яъни кучли тутқич деб айтадилар. Баҳоуддин Нақшбанд бу ҳақда шундай айтган эдилар: «Бизнинг тариқатимиз урвату-л-вусқонинг нодир кўринишларидандир, яъни панжани Муҳаммад Мустафо (с.а.в.) суннатининг тобелик этагига уришдир ҳамда улуғ саҳобалар, уларнинг барчасидан Аллоҳ таоло рози бўлсин, уларнинг изларидан юришдир. Бу йўлда бизни фазл эшигидан киритганлар. Биз бошдан то охиргача ўз амалимизни эмас, унинг фазлини мушоҳада қиламиз. Бу тариқатда гарчи озгина амал бўлса ҳам файзу футуҳ кўпдир. Аммо суннатга риоя қилиш улуғ ишдир»<sup>107</sup>.

Абдурахмон Жомий тавсифи якунида Баҳоуддин Нақшбанднинг даражаларини қуйидагича баҳолайди:

Тоири рўҳаш, ки аз ин куҳнадом,  
Сидранишеман шуду тўбомақом.  
Бод ба фархунда мақом мустақир,  
Инда Маликин Самадин Муқтадир<sup>108</sup>.

*Мазмуни:*

Унинг руҳини куши вужудидан парвоз этиб,  
Еттинчи қават осмонидаги Сидра ва Тубо номли дарахтга қўнади.  
Унинг қутлуғ мақоми барқарор бўлиб,  
Малик, Самад, Муқтадир (Аллоҳ) ёнида қарор топгандир.

Демак, Абдурахмон Жомийнинг Баҳоуддин Нақшбандга берган тавсифи энг мукамал, жуда гўзал услубда ёзилган ва ҳақиқатни акс этган бўлиб, бир томондан, Баҳоуддин Нақшбанд камолот даражаларини кўрсатса, иккинчи томондан, у асослаган Нақшбандия йўлининг афзалликлари ва хусусиятларини очиб беради.

Баҳоуддин Нақшбандга берилган мукамал тавсифдан қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

1. Инсон камолоти, унинг асл ҳақиқатни англаши ва маърифатли бўлишига тўсқинлик қилувчи пардаларни очиш учун Баҳоуддин Нақшбанд каби комили мукамал устозлар керак. Шунинг учун устоз-шоғирдлик институтини такомиллаштириш лозим.

2. Баҳоуддин Нақшбанд каби пок гавҳарнинг дунёга келиши учун

---

<sup>107</sup> Абул Муҳсин Муҳаммад Боқир ибн Муҳаммад Али. Мақомоти Хожа Баҳоуддин Нақшбанд. Форсийдан таржимон, сўзбоши, изоҳ ва луғат муаллифи М. Ҳасаний. – Тошкент: «O'zbekiston» НМИУ, 2019. 120-бет.

<sup>108</sup> Мавлоно Абдурахмон Жомий. Тухфат ул-Ахрор. Лакнав: Нувил Кишур, 1908. 26-бет.



Бухоро каби Шариф шаҳар имкониятларидан, моддий ва маънавий хазиналаридан тўла баҳраманд бўлиш, унинг тарихини мукаммал ўрганиб, халққа етказиш яхши самара беради.

Шунинг учун ҳар бир шаҳарнинг алломалари ва унинг маънавий меросини ўрганиш лозим.

3. Баҳоуддин Нақшбанд камолотининг сири – унинг ҳар бир ҳаракатини холисона, Аллоҳ розилиги йўлида бўлишидир. Ҳалоллик, поклик, риёсиз амал, холисона хизмат каби ижобий сифатларни тарбиялаш жараёнига эътиборни қаратиш яхши натижалар беради.

4. Баҳоуддин Нақшбанд камолот даражасининг асоси унинг камтаринлигидадир. Кибру ҳаво иллатидан қутқариб, ёшларни шу руҳда тарбиялаш масалаларига эътибор бериш ва услубларини топиш давр талабидир.

5. Нақшбандия таълимоти огоҳлик, хушёрликка асосланган йўл бўлиб, унинг асосий тамойиллари: «Ҳуш дар дам», «Назар бар қадам», «Сафар дар Ватан», «Хилват дар анжуман» каби ўғитларидан «Тарбия» дарсларида фойдаланиб, ёшларни тафаккур қилишга чорлаш лозим.

6. Баҳоуддин Нақшбанд камолот йўлининг асосий шиори «Даст ба кору дил ба Ёр» бўлиб, бу шиор ҳаммани меҳнатсеварликка чорловчи асосий ғоядир. Шу руҳда ёшларни тарбиялаш иқтисодий баркамолликнинг асосидир.

7. Баҳоуддин Нақшбандни комил инсон тимсоли сифатида тарғиб этиш ва унинг ҳаёт йўлидан ибрат олиш жамиятда «Ҳалоллик вакцина»сини вужудга келтиришнинг асосий омилидир.

### 3.5. НАВОИЙ ВА НАҚШБАНДИЯ ТАЪЛИМОТИ

Бу икки табаррук инсоннинг ҳаёт йўллари ва ўзаро муносабатларини ўрганиш долзарб масаладир. Шунинг учун Алишер Навоийнинг Нақшбандия таълимотига бўлган муносабатини ўрганишни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйдик.

Нақшбандшунослик соҳасида навоийшунос олимлар А. Ҳайитметов, Иззат Султон, Ҳамидхон Ислохий, Султонмурод Олим, Иброҳим Ҳаққул, Нодирхон Ҳасан, Сайфиддин Сайфуллоҳ ва бошқаларнинг тадқиқот натижалари эълон қилинди. Баҳоуддин Нақшбанд ҳақида Алишер Навоийнинг асарларини таҳлил этиб, Иззат Султон 1994 йилда «Баҳоуддин Нақшбанд абадияти» номли рисола тайёрлаб, «Фан» нашриётидан чоп этди. Унда Нақшбандия тариқатининг ҳозирги давр учун аҳамиятли жиҳатларига махсус эътибор берилган. 1995 йилда «Мовароуннаҳр» нашриётида Ҳамидхон Ислохийнинг «Ипор хид билан туғилган ориф» (Хожа Баҳоуддин Нақшбанд) деган рисоласи чоп этилди. Султонмурод Олим 1996 йилда «Нақшбанд ва Навоий» асарини нашр этиб, унда Навоийнинг Баҳоуддин Нақшбанд ва Нақшбандияга оид меросини илмий таҳлил қилдилар<sup>109</sup>.

Баҳоуддин Нақшбанд таваллудининг 700 йиллигига бағишлаб Сайфиддин Сайфуллоҳ 2019 йил «O‘zbekiston» нашриётидан «Етти пир» (Дунё муршидлари) асари чиқди. Унда ҳам Баҳоуддин Нақшбанд ҳақида маълумотлар берилган.

Баҳоуддин Нақшбанд ҳақидаги манбалар таржима этилди, «Аврод» асари борлиги аниқланди ва қатор янги тадқиқотлар натижалари эълон қилинди. Аммо ҳали ўрганилиши лозим бўлган кўп масалалар мавжуд. Шулардан бири Алишер Навоийнинг Нақшбандия таълимотига бўлган муносабатининг очилмаган қирраларини ўрганишдир.

Сўз мулкининг султони Алишер Навоий дўсти ва устози Абдурахмон Жомий раҳбарлигида тасаввуф фалсафаси ва Нақшбандия таълимотини ўрганган<sup>110</sup>. Алишер Навоий 1476 йилда Нақшбандия тариқатини ихтиёр этиб, унга кирган<sup>111</sup>. У Абдурахмон Жомийни ўзига пиру муршид деб танлаган. Бу тарихий воқеа Нақшбандия тариқатининг Алишер Навоий

<sup>109</sup> Наврўзова Г.Н. Хожа Баҳоуддин Нақшбанд ҳаёти ва маънавий мероси. – Т.: Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси «Фан» нашриёти давлат корхонаси, 2021. 8-бет.

<sup>110</sup> Баҳоуддин Нақшбанд (манбалар таҳлили). Тўплаб нашрга тайёрловчи, мақола, изоҳ ва шарҳлар муаллифи. Г.Н. Наврўзова. – Тошкент: «Sano-standart» нашриёти, 2019. 142-бет.

<sup>111</sup> Тримингэм Дж.С. Суфийские ордены в исламе/ Перевод с англ. А.А. Ставиской, под редакцией с предисл. О.Ф. Акимовской. – Москва: Наука Глав.ред.вост.лит.-ры, 1989. 84 с.

Афсаҳзод А. Абдурахмон Жомий. – Душанбе: Маориф, 1978. 13 с.



хаёти, фалсафий қарашлари ва таълимотида юксак ва муҳим мавқе эгаллаганини кўрсатади.

Навоий маънавий меросини ўрганиб, унинг Нақшбандия тариқатига доир яратган дурдоналарини мазмун-моҳиятига қараб шартли равишда иккига бўлишимиз мумкин:

Биринчи – Нақшбандия тарихига бағишланган асарлар.

Иккинчи – Нақшбандия тариқатининг назариёти ва амалиёти моҳиятини очиб берувчи манбалар.

«Насойим ул-муҳаббат мин шамойил ул-футувват» Алишер Навоийнинг Нақшбандия тарихига доир ёзилган энг йирик асаридир. Бу асар асосан Абдурахмон Жомийнинг «Нафаҳот ул-унс мин ҳазарот ал-қудс» асарининг тўлдирилган таржимасидир.

Алишер Навоийнинг «Насойим ул-муҳаббат» асари туркий тилда ёзилган тасаввуф тарихига оид жуда қимматли манбадир. Унда Ўрта Осиёда тарқалган тасаввуфнинг йўлбошчиси ва Хожагон-Нақшбандия тариқатининг пири Юсуф Ҳамадоний, Хожагон тариқатининг асосчиси Абдулхолиқ Гиждувоний, унинг издошлари Хожа Али Рометаний, Хожа Муҳаммад Бобои Самосий, Саид Амир Кулол, Нақшбандия тариқатининг асосчиси Баҳоуддин Нақшбанд, Нақшбандия тариқатининг йирик намоёндалари Хожа Муҳаммад Порсо, Саъдуддин Қошғарий, Мавлоно Жомий, Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор ва бошқалар ҳақида нодир маълумотлар берилган. Энг қимматлиси – бу асар туркий тилда ёзилган асл манбадир. Алишер Навоийнинг «Насойим ул-муҳаббат» асарининг бошқа форсий тилда ёзилган Нақшбандия тарихига доир манбалардан афзаллиги шундаки, унда турк машойихлари ҳақида нодир маълумотлар бор. Масалан, бу асарда биз Нақшбандия тариқатининг асосчиси бўлган Баҳоуддин Нақшбанднинг устозларидан турк машойихлари Қусам Шайх ва Халил ота ҳақида маълумот топдик. Бу эса Нақшбандия тарихини ёритадиган асосий манбалар Жомийнинг «Нафаҳот ул-унс» ва Фаҳриддин Али Кошифий ас-Сафийнинг «Рашаҳот айн-ул-хаёт» асарларида учрамайди.

Алишер Навоийнинг Нақшбандия таълимотининг асл моҳияти тўғрисидаги фикрлари унинг қитъа ва шеърлари, «Хамса», «Лисон ут-тайр», «Маҳбуб ул-қулуб» ва бошқа асарларида кенг ёритилган.

Сўз мулкининг султони Алишер Навоий Нақшбандия йўлининг асосчиси Баҳоуддин Нақшбанд ва у кишининг издошлари бўлган шайхларни «Лисон ут-тайр» асарида сидра дарахти (жаннатдаги дарахт)даги қушларга ўхшатади. Шоир бу қушлар сокин ва тинч ҳаёт

кечирадилар, ҳеч нарсадан норози эмаслар, ҳар ёққа талпиниб парвоз қилмайдилар дея, бундай юксак даражанинг асосини Нақшбандия таълимотининг тамойили бўлган тўрт рашҳа ташкил этганлигини таъкидлайди. Асарда Худҳуд тили орқали Нақшбандия таълимоти моҳияти қуйидагича очиб берилган:

Бор анингдек қушки очмай болу пар,  
Сидра шохи устида айлар мақар<sup>112</sup>.

Бу мисраларда Алишер Навоий «қушки очмай болу пар» сидра-еттинчи осмондаги дарахтнинг шоҳида манзил курган деган мажозий иборалар орқали Нақшбандия тариқатининг асосий ахлоқий тамойилларидан бўлган «Сафар дар Ватан»нинг моҳиятини очиб беради. Бу тамойил «Рашаҳот» асарида қуйидагича ёзилган.

Ё раб, чи хуш аст бе даҳон хандидан,  
Бевоситайи чашм жаҳонро дидан.  
Биншин, сафар кун, ки бағоят хўб аст,  
Бе захмати по гирди жаҳон гардидан<sup>113</sup>.

*Мазмуни:*

Эй парвардигор, оғизсиз кулмоқ қандай яхшидир,  
Кўзсиз бутун жаҳонни кўрмоқ қандай яхши.  
Ўтиргин ва сафар қилгин қандай яхшидир,  
Оёқлар захматисиз сайр этиш нақадар яхши.

Алишер Навоийнинг «Лисон ут-тайр» достонидаги мисралар билан Нақшбандия таълимоти ғояларини қиёсий таҳлил этсак, Навоийни нақадар маҳорат билан «Сафар дар Ватан» тамойили моҳиятини англаганини кўрамиз.

«Сафар дар Ватан» тамойилида ботиндаги сайру саёҳат ила барча иллатлардан қутулиб, ҳамида, яъни мақталган ахлоққа эришиш йўллари кўрсатилган.

Бунинг натижасида инсон камолотга етиб, зоҳиран «Кичик олам» бўлса ҳам, ботинан «Кабир олам» даражасига етишини Навоий «очмай

<sup>112</sup> Алишер Навоий. Лисонут-тайр. (Насрий баёни билан). Тошкент: Фафур Фулом номидаги Нашриёт-магбаа бирлашмаси, 1991. 81-бет.

<sup>113</sup> Фахруддин Али Сафий. Рашаҳот (Оби ҳаёт томчилари). Тарихий-маърифий асар. Табдил ва сўнгсўз муаллифи: М. Ҳасаний; луғат, сўнгсўз муаллифи ва масъул муҳаррир Б. Умрзоқ; ЎзР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги шарқшунослик институти. – Тошкент: Абу Али ибн Сино номидаги тиббиёт нашр, 81-бет.

болу пар», «Аршпарвоз» ва «Сидранишин» иборалари билан қуйидагича тавсифлаган:

Келди хилватгоҳи они анжуман,  
Сайр этар, лекин ери доим ватан.  
Аршпарвоз ўлдию сидранишин.  
Элга зоҳир айламай парвоз ишин<sup>114</sup>.

«Хилватгоҳи онинг анжуман» мисралари орқали Алишер Навоий Нақшбандия ахлоқий тамойилларидан яна бири «Хилват дар анжуман»ни тавсиф этади. Айнан «Хилват дар анжуман» ва хуфйя зикр Нақшбандия таълимотида «Дил ба Ёру даст ба қор» – «Қалб Аллоҳ билан ва қўл ишда» шиори асосида фаол яшаш ҳамда холис меҳнат қилиб, эзгу ишларни қилишга имкон беради.

Эрмас ул Симурғдин айру даме,  
Васлидин кўнглига ўзга оламе.  
Етмайин жонига ҳажридин газанд,  
Сурати васлида ҳар дам Нақшбанд.  
Боши узра мавҳибат тожи онинг,  
Жилвагоҳи васл меърожи онинг.  
Васлдин мамлу, вале дам асрабон,  
Ғайрдин ҳолини мубҳам асрабон.  
Васл юз минг дурридин кўнглида жўш,  
Лек улуб оғзи садаф янглиғ хамуш.<sup>115</sup>

Нақшбандиянинг асосий ахлоқий талабларидан «Хуш дар дам» Навоийнинг «Эрмас ул Симурғдан айру даме», «Сурати васлида ҳар дам Нақшбанд» каби мисралари орқали тавсиф этилган.

«Рашаҳот» асарида ҳам «Хуш дар дам» тамойили ҳақида қуйидаги мисралар келтирилган:

Эй монда зи баҳри илм дар бар соҳил айн,  
Дар баҳр фароғат асту бар соҳил шайн.

---

<sup>114</sup> Фахруддин Али Сафий. Рашаҳот (Оби ҳаёт томчилари). Тарихий-маърифий асар. Табдил ва сўнгсўз муаллифи: М. Ҳасаний; луғат, сўнгсўз муаллифи ва масъул муҳаррир Б. Умрзоқ; ЎЗР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти. – Тошкент: Абу Али ибн Сино номидаги тиббиёт нашр, 81-бет.

<sup>115</sup> Алишер Навоий. Лисонут-тайр. (Насрий баёни билан). – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Нашриёт-матбаа бирлашмаси, 1991. 81-бет.

Бардор сафи назар зи мавжи кавнайн,  
Огоҳ би баҳр бош байн ал- насафайн<sup>116</sup>.

*Мазмуни:*

Эй илм денгизига кирмай соҳилда қолган киши,  
Денгизда фароғат бор, соҳилда эса ёмонликлар.  
Кўз қарашларингни дунё мавжларидан кўтаргин.  
Ҳар икки нафас ўртасида денгиздан огоҳ бўлгин.

Алишер Навоийнинг бу мисралари билан юқоридаги мисраларини қиёсласак, олам асли билан доим боғланиб, огоҳ бўлиш ғояси намоён бўлади.

Нақшбандия таълимотидаги хуфия зикр «Лек ўлуб оғзи садаф янглиг хамуш» мисралари билан тасвирланган. Дарҳақиқат, Нақшбандийларга хос бўлган хуфия зикр инсон камолотига катта ёрдам берган.

Зикр – сўзлаш, баён қилиш, хотирлаш, ёд айлаш, хотирдагини унут-маслик маъноларини англатадиган арабча бир калима. Тасаввуфда бу калима ғафлат ва нисён – эсдан чиқаришнинг зидди ўрнида татбиқ этилган. Зикр тасаввуфдаги ҳар бир тариқатда, ҳар бир тасаввуф аҳлининг наздида барча қоида, усул ва одобларнинг бошидир. Тариқат пирлари ва муридларнинг зикр фойдалари ҳақида умумий қарашлари тахминан бундай бўлган: зикр – шайтонга қарши энг ўткир яроғ. Қалбдан ғам, қайғу ва ғуссаларни ҳайдаб, дилга қувонч, фараҳ ва кенглик бағишлар; тафаккур ва маърифатнинг юксалишини таъминлар; ҳар турли ёмонликларнинг илдизини қуришиб, хато ва гуноҳларнинг олдини олар... Зикр фақат Аллоҳни ёд айлаш, унинг гўзал исмларини эслаш эмас, балки дил, фикр ва туйғуни Аллоҳга йўналтиришдир. Аллоҳ ила мукамал бир шуурий, зехний алоқа ўрнатиш зарурки, бу бахт ҳаммага ҳам насиб этавермаган. Зикр инсонларни ҳақиқий тавҳидга эриштирадиган ҳам машаққатли, ҳам завқли йўл. У камолот мақомларининг ўзаги ёки тамал тоши сифатида тасаввуф оламида хос мавқе ва аҳамиятга эга. Зикрнинг турли кўринишлари бўлган: хуфий – яширин, жаҳрий – баланд овоз билан, алония – ошкоро, самоъ – куй ва рақс билан. Баҳоуддин Нақшбанд доимо хуфия – яширин, пинҳона зикрга амал қилганлар<sup>117</sup>.

<sup>116</sup> Фахруддин Али Сафий. Рашаот (Оби ҳаёт томчилари). Тарихий-маърифий асар. Табдил ва сўнгсўз муаллифи: М. Ҳасаний; луғат, сўнгсўз муаллифи ва масъул муҳаррир Б. Умрзоқ; ЎзР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги шарқшунослик институти. – Тошкент: Абу Али ибн Сино номидаги тиббиёт нашр, 32-бет.

<sup>117</sup> Баҳоуддин Нақшбанд (манбалар таҳлили). Тўплаб нашрга тайёрловчи, мақола, изоҳ ва шарҳлар муаллифи. Г.Н. Наврўзова. – Тошкент: «Sano-standart» нашриёти, 2019. 162–163-бетлар.



Ҳазрат Баҳоуддинни Шоҳ Нақшбанд эканлиги ҳақида энг мукаммал тавсифланган манба Алишер Навоийнинг дунёга машҳур «Хамса» асарининг биринчи достони «Ҳайрат ул-аброр»дир. Бу дostonнинг XXI бобидаги 30-мисраси тўла Баҳоуддинга бағишланган. Бу тавсифда Алишер Навоий 23 маротаба нақш ва 8 бор илдизи нақш бўлган сўздан моҳирона фойдаланиб, Баҳоуддинни Нақшбандлар Шоҳи ва «дилнавоз нақш», у яратган таълимотни «ажаб нақш» сифатида тавсифлаган.

Алишер Навоий бобни «Хожа Баҳоуддин Нақшбанд қуддуса сирруху мадҳидаким, сунъ наққоши ҳикмат хомаси билан рўзгор саҳифасида анинг вужуди нақшини исломий тарҳ этти ва сурати иршоди билан куфр аҳли кўнгли варақидан хитойи ва фаранги нақши кетти» деб номлаган<sup>118</sup>.

Мунча ажаб нақш била аржуманд,  
Кимса эмас ғайри Шаҳи Нақшбанд<sup>119</sup>.

«Мунча ажаб нақш» деб Нақшбандия таълимотини ажойиб нақш сифатида таърифлаб, Баҳоуддин қалбига солинганлиги айнан шу ажаб нақш Баҳоуддинни Шоҳ Нақшбанд сифатида аржуманд – азизу мукаррам этилганлигига ишорат этилмоқда. Алишер Навоий Нақшбандия таълимотини ажойиб нақш сифатида тавсифлаб, унинг ўзга таълимотлардан афзал ва улуғворлигини таъкид этганлар.

«Мақомоти Хожа Баҳоуддин Нақшбанд» асарида ҳам Нақшбандлар нақши улуғланиб, шундай ёзилган:

Ту нақши нақшбандонро чи дони,  
Ту шаклу пайкари жонро чи дони?  
Дарахти сабз донад қадри борон,  
Ту хушки қадри боронро чи дони?<sup>120</sup>

*Мазмуни:*

Сен Нақшбандлар нақшини қаердан билардинг,  
Сен жонимиз пайкари бўлган шаклни қаердан билардинг?  
Яшил дарахтлар ёмғир қадрини билади,  
Сен қуруқ бўлганинг учун уни қадрини қаердан билардинг?

<sup>118</sup> Алишер Навоий. Ҳайрат ул-аброр/ Хамса. Тўла асарлар тўплами. Ўн жилдлик. Олтинчи жилд. – Тошкент: Фафур Фулом номидаги нашриёт – матбаа ижодий уйи, 2011. 82–83-бетлар.

<sup>119</sup> Алишер Навоий. Ҳайрат ул-аброр/ Хамса. Тўла асарлар тўплами. Ўн жилдлик. Олтинчи жилд. – Тошкент: Фафур Фулом номидаги нашриёт – матбаа ижодий уйи, 2011. 83-бет.

<sup>120</sup> Абул Муҳсин Муҳаммад Абул Муҳсин Муҳаммад Боқир ибн Муҳаммад Али. Мақомоти Хожа Баҳоуддин Нақшбанд. / Форсийдан таржимон, сўзбоши, изоҳ ва луғат муаллифи Маҳмуд Ҳасаний. – Тошкент: «O'zbekiston» НМИУ, 2019. 166-бет.

Алишер Навоий ўзининг «Қаноат нақшининг ифшоси ва Нақшбандия тариқатининг адоси» қитъасида Нақшбандия ахлоқий талабларининг асоси тўртта эканлиги: «Хуш дар дам», «Назар бар қадам», «Сафар дар Ватан», «Хилват дар анжуман»ларни шеър ила изоҳлайди ва қуйидаги гўзал мисраларда тавсиф этади:

Десанг, хилватим анжуман бўлмасин,  
Керак анжуман ичра хилват санга.  
Ватан ичра сокин бўлуб, сойир ўл,  
Сафардин агар етса меҳнат санга.  
Назарни қадамдин йироғ солмағил,  
Бу йўл азми гар бўлса рағбат санга.  
Дамингдин йироғ тутмағил хушни,  
Ки юзланмагай ҳар дам офат санга.  
Бу тўрт иш била рубъи маскан аро,  
Чолинмоқ, не тонг кўси давлат санга.  
Бу оҳанг ила бўлғайсен Нақшбанд,  
Навоий, агар етса навбат санга<sup>121</sup>.

Нақшбандия таълимотидаги асосий камолот ҳолати – фанога оид Навоийнинг айтган фикрлари жуда қимматлидир. Алишер Навоий «Лисонут тайр» достонида фанои комил ҳақида фикр юритаркан, Баҳоуддин Нақшбанд хокисорлик қилиб ўзини итнинг изидан ҳам паст тутганлигини баён этади. Бу ерда ҳам Навоийнинг Нақшбандия тариқатининг моҳиятини тўла англаб етганлиги кўрсатилади. Дарҳақиқат, бу тариқат аҳли бутун борлиқ Аллоҳнинг тажаллийси, унинг хусни намоён бўлиши, деб уни эъзозлаганлар. Алишер Навоий бу дostonда Нақшбандийларнинг фано даражасини қуйидагича тавсифлаган:

Аҳли Ҳақ бу навъ этиб салби вужуд  
Бўлдини бу важҳ ила айлаб нобуд.  
Бўйла ошом эттилар жоми фано,  
Қолмоғондин сўнг асар ўздин яно.  
Ҳақ вужудидин бақое топмайин,  
Жоми ваҳдатда ликое топмайин,  
Чун фано хайлига дохил бўлдилар,  
Боқийи мутлаққа восил бўлдилар<sup>122</sup>.

<sup>121</sup> Алишер Навоий. Бадойиъ ул-бидоя. Мукамал асарлар тўплами. 1-том. – Тошкент: «Фан», 1987. 628–629-бетлар.

<sup>122</sup> Алишер Навоий. Лисонут-тайр. (Насрий баёни билан). – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги



Баҳоуддин Нақшбанднинг «Ал косиб ҳабибуллоҳ» ҳадисини шарҳлаб, баён этганларини Алишер Навоийнинг куйидаги назмий мисралари очиб берган:

Нукта асносида Ҳабибуллоҳ,  
Деди, ал косибу ҳабибуллоҳ.  
Маъни айтур бу сўзга пири комил,  
Ки сўз эрди Ҳақ сари шомил.  
Ғараз эрмас бу сўздин дунё,  
Бал эрур касбдин мурод фано<sup>123</sup>.

Мисралар мазмунидан маълум бўладики, ҳалол меҳнат, холис амал натижасида ф а н о ҳолати ҳосил бўлади ва шахс боқийлик билан боғланади. Фано даражасига улғайиш учун қаноат зарурлигини Алишер Навоий таъкидлаб, бу ғояларининг куйидаги гўзал сатрларда жо этганлар:

Қаноат тариқига кир, эй кенгул,  
Ки хатм ўлғай ойини иззат санга.  
Десанг, шоҳ ўлай, еру кўк бас дурур,  
Бу бир тахту ул чатри рафъат санга.  
Фано шўъласида ёшур жисмни,  
Керак бўлса зарбафт хилъат санга.  
Етар лола бутган қиё қулласи,  
Мурод бўлса гулгун ҳашмат санга<sup>124</sup>.

Алишер Навоий Баҳоуддин Нақшбандда фаноийи комил бўлишини куйидаги мисраларда ҳам тавсифлаган:

Жонға чекиб ранжу ано нақшини,  
Сизмоқ учун анда фано нақшини.  
Жони чу ул нақш макони бўлуб,  
Нақшдин ўзга бори фони бўлуб<sup>125</sup>.

---

Нашриёт-матбаа бирлашмаси, 1991. 225-бет.

<sup>123</sup> Алишер Навоий. Хазойин ул-маоний. Бадоеъ ул-васат. Мукаммал асарлар тўплами. 5-том. – Тошкент: «Фан», 1990. 487-бет.

<sup>124</sup> Алишер Навоий. Бадойиъ ул-бидоя. Мукаммал асарлар тўплами. 1-том. – Тошкент: «Фан», 1987. 628–629-бетлар.

<sup>125</sup> Алишер Навоий. Ҳайрат ул-аброр / Ҳамса. Тўла Асарлар тўплами. Ўн жилдлик. Олтинчи жилд. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт – матбаа ижодий уйи, 2011. 83-бет.

Алишер Навоий «Насойим ул-муҳаббат» асаарида Хожа Баҳоуддин Нақшбанд зикрида Нақшбандия таълимотининг ўзига хос томонларини жуда яхши баён этган. Бу таълимотда анжуманда хилват, зоҳир юзидан халқ билан ва ботин тарафидан Ҳақ билан эканлигини ишончли далиллар билан исботлаган<sup>126</sup>.

Нақшбандия таълимотини қабул этиб, ўз асарлари орқали тарғиб этган Алишер Навоий «Лисонут тайр»да ёзадики, бутун оламни яратишдан мақсад Инсон бўлиб, у ҳамма мавжудот ичида тенги йўқдир. Инсон кўнгли бамисоли билимлар хазинаси бўлиб ва бу тилсим ичида Тангри ўзини яширган. Инсоннинг ажойиб жисми бир махфий сир хазинаси ўлароқ ўзида ана шу ганж тилсимини сақлайди. Чунки Тангри ўз сирининг хазинасини очмоқчи бўлганида уни на само, на ер қабул қилмади. Инсон шунинг учун барча нарсалардан мумтоз қилиб яратилган. Инсон Ерда Худонинг ўринбосари – халифаси бўлиш бахтига сарафроз бўлган. Инсон Тангри Жамолу Жалолини билиши, ўзига хос, мумтоз ва Тангрининг ердаги халифаси бўлиши бахти қалби – кўнгли туфайлидир.

Алишер Навоий «Лисонут тайр» достонида кўнглини кўзгуга қиёс этади. Достонда бу маънида шундай ёзилган:

Истади хусниға ошиғлиғни фош,  
Кўзгу пайдо қилди андоқким, қуёш.  
Токи онда жилваи ноз айлағай,  
Ҳуснига ошиқлик оғоз айлағай.  
Бўлди ул кўзгу кўнгул, эй аҳли дил,  
Ким Ҳақ анда жилва айлар муттасил.  
Ул қилибон жилваи хусн ошкор,  
Сен кўнгул бирла анга оинадор.

Демак, Навоий инсон кўнгли Ҳақ томонига қаратилса, унда Аллоҳнинг хусну жамоли жилва этади, бу жараёнда инсон ойнани тўғри тутиши масаласи ҳам муҳим эканлигини таъкидланмоқда. Чунки кўзгу қаерга қараса, ўша нурни акс эттиради. Инсон ўз моҳияти ва кўнглининг олий қадриятлигини англаса, уни тўғри тутиб, ойнадорлик – кўзгуни сақлаш, яъни қалбни Аллоҳга қаратиш, «Вуқуфи қалбий»ни вазифасини ижобий ҳал эта олади. Алишер Навоий инсон қалбини кўзгу деб, бу ҳақда яна шундай мисраларни ёзади:

---

<sup>126</sup> Алишер Навоий Насойим ул-муҳаббат. Мукамал асарлар тўплами. 17-том. – Тошкент: «Фан», 2001. 261–265-бетлар.

Сен бу кўзгуни кўнгул қилғил хаёл,  
Ким солур аксини онда ул Жамол.  
Қасри-тан, онда кўнгулни кўзгу бил,  
Кўзгуда Шаҳ хуснини наззора қил.  
Бермайин бу кўзгуга аввал жило,  
Акс анда солмағай ул подшоҳ.  
Онглагил ул хусн аксин кўзгуда,  
Сен томошасиға турғон ўтрудо.  
Кўзгу равшанроқ неча қилса зухур,  
Зоҳир ўлғай акс онда беқусур.

Маълум бўладики, кўнгил қанча пок ва илоҳий моҳиятни англашга равона этилган бўлса, шунча асл ҳақиқат унда акс этади. Агар инсон мияси моддий оламнигина инъикос этса ва уни англаб, таҳлил этса, қалб бутун борлиқни акс эттира олади. Мияни билиш, инъикос этишнинг чегараси, чеки, меъёри бор, аммо қалбнинг билиш даражаси чексиздир. Шунинг учун ҳам қалб инъикос этишини умуман аксининг энг олий даражаси дейиш мумкин.

Алишер Навоий умрининг охири – 1500–1501 йилларда яратган «Маҳбуб ул-қулуб» асарида бутун тасаввуф ва инчунин, Нақшбандия учун зарур мақомлар сифатида қабул этилган тавба, қаноат, сабр, ишқ тўғрисида маълумот беради.

1. Поклик ва софликнинг рамзи бўлган Алишер Навоий Нақшбандия тариқатининг ихлосманди сифатида Нақшбандия тарихи, назариёти ва амалиётини чуқур билган.

2. Навоий ўзининг шоҳ сатрлари орқали Нақшбандия тарихи ва моҳиятини бизларгача етказган буюк алломадир.

3. Алишер Навоийнинг Нақшбандия таълимотига оид маънавий меросини чуқур таҳлил этиш ва ёшлар онгига сингдириш баркамол инсонни тарбиялашнинг муҳим омилидир.

4. Навоий асарлар тилини тушуниш учун махсус тайёргарлик кераклиги учун Нақшбандияга оид асарларини шарҳ ва изоҳлар билан нашр этиш лозим.

Умумий хулоса айтиш мумкинки, Алишер Навоийнинг Нақшбандия тариқатига кирганликлари ва Абдурахмон Жомий каби Нақшбандиянинг Ҳирот жамоасининг пиридан таълим олганликлари учун яратган асарлари бу таълимотнинг муҳим ва қимматли манбаси бўлиб ҳисобланади.

### 3.6. МАҲДУМИ АЪЗАМ ТЎРТ ҚУДСИЙ КАЛИМА ХУСУСИДА

Баҳоуддинни Шоҳ Нақшбанд номи билан улуғланишга муносиб этган ва Ҳазрат Навоий «дилнавоз» нақш сифатида таърифлаган Нақшбандия таълимотининг асоси, илдизи деб Маҳдуми Аъзам томонидан таъкидланаётган тўрт арконни биринчи бўлиб, Юсуф Ҳамадоний киритган. У Абдулҳолиқ Ғиждувонийга «Хуш дар дам», «Назар бар қадам», «Сафар дар Ватан», «Хилват дар анжуман»да бўлиш лозим деб ўғит берган<sup>127</sup>. Хожагон таълимотига эса бу қудсий калимани унинг асосчиси Алдулҳолиқ Ғиждувоний киритган.

Маҳдуми Аъзам номи билан машҳур Саййид Аҳмад ибн Мавлоно Жалолиддин Хожаги Косоний (1461–1542) XVI асрнинг биринчи ярмида Ўрта Осиё халқларининг маънавий ҳаётида катта мавқега эга Нақшбандиянинг кўзга кўринган намояндаси бўлиб, ўзининг ўттиздан ортиқ рисолалари билан маънавиятимизнинг юксалишида муҳим ҳисса қўшган алломадир. У ўз рисолаларида Нақшбандиянинг назарий ва амалий масалаларини кенг ёритган. Алломанинг Нақшбандия йўлининг асоси, илдизига бағишланган рисоласи «Рисолаи чаҳор калима» – «Тўрт калима рисоласи»дир. Бу рисолаи фалсафий таҳлил этишни ўз олдимишга мақсад қилиб қўйдик.

Мустақиллик йилларида Маҳдуми Аъзам маънавий меросини ўрганиш учун кўп илмий изланишлар олиб борилди. Файласуф олимлар Бахтиёр Тўраев, Абдуқодир Зоҳидий, Эркин Зойиров, Хуршид Самадов асарлари ва мақолалари билан бирга ёш тадқиқодчи Дониёр Ғафуровнинг ҳам қатор мақолалари диққатга сазовордир. Бу илмий изланишларда Маҳдуми Аъзамнинг «Рисолаи чаҳор калима» асари махсус фалсафий таҳлил этилмаган. Шу билан биргаликда рисолада ёритилган тўрт рашҳанинг генезиси Юсуф Ҳамадонийга бориб тақалишига ҳам эътибор қаратилмаган. Биз бу кемтикликни тўлдириш мақсадида рисолаи чуқур фалсафий таҳлил этдик. Маҳдуми Аъзамнинг «Рисолаи чаҳор калима» – «Тўрт калима рисоласи» Ўзбекистон ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида 10525/XXVIII рақами остида 2546–2566 ырақларида сақланмоқда. 1993 йилда бу рисолаи файласуф олим Абдуқодир Зоҳидий форс тилидан ўзбек тилига таржима қилган эди. Ўша таржима асосида биз бу рисолаи таҳлил этдик.

---

<sup>127</sup> Хожа Абдулҳолиқ Ғиждувоний. Мақомоти Юсуф Ҳамадоний. – Т.: «Янги аср авлоди», 2003. 23-бет.

Нақшбандия таълимотида ўн бир тамойил мавжуд. Махдуми Аъзам ўз рисоласида бу тамойилларнинг тўрттаси ҳақида сўз юритади. Нақшбандияга оид манбаларда бу тамойилларга нисбатан «рашҳа» – ҳаётбахш томчи деган иборани қўллайдилар. Али Сафий Кошифий 1504 йилда ёзган «Рашаҳот айн ул-ҳаёт» – «Ҳаёт булогининг томчилари» асарида Нақшбандия намояндalари, хусусан, Хожа Аҳрор Валий ҳаёти ва фаолиятини ёритиб уларнинг рашҳаларини баён этган. Ундан кейин ёзилган барча асарларда 11 тамойил рашҳалар деб ёзилади. Махдуми Аъзам улардан фарқли рашҳа иборасини жойида қудсий калима – илоҳий, пок сўз иборасини ишлатади ва барча 11 рашҳани эмас, балки таълимотни асоси бўлган тўрт калимани таҳлил этади. Махдуми Аъзам «Тўрт калима (йи қудсийя) ҳақида рисоласи»ни тариқат асли, илдизларини кўрсатиб бериш учун ёзганлар, деб асар бошида қайд этилган. Махдуми Аъзам Нақшбандия таълимотининг етакчиси, раҳбари, устози сифатида уни яхлит бир тизим, бир бино, бир-бирига узвий боғланган иншоот сифатида тасаввур эта олган. У шу муаззам, муҳташам, маҳобатли таълимотни доимо бардавом, тирик бўлиши учун уни аслини билиш, пойдевори, илдизларини мустаҳкам сақлаш лозим деган улуғ ният билан бу рисолаи ёзган. У Нақшбандия тариқати асослари бўлган тўрт калимани шу бинонинг арконлари, яъни уни мустаҳкам сақлаб турувчи асос сифатида тилга олган. У рисолаи куйидаги сўзлар билан бошлайди:

«Тариқат (яъни Нақшбандия Г.Н.) бинноси асослари тўрт аркондан иборат:

1. Ҳуш дар дам – ҳар дам, ҳар сонияда ҳуши ўзида бўлиши (ўз-ўзини англаш).

2. Назар дар қадам – ҳар бир хатти-ҳаракатини ўзи кузатиб идрок этиш.

3. Сафар дар Ватан – фикрий, руҳоний ёки солиқ амалиёти тарзда бўлсин Ватанда сайр этиш, Ватан йўлида ирфоний ёки амалий, руҳоний жаҳд қилиб ўзининг ким эканлигини идрок этиш (тарихий хотирани тиклаш).

4. Хилват дар анжуман – жамиятда фаол бўлингани ҳолда бутун борлиқ ва шуурда Аллоҳ билан танҳо бўлиш»<sup>128</sup>.

Рисола мазмунидан маълум бўладики, тўрт қудсий калиманинг моҳияти инсоннинг ўзлигини англаши ва камолотга етишига қўмаклашади. Ҳушни ҳар дамда сақлаб мудом ўз-ўзини англаш, назарни

<sup>128</sup> Саййид Аҳмад ибн Мавлоно Жалолиддин Хожаги Косоний Махдуми Аъзам. Тўрт калима (йи қудсийя) ҳақида рисола/ Саййид Аҳмад ибн Мавлоно Жалолиддин Хожаги Косоний Махдуми Аъзам (ҳаёти, фаолияти, илмий ва маънавий мероси). – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси маънавий маданият тарғибот маркази, 1993. 31-бет.

қадамга қилиб ўз хатти-ҳаракатини назорат қилиш, сафарни ватанга қилиб хотирани тиклаб аслини англаш ва хилватни анжуманда қилиб фаол холис меҳнат қилиб, Аллоҳ олдида танҳо қолиш ва унинг ризолиги учун амал қилиш инсонни камолот сари етаклайди. Чунки бу тўрт калима инсонни моддий ва руҳий қувватларини мувозанатга солади.

Маҳдуми Аъзам рисолада тўрт қудсий калима ҳақида Убайдуллоҳ Хоннинг қуйидаги назмий парчасини ўзбек тилида келтирган:

Ҳар лаҳза Ватан ичра сафар қилгумдир,  
Юрмакда қадам узра назар қилгумдир.  
Хилват тутмоқ ҳам анжуман ичида мудом,  
Хилватда қарибатга гузар қилгумдир.

Рисолада Маҳдуми Аъзам шундай таъкид этади: «Шу йўлни ниҳоясида тариқат соликлари ушбу тўрт калимага риоят қилиб муқаррар камолга эришадилар ва бу Аллоҳ жамоли вусулига етиб бақоийга эришмоқдир»<sup>129</sup>. Демак, Нақшбандия йўлидагилар камолотга эришиб, Ҳақ васлига етишлари учун шу тўрт қудсий каломга риоят қилишлари зарур. Маъдуми Аъзам шу тўрт калимани ҳар бири ибтидо, боғловчи ва тугалланганлик сифатига эгадир, дейди. Шу билан бирга рисолада ҳар бир қудсий калиманинг зоҳирий ва ботиний мазмун-моҳияти очиб берилган. Тўрт калиманинг зоҳирий томонлари қуйидагича таҳлил этилган: «Хуш дар дам» калимасининг зоҳирий маъноси «замондан хабардорлик, нафасни ҳифз қилиш (яъни ичда сақлаш) ва у билан бошқа нафаслар ўртасидаги талаб-истакларни тўхтатиш, кўр бўлишдирки, ана шу бошқа нарса-истаклар дилга кириб жой олмасин»<sup>130</sup>. Замондан хабардорлик деганда, айна шу дам, айна шу вақтда нима иш қилиш лозимлигини англаб, ўтмиш ва келажак ўйловларидан узилиб, яъни кўзни чирт юмиб бор куч-қувват ва имкониятларни вақт тақозо қилаётган ишга сафарбар этиш тушунилади. Ўтмиш ва келажак ўйловлари инсон қувватларини олиши ва вақтни беҳудага сарфланишига сабабчи бўлади. Шунинг учун бўлса керак ҳазрат Навоий ҳам шундай таъкид этганлар:

Мозию мустақбил аҳволин такаммул айла кам,  
Не учунким дам бу дамдир, дам бу дамдир, дам бу дам.

<sup>129</sup> Саййид Аҳмад ибн Мавлоно Жалолиддин Хожаги Косоний Маҳдуми Аъзам. Тўрт калима (йи қудсийя) ҳақида рисола/ Саййид Аҳмад ибн Мавлоно Жалолиддин Хожаги Косоний Маҳдуми Аъзам (ҳаёти, фаолияти, илмий ва маънавий мероси). – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси маънавий маданият тарғибот маркази, 1993. 32-бет.

<sup>130</sup> Ўша асар 32-бет.



«Назар дар қадам»нинг зоҳирӣ маъноси «солик замоннинг ҳар бир дақиқасида хилват йўлини тутишдан безиб, денгиздек тўлиб тошишни ёки кўз ёшини сел қилиб оқишини исташи»<sup>131</sup> ва шунда бораётган йўлида бошқа нарсалар дилига кирмайди. Назар дар қадамда бу йўл юрувчиси хилват ва чилладан безиб фаол бўлиши – денгиздай тошиб фойдали, халқ учун керакли ишларни қилиши лозим. Уни фикру ўйлови қилаётган амалларнинг мақсади, мазмун-моҳиятининг эзгу бўлишига қаратилиши лозим.

«Сафар дар Ватан»нинг зоҳирӣ маъноси «солик йўлда ўз дили қаъридаги нафсига доим назар солиб туради. Сафар қилишдан мурод бир жойдан иккинчи бир жойга бориш эмас, интиқол касб этиш, яъни ўзидан ўзи кўчиш (бегоналашиш) ва боғланишдир»<sup>132</sup>. Бу калиманинг маъносини тушунтириш учун муаллиф Бухоронинг Етти Пиридан тўртинчиси бўлган Ҳазрат Азизон номи билан маълум ва машҳур Хожа Али Рометанийнинг «Асли тариқ – яъни Ҳақ йўли нимадир?» деган саволга «Узмоқ ва боғланмоқдир» деган жавобини келтиради. Ҳазрат Азизон тўқувчилик касби билан шуғулланганлар ва шу касб тажрибаси асосида бундай жавоб берганлар. Маҳдуми Аъзам сафар қилишдан мақсад инсон ўзидаги иллатлардан узилиб Аллоҳ ризолигига этувчи сифат ва амалларга боғланишдир демоқчи.

«Хилват дар анжуман»нинг зоҳирӣ маъноси «умумий жамоатда, бозорда йўловчининг бирдан-бир машғулоти зийратлик ва доимо ўз дилини жаноб Ҳақга яқин қилишдан иборатдир»<sup>133</sup>, яъни қўли ишда, танаси бозорда бўлса ҳам қалби, юраги, кўнгли Аллоҳ зикри билан машғул бўлиши лозим. Рисола маъноси мантиқидан келиб чиқадики, тўрт калиманинг зоҳирӣ маъносига йўлнинг бошидаги толиблар амал қилганлар. Улар ўз нафас, кўз, оёқ, хотира, қалб ва ботиний қувватларини бошқаришни ўрганиб ўз-ўзларини англай бошлагандан сўнг бу калималарнинг ботиний моҳияти уларга очиб берилган.

Маҳдуми Аъзам ёзадики, «Аммо ботиний тариқ (услуг)га келсак, бу фақирликни доимо хотирга тутмоқдир»<sup>134</sup>. Фақирлик тасаввуфий тушунча бўлиб, у шундай ҳолатки, инсон доимо илоҳий раҳмат, марҳамат, файзу ёрдамга муҳтожлигини ҳис қилади. Тўртгала калиманинг ботиний маъносини англаб унга амал қилган солиқлар – йўл юрувчиларни аъло мақомларга ва даражаларга эриштиради, деб таъкидлайди муаллиф.

<sup>131</sup> Ўша асар 32–33-бетлар.

<sup>132</sup> Ўша асар 33-бет.

<sup>133</sup> Ўша жойда.

<sup>134</sup> Ўша асар. 33-бет.



Тўрт калиманинг ботиний маънолари ҳам рисолада очиб берилган. Улар қуйидаги маъноларни англатади:

«Хуш дар дам»нинг ботиний маъноси «оддий ҳозирлик ва огоҳ бўлиш дегани эмас. «Хуш дар дам» дегани одамнинг нафасидирки, у доимо тирик умр кечишидан иборатдир. У саодат сармоёси, ниҳояси йўқ қарзидирки, у ҳақиқий маҳбуб – Ҳазрат (Худо) васлидир»<sup>135</sup>. Маҳдуми Аъзам хушёрликни доимо тирик умр кечиш билан тенглаштиради. У тирик умрга нисбатан «саодат сармоёси» ва «ниҳоясиз қарз адоси» деган ибораларни қўллаб уларга амал қилиш инсонни Ҳаққа етказди, дейди. Дарҳақиқат, умрнинг ҳар онини эзгулик йўлида сарфлаш инсонни бир томондан икки дунё саодатига мушарраф қилса, иккинчи томондан инсон ўзига берилган умр, нафас, вақт, имкониятларни ўз вазифасини адо этиш ва эзгулик йўлига сарф этади ва натижада шу қарзни узган бўлади. Бўлмаса Ҳазрат Навоий айтганидек, «Жаҳондан нотаомом этади» ва «Ҳаммомдан нопок чиққан» инсонга ўхшайди. Шунинг учун нафаслар тизими бўлган умрни мазмунли зарурий ишга сарфлаш лозим.

«Назар дар қадам»нинг ботиний маъноси «бу йўлдан юрувчи солиқ ҳар нафас ўз дилига назар солиб соғлом ҳозирлик ва огоҳлик ҳосил қилади»<sup>136</sup>. «Назар дар қадам»да Маҳдуми Аъзам соғлом ҳозирлик ва огоҳлик ҳосил қилади, деб инсон ҳар бир қадамини назорат қилиб эзгу ишга сафарбар этишини тушунади. «Сафар дар Ватан»нинг ботиний маъноси «ҳақиқатдан шуки, ўз дилига назар солиб, айни шу муайян замонда, вақтда Ватаннинг шу эканлигини англашдир. Ватанга назар солишдан мурод ҳақиқий Ватан субҳонаху Ҳақдир. Озгина қаралса билинадики, ўз дилингга қараш Ватаннинг асли ўзинг эканлигидир. Шу қадарки, дилни такаллуф қилиб ўзингни Ватан сифатида қара, токи, ҳақиқатга юз буриш ҳар сонияда ҳозир ва огоҳлик берсин. Асли Ватан субҳонаху ва таоло билан бир бўлмақдир. Натижада фано ва кейин бақо келади»<sup>137</sup>, дейди Маҳдуми Аъзам. Бошқа асарлардан фаркли равишда Маҳдуми Аъзам «Сафар дар Ватан»га берган таърифида Ватан тушунчасига аниқ изоҳ беради. У Нақшбандия йўлидан боровчи инсон дилига назар солиб «айни шу муайян замонда, вақтда Ватан шу эканлигини англашдир», деб инсоннинг ўзи Ватан эканлигини аниқ қилиб айтмоқда. У инсонга ўз вужудингни нақадар мутаносиблик ва меъёрида бўлганлигига қараб, уни яратувчисини, аслини билсанг шунчалик куч-қувватга тўласан демоқчи. Муаллиф инсон танасини шу ҳолатда Ватанга

<sup>135</sup> Ўша асар. 34-бет.

<sup>136</sup> Ўша асарда.

<sup>137</sup> Ўша асар. 35-бет.



айланади демокчи. У таъкид қиладики, «ҳақиқий Ватан Субҳонаху Ҳақ эканлиги», «ўз дилингга қараш Ватаннинг асли ўзинг эканлиги», «ўзингни Ватан сифатига қара» ва «асли Ватан Ҳақ субҳонаху таоло билан бир бўлмоқдир», деб Ватанга сафар деганда инсонни ўз ботинига сафари тушунилишини аниқ баён этган. Инсон ўз илоҳий моҳиятини англаши, яъни Ҳақ билан бирга бўлса Олами Акбарга айланади ва унга бутун олам моҳияти намоён бўлади. Ҳар қандай сафардан асл мақсад ҳам ўзликни англашдир, – дейди. Алишер Навоий ўз асарларида бу маънода кўп фикр юритган ва шундай ёзган эди:

Ғараз нақшдин бўлмаса Нақшбанд,  
Киши нақшдин бўлмағай баҳраманд.

Нақшбанд – Аллоҳдир. Инсон ўз ботинига қараб вужуди, руҳи ва бутун имкониятларининг наққоши – Аллоҳни кўриб илоҳийлик касб этса Ватани ўшадир. Шунинг учун Навоий яна шундай таъкидлаган:

Мусофир бўл, аммо Ватан ичра бўл,  
Тила хилвату анжуман ичра бўл.

«Хилват дар анжуман»нинг ботиний мазмуни «ўзингнинг ҳақиқатингга – моҳиятингга қарашдир. Яъни ҳақиқий дилингдан қарашдан иборат. Бу Ҳақнинг андишасидир. Аввал бозорда ва жамоатда ҳар қандай иш қилганда ажралиб туриши то шу даражадаки, у дилининг ҳақиқатига бетакаллуф қарашдир. Ҳақ субҳонаху таоло жамиъи турли фарқли (нарсаларга) назар солишни ўзида жо этади»<sup>138</sup>. Бу ҳолат «Дил ба Ёру даст ба кор» бўлишига олиб келади.

Нақшбандия таълимотини энди ўргана бошлаганимда талабаларга Баҳоуддин Нақшбанд ҳақида ота-она, бува-бобо, кўни-кўшнилардан маълумот тўплаб келтиришларини сўраган эдим. Сўровларга жавобларни таҳлилида шундай ибора мавжуд эди: «Даст ба кор, дил ба Ёр, тан дар бозор». Манбаларда «Даст ба кор, дил ба Ёр» ҳақида маълумот топилди, аммо «Тан дар бозор»га етарли маълумот топа олмаганлигим учун унга шубҳа билан қараган эдим. Манбаларда Баҳоуддин Нақшбандни бу таълимот аъзоларини савдо-сотик ҳам чалғита олмайди, деган фикри мавжуд. Ўша даврда аҳоли гавжум жой бозор эканлиги ҳақида маълумотлар бор. Шунга қарамай, шиорнинг бу қисмига тўла асос топа олмадим. Маҳдуми Аъзамнинг «Рисолаи чаҳор калима»сида «Хилват дар анжуман» кудсий калимани шарҳи ва унинг зоҳирий ҳамда ботиний

<sup>138</sup> Ўша асар. 35-бет.



мазмунни ҳақидаги фикрларда бозор деган сўз ишлатилган. Бу эса менда шиорнинг давоми «Тан дар бозор» эканлигига ишонч туғдирди. Чунки муаллиф икки ҳолатда ҳам бозор иборасини қўллаган. Бухоро халқи Нақшбандиянинг шиорининг охирида «Мадад аз Парвардигор» иборасини ҳам қўллаган. Яъни инсон Аллоҳга таваккал қилиб, унинг розилиги учун халқни оғирини енгил қилиш мақсадида меҳнат қилса, албатта, Парвардигор унинг ишларига мадад беради, файзу-барака ато этади. Шунинг учун бизнинг фикримизча нақшбандлар шиори «Нақш банд, ба дил банд» – «Аллоҳ нақшини қалбда боғлагин» ва «Даст ба кору дил ба Ёр, тан дар бозор, мадад аз Парвардигор»дир.

Рисолада Нақшбандия таълимотининг назарий ва амалий ўрганишга киришганларига бу йўлнинг боши-ибтидоси, ўртаси ва охири-интиҳоси мавжудлиги айтилган ва тўрт калимаи қудсия йўлнинг бошида ўрганилиши лозимлиги таъкидланган. Бу калималар камолотнинг асоси, илдизи эканлиги уқтирилади. Дарҳақиқат, тўрт калимага амал қилмай хотира муроқабаси билан боғлиқ ёдқард, бозгашт, нигоҳдошт ва ёддоштга амал қилиб бўлмайди.

Бу босқичдан ўтгандан кейин Вуқуфи замоний, Вуқуфи ададий ва Вуқуфи қалбий ҳолатига эришилади. Бу амалиётни шундай қиёслаш мумкинки, бинонинг пойдевори бақувват бўлмаса ёки илм олувчининг бошланғич илми мустаҳкам нақшланмаган бўлса кейинги ишлар самарасиз бўлади. Чунки пойдевори мустаҳкам бўлмаган бино кейинги қурилишларни кўтара олмай қулаб тушади. Илми мустаҳкам бўлмаган киши мураккаброқ тушунчаларни тушуна олмай қийналади ва йўлини давом эттира олмайди. Шунинг учун ҳам нақшбандлар камолотида Маҳдуми Аъзам тўрт қудсий калимани йўлнинг пойдевори, асоси, илдизи деб таъкид этган.

Умумий хулоса қилиб қуйидагиларни таъкид этиш лозим:

– Маҳдуми Аъзам «Рисолаи чаҳор калима» асарида Нақшбандия таълимотининг асли бўлган тўрт қудсий калима – «Хуш дар дам», «Назар дар қадам», «Сафар дар Ватан», «Хилват дар анжуман»ни тўла таҳлил этиб, махсус ўрганган. Бу асар Нақшбандия таълимоти аслини ёритувчи рисоладир.

– Рисоладан Юсуф Ҳамадоний томонидан асосланган тўрт қудсий калиманинг аввал Абдулҳолиқ Ғиждувоний камолоти учун, кейинчалик Ҳожагон ва Нақшбандия таълимоти учун асос, илдиз эканлиги маълум бўлади. Юсуф Ҳамадонийнинг бу тўрт калималари инсониятга ҳозирги кун учун ҳам муҳимдир. Бу Юсуф Ҳамадонийнинг Бухородаги ирфоний



мактабидаги таълим жараёнининг нақадар самарадорлигини яққол кўрсатади.

– Махдуми Аъзамнинг рисоласи тўрт калиманинг зоҳирий ва ботиний томонларини таҳлил этиши билан бошқа тадқиқотлардан фарқ қилади ва устун туради.

– Рисолада Нақшбандия йўлининг боши, ўртаси ва охири борлиги ва бошидан шу тўрт қудсий калима ўрганилиши зарурлиги асослаб берилган. Бу тўрт калима Нақшбандия йўлининг асоси, илдизи, пойдевори эканлиги кўрсатилган.

– Рисолада «Сафар дар Ватан» калимаси бошқа барча манбалардан фарқли, тушунарли ва мақбул таҳлил этилган. Инсон – Ватан – илоҳий макон эканлиги ва шу Ватанда сайру-саёҳат инсонни фоний ва боқий даражаларга юксалтириши маълум бўлади. Бу асар инсон зотининг куч-қудрати, қувватини очиб беради.

– Тўрт калима таҳлили Нақшбандияни Навоийдек улуғ зот нега «дилнавоз нақш» дегани ва шу туфайли Баҳоуддинни Шоҳ Нақшбанд бўлганлигининг асосларини очиб беради. Чунки калималар моҳиятини англаган инсон Олами Кабир, Ҳазрати Инсон даражасидаги ўз моҳиятини англаб илоҳийлик сифати билан безаниб, комили мукамал бўлади. Рисола мазмун-моҳиятини англаш натижасида инсон ўзлигини англашда ҳушёрлик, хотира, ватан, хилват, анжуман тушунчаларининг моҳияти очилади.

– Тўрт калима ёш авлод учун аҳамиятлидир. Чунки улар бу калималарни англаб ҳушёр, огоҳ бўлиш, ўзликни англаш кўникмаларини ҳосил этади ва ўз умрини, вақтини, илмини, мол-мулкни, жисмоний ва маънавий қувватларини исроф қилмай меъёрида, мўътадил сарфлашни ўрганади. Бу ҳолат уларни фаол бўлиб, эзгу амаллар қилишга чорлайди.

– Тўрт калима асосидаги турмуш тарзи ёшларни ҳаётда ўз ўрнини топишда шукроналик билан яшашга ёрдам беради. Улар ҳар бир ишни ўз вақтида ўз жойида қилиб, ўз талаб, истак-эҳтиёжларини меъёрини биладиган бўлишларига ёрдам беради. Бу калималар уларда ғоявий ва маънавий иммунитет ҳосил қилиш асоси бўлади.

– Манбада бозор тушунчаси «Хилват дар анжуман» калимасини ҳам зоҳирий, ҳам ботиний изоҳлашда қўлланилган. Бу Нақшбандиядаги шиорнинг тўла мазмуни «Дил ба Ёру даст ба кор, тан дар бозор, мадад аз Парвардигор» эканлигига асос бўла олади.

Умуман, Махдуми Аъзамнинг «Рисолаи чаҳор калима» асари комил инсонни тарбиялашга ёрдам берувчи қимматли манбалардан биридир.

### 3.7. МИРБОБО НАҚШБАНДИЙ ҲУШЁРЛИК ХУСУСИДА

Мирбобо Нақшбандий тахминан 1650–1715 йиллар оралиғида яшаб ижод этган мутасаввиф. У Нақшбандия тариқатига мансуб сўфийлардан биридир. У диндор оилада туғилиб ўсди. Отаси Мир Дарвиш Муҳаммад уни ёшлигидан ўзи каби дарвиш ва тариқат солики қилишни мақсад қилди. Мирбобо ёшлигидан Қуръонни ёд олган, диний илмларни отасидан ўрганган. Кейинчалик уни оиласидаги муҳит тасаввуфга қизиқишини уйғотди.

Мирбобо Нақшбандий ўзининг «Миръотус соликийн» – «Тариқат соликларининг ойнаси» асарида «Дарвиш Мирбобо валади Мир Дарвиш Саййид» – деб ёзган. Мир Бобо ибн Мир Дарвеш Нақшбандий томонидан ёзилган «Миръотус соликийн» – «Тариқат соликларининг ойнаси» номли асаридир. Бу асарнинг битта қўлёзма нусхаси Эроннинг Техрон университети марказий кутубхонасида 5629 рақами остида сақланмоқда. Мазкур асарни Бухоро Давлат университети олими Абдурахим Болтаев таржима қилди. Шу таржима асосида Ражабов Алишер «Мирбобо Нақшбандийнинг ижтимоий ва ахлоқий қарашлари» мавзуида диссертацияни Бухорода 2023 йилда ёқлаб фалсафа фанлари доктори бўлди.

Ражабов Алишер диссертациясининг иккинчи бобининг биринчи банди «Миръотус соликийн» асарининг ирфоний-фалсафий таҳлилига бағишланган. Мазкур асар Нақшбандия тариқати тўғрисидаги асарлардан, мақомот ёки рисоалардан ўзининг таркибий тузилиши ва мавзуни баён қилиш услуби билан анча фарқланади. Унда мавжуд боб ва фаслларнинг мазмуни ва қурилиши мантиқий изчиликка эга. Бу ўз навбатида муаллифнинг катта салоҳият эгаси эканлигидан дарак бериб турибди. Асар тўртта бобдан иборат ва ҳар бир боб ўз ичига яна тўрттадан фаслни камраб олган. Асарнинг бундай тузилиши бежиз эмаслигини Ражабов Алишер таъкидламоқда. Муаллифнинг фикрича, Инсон жисмининг устқурмаси тўрт унсур, инсон ҳаётининг тўрт фасли, валийликнинг тўрт кутби ва шу каби бошқа диний-фалсафий ва тасаввуфий маъноларни ўзида мужассам этган тушунчалар мавжудлиги учун асар бундай тузилишга эга бўлиши табиий. Асардаги ғоялар шу тушунчалар доирасидадир.

Мирбобо Нақшбандий наздида ҳар бир нафас инсоннинг қайтиб келмас умрининг бир бўлагидир. Шунинг учун уни бекор ва ғафлат билан ўтказиб бўлмайди. Қалб билан зикр қилмасдан кириб чиққан

ҳар бир нафас умрдан кетган бир гавҳар мисолидир. Буни у куйидаги мисрада ифодалайди:

هر يك نفس كه ميرود از عمر گوهر است  
کأنرا خراج ملک چو عالم بود بها

Ҳар як нафас, ки меравад аз умр гавҳар аст,

Ки онро хироҷ мулки чу олам бувад баҳо

*Мазмуни:*

Умрдан ўтётган ҳар бир нафас қимматбаҳо гавҳардир,

Унинг хироҷи бутун олам билан тенгдир.

Мирбобо Нақшбандий шунинг учун умрнинг ҳар бир нафасини қалб ҳузури билан зикрда ўтказмоғлик, ҳамиша қалбни ғафлатдан холи қилишга ҳаракат қилмоғлик лозим, деб билади. У буни Қуръон оятининг маъносидан излайди ва уни асос қилиб келтиради: «Бизни зикр қилишдан қалбини ғофил қилиб қўйган, ҳавоий нафсига эргашган ва қилар иши исрофгарчилик бўлган кимсаларга итоат этманг» (Қаҳф: 28-оят.).

Мирбобо Нақшбандий қалбни тозалаш жараёнида инсон руҳиятида кечадиган ўй-хаёлларни тўрт турга бўлиб кўрсатади:

1. Шайтоний.
2. Нафсоний.
3. Малакий.
4. Раҳмоний<sup>139</sup>.

Шайтоний ва нафсоний хатарларни у «ғайри Ҳақ» хатарлар деб айтади. Ва солиқ бу нафсларни ўзидан нафӣ қилиши, яъни кетказиши керак, деб ҳисоблайди. У бу тўғрида бир рубоий мавзуси остида маснавийни келтиради:

Хатарҳойи ғайри Ҳақ дароз дон,

Ин риёзат солиқонро фарз дон.

Посбони дил шав, андар кулли ҳол,

То наёяд ҳеч дузд онжо маҳол.<sup>140</sup>

*Мазмуни:*

Ҳақиқий бўлмаган хатарлар кўпдир,

Бу каби хатарларни бошдан кечириб, риёзат тортмоқ солиққа фарздир.

<sup>139</sup> مرآت السالكين. مير بابا ابن مير درويش نقشبندي. كتبخانه مركزى و مركز استاد دانشگاه تهران: 216-ص

<sup>140</sup> مرآت السالكين. مير بابا ابن مير درويش نقشبندي. كتبخانه مركزى و مركز استاد دانشگاه تهران: 216-ص

Ҳар бир ҳол пайтида қалбингнинг посбони бўл,

Тоқим унга ҳар турли ўғрилар киролмасин.

Мазкур рубоидан куйидаги хулосаларни чиқариш мумкин:

1. Солик учун фикрий, ҳолий, ҳодисавий ва бошқа турдаги кўплаб хатарлар мавжуд.

2. Бу хатарлар Ҳақдан бўлмай, балки шайтондан ва нафсдан бўлади.

3. Бу оғир хатарлар пайтида хурсандчилик ёки ғам-андухдан пайдо бўлган ҳар қандай ҳолда қалбни қаттиқ эҳтиёт қилиш ва унга дунёвий истак ва хоҳишлар аралашишидан асраш лозим.

4. Қалбни ўғрилардан, яъни соликни Ҳақ йўлидан адаштириши ёки чалғитиши мумкин бўлган ҳар қандай нарсалардан ҳимоя қилиш керак. Мирбобо Нақшбандий инсоннинг энг қимматли нарсаси бу олаётган ҳар бир нафаси деб билади. Унинг фикрича, инсон агар нафасини беҳудага сарфласа, энг қимматли нарсасини бой берган ва ҳавога совурган бўлади. Бу ўз навбатида инсонни ғофил бўлишига олиб келади ва инсон Ҳақни англашдан тўсилади.

Нафаснинг нечоғлик қадрли бўлишининг сабаби сифатида у Аллоҳнинг инсонни яратишда ўз руҳидан унга пуфлаганини ва бу ишқ нафаси бўлиб пуфланганлигини ёзади: «Ўша нафас илоҳий нафас, яъни жон бўлиб, пуфланганида у аслий ватанидан айрилди ва бир куни унга яна қайтади. Шайх Румий бу тўғрида шундай деганлар:

Ҳар нафас овози ишқ мерасад аз чапу рост,

Мо ба фалак меравем азми тамошо, ки рост.

Мо ба фалак будаем, ёри малак будаем,

Боз ҳамон жо равем, жумлаки он шаҳри мост.

Мо зи малак бартарем ва-з фалак афзунтарем,

З-ин ду чиро нагузарем, манзили мо кибриёт»<sup>141</sup>.

*Мазмуни:*

Бизга ҳар бир олган нафасимиз орқали қулоғимизга ишқнинг овози эшитилар экан,

Биз буни ҳаққи рост томоша қилиш учун фалакка томон кўтарила бошлаймиз.

Фалакка кўтарилганимизда фаришталарга ёр бўламиз.

Негаки, бир пайтлар ўзимизнинг шаҳримиз бўлган жойга қайтиб борганмиз.

Аслида биз малакдан устун, фалакдан кенгмиз,

141 مرآت السالكين. مير بابا ابن مير درويش نقشبندي. كتبخانه مركزى و مركز استاد دانشگاه تهران: 55-ص

Керак бўлса, икковидан нега ўтиб кетмайлик, ахир бизнинг борар манзилимиз кўп баланддир.

Мирбобо Нақшбандий инсоннинг мақоми шу даражада улуғ бўлгани сабабидан у ўша илоҳий нафаснинг ҳар бир онини энг яхши сўзларни айтишга энг солиҳ амалларни қилишга сарфлаш керак, дейди. Агар шундай бўлмаса, унинг фикрича, бунинг жавобини беришга тўғри келади. Бу ҳақда у шундай ёзади: «Эй тариқат солики ва Ҳақ толиби, хабардор бўлгинки, мақоминг шундай улуғ бўла туриб, яна қандай Ҳаққа яқинликни истайсан? Фикр, зикр ва энг яхши сўзларни сўзлаб, шу мақомни сенга ато қилган Зотга дуою ниёз ва муножотлар қилсанг тўғри амал қилган бўласан. Зеро, ўша ҳазратнинг ўзи: «Унга хуш каломлар кўтарилади» (Фотир: 10-оят.), деган. Агар шу нафас ғафлат билан ўтса, сени хато ва зиллатга элтади. Қиёмат кунида зиё кўрувчи ва надомат қилиб қолувчилардан бўлишни истайсанми?»<sup>142</sup>

Мутасаввиф бу фикри орқали вақт, унга боғланган умр ва умрнинг белгиси бўлган нафас нечоғли қимматли ва инсон бу қимматли нарсадан ўринли фойдаланиб қолиши лозимлиги ойдинлашади.

Мирбобо Нақшбандий умрнинг ҳар нафасини мазмунли ўтказишда ақлнинг кўмакчи бўлишини ҳам айтиб ўтади. Унинг фикрича, биринчи яратилган нарса бу ақлдир. У бу ҳақда шундай ёзади:

Аввал зи мукаввинот ақли жон аст,  
В-онки, паси ў нўҳ фалак гардон аст.

*Мазмуни:*

Коинотдан биринчи бўлиб яратилган нарса бу ақлдир,  
Ҳатто тўққиз фалак унинг орқасидан айланади, яъни ундан кейин яратилди.

Мутасаввифнинг юқоридаги фикрларидан:

1. Мирбобо Нақшбандий одамни бутун коинотнинг сабабчиси деб билади.

2. Инсоннинг нафас орқали мавжуд бўлган ҳаёти аслий ватанига қайтади. Шунинг учун ундан бу дунёда мазмунли фойдаланиш шарт.

Инсон учун олий қадрият бу инсоннинг ўзи бўлиб, унда барча олий хислатлар мавжуд ва уларни инсон ривожлантириши керак, деган хулосалар ҳосил бўлади.

---

مرآت السالكين. مير بابا ابن مير درويش نقشبندي. كتبخانه مركزى و مركز استاد دانشگاه تهران: 56-ص 142

#### IV БОБ. АКАДЕМИК ИБРОҲИМ МЎМИНОВ ИЛМИЙ ЖАСОРАТИНИНГ ЯНГИ ҚИРРАСИ

Президент Ш.М. Мирзиёев «Хожагон – Нақшбандия» шайхлари бўлган – «Етти Пир»ни «Маънавий хазина» сифатида юксак баҳолаб, уларнинг таълимотини ўрганиш ва халққа етказишни биз олимларга вазифа қилиб қўйдилар. Бу вазифани мустақилликдан олдин академик Иброҳим Мўминов амалга ошира бошлаганлар. Ўзбекистоннинг фахри, Бухоро шарафи, Ўзбекистон Фанлар академияси ҳузуридаги Фалсафа ва ҳуқуқ институтининг асосчиси, ўз илмий мактабига эга, ўзбек файласуфларининг устози, жуда кўп асарлар муаллифи академик Иброҳим Мўминов (туғилган йили ва жойи: 1908 йил 7 ноябрь Бухоро вилояти, Шофиркон тумани, Тезгузар қишлоғи; вафот этган йили ва жойи: 1974 йил 22 июл Тошкент) тарихда илмий жасорати билан танилган улуғ инсондир. Ўзларининг 66 йиллик самарали умрлари давомида фаннинг турли соҳалари, айниқса, фалсафага доир жуда кўп асарлар ёзган ва илмий тадқиқотларга раҳбарлик қилганлар. Академик Иброҳим Мўминов Ўзбекистонда фалсафа фани, хусусан, фалсафа тарихи ривожига қўшган ҳиссалари бекиёсдир. Академик файласуф олимлар М. Хайруллаев, С. Шермухаммедов, йирик тарихчи олимлар академик Иброҳим Мўминовнинг Амир Темурга оид тадқиқотлари ва асарларини илмий жасорат эканлигини таъкидлаганлар. Бу ғоя Ғарб ва Шарқ олимлари томонидан эътироф этилган. Академик Иброҳим Мўминовнинг яна бир илмий жасоратлари тасаввуф таълимоти масалаларини тадқиқ этиб асарларида ёритганларидир. Забардаст олим ҳали шўролар давридаёқ ўз асарларида тасаввуф, Нақшбандия ҳамда Яссавия тариқатлари масалаларига эътибор бериб, уларни ёритган жасоратли ва буюк инсонлардан биридир.

Академик И.Мўминов 1946 йилда нашр этилган «Мирзо Бедилнинг фалсафий қарашлари», 1954 йилда чиққан «Ўзбекистонда ижтимоий-фалсафий фикр тараққиёти тарихи масалаларига доир (X–XX аср бошлари)», 1960 йил босмадан чиққан «IX аср охири ва XX асрнинг бошларида Ўзбекистонда ижтимоий-фалсафий фикр тараққиёти тарихидан», 1966 йил нашрдан чиққан «Ўрта Осиёнинг машҳур мутафаккирлари» каби илмий асарларида тасаввуфга оид ўз фикрларини билдирган. 1992 йили Бухорода Иброҳим Мўминовга бағишлаб «Биринчи Бухоро фалсафахонлиги» тантанали равишда ўтказилди.

Бу анъана Бухоро муҳандислик технологияси институти (аввалги БухОО ва ЕСТИ) «Ижтимоий фанлар» (аввалги «Фалсафа») кафедраси ва Ўзбекистон Фанлар академияси ҳузуридаги Иброҳим Мўминов номли Фалсафа ва ҳуқуқ институти билан илмий ҳамкорлик асосида 2010 йилга қадар ҳар йили «Иброҳим Мўминов фалсафий ўқишлари» республика миқёсида ўтказилиб, материаллари нашр этилди. Иброҳим Мўминовнинг муборак таваллуд саналарининг 110 йиллигини муносиб кутиб олиш учун Бухорода илмий анжуман ташкил этилди. Анжуман тўпламларида академик Иброҳим Мўминовнинг тасаввуф таълимоти ривожига қўшган ҳиссаларига оид мақолалар нашр этилди. Академик Иброҳим Мўминов бошлаб берган тасаввуфга оид тадқиқотларни мустақиллик даврида файласуф олимлар давом эттирдилар. Нажмиддин Комилов «Тасаввуф» номи билан монографик асар яратдилар ва унда Нақшбандия, Яссавия билан биргаликда Кубровия тариқати ҳақида ҳам маълумот бердилар. «Тасаввуф» асари бу таълимотга оид бўлган асосий фалсафий категориялар ҳақида маълумот берувчи қимматбаҳо манбадир. Нақшбандия таълимоти ва унинг генезиси ҳақида Сайфиддин Сайфуллох, Комилжон Раҳимов каби олимлар қимматбаҳо асарлар яратдилар. Аҳмад Яссавий ҳақидаги манбаларни топиб таржима этишда Иброҳим Ҳаққулнинг хизматлари каттадир. Биз тадқиқотларимиз давомида Баҳоуддин Нақшбанднинг «Аврод»<sup>143</sup> рисоласи борлигини аниқладик, бу улуғ зотга доир манбаларни тўплаб нашр этдик<sup>144</sup> ва ҳаёти ҳамда таълимотини фалсафий таҳлил этишга ҳаракат қилдик<sup>145</sup>. Нақшбандияга оид «Рашаҳот»<sup>146</sup> ва «Мақомот»<sup>147</sup> асарининг таржима этилиши Иброҳим Мўминов фикрларини асосли эканлигини кўрсатди.

Академик Иброҳим Мўминов асарларидаги тасаввуфга оид ғоялар мустақиллик даврида нашр этилган асарлар ва манбалар билан қиёсий

---

<sup>143</sup> Баҳоуддин Нақшбанд. Аврод (тўлдирилган иккинчи нашр). Мақола, изоҳ ва шарҳлар муаллифи таржимон Г.Н. Наврўзова. – Т.: «Sano standart», 2019. 112 б.

<sup>144</sup> Баҳоуддин Нақшбанд (Манбалар таҳлили). Тўплаб нашрга тайёрловчи, мақола изоҳ ва шарҳлар муаллифи. Г.Н. Наврўзова. – Тошкент: «Sano-standard» нашриёти, 2019. – 256 б.

<sup>145</sup> Мўминов И.М. Ўзбекистондаги табиий-илмий ва ижтимоий фалсафий тафаккур тарихидан лавҳалар (IX асрдан XX асрнинг бошларигача). – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси «Фан» нашриёти, 1999. 256 б.

Наврўзова Г.Н. Хожа Баҳоуддин Нақшбанд ҳаёти ва маънавий мероси. – Т.: Фан, 2021. – 244 б.

Наврўзова Г. Баҳоуддин Нақшбанднинг «Вуқуфи замоний» тамойили // Фалсафа ва ҳуқуқ Ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий, фалсафий-ҳуқуқий журнал. 2022. № 2. 32–34-б.

<sup>146</sup> Фаҳруддин Али Сафий. «Рашаҳот». (Оби ҳаёт томчилари). Табдил ва сўнгсўз муаллифи: Маҳмуд Ҳасаний. – Т.: Абу Али ибн Сино номидаги тиббиёт нашри, 2003. 536 б.

<sup>147</sup> Абул Муҳсин Муҳаммад Боқир ибн Муҳаммад Али. Мақомоти Хожа Баҳоуддин Нақшбанд / Форсийдан таржимон, сўзбоши, изоҳ ва луғат муаллифи Маҳмуд Ҳасаний. – Тошкент: Ўзбекистон, 2019. – 335 б.



тахлил этилди, тарихийлик ва мантиқийлик услуби асосида масаланинг моҳияти ёритилди. Академик И. Мўминовнинг тадқиқотларида тасаввуфга оид маълумотларни мазмун-моҳиятига қараб иккига бўлиш мумкин:

1. Тасаввуф тарихига доир.

2. Тасаввуф фалсафасининг асосий тушунчалари хусусида.

Тасаввуф талимотини таҳлил этиб, академик И. Мўминов уни 3 та қуйидаги асосий оқимга ажратган:

1. Субъектив идеализм: Боязид Бистомий, Мансур Ҳаллож ва бошқалар.

2. Объектив идеализм: Абу Ҳомид Ғаззолий, Фаридуддин Аттор, Ибн Арабий, Аҳмад Яссавий.

3. Пантеизм: Саъдий Шерозий, Абдурахмон Жомий, Мирзо Бедил.

Илмий тадқиқотларимиз давомида Иброҳим Мўминов асарларида Нақшбандия таълимотининг тарафдорлари «Дил ба Ёру даст ба кор» шиорига амал қилиб яшаганликлари ва қуйидаги тўрт рашха: «Ҳуш дар дам»; «Назар бар қадам»; «Сафар дар Ватан»; «Хилват дар анжуман» улар орасида жуда машҳур эканлигини биринчи марта ўқиган эдик.

Академик Иброҳим Мўминовнинг «Ўзбекистондаги табиий-илмий ва ижтимоий-фалсафий тафаккур тарихидан лавҳалар (IX асрдан XX асрнинг бошларигача)»<sup>148</sup> асарида «X-XI асрларда Моварауннаҳрда сўфизм»<sup>149</sup> номи билан маҳсус боб ажратилган ва тасаввуфга оид асосий ғоялар ёритилган. Иброҳим Мўминов фикрича, сўфизм фалсафа таълимоти сифатида дастлаб эрамининг VIII асрида пайдо бўлган. Мовароуннаҳрга эса, бу таълимот Эрон орқали ўтиб, бу ерда XI-XII асрларда катта таъсирга эга бўлган. Файласуф олим тасаввуфга қуйидагича таъриф беради:

«Сўфизм – мураккаб фалсафий оқимдир. У жуда хилма-хил шаклларга, мазмунга ва оқимларга эга»<sup>150</sup>. И. Мўминов Е.Э. Бертельснинг асарига иқтибос қилиб, шундай ғояни илгари суради: «Сўфизм шунча кенг ва ҳар тарафламаки, унга исталган концепция, дунёқарашни киргизиш мумкин»<sup>151</sup>. Иброҳим Мўминов фикрича, сўфизмни битта

<sup>148</sup> Мўминов И.М. Ўзбекистондаги табиий-илмий ва ижтимоий фалсафий тафаккур тарихидан лавҳалар (IX асрдан XX асрнинг бошларигача). – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси «Фан» нашриёти, 1999. 256 б.

<sup>149</sup> Мўминов И.М. Ўзбекистондаги табиий-илмий ва ижтимоий фалсафий тафаккур тарихидан лавҳалар (IX асрдан XX асрнинг бошларигача). – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси «Фан» нашриёти, 1999. 47–52-бетлар.

<sup>150</sup> Мўминов И.М. Ўзбекистондаги табиий-илмий ва ижтимоий фалсафий тафаккур тарихидан лавҳалар (IX асрдан XX асрнинг бошларигача). – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси «Фан» нашриёти, 1999. 47-бет.

<sup>151</sup> Мўминов И.М. Ўзбекистондаги табиий-илмий ва ижтимоий фалсафий тафаккур

яхлит таълимот деб бўлмайди, буни Е.Э. Бертельс жуда тўғри кўрсатиб ўтади, чунки унда бир-бирига қарама-қарши оқимлар ва мазҳабларнинг кескин курашини кўрамыз.

Иброҳим Мўминовнинг илмий жасоратлари шундаки, у киши қуйидаги фикрни таъкидлаганлар: «Мазкур асар олдига сўфизмнинг ҳамма турларини текшириб чиқиш вазифаси қўйилган эмас, албатта, чунки сўфизм мустақил асар ёзишни талаб қиладиган мавзудир»<sup>152</sup>. Бу билан файласуф олим тасаввуфни бир томондан фалсафий оқим эканлиги, иккинчи томондан таълимот эканлигини таъкидлаб, унга бағишлаб мустақил тадқиқотлар ўтказиш ва асарлар ёзиш кераклигини таъкидлаганлар. Олим шундай фикр билдиради: биз сўфизмнинг энг муҳим оқимларини юзаки бўлса-да, кўздан кечириб чиқишни мақсадга мувофиқ топдик. Иброҳим Мўминов шу бобда Нақшбандия ва Яссавия тасаввуфий тариқатлари ҳақида қуйидаги энг асосий маълумотларни берганлар:

Сўфизм Мовароуннаҳрда, хусусан, ҳозирги Ўзбекистон тупроғида, XI асрнинг иккинчи ярми ва XII асрнинг бошларида кенг тарқалди. В.В. Бартольд ўзининг «История культурной жизни Туркистана» деган китобида Мовароуннаҳрда жуда кенг тарқалган сўфизм оқими XII асрнинг мутафаккири Юсуф Ҳамадоний мактабидан бошланган, деб хабар беради. Юсуф Ҳамадоний мактабида бир-бирига ўхшаш бўлмаган тариқатлар вужудга келган. Улардан энг йириги иккитадир: биттаси Юсуф Ҳамадонийнинг шогирди Хожа Абдуллоҳиқ Гиждувоний номи билан боғлиқ бўлган Хожагон мактаби, иккинчиси эса, Юсуф Ҳамадонийнинг муриди бўлган Хожа Аҳмад Яссавий асослаган Яссавия мактабидир.

Академик Иброҳим Мўминов фикрича, биринчи оқим асосан иқтисодий шароитлари кўпроқ юксалган шаҳарларда ва шаҳар атрофидаги ҳудудларда вужудга келди ва тарқалди; бу оқим ҳақиқий ҳаёт билан қаттиқ боғланган бўлиб, кишиларни меҳнатга, ҳунармандчилик билан шуғулланишга даъват этди. Демак, Юсуф Ҳамадоний ва Хожа Абдуллоҳиқ Гиждувонийнинг сўфийлик таълимоти меҳнаткаш шаҳар аҳолисининг турмушига яқин эди. Бу таълимотнинг асосий қоидалари қуйидагича баён қилинган:

---

тарихидан лавҳалар (IX асрдан XX асрнинг бошларигача). – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси «Фан» нашриёти, 1999. 47-бет.

<sup>152</sup> Мўминов И.М. Ўзбекистондаги табиий-илмий ва ижтимоий фалсафий тафаккур тарихидан лавҳалар (IX асрдан XX асрнинг бошларигача). – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси «Фан» нашриёти, 1999. 47-бет.

Хуш дар дам,  
Назар бар қадам.  
Сафар дар Ватан,  
Хилват дар анжуман<sup>153</sup>.

Маъноси: «Қишининг ҳар бир нафасида онг, ақл-идрок бўлмоғи, босган ҳар бир қадамида диққат эътибор сезмоғи, ўз ватани ишқи билан банд бўлмоғи, яъни уни билмоғи, халқ билан алоқада бўлиб, бирга ҳаёт кечирмоғи керак».

Юсуф Ҳамадонийнинг касби этикдўзлик эди. Ҳамадоний ўз шогирдларини меҳнат қилишга, хунармандчиликни эгаллашга даъват қилди. Демак, бу оқимини сўфизмнинг ўта кетган мистик йўналиши билан сира ҳам мослаб қўйиб бўлмайди. Бу таълимот ўз замонасида адабиёт ва ижтимоий тафаккурнинг ривожланишида ижобий таъсир қилди. Академик олим фикрича, халқ орасида дунёвий масалаларга, фан ва шу қабиларга қизиқиш кучайди. Мана шу шароитда Марказий Осиёда сўфизмнинг янги оқими вужудга келди. Сўфизмнинг янги оқимининг асосчиси Муҳаммад Баҳоуддин Нақшбанд эди. Сўфизмда махсус оқим ҳисобланган Нақшбандийликда машҳур шоир Саъдийнинг асарларидан фойдаланилди. Нақшбандийликнинг дастлабки намояндлари Юсуф Ҳамадоний ҳамда Абдулҳолиқ Ғиждувоний ўз ғояларида дунёвий, ҳаётий масалаларга жиддий эътибор бердилар. Баҳоуддин Нақшбанд шундай деган эди:

Дил ба ёру,  
Даст ба қор<sup>154</sup>.

Яъни: Дил, муҳаббат Худо билан, қўл иш билан банд бўлсин.

Академик Иброҳим Мўминов тўғри таъкидлаганларки, Нақшбандийлик ҳақиқий ҳаётнинг ноз-неъматларидан фойдаланиш тўғрисида маслаҳат берди ва меҳнат қилишга, билим олишга чақирди. Нақшбандийликнинг XIV аср шароитида маълум прогрессив аҳамияти ҳам шундан иборатки, унинг бу ижобий томони Марказий Осиё халқлари маданиятига ҳамда адабиётининг ривожланишига таъсир кўрсатди. Ўрта ва Яқин Шарқнинг кўпчилик ажойиб шоирлари: Саъдий, Румий,

<sup>153</sup> Мўминов И.М. Ўзбекистондаги табиий-илмий ва ижтимоий фалсафий тафаккур тарихидан лавҳалар (IX асрдан XX асрнинг бошларигача). – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси «Фан» нашриёти, 1999. 28-бет.

<sup>154</sup> Мўминов И.М. Ўзбекистондаги табиий-илмий ва ижтимоий фалсафий тафаккур тарихидан лавҳалар (IX асрдан XX асрнинг бошларигача). Тошкент: Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Фан нашриёти, 1999. 52-бет.

Жомий ва бошқалар сўфизмнинг таъсирида бўлганлар ва ўзлари ҳам уни тарғиб қилганлар.

Марказий Осиёда сўфизмнинг яна бир мактаби Аҳмад Яссавий ва унинг шогирдлари Сулаймон Боқирғоний ҳамда Саид Атолар мактабидан иборат эканлигини Иброҳим Мўминов таъкидлаган. Баъзи маълумотларга қараганда, Аҳмад Яссавий XII асрда яшаган (1166 йилда вафот этган). У ҳам Юсуф Ҳамадоний мактабида ўқиган.

Аҳмад Яссавий мактабининг дунёқараши «Ҳикмат» номли машҳур асарда шеърӣ шаклда баён этилган. Бу фалсафӣ асар равон, китобхон учун осон бўлган ўзбек тилида ёзилган. «Ҳикмат» ўзбек адабиётининг қимматбаҳо ёдгорлигидир ва унинг муаллифи ислом динини, калом фалсафасини, сўфизмни, деҳқонлар, чорвадорлар, хунармандларнинг турмуш ва ҳаётини, умуман, ўша даврнинг ижтимоӣ тартибларини яхши билган машҳур киши бўлганлигидан гувоҳлик беради. Яссавийнинг савияси кенг ва чуқур бўлгани учун ўзбек тилида биринчи марта ана шу йирик асарни ёза олди,<sup>155</sup> деб академик олим тўғри таърифлаган.

Аҳмад Яссавий «Ҳикмат» асарида сўфизм асосларини тўла равишда баён қилиб беради. У шариат, тариқат, маърифат ва ҳақиқатнинг ўн ривояти ҳақида ёзади, сўфизмнинг тамойилларини баён қилади, сўфийларнинг ўн хил афзалликлари ҳақида гапиради. Аҳмад Яссавий мактабининг сўфийлари халқ оммасининг хайрихоҳлигини ўз томонларига қаратишга уриниб, золимларни, порахўрларни, амалдорларни, шайх сўфиларни танқид қилдилар.

Кейинги тадқиқотларимизда Баҳоуддин Нақшбанд ва Нақшбандияга оид манбаларнинг таҳлили натижасида бизга аён бўлдики, юқорида кўрсатилган тўрт рашҳа – ҳаётбахш ўғитлар Юсуф Ҳамадоний томонидан ўз шогирди Абдулҳолиқ Гиждувонийга айтилган экан.<sup>156</sup> Абдулҳолиқ Гиждувоний бу ўғитларни ўрганиб, уларга амал қилиб жуда юксак мартабаларга етган улуғ зотдир. Бу улуғ зот кейинчалик бутун дунёга Ҳожаи Жаҳон номи билан машҳур бўлиб, «Ҳожагон» номи билан тасаввуф таълимотида янги камолот йўлини асослаган.

Иброҳим Мўминов асарида ёзилган ва Юсуф Ҳамадоний асослаган тўрт ўғит кейинчалик «Ҳожагон» ва «Нақшбандия» таълимотининг асосий тамойилларига айланди. «Хуш дар дам» – ҳар дам, ҳар нафас ва

---

<sup>155</sup> Мўминов И.М. Ўзбекистондаги табиӣ-илмӣ ва ижтимоӣ фалсафӣ тафаккур тарихидан лавҳалар (IX асрдан XX асрнинг бошларигача). – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси «Фан» нашриёти, 1999. 49-бет.

<sup>156</sup> Фахруддин Али Сафӣ. «Рашахот». (Оби ҳаёт томчилари). Табдил ва сўнгсўз муаллифи: Маҳмуд Ҳасаний. – Т.: Абу Али ибн Сино номидаги тиббиёт нашр, 2003. 20-бет.

ҳар онни онгли, хушёрлик билан ўтказиш маъносини англатади. «Хуш дар дам» Хожাগон ва Нақшбандия таълимотининг биринчи тамойили бўлиб, бу тариқатларни хушёрликка асосланганлигидан далолат беради. «Хуш дар дам» тамойили тоза ҳавони қадрлаш масаласига ҳам эътиборни қаратади. Овқатланмасдан, сув ичмасдан ҳам маълум муддат яшаш мумкин, лекин нафас олмасдан яшаб бўлмайди. Шунинг учун ҳар бир нафасни илоҳий неъмат деб билиб, уни бутун борликка фойдали ва керакли эзгу ишларга сарфлаш лозим. Шу билан бирга ёшларни ҳавони (экологияни) тоза сақлаш руҳида тарбиялашга ҳам бу тамойил ёрдам беради.

«Назар бар қадам» – назарни қадамдан йироқ этмаслик, яъни кўз нури қувватлари ва оёқ қувватларини бошқариб, тўғри йўлдан оғишмасликдир. Бу рашҳанинг моҳияти инсонни ўзини англашга ёрдам беради. Инсоннинг олти томони бор. Бу тамойил қуйи ва юқори тарафнинг аҳамияти катталигини билдиради. Чунки Одам яралганидан бери шайтон унинг олди, орқаси, чап ва ўнг томонларига васваса қилиб, уни йўлдан чалғитишга ҳаракат қилади. Оёқ қўйиладиган қуйи томон ва қўлимизни кўтариб дуо қиладиган юқори томон инсонни барча хавф-хатардан сақлайди. Она тупроқ саждага қўйилган бошни барча гуноҳларини кечиришни Аллоҳдан илтижо қилиб сўраб ва ундаги ёмон қувватларини тортиб олади. Фаришталарга тўла само ҳам дуога кўтарилган қўлга Аллоҳ изни билан нур ва файз сочади. «Назар бар қадам» тамойилига амал қилган инсон, ҳам она замин, ҳам бепоён осмоннинг қувватлари билан боғланади. Шу билан бирга «Назар бар қадам» инсонга тупроқ сифатини эгаллаш, яъни камтарин, хоксор ва фақирликни одат қилишни ўргатади. Бу тамойилга амал қилганлар тупроқ қандай уруғни бағрига олиб, жим хомуш туриб, ўзидаги барча қувватлар билан уни озиқлантириб, уни униб ўсишига ёрдам бергани каби, инсон ҳам фарзанди, шогирдлари, мискин, бева-бечора, етим-есир, кўни-кўшни, қариндошлари, ватандошларини бағрига олиб, хуфиёна ўз имкониятидаги бутун қувватларини равона қилиб улар камолотига ёрдам беради. Бу амалиёт инсонни тупроқдек вазмин, беминнат, холис, бағрикенглик билан эзгу ишларни бажаришга ундайди ва тупроқни онамиз каби эъзозлашни тақозо қилади. Бу тамойил инсонни чуқурроқ ўрганиш ва асрашни ўргатади.

«Сафар дар Ватан» тамойили инсонни ўз ботинига сафар қилиб, ўз аслини англаб, ёмон иллатлардан қутулиб, эзгу ахлоқни эгаллашга қаратилган. Бу тамойил инсонни ўз-ўзини англаш, таҳлил этиш ва

бошқаришга ўргатади. Шу билан бирга бу тамойил инсонни кибр, ҳасад, ғазаб, нафрат, худбинлик, бахиллик, кина, таъма, риё каби иллатлардан қутулишига ва камтаринлик, бағрикенглик, меҳрибонлик, саховат, раҳмдиллик, тўғрисўзлик, ватанпарварлик, меҳнатсеварлик, инсонпарварлик каби фазилатларни эгаллашга ёрдам беради.

«Хилват дар анжуман» тамойили анжуман, жамоа, кўпчилик орасида хилватда бўлишдек гўзал бир ҳолатни ўргатади. Зоҳиран, яъни ташқи томондан халқ билан, ботинан, яъни ичдан Ҳақ билан хилватда бўлиш ҳолатидир. Айнан шу ҳолат «Дил ба Ёру даст ба қор» шиорига амал қилишга имкон беради. Бу ҳолатни Баҳоуддин Нақшбанд қуйидаги байтда таъриф берган:

Аз дарун шав ошнову, аз берун бегонаваш,  
Инчунин зебо равиш кам мебувад андар жаҳон.<sup>157</sup>

*Мазмуни:*

Ичдан ошнодай бўлгину, ташқи тарафдан бегонадек,  
Бундайин зебо йўл кам топилур бул жаҳонда.

Абдулҳолик Ғиждувоний устозлари Юсуф Ҳамадоний ўғитлари асосида хотира билан боғлиқ тўрт янги тамойилни: «Ёдқард», «Бозгашт», «Нигоҳдошт», «Ёддошт»ни кашф этди. Бу тамойиллар Хожагон таълимоти асоси сифатида қабул қилинган. Баҳоуддин Нақшбанд бу саккиз тамойилга учта: «Вуқуфи замоний», «Вуқуфи ададий», «Вуқуфи қалбий»ни қўшиб жаҳоншумул Нақшбандия таълимотини яратди.

Академик Иброҳим Мўминов эккан ҳақиқат уруғлари бугунги кунда униб, мева бермоқда. Унинг тасаввуфга оид ғояларини ўрганиб мазмун-моҳиятини олимлар таҳлил этмоқдалар.

Бугунги кунда ёшларни тарбиясига Нақшбандия ва Яссавия талимотидаги ўғитларини ўргатиш уларни ўз-ўзини бошқаришга, нафас олиш, кўз, оёқ, қулоқ, оғиз, қўл, ички қувватлар, қалб ҳаракатини бошқариш ва уларни эзгулик йўлида равона этишга ёрдам беради.

Умумий ҳулоса қилиб айтганда, Янги Ўзбекистонда Учинчи Ренессанс пойдеворини қуриш учун академик Иброҳим Мўминов илмий жасорат билан айтган ва башорат этган тасаввуф таълимотини мукамал ўрганиш баркамол авлодни тарбиялашнинг асосий ва ишончли йўллари билан бирдир.

---

<sup>157</sup> Абул Муҳсин Муҳаммад Боқир ибн Муҳаммад Али. Мақомоти Хожа Баҳоуддин Нақшбанд / Форсийдан таржимон, сўзбоши, изоҳ ва луғат муаллифи Маҳмуд Ҳасаний. – Тошкент: Ўзбекистон, 2019. – 121-бет.

## V БОБ. «ХУШ ДАР ДАМ» ТАМОЙИЛИ: ФАЛСАФИЙ ТАҲЛИЛ

Инсонни мукаммал ўрганишда тасаввуф таълимотининг ўрни катта. Баҳоуддин Нақшбанд асослаган Нақшбандия тасаввуфий таълимотининг ўн бир рашҳа-ўғитларининг инсоннинг ҳар томонлама камолотига ижобий таъсири жуда кучлидир. «Хуш дар дам» рашҳасини фалсафий таҳлили қуйидагилардан далолат беради:

1. Бутун борликнинг барча кўринишлари маълум тебранишлар туфайли ўзаро чамбарчас алоқадорликда ва ўзаро таъсирга эга. «Хуш дар дам» тамойили инсон ҳаётини дам, яъни нафас олиш, нафас чиқариш, нафаслар орасидаги вақтдан иборат, дейди. Антик давр файласуфи Милет мактаби намоёндаси Анаксимен борликнинг асосини ҳаво ташкил этишини таъкидлаган. Бу икки ғояда маълум бир уйғунлик бор.

2. «Хуш дар дам» тамойилида ҳар бир дамни онгли, хушёр ўтказиш талаб этилади. Бу тамойил инсонни билиш жараёнига таъсири икки томонламадир: биринчидан, ҳар бир дамни хушёр, огоҳ ўтказиш инсонни ғафлат ҳолатидан чиқиб, мушоҳада майдонига киришига асос бўлади.

Хушёр инсон бутун онгу шуури, ақлу идроки, хотира ва хаёл қувватларини жамлаб зоҳирга назар қилади. Инсоннинг бу онгли нафаси ҳодисалар моҳиятини фаҳмлашга, зоҳирга қараб ботинни, шаклга қараб мазмунни англашга ёрдам беради. Бу тамойил натижасида инсонда фаросат илми ҳосил бўлади.

Иккинчидан, «Хуш дар дам» амалиёти натижасида онгли нафас олишда ҳаво заррачалари кислород билан бирга атрофдаги тебраниш қувватларини ҳам вужудга киритади. Инсон ўз вужудидаги қувватларнинг моҳиятини англайди, фаҳмлайди. Масалан, Баҳоуддин Нақшбанд дунёга келишларини биринчи устози Муҳаммад Бобои Самосий ифорларидан билиб, туғилишлари ва буюк инсон бўлишларини башорат қилганлар. Бу шундан далолат берадики, нафас орқали кирган қувватлар инсонни билиш жараёнига ёрдам беради. Демак, инсон бурни фақат ҳид билиш воситаси бўлмасдан олам тебранишларини вужудга киришига ва уни билишга ҳам ёрдам беради.

3. «Хуш дар дам» тамойили инсонни ҳар бир нафаси, нафаслари орасидаги вақтни ҳам қадрлашга ўргатади. Инсон умри ва вақтини энг олий қадрият эканини англайди, фаҳмлайди. Бу тамойил асосида инсон умрининг ҳар онини, нафасини беҳуда ўтказмасликка, вақтни асрашга интилиб яшашга ўргатади.

Хулоса қилиб қуйидагиларни таъкидлаш мумкин:

1. «Хуш дар дам» тамойили бутун борликдаги ҳаёт дам – нафас олиш тизимидан иборатдир.

2. Бу тамойил инсоннинг онгли нафас олиши ва вужудга нафас билан бирга олам тебранишларини кириши қувватларини англаш, фаҳмлаш орқали билиш жараёнига таъсир этади.

3. «Хуш дар дам» тамойили умр, он, нафас, лаҳза, вақтни қадрлашни ўргатади.



## 5.1. НАҚШБАНДИЯ ТАЪЛИМОТИДА ҲАЁТ ТУШУНЧАСИ

Бугунги глобаллашув ва турли ахборотлар дунё бўйлаб шиддат билан тарқалаётган бир пайтда ҳаёт масаласи долзарб бўлиб қолмоқда. Ҳаёт одам яшаши ва намоён бўлишининг энг мураккаб шаклларида биридир. Ҳаётнинг энг мураккаб шакли инсон ҳаётидир. У инсоннинг руҳияти, онги, тафаккури билан жуда боғлиқ. Ҳаёт инсонга бир марта берилади. Ҳаёт инсонга берилган имкониятдир. Инсонни кадр-қиммати ҳаётини қандай ўтказганлигига боғлиқ. Ер қуррасида ернинг ҳаёт тарқалган қисми биосфера деб аталади.

Биосферада барча тирик организмларнинг ҳаёт кечириши учун мўътадил имконият мавжуд. Шундай имкониятлардан бири ҳавонининг таркибий қисмидир. Ҳаво таркибидаги кислороднинг миқдори инсон нафас олишига ва ҳаёт бўлишига имкон яратади. Инсон ҳаётининг қандай бўлиши унинг тўлақонли нафас олиши, умрини мазмунли ўтказиши, қандай жамиятда яшаши, моддий ва маънавий муҳитга жуда боғлиқдир. Инсон ўзини англаганда унга берилган имкониятлардан тўғри фойдаланади ва унинг ақл-идроки таъсирида ўзгараётган биосферани асрайди. Нақшбандия таълимотидаги «Ҳуш дар дам» тамойили инсонни бутун коинот билан уйғун ҳолда ҳушёр ва огоҳ яшаб, биосфера ва носферани соғлом сақлашига имкон яратади.

Нақшбандия таълимотидаги ҳаёт ҳақидаги тушунчанинг асосини «Ҳуш дар дам» тамойили ташкил этади. «Ҳуш дар дам» рашҳасини тасаввуф аҳли турлича талқин этганлар. «Аҳли тариқатнинг ибодати чикқан ва кирган нафаслардан огоҳ бўлмоқликдир», дейди Боязид Бастомий. «Ҳуш дар дам» – ҳар дамдан огоҳ бўлиш тамойили манбаларда рашҳа – ҳаётбахш сув томчиси, ёки қудсий – пок, илоҳий калом, сўз деб таърифланган. «Ҳуш дар дам» тамойилини Бухорои Шариф Етти Пирининг табаррук устози Юсуф Ҳамадоний Ҳожагон таълимотининг асосчиси Ҳожаи Жаҳон номи билан машҳур Ҳожа Абдуллоҳиқ Гиждувонийга таълим берган. Абдуллоҳиқ Гиждувоний устозларининг бу ўғитини ўзи асослаган Ҳожагон таълимотининг тамойили сифатида киритган. Бу ўғитни Баҳоуддин Нақшбанд ўзи асослаган Нақшбандия таълимотига 11 тамойилининг биринчиси ва асосийси сифатида киритган<sup>158</sup>.

<sup>158</sup> Ҳожа Абдуллоҳиқ Гиждувоний. Сўзбоши, таржима, луғат ва изоҳлар муаллифи Маҳмуд Ҳасаний. – Тошкент: Ўзбекистон, 2003. 7–11-бетлар.

Нақшбандия таълимоти инсон ҳаётини «дам» тушунчаси билан уйғунлаштиради. «Дам» – Нақшбандийлар талқинида инсонни нафас олиш, нафасни сақлаш, нафасни чиқариш ва янги нафас олишгача бўлган муддатидир. Инсон шу дамни асраши, йўқотмаслиги, ақлу хуши, фаҳму фаросати назорати остида шукроналик билан ўтказиши лозим<sup>159</sup>. Инсон бутун коинот ва олам билан нафас олиш жараёни туфайли боғланади. Борликдаги бутун мавжудотлар нафас оладилар ва нафас чиқарадилар. Инсон ҳам улар билан уйғун нафас олиш жараёнида умумий бутун олам тебранишини ҳосил қилади ва ўзаро қувват ва ахборот алмашинади. Айнан шу жараён инсон ҳаётининг асоси бўлиб ҳисобланади. Чунки нафас олиш жараёнида инсоннинг ҳам жисми, ҳам онгу шуури, ҳам қалбу руҳи қувват олади.

Ҳар дамни онгли ўтказган инсон вужудидан, ақлу шууридан, қалбу руҳидан чиққан қувватлар, таралган нуру зиёлар бутун оламга ҳаёт бағишлаб, уни мунаввар этади.

Инсоннинг тирик бўлиши, тўлақонли ҳаёт кечириши, умрининг мазмунли ўтиши ҳар бир нафас олиш жараёнини қандай кечиши билан боғлиқ. Бу жараёни тўғри ташкил этишда «Хуш дар дам» тамойили ёрдам беради. Бу тамойилнинг мазмун-моҳияти «Рашаҳот» асарида ёритилган. «Хуш дар дам» ул турурким, ҳар нафасеким, ичкаридин келур, керакдурким, хузур ва огоҳлик юзидин бўлса ва ғафлат онга йўл топмаса»<sup>160</sup>. Маълум бўладики, «Хуш дар дам» рашҳаси инсонни ғафлат ҳолатидан чиқишига ёрдам берар экан. Ғафлат инсондаги энг катта иллат бўлиб, у аммора нафсининг бир сифатидир<sup>161</sup>. Ғафлат луғатда «ғофиллик», «хабари бўлмаслик», «уйку ҳолатида бўлиш», «эътиборсизлик» каби маълумотларни билдиради. Ғафлат ҳолатидаги инсон ўз ҳаётининг мазмун-моҳияти, мақсади бу дунёга келишининг сабаби, асл вазифасини унутиб, нафсига берилиб, яшайди. Ҳолбуки, ҳақиқий инсон огоҳ, хушёр бўлиши керак ва ҳар бир олиб чиқарган нафасини беҳудага исроф қилмаслиги лозим. Шунинг учун Нақшбандияда нафасни муҳофаза қилиш энг асосий масаладир.

---

<sup>159</sup> Абул Муҳсин Муҳаммад Абул Муҳсин Муҳаммад Боқир ибн Муҳаммад Али. Мақомоти Хожа Баҳоуддин Нақшбанд / Форсийдан таржимон, сўзбоши, изоҳ ва луғат муаллифи Маҳмуд Ҳасаний. – Тошкент: Ўзбекистон, 2019. 119–121-бетлар.

<sup>160</sup> Фахруддин Али Сафий. Рашаҳоту айнил-ҳаёт («Обихаёт томчилари»): тарихий-маърифий асар / Табдил қилувчилар, нашрга тайёрловчилар: М. Ҳасаний, Б. Умрзоқ. Масъул муҳаррир: Б. Умрзоқ (ЎзР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти). – Т.: Абу Али ибн Сино номидаги тиббиёт нашриёти, 2004. 32-бет.

<sup>161</sup> Муҳаммад Зоҳид Кутқу. Нафс нимадир?. Таржимон: Зебунисо Ҳусайн қизи. – Т.: «Sharq» 2021. 19–41-бетлар.



Нақшбандия таълимотининг Ҳиротдаги жамоасининг пиру муршиди Ҳазрати Мавлоно Саъдуддин Қошғарий қ.с. айтганларким: «Хуш дар дам», яъни бир нафасдин интиқол этмак яна бир нафасга, керакки, ғофиллик юзидин бўлмай, ҳузур важҳидин бўлсун ва ҳар нафаским урор Ҳақ субҳанаҳудин холи ва ғофил бўлмасун»<sup>162</sup>. Бу фикрдан ҳам маълум бўладики, асосий эътибор нафасни огоҳлик ва ҳушёрлик билан олинишига қаратилмоқда.

Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд «Хуш дар дам» тамойилини шундай изоҳлайди: «Бинойи корни бу йўлда нафасга қўймоқ керак, ондоқким, замони ҳолнинг муҳимроқ вазифасига машғул бўлмоқни тазаккури мозийдин ва мустақбилда фикр этмоқдин фориг ойлантурсин ва нафасни қўймасунким зое ўтгай. Ва нафасининг хуружи ва духулида ва мобайн ун-нафасайнни ҳифз этмоқда саъй қилсунким, ғафлат бирла кириб чикмасун»<sup>163</sup>.

Бу сўзлардан маълум бўладики, Баҳоуддин Нақшбанд ҳаёт моҳиятини айни шу дамни қандай ўтказишга боғлиқлигини таъкидлайди. У киши тўлақонли ҳаёт деганда ўз фикри ва ҳаёлини ўтмишга ҳам, келажакка ҳам боғламасдан, айни шу дам учун зарурий иш билан машғул бўлиши лозим, деган ғояни илгари суради. Баҳоуддин нафас олиш жараёнини: нафаснинг кириши, чиқиши ва ўртадаги вақт эканлигини айтиб, уни асраш, ҳимоя этиш, муҳофаза қилиш керак, токим ғафлат билан ўтмасин, деб таъкидлайди. Бу ҳақда унинг қуйидаги назмий фикри манбада келтирилган:

Эй монда зи баҳри илм бар соҳили айн,  
Дар баҳр фароғат асту бар соҳил шайн.  
Бардор сафи назар зи мавжи кавнайн,  
Огоҳ зи баҳр бош байн ан-нафасайн<sup>164</sup>.

*Мазмуни:*

---

<sup>162</sup> Фаҳруддин Али Сафий. Рашаҳоту айнил-ҳаёт («Обиҳаёт томчилари»): тарихий-маърифий асар / Табдил қилувчилар, нашрга тайёрловчилар: М. Ҳасаний, Б. Умрзок. Масъул муҳаррир: Б. Умрзок (ЎЗР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти). – Т.: Абу Али Ибн Сино номидаги тиббиёт нашриёти, 2004. 32-бет.

<sup>163</sup> Фаҳруддин Али Сафий. Рашаҳоту айнил-ҳаёт («Обиҳаёт томчилари»): тарихий-маърифий асар / Табдил қилувчилар, нашрга тайёрловчилар: М. Ҳасаний, Б. Умрзок. Масъул муҳаррир: Б. Умрзок (ЎЗР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти). – Т.: Абу Али Ибн Сино номидаги тиббиёт нашриёти, 2004. 32-бет.

<sup>164</sup> Фаҳруддин Али Сафий. Рашаҳоту айнил-ҳаёт («Обиҳаёт томчилари»): тарихий-маърифий асар / Табдил қилувчилар, нашрга тайёрловчилар: М. Ҳасаний, Б. Умрзок. Масъул муҳаррир: Б. Умрзок (ЎЗР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти). – Т.: Абу Али Ибн Сино номидаги тиббиёт нашриёти, 2004. 32-бет.



Эй илм олиш мақсадида соҳилда кўзи очиқ турган киши,  
Денгизда фароғатдиру соҳилда ёмонлик.  
Икки дунё мавжларидан қарашларингни олгину,  
Нафасларинг орасидаги вақтда ҳам денгиздан огоҳ бўлгин.

Бу назмий парча мазмунидан маълум бўладики, Баҳоуддин Нақшбанд инсон ҳаёт бўлиши учун ҳар бир дам қадрини билиши, асл моҳиятдан, боқий нарсалардан ҳар бир нафасдагина эмас, балки нафаслар орасидаги вақтда ҳам огоҳ бўлиши зарур, деб уқтирмакда.

Баҳоуддин Нақшбанд айтган эдилар: «Нафасни зое кетишига йўл кўйманг ва бундан эҳтиёт бўлингки, ким вақтини зое қилса, бас, бу вақт унинг душманидир»<sup>165</sup>. Бу ўғитлари билан ғафлат билан олинган нафаслар ўтказилган умр инсонни ўзига ҳам, инсониятга ҳам салбий таъсир этишини кўрсатганлар. Инсон тўғри нафас олиши учун, аввало, жисмоний қувватларни бошқаришни ўрганади. Нафас йўллари, ўпка қуввати тўғри ишласа, мия фаолияти яхшиланади, ақлий қувват ортиб инсон уни ҳам бошқаради. Нафасни беҳудага кетказмаслик, нафас олиш жараёнининг қувватларини жиловлайди ва инсон нафаси пок, қудсий бўлиб, Исо нафаси каби ҳаётбахш бўла боради. Бундай инсонни «дами нафаси ўткир», – деб айта бошлайдилар. Абдурахмон Жомий Баҳоуддин Нақшбандга оид ёзган манқабатида унинг қуйидаги фикрини келтиради:

«Гум зада бе ҳамдамии хуш дам»<sup>166</sup>.

*Мазмуни:*

«Хушсиз дамни умуман йўқ қилиш».

Кўпгина манбаларда буни «Кам зада», яъни «Камайтириб» деб таржима қиладилар. Али Сафийни «Рашаҳот» асарининг янги таржимасида ҳам шундай ёзилган. Лекин бу Нақшбандия моҳиятига мос эмас, чунки мантиқан олиб қаралганда нафаслар орасидаги дамни ҳам асрашга ўргатаётган таълимот, хушсиз дамни камайтир деб эмас, балки йўқот деб таъкидлаши аниқ.

Маълум бўладики, ҳар бир дамнинг ҳаёт саҳифасига кириши учун Нақшбандийлар қуйидагиларга эътибор бериш зарур деб ҳисоблаганлар:

**1. Нафас олиш жараёни** онгли бўлиши керак. Инсон чуқур, бутун ўпкасини тўлдириб нафас олиши зарур. Нафас олаётганда инсон

<sup>165</sup> Абул Мухсин Мухаммад Абул Мухсин Мухаммад Боқир ибн Мухаммад Али. Мақомоти Хожа Баҳоуддин Нақшбанд / Форсийдан таржимон, сўзбоши, изоҳ ва луғат муаллифи Маҳмуд Ҳасаний. – Тошкент: Ўзбекистон, 2019. 86-бет.

<sup>166</sup> Абдурахмон Жомий. Тухфат ул-Ахрор. Лакнау: Нувил Кишур, 1908. 112-бет.

коинотда унинг жисми учун зарурий тоза ҳаво мавжудлигини англаб, шукроналик билан нафас олиши лозим. Чуқур нафас олиш жараёнида вужудга зарурий кислород, мия учун керакли ахборот, қалб ва руҳ учун озуқа – нур, файз, барака, раҳмат ва илоҳий илм киради. Шу жараёни инсон ҳис этиши, ақлу шуури билан бошқариши ва қалбида неъматларга шукроналик муҳаббати жўш уриши лозим.

2. **Нафасни ичда сақлаш.** Олган нафас орқали кирган кислород ўпка альвеолалари, юрак ва артерия қон томирлари орқали бутун вужудга тарқалиб вужудни поклайди, қувват беради ва инсон умрини узайтиради. Мия бир томондан нафасни сақлашни бошқаради ва иккинчи томондан онг остида қабул қилинган ахборотни таҳлил этади. Қалбга кираётган илоҳий нурлар, файзу баракот, раҳмат ва ладуний илмни қабул қилиб покланади ва руҳ юксалади. Нафасни сақлаш жараёни нафас олиш вақтидан кўра 3, 5, 7... мартаба кўп бўлиши керак. Нафасни сақлаш жараёни инсоннинг ҳар бир нафасини ҳаётбахш, Исо нафас, дуолари ижобат бўладиган, қалб кўзи очик, ботиний олами кабир бўлиб ундан тараладиган нурлар бутун оламини ёритадиган даражада камол топишига олиб келади.

3. **Нафас чиқариш жараёни** натижасида вужудга кирган кислород билан оксидланиш таъсирида ҳосил бўлган карбонат ангидрид вена қон томирлари ва альвеолалар ёрдамида ўпка орқали танадан чиқиб кетади. Унинг натижасида вужуд дам олади, роҳатланади, фараҳ топади. Мия бу жараёни бошқаради ва ақлий фаолият ўткирлашади. Кина, ғазаб, ҳасад, кибр каби ёмон иллатлар учун қалбда жой қолмайди ва улар вужуддан чиқиб кетадилар. Руҳ бакувват бўлганлиги сабабли инсон танасига кирган барча иллатларни, хусусан, ёмон кўз, суқ ва ёмон руҳлар таъсирдан вужудни кутқаради.

4. **Янги нафас олишга тайёргарлик муддати.** Чуқур тўла нафас олиш учун қувватларни жамлаш.

Юқоридагилардан маълум бўладики, Нақшбандия таълимотида ҳаётнинг бир дами нафас олиш билан боғлиқ бўлган тўрт босқични ўз ичига олади. Инсондаги ҳаётбахш жараён борлиқнинг бошқа кўринишларининг нафас олишидан тубдан фарқ қилади. Аноорганик ва органик дунёдаги барча нарсалар: тупроқ, ўсимликлар ва ҳайвонлар нафас оладилар ва тирик бўлиб яшайдилар. Аммо уларнинг нафас олиш жараёни онгли эмас. Инсон нафас олиш жараёнини ақлу хуши, фаҳму фаросати билан бошқаради. Инсон унга берилган ҳаёт, умр, ҳар бир дам мақсад-моҳиятини англаб, унинг қадрини билиб, ўзлигини англайди



ва жамиятда ўзига муносиб жой топади. У ўз ўрнини билиб, ўзига белгиланган вазифани адо этади. Ҳар бир олинган онгли нафас одамни Ҳазрати Инсон номига муносиб бўлишга ёрдам беради.

Баҳоуддин Нақшбанднинг «Хуш дар дам» рашҳасига оид фикрларининг шаклланишида Юсуф Ҳамадоний ва Хожাগон тариқатининг пиру муршидларининг ўғит ва ғоялари теран илдиз бўлган.

Юсуф Ҳамадоний Хожাগон таълимотига киритган биринчи рашҳа «Хуш дар дам» ҳисобланади. «Хуш дар дам» Юсуф Ҳамадоний томонидан тасаввуф таълимотига киритилган энг асосий ҳаётбахш ўғит бўлиб, бу рашҳа Хожাগон ва кейинчалик Нақшбандияни ҳушёрлик, огоҳлик, дахлдорлик, онглилик, воқиғлик йўлидан бориб, жаҳоний таълимотга айланишига сабаб бўлди. «Хуш дар дам» рашҳаси ўзида «хуш» ва «дам» тушунчаларини уйғунлаштирган. «Хуш» ҳушёр, огоҳ, воқиғ, ҳар бир ишнинг асли, моҳиятини англаш, зехн маъноларида келса, «дам» нафас, он, вақт, замон мазмунини англатади. «Хуш дар дам» зоҳирий ва ботиний мазмунга эга рашҳадир. «Маслак ал-орифин» асарининг 13-бобида Хожাগон тариқати асосчиси Абдулҳолиқ Ғиждувонийнинг тариқат мақомлари ва инсон руҳий камолотининг босқичлари ҳақидаги фикрлари ёритилган. Ушбу бобда муҳосаба тушунчасига махсус эътибор берилган: Муҳосаба ҳар бир ўтган вақтнинг ҳисобидир. Манбада ёзилишича, Абдулҳолиқ Ғиждувонийдан сўрадиларки, «Муҳосаба нима?» У жавоб берди: «Муҳосаба нафасни саклашдир, токи у беҳуда ўтмасин». Кўриниб турибдики, Абдулҳолиқ Ғиждувоний нафасни асраш кераклигига урғу бермоқдалар.

Абдулҳолиқ Ғиждувоний бирор нафасни ҳам ғафлат билан ўтказмаслик, огоҳ бўлиш ва асраш лозимлигини уқтиради: «Умр нафасларнинг сармоясидир. Бу сармояни туну кун, уйқу ва бедорликда огоҳлик билан ҳарж қилиш керак. Ҳар бир ўтадиган бир нафасни зое кетказмаслик уни жавоҳир каби асраш лозим. Агар у зое кетса, катта зарар кўрилади. Худди бу асл жавоҳир бир хазина, беҳуда нафас хазинани ўғирлатиш билан баробардир. Шунинг учун ҳар бир фурсатни ғанимат билиш керак ва уни эътибор ва истиғфор билан ўтказиш лозим. Чунки заррача қилинган яхшилик ва заррача қилинган ёмонликнинг ҳам ҳисоби бор».

Нақшбандияни жаҳоншумул таълимотга айлантирган Хожа Аҳрор Валий «Хуш дар дам» ҳақида шундай фикр билдирганлар: «Бу тариқда риояти ҳифзи нафасни муҳим тутибдурлар, яъни керак жамиъи анфос ҳузур ва огоҳлик наътиға масруф бўлсин ва агар киши муҳофазати нафас қилмаса, ойтурларким, фалон киши нафас гум қилибдур, яъни тариқ ва

равишни йўқ қилиб турур»<sup>167</sup>. Хожа Аҳрор нафасларни асраш, ҳимоя қилиш огоҳлик билан ўтказиш лозимлигини таъкидлаб, ким нафасни ғафлат билан олса, у йўлини йўқотибди деганлар. Нафасни асраш барҳаётлик тириклик мезони бўлса, нафасни йўқотиш, ғафлатда қолиш ўлик ҳолатда бўлиш билан тенглаштирилмоқда.

Ҳушёрлик инсон ҳолатининг ғафлатдан чиқиши ва огоҳлик ҳамда мушоҳада ҳолатига кириши эканлигини Нақшбандия арбоблари таъкидлаганлар: Маҳдуми Аъзам куйидаги рубоийларида шундай ёзади:

*Рабнинг зоти тажаллий қилар бўлса,  
Қасам бердим сенга, гофил қолмагин.  
Ҳар бир нафасинг билгил бир гавҳардир,  
Ҳар бир зарранг Ҳақ йўлига раҳбардур.*<sup>168</sup>

Нақшбандия таълимотининг йирик намояндаси Маҳдуми Аъзам «Тўрт калима ҳақида рисола» асарида «Хуш дар дам» тамойилининг зоҳирий ва ботиний мазмун-моҳиятини очиб берган.<sup>169</sup> Унинг фикрича, зоҳиран «Хуш дар дам» дегани замондан хабардорлик, нафасни ҳисоб қилиш ва у билан бошқа нафаслар ўртасидаги талаб-истакларини кўра билиш, токи улар дилга кириб жойлашиб олмасин. «Хуш дар дам»нинг ботиний маъноси: «Оддий ҳозирлик ва огоҳ бўлиш» дегани эмас. «Хуш дар дам» дегани одамнинг нафасидирки, у доимо тирик умр кечишидан иборатдир. У саодат сармоясини. Ниҳояси йўқ қарзидирки, у ҳақиқий маҳбуб – Ҳазрат (Худо) васлидир».<sup>170</sup> Демак, Маҳдуми Аъзам фикрича, «Хуш дар дам»нинг ботиний томони ҳозирлик ва огоҳликни ўз нафасинг билан бир қилиб юборишдир. Бу ҳолат инсон қалбини дурга айлантириб вужудини илоҳий даражада поклайди. Инсон ҳаёти учун энг зарурий асослардан бири нафас олиш жараёнидир. Нақшбандия таълимотининг асосий тамойили бўлган «Хуш дар дам» тамойили нафас олишни тартибга солади. У бу жараённи ташқи ва ички томонидан

---

<sup>167</sup> Фаҳруддин Али Сафий. Рашаҳоту айнил-ҳаёт («Обиҳаёт томчилари»): тарихий-маърифий асар / Табдил қилувчилар, нашрга тайёрловчилар: М. Ҳасаний, Б. Умрзоқ. Масъул муҳаррир: Б. Умрзоқ (ЎЗР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти). – Т.: Абу Али Ибн Сино номидаги тиббиёт нашриёти, 2004. 32-бет.

<sup>168</sup> Хожаги Аҳмад Косоний. Рисола-й-вужудия. Қўлёзма. Таржимонлар Наврўзова Г.Н., Зоиров Э.Х. 25-бет.

<sup>169</sup> Алишер Навоий. Фарҳод ва Ширин/ Хамса. Тўла асарлар тўплами. Ўн жилдлик. Олтинчи жилд. – Тошкент: Фафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2011. 188–199-бетлар.

<sup>170</sup> Саййид Аҳмад ибн Мавлоно Жалолиддин Хожаги Косоний Маҳдуми Аъзам. Тўрт калима (йи кудсийя) ҳақида рисола / Саййид Аҳмад ибн Мавлоно Жалолиддин Хожаги Косоний Маҳдуми Аъзам (ҳаёти, фаолияти, илмий ва маънавий мероси). – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси маънавий маданият тарғибот маркази, 1993. 31-бет.

мукаммаллаштириб моҳиятини очади. «Хуш дар дам» тамойилининг **зохирий**, яъни ташқи томони ҳар бир оладиган нафасни тўғри, бутун ўпка қувватларини сафарбар этиб, олинган нафаснинг бутун вужудга тарқалиши учун ичида сақлаб, уни тўғри чиқариш ва нафас олиш жараёнида ҳушёр бўлиш, ҳар бир берилган нафас, кирадиган, чиқадиغان нафаслар орасидаги вақтга шукроналик қилишдир. Бу оддий инсоннинг ҳам саломатлигини тиклайди, уни ёш, тетик ва ғайратли бўлишга ёрдам беради. Бу жараённи тўғри амалга оширган инсон жуда гўзал бўлади.

Дарҳақиқат, нафас олиш инсон ҳаёти учун жуда муҳим жараён. Одам организмда бир суткада 5–7 млрд ҳужайра янгиланади. Организмда жами қон юракдан ўтади. Юрак бир қисқаришда 60–70 мл, 1 минутда 5000 мл, 1 соатда 30000 мл. қонни юракдан чиқариб юборади. Инсон яшаши учун қувват керак, қувват пайдо бўлиши учун эса кислород керак. Айнан, инсон нафас олиши орқали кислородни ютади ва карбонат ангидридни чиқаради.

Мана шу жараёнда қувват ҳосил бўлади.

Тинч ҳаракатсиз ҳаёт кечириш учун (мўътадил ҳаво ҳароратида) одам 1 дақиқада 250 мл, 1 соатда 1500 мл ёки 15 литр кислород қабул қилади. Нафас олишда ўпка, гавдани қоплаб олган тери катта ёрдам беради. Теримиз соатига ўртача 1,5–1,7 м<sup>2</sup>, деярли 700 млн алвеолалардан ташкил топган ўпка эса 100 м<sup>2</sup> сатҳи билан ҳавога тўқнаш келади. Ўпка 50–60 мартадан кўпроқ кислород ютади. Организмда моддалар кислород орқали алмашинади. Кислородни тўқималарга етказиб бериш ва чиқинди газ-карбонат ангидридни чиқиб кетиши вазифасини нафас органлари бажаради.

Бир одам бир кеча-кундузда 1,6 кг кислород ютади. Олимларнинг ҳисобига қараганда, ер атмосферасидаги кислород 300–400 йил ичида охириги қатрасигача қолмай тугаши керак эди. Лекин ўсимликлар дунёси 1 йилда 18 млн тонна тоза кислород чиқармоқда. Саъдий Шерозийнинг куйидаги мисралари бу ҳақда сўзлагандай гўё:

Барги дарахтони сабз дар назари ҳушёр,  
Ҳар варақи дафтарест аз маърифати кирдуқор.

*Мазмуни:*

Ҳушёрнинг назарида дарахтнинг ҳар бир барги,  
Тангри маърифат дафтарида олинган бир варақдир.

Ҳаёт – нафас олиш жараёни тизимидир. Тананинг барча фаолиятлари ичида энг асосийси нафасдир. Чунки тананинг барча бошқа фаолияти

шу нафас олишга боғлиқ бўлиб, унга бўйсунди. Нафасни онгли олиш бутун табиат билан уйғун тебранишга олиб келиши ва ўзидаги яширин кувватларнинг тараққиётига ёрдам бериши мумкин.

Нақшбандия таълимотидаги «Хуш дар дам» рашҳасини зоҳирий жиҳатдан аҳамиятини қуйидагиларда деб асослаш мумкин:

1. Ҳар бир тўлақонли нафас қонни тозалайди, агар у етарли тозаланмаса, артерияга етарли тозаланмасдан ўзидаги тана қисмларидан олинган ифлосликларни сақлаб қайтади. Бу ифлосликлар яна организмга қайтиши эса касалликка сабаб бўлади.

2. Инсон нафас олиш жараёнида қон таркибига кислороднинг маълум қисми киради ва бутун танага тарқалади. Қонда кислород гемоглабин билан қўшилади ва тананинг ҳар бир ҳужайрасига тарқалади, уларни тирилтиради ва мустаҳамланишига олиб келади. Артерия қонида 25% кислород бор. Демак, кислород тананинг ҳар бир қисмини тирилтиради, ҳаёт беради.

3. Овқатлар ҳазм бўлиши, тўла озик моддаларнинг оксидланиши уларнинг кислород билан бирикишига боғлиқ. Овқат ва ичимликнинг ҳар бир зарраси танада ҳазм бўлиб кетишидан олдин кислород билан оксидланиши керак. Тўғри нафас олиш мазкур жараён учун зарур ҳисобланади.

4. Тананинг чиқиндилардан тозаланиш жараёнида ҳам кислород керак ва бу нафасни тўғри олиш билан боғлиқдир.

5. Қондаги бузилган нарсалар кислород ёрдамида қуяди ва бу жараён натижасида иссиқлик ҳосил бўлиб, танада зарурий ҳарорат ҳосил қилади.

6. Чуқур нафас ички орган ва мускуллар машқидир.

Нафас олиш жараёнининг **ботиний** томони ҳақида профессор Инайят-ханнинг шундай фикри бор: «Нафас олиш тана, қалб ва руҳ ўртасидаги алоқани таъминлайди»<sup>171</sup>. «Батафсил ўрганиш зарур бўлган биринчи нарса нафас олишдир. У ҳаётдир ва айни пайтда бизнинг моддий борлиғимизни руҳиятимиз билан боғлайди. У Инсонни юксакликка кўтара оладиган кучдир»<sup>172</sup>. Профессор Инайят-хан фикрича, ҳар бир яхши ва ёмон амал атрофни ўраб турган атмосферада ўзига хос тебраниш ҳосил қилади ва бу бутун оламга тарқалади. Шунинг учун «кимки тебранишнинг сирларига етса, у ҳақиқатда барча нарсани билади»<sup>173</sup>.

<sup>171</sup> Проф. Инайят-хан. Суффиское послание о свободе духа. – Москва, 1914. 37 С.

<sup>172</sup> Проф. Инайят-хан. Суффиское послание о свободе духа. – Москва, 1914. 37 С.

<sup>173</sup> Проф. Инайят-хан. Суффиское послание о свободе духа. – Москва, 1914. 31 С.

Нафас олишнинг ботиний томонига тасаввуф эътибор беради. Бу таълимот ғоясига кўра нафас олишда веналарга қон билан бирга коинотнинг илоҳий кучи ҳам киради. Унинг манбаи қалб. Шунинг учун қалб ҳаракатига эътиборли бўлиш лозим. Онгли олинган нафас инсонни оламни билишига ҳам ёрдам беради. Тўғри нафас олишда инсон ахборотлар қатламининг тебраниши билан боғланиб, маълумотлардан хабардор бўлади. Ботиний илм, фаросат илмини олишда тўғри нафас олишнинг аҳамияти катта.

«Хуш дар дам» талабида нафас олиш ва чиқаришга катта эътибор берилади. Бу талаб жуда чуқур фалсафий илдизга эга бўлиб, бир томондан, Шарқда қадимги Ҳиндистондаги йога таълимотидаги прана тушунчаси билан озиқланса, иккинчи томондан, Ғарбдаги қадимги Милет мактаби намоёндаси, юнон файласуфи ва давлат арбоби Анаксимен, Диоген Апполонский ва стоиклар қарашларидан озиқланган<sup>174</sup>.

Анаксимен Милет фалсафий мактаби намоёндаси бўлиб, унинг олам тўғрисидаги қарашлари Фалесдан фарқланади. Фалес оламнинг бирламчи асосини сув деган бўлса, Анаксимен ҳаво деб айтади. Унинг фикрича, ҳавога парчаланиш ва қуюқланиш жараёни хосдир. Барча моддалар ана шундан келиб чиққанлар. Ҳаво ўз табиатига кўра буғ ёки қора булутга ўхшашдир. Ер катта миқдордаги ҳаво томонидан қуршаб олинган текис доирадир. Ҳамма нарса ҳаводан келиб чиққан, ҳамма нарса ҳаво орқали ҳаёт бўлади. Агар ҳаво ҳаракатланмаса оламдаги ўзгаришлар ҳам рўй бермас эди. Анаксимен фикрича, ҳаво фақатгина коинотнинг бирламчи ибтидоси эмас, балки ҳаёт ва руҳ манбаи ҳамдир.<sup>175</sup>

Стоиклар – қадимги грек файласуфлари бўлиб, улар космик мос келиш, коинот уйғунлиги тушунчасини киритганлар. Бунга асосан бутун олам ягона тирик тана бўлиб, бу тананинг қисмлари у билан бир-бирига мос келади ва боғлангандир. Бу бирликнинг асосида нафас олиш пневма-олов ва сиқилган ҳаводан иборат бўлиб макро олам – олами кабир куввати бутун танага нафас олиш орқали ўтади. Яъни нафас олиш илоҳий қувватнинг киришидир. Уни эҳтиёт қилиш ва англаш муҳим. Бунга мос равишда «Хуш дар дам» талаби хушёрликка чақириб, ғофил, хушсиз, маст, ақли паришон, олам моҳиятидан хабарсиз бўлишни қоралайди ва кишини ҳар бир нафасдаги ҳаракати ва амалларидан огоҳ бўлишга чақиради. «Хуш дар дам» тамойилининг ботиний томонининг

<sup>174</sup> Наврўзова Г. Накшбандия тасаввуфий таълимоти ва баркамол инсон тарбияси. – Тошкент: Фан, 2005. 232-бет.

<sup>175</sup> Ғарб фалсафаси. – Т.: Ўзбекистон Файласуфлари миллий жамияти нашриёти, «Шарқ» нашриёт матбаа акциёдорлик компанияси бош таҳририяти 2004. 19-бет.

яна бир қирраси ушбу рашхага амал қилиш инсон табиати талаблари бўлган жараён бўлиб, инсонни ўз-ўзини назорат қилишига ва бутун олам нафас олиши билан уйғун ғафлат, беҳудлик ҳолатига тушмаслигига ёрдам беради. Инсон ҳар нафас иймонини сақлайди, қўриқлайди, нафсини жиловлайди, ўз қусурларини кўради.

Булар эса бутун вужуд имконияти ва салоҳиятини бошқариш, қувватларни уйғотиш ва Ҳақ йўлига сафарбар этишга имкон беради. Рухий қувватларни идора этиш асосида инсон камолга етади. Бу рашха инсонни моҳиятга томон қадам ба қадам юксалишга олиб боради. Инсон қалб ҳақиқатига юзланади ва таважжух ҳолатига келади ҳамда тажаллийни қабул этадиган бўлади. Натижада инсон фаол бўлади, бу жисмонан ва маънан соғлом бўлишга ёрдам беради.

«Хуш дар дам» рашҳаси инсон ботинини ва жисму жонини бутун борлиқ билан уйғун ҳолатга киритади, ҳар бир нафасни сақлаб, унинг ўткинчилик хусусиятини абадийликка боғлайдиган бўлади. Ҳар бир нафасни андиша қилиш, унинг ҳаққини адо этишга имкон беради. Ҳар нафасни охирги нафас деб ўйлаш инсонни охирги нафасга тайёр туриш ҳолатига етказди.

Бу эса инсонда ҳар бир ишни вақтида қилиш малакасини пайдо қилади. Инсон ҳар нафасдан эътибор ва истиғфор билан фойдаланадиган бўлади, вақтни беҳуда ўтказмайди. У нафасни беҳуда ўтказиш гуноҳ эканлигини англайди ва уйғоқ, огоҳ бўлишга интилади. Бу эса бефарқ, бетараф, бепарво, уйқуда бўлиш каби иллатдан инсонни қутқаради. Натижада у нафаслар орасидаги вақтда ҳам олам моҳиятидан огоҳ бўлади, ҳузур, огоҳлик, хушёрлик ҳолати энг олий неъмат эканлигини англайди ва илоҳий ҳақиқат учун бутун куч ва қудратини сафарбар этади. У ҳар нафас ақл, эс-хуш, хотирани назорат этиб, унинг куч-қудратини эзгулик йўлига сафарбар этадиган бўлади. Натижада инсон чакқон, хушёр бўлади.

Умумий хулоса қилиб, қуйидагиларни таъкидлаш мумкин:

- Нақшбандия таълимотида ҳаёт нафаслар тизимидан иборатдир.
- Бир нафас олиш тизими инсон ҳаётининг бир дамини ташкил этади. Бир дам нафас олиш, нафасни сақлаш, нафасни чиқариш ва янги нафас олишга тайёрланиш лаҳзаларини ўз ичига олади.
- Нафас олиш бутун тирик мавжудотлар учун хосдир. Инсоннинг нафас олиш жараёни Нақшбандийлар фикрича, ақлу хуш назорати остида шукроналик билан ўтиши лозим.
- Нақшбандийлар фикрича, нафас олиш ва нафас чиқариш



орасидаги вақтда нафасларни ичда сақлаш ҳаётнинг бардавомийлиги учун энг муҳим лаҳзалардир.

- Онгли нафас олиш ва нафасларни ҳимоя этиш инсон вужуди, ақлий жараёни ва руҳиятига таъсир этиб, уни ҳақиқий инсон бўлишига ёрдам беради.

- Онгли нафаслардан тузилган дам инсон ҳаётини барча иллатлардан сақловчи кучли иммун тизимдир.

- «Хуш дар дам» тамойили инсон ҳаёти учун зарур бўлган ҳавонинг тозалиги, софлиги, биосферани меъёрида сақлаш учун муҳим рол ўйнайди.

- Ҳозирги экологик вазият глобал муаммога айланган даврда атроф-муҳитни тоза сақлаш, ҳавонинг софлиги учун курашиш, ўсимликлар дунёсини асрашда «Хуш дар дам» тамойилининг аҳамияти каттадир.

- Янги Ўзбекистонда Учинчи Ренессанс пойдеворини қурадиган соғлом ва баркамол авлодни тарбиялашда Нақшбандия таълимотидаги ҳаёт ҳақидаги ғояларни тарғиб этишнинг аҳамияти каттадир.



## 5.2. «ХУШ ДАР ДАМ» ТАМОЙИЛИ ВА БИЛИШ МАСАЛАЛАРИ

Жамият тараққиётида билимли инсонлар жуда қадрланади. Жамиятда қанча илму заковатли, фаҳму фаросатли инсонлар кўп бўлса, шунча аҳиллик, ҳамжиҳатлик, тинчлик ва хотиржамлик ҳукмрон бўлади. Бу эса жамиятда инсонларни фаровон яшашига имкон беради.

Инсонни мукамал ўрганишда тасаввуф таълимотининг ўрни катта. Баҳоуддин Нақшбанд асослаган Нақшбандия тасаввуфий таълимотининг ўн бир рашҳа-ўғитларининг инсоннинг ҳар томонлама камолотига ижобий таъсири жуда кучлидир. Бу ўғитни Баҳоуддин Нақшбанд ўзи асослаган Нақшбандия таълимотида 11 тамойилининг биринчиси ва асосийси сифатида киритган<sup>176</sup>.

Бу тамойилнинг мазмун-моҳияти «Рашаҳот» асарида ёритилган. «Хуш дар дам» ул турурким, ҳар нафасеким, ичкаридин келур, керакдурким, ҳузур ва огоҳлик юзидин бўлса ва ғафлат онга йўл топмаса<sup>177</sup>. Маълум бўладики, «Хуш дар дам» рашҳаси инсонни ғафлат ҳолатидан чиқишига ёрдам берар экан. Баҳоуддин Нақшбанд «Хуш дар дам» моҳиятини айни шу дамни қандай ўтказишга боғлиқлигини таъкидлайди. Бу ҳақда унинг куйидаги назмий фикри манбада келтирилган:

Эй монда зи баҳри илм бар соҳили айн,  
Дар баҳр фароғат асту бар соҳил шайн.  
Бардор сафи назар зи мавжи кавнайн,  
Огоҳ зи баҳр бош байн ан-нафасайн<sup>178</sup>.

*Мазмуни:*

Эй илм олиш мақсадида соҳилда кўзи очик турган киши,  
Денгизда фароғатдиру соҳилда ёмонлик.  
Икки дунё мавжларидан қарашларингни олгину,  
Нафасларинг орасидаги вақтда ҳам денгиздан огоҳ бўлгин.

---

<sup>176</sup> Хожа Абдулхолик Гиждувоний. Сўзбоши, таржима луғат ва изоҳлар муаллифи Маҳмуд Ҳасаний. – Тошкент: Ўзбекистон, 2003. 4–10-бетлар.

<sup>177</sup> Фаҳруддин Али Сафий. Рашаҳоту айнил-ҳаёт («Обихаёт томчилари»): тарихий-маърифий асар / Табдил қилувчилар, нашрга тайёрловчилар: М. Ҳасаний, Б. Умрзоқ. Масъул муҳаррир: Б. Умрзоқ (ЎЗР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти). – Т.: Абу Али ибн Сино номидаги тиббиёт нашриёти, 2004. 32-бет.

<sup>178</sup> Фаҳруддин Али Сафий. Рашаҳоту айнил-ҳаёт («Обихаёт томчилари»): тарихий-маърифий асар / Табдил қилувчилар, нашрга тайёрловчилар: М. Ҳасаний, Б. Умрзоқ. Масъул муҳаррир: Б. Умрзоқ (ЎЗР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти). – Т.: Абу Али Ибн Сино номидаги тиббиёт нашриёти, 2004. 32-бет.

Баҳоуддин Нақшбанд «Хуш дар дам» тамойилини илм олиш жараёни билан қиёс этмоқда. Илм олишда инсон бутун диққат-эътиборини билим олишга қаратиши, асл мақсаддан узоқлашмаслик кераклигини уқтирилмоқда. Фикрнинг асл мақсаддан чалғиши, диққатнинг кераксиз нарсаларга қаратилиши қораланиб, ҳар бир нафас, ҳаттоки, нафаслар орасидаги вақтни ҳам огоҳлик ва хушёрлик билан ўтказиш лозимлигини таъкидланмоқда.

Буюк шоир ва давлат арбоби Алишер Навоий машҳур «Хамса» асарининг иккинчи достони «Фарҳод ва Ширин»да бу маънида шундай ёзган:

Эрусен шоҳ – агар огоҳсен сен,  
Агар огоҳсен сен – шоҳсен сен<sup>179</sup>.

Шоирнинг бу ғояси хушёрлик илм олиш, камол топиш учун ҳаётий тамойил ҳисобланишини англатади. Алишер Навоий огоҳлик деганда хабардорлик, илмли бўлиш каби кенг маънони тушунган. У инсон охиратни ўйлаб савобли ишларни қилиши, нафсини тийиши, халқ аҳволидан огоҳ бўлиш лозимлигига эътиборни қаратган. Алишер Навоий илму ҳикматдан хабардор инсонни шоҳлик даражасида камол топа олишни айтган. Унинг фикрича, инсон ҳар қандай янгилик, хабар ҳаққонийлиги, тўғрилигини англаши лозим. Агар киши ахборотни тез ва тўғри англаса, жамиятни ҳалокатдан ва фалокатдан асрай олади.

Ҳар бир дамда хушёр, огоҳ инсон ғафлат ҳолатидан чиқиб, мушоҳада майдонига киради. Хушёр инсон бутун онгу шуури, ақлу идроки, хотира ва хаёл қувватларини жамлаб зоҳирга назар қилади. Бунинг бу онгли нафаси ҳодисалар моҳиятини фаҳмлашга, зоҳирга қараб ботинни, шаклга қараб мазмунни англашга ёрдам беради. Бу тамойил натижасида инсонда фаросат илми ҳосил бўлади.

Иккинчидан, «Хуш дар дам» амалиёти натижасида инсон онгли нафас олишида ҳаво заррачаларидаги кислород билан бирга атрофдаги тебраниш қувватлари унинг вужудига киради. Инсон ўз вужудига кирган бу қувватларнинг моҳиятини англайди, фаҳмлайди. Масалан, Баҳоуддин Нақшбанд дунёга келишларини биринчи устози Муҳаммад Бобои Самосий ифторларидан билиб, туғулишлари ва буюк инсон бўлишларини башорат қилганлар<sup>180</sup>.

<sup>179</sup> Алишер Навоий. Фарҳод ва Ширин/ Хамса. Тўла Асарлар Тўплами. Ўн жилдлик. Олтинчи жилд. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2011. 718-бет.

<sup>180</sup> Абул Муҳсин Муҳаммад Абул Муҳсин Муҳаммад Боқир ибн Муҳаммад Али. Мақомоти

Бу шундан далолат берадики, нафас орқали кирган қувватлар инсоннинг билиш жараёнига таъсир этади. Демак, инсон бурни фақат ҳид билиш воситаси бўлмасдан, олам тебранишларини вужудга киришига ва уни билишга ҳам ёрдам берар экан.

Инсон бурни ҳид билиш каби ҳиссий билишга хизмат қиладиган танамизнинг бираъзоси бўлибгина қолмасдан, нафас олиш воситаларидан бири сифатида инсонни бутун олам билан боғлайди. Бутун олам тебранишлари нафас олиш жараёнида инсон вужудига киради ва ўзига хос ҳиссиётларни туғдиради<sup>181</sup>. Тебранишларнинг ижобий қувватлари инсон ботинига шодлик, завқ, шавқни уйғотса, салбий қувватлар эса маҳзунлик, хафаликни ҳосил қилади.

Ўз ботинини ўқий оладиган, фаҳмлайдиган, англайдиган инсонда фаросат илми ҳосил бўлади. Бундай инсон маърифатли, илми жуда юксак бўлади ва жамиятда кадр топади.

Хулоса қилиб қуйидагиларни таъкидлаш мумкин:

1. «Хуш дар дам» тамойили ақлий билиш жараёнининг ташкил этишга ёрдам беради. Ҳар бир олинган нафаснинг онгли, хушёрлик билан олинishi инсонни диққатни жамлаш ва асосий мақсадга йўналтиришга таъсир этади.

2. Бу тамойил инсон бурнини фақат ҳид билиш аъзоси бўлибгина қолмасдан, нафас олиш воситаси сифатида бутун олам тебранишларини вужудга киришга ёрдам беришидан далолат беради. Тебранишлар натижасида ботинда маълум ҳиссиётлар уйғонади.

3. Ботинни англай олиш, фаҳмлаш натижасида фаросат илми ҳосил бўлади. Фаросатли инсон жамиятда кадрланади.

Умумий хулоса қилиб айтганимизда, «Хуш дар дам» тамойили ақлий ва интуитив билиш жараёнининг самарали ташкил этишга ёрдам берадиган амалиётдир.

---

Хожа Баҳоуддин Нақшбанд / Форсийдан таржимон, сўзбоши, изох ва луғат муаллифи Маҳмуд Ҳасаний. – Тошкент: Ўзбекистон, 2019. 31–35-бетлар.

<sup>181</sup> Проф. Инайят-хан. Суффиское послание о свободе духа. – Москва: 1914. 47 С.



### 5.3. «ХУШ ДАР ДАМ» МОҲИЯТИ: МЕТАФИЗИК ТАҲЛИЛ

Инсон камолотида тасаввуф таълимотининг алоҳида ўрни бор. Тасаввуф фалсафасининг ўзига хос қуйидаги асосий категориялари мавжуд: инсон, тана, рух, жон, нафс, нафас, ақл, қалб, зикр, маком, ҳол, зоҳир, ботин, вужуд, комил инсон, вақт, тавҳид, олам, амр, халқ, олами акбар, олами асғар, илм, зоҳир илми, ботин илми, ладун илми, яқин илми, фаросат, ҳусни хулқ, тариқат, маърифат, ҳақиқат. Буларнинг кўпи ҳақида тадқиқотлар олиб борилган бўлса-да, аммо нафас тушунчаси етарли ўрганилмаган. Ҳолбуки тасаввуфда нафас тушунчаси асосийдир. Бу тушунчанинг мазмун-моҳиятини билиш инсон камолоти учун ниҳоятда зарурдир.

Нақшбандия таълимотида «Хуш дар дам» рашҳа-ҳаётбахш ўғитини таҳлил ва тавсифида нафас тушунчасининг моҳияти етарли даражада очилмаган. Бу вазифани мукамал бажариш учун метафизик таҳлил зарурлиги маълум бўлди. Монографияда шу методология асосида муаммони таҳлил этиш ва асослашга ҳаракат қилдик.

Нақшбандия таълимотининг асосий тамойили бўлган 11 рашҳанинг биринчиси «Хуш дар дам» ҳаётбахш ўғитидир<sup>182</sup>. «Хуш дар дам» рашҳасининг фалсафий таҳлилига махсус эътибор берилган<sup>183</sup>.

---

<sup>182</sup> Абул Муҳсин Муҳаммад Абул Муҳсин Муҳаммад Боқир ибн Муҳаммад Али. Мақомоти Хожа Баҳоуддин Нақшбанд / Форсийдан таржимон, сўзбоши, изоҳ ва луғат муаллифи Маҳмуд Ҳасаний. – Тошкент: Ўзбекистон, 2019. – 335 б.

Алишер Навоий. Фарҳод ва Ширин / Хамса. Тўла Асарлар Тўплами. Ўн жилдлик. Олтинчи жилд. – Тошкент: Фафур Фулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2011. – 805 б.

Наврўзова Г. Н. Нақшбандия – камолот йўли. – Тошкент: Фан, 2007. – 189 б.

Наврўзова Г.Н. Хожа Баҳоуддин Нақшбанд ҳаёти ва маънавий мероси. – Т.: Фан, 2021. – 244 б.

Наврўзова Г., Зоиров Э. Бухорои шарифнинг етти пири. – Тошкент: Muharrir nashriyoti, 2018. – 72 б.

Navruzova G.N. Bahauddin Naqshband – the seventh pir of Bukharai Sharif (Noble Bukhara). *Islom tafakkuri (Maxsus son)*, 2020. – B. 5–8.

Наврўзова Г.Н. «Dam – bu damdir» // Тафаккур. 2019. 3-сон. 119–121-бет.

Наврўзова Г.Н. Маҳдуми Аъзам Нақшбандия асоси бўлган тўрт калима хусусида// *ACADEMIC RESEARCH IN EDUCATIONAL SCIENCES*. 2021. №3. 188–199- бет.

Фахруддин Али Сафий. Рашаҳоту айнил-ҳаёт («Обихаёт томчилари»): тарихий-маърифий асар / Табдил қилувчилар, нашрга тайёрловчилар: М.Ҳасаний, Б.Умрзоқ. Масъул муҳаррир: Б. Умрзоқ (ЎзР ФА Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институти). – Т.: Абу Али Ибн Сино номидаги тиббиёт нашриёти, 2004. – 536 б.

Хожа Абдуллоҳиқ Ғиждувоний. Сўзбоши, таржима луғат ва изоҳлар муаллифи Маҳмуд Ҳасаний. – Тошкент: Ўзбекистон, 2003. – 128 б.

<sup>183</sup> Наврўзова Г. Нақшбандия тасаввуфий таълимоти ва баркамол инсон тарбияси. – Тошкент: Фан, 2005. 161–176-бетлар.

Наврўзова Г.Н., Раҳматова Х.Х. Нақшбандия тушунчалари генезиси. Бухоро: «Бухоро», 2010. 65–75-бетлар.



Монографиянинг 4.2. банди «Хушёрлик – уйғунлик йўли» деб аталади ва унда «Хуш дар дам» тамойили нафас олиш жараёни сифатида батафсил таҳлил этилган. Бу рашҳа Накшбандия йўлини хушёрликка асосланган меъёрдаги камолот йўли бўлишига асос бўлади.

«Хуш дар дам» тамойили инсон ҳаёти асоси нафас эканлиги масаласи сифатида таҳлил этилган<sup>184</sup>. «Хуш дар дам» тамойилининг фалсафий таҳлили<sup>185</sup>, унинг билиш жараёни билан боғлиқ бўлган янги қирраси, яъни нафас олиш жараёнининг интуитив билишга таъсири, бутун олам тебранишлари билан боғлиқлиги таҳлил этилган<sup>186</sup>.

Шайх Ҳақим Моуниддин Чиштиий сўфиёна даволанишга бағишланган асарининг 11 қисми «Вселенная дыхания» – «Коинот нафаси» деб аталади ва унда нафасни илохийлиги масаласи ёритилади<sup>187</sup>. Сўфийлик инсонни энг олий ҳад даражасига юксалишига ёрдам беради. Тана, ақл, руҳнинг ҳақиқий саломатлигига эришиши нафас масаласига жуда ҳам боғлиқ.

Нафас масаласи «Хуш дар дам» тамойилининг асосини ташкил этади. Бу масалани тарихийлик ва мантиқийлик, қиёсий таҳлил каби услублар билан бирга метафизик методология асосида таҳлил этишга ҳаракат қилдик.

Қуръони каримнингдаги оятлар инсон ва Аллоҳ ўртасидаги яралиш муносабатини очиб беради. Аллоҳ айтмоқдаким, инсонни қуритилган балчиқ лойдан ясаб, унга ўз даргоҳидан руҳини киритган. Мантиқан маълум бўладик, Аллоҳ инсон танасига нафаси орқали руҳини киритган ва унга ҳаёт бағишлаган. Демак, инсон танасининг асли тупроқ ва сув аралашмаси бўлган балчиқдан иборат бўлиб, у олов ва ҳаво таъсирида қуритилган. Маълум бўладик, инсон танасини Аллоҳ тўрт унсурдан яратган ва танага жон киритиб, ҳаёт бағишлаш учун унга Аллоҳ ўз даргоҳидан руҳини нафаси билан киритган. Аллоҳ 29-оятда «нафаҳтуху» сўзини ишлатиб руҳни нафаси билан киритганини таъкидлаган. Аллоҳ ўз руҳини одам танасига уфуришини нафас ибораси билан айтган. Бу билан ўз нафаси орқали инсонга руҳини киритиб, жон ато этганини маълум қилмоқда.

<sup>184</sup> Наврўзова Г.Н. Накшбандия таълимотида ҳаёт тушунчаси. *Islom tafakkuri*. 1-Maxsus son. 2023. – Б. 3–10.

<sup>185</sup> Наврўзова Г.Н. «Хуш дар дам» тамойили: фалсафий таҳлил. *Scientific forum:theory and practice of research III International scientific and theoretical conference*. 10 march, 2023. С.171–173.

<sup>186</sup> Наврўзова Г.Н. «Хуш дар дам» тамойили ва билиш масалалари. *Фалсафа ва ҳуқук*. 2023. №2. 42–44-б.

Проф. Инайят-хан. *Суффиское послание о свободе духа*. Москва: 1914. 47 С.

<sup>187</sup> Шайх Ҳақим Моуннуддин Чиштиий Суффиское целительство. – Москва–Санкт-Петербург: «Диля», 2002. С. 147–151.



«Ҳижр» сурасининг бу оятлари инсон нафаси илоҳий моҳиятга эғалигидан, инсон руҳи Аллоҳдан эканлигидан ва инсон ҳаётини Аллоҳ берганидан далолат беради.

Инсон учун илоҳий моҳиятга эга нафаснинг таҳлил этган олимнинг қуйидаги фикрлари келтирилган:

1. Нафас – Аллоҳ изнини элтувчи, ташувчидир.
2. Нафас – юракдан қалб орқали илоҳий зоту сифатларни ақл, тана ва нафснинг турли марказларига етказади.
3. Нафас – тана асослари орасидаги мувозанат ва уйғунликнинг манбаидир.
4. Нафас – ҳаётбахш заррачаларни танани ташқи муҳитидан ички психологик муҳитга киритади<sup>188</sup>.

Биз «Хуш дар дам» тамойили ҳақидаги аввалги тадқиқотларимизда нафасни вужудга кислородни киритиш жараёни сифатида муҳокамасига эътибор қаратган эдик. Шу билан нафас олиш жараёнининг таҳлилида нафас олишга ёрдам берувчи тана аъзоларининг аҳамияти, вазифалари, кислороднинг танага таъсирини ёритишга диққатни қаратган эдик. Кейинги узоқ йиллик таҳлил ва мулоҳазалар асосида аввалги фикрларимиздаги кемтиклик томонларини аниқладик. Метафизик таҳлил асосида қуйидаги янги фикрларга келдик:

1. Нафас бу энг олий илоҳий неъматлардан бири бўлган атмосферадаги ҳавони вужудимизга кириб, физиологик жараёнларни меъёрида келтирадиган асосгина эмас, балким Аллоҳнинг изну иродаси ва ҳукмини қалбга етказувчи восита экан. Чунки нафас олиш жараёнида кислород билан бирга илоҳий қувват, нур ва файз ҳам киради.

Аввалги тадқиқотларимизда нафасни таҳлилида инсонни коинотнинг бир қисми эканлиги ва нафас бу атмосфера ҳавосини инсон вужудига кириш жараёни сифатида тавсиф этганмиз. Метафизик методология асосида инсон бутун борлиқнинг бир қисми эканлиги аён бўлади. Табиат борлигидан ташқари Амр олами – Аллоҳ Амри билан яратилган Улуҳият, Жабарут, Малакут каби лозамон – вақтдан, замондан ташқари ва ломакон – макондан ташқари оламлар борлиги ҳамда уларнинг инсон камолотига таъсири аниқланди.

Бу оламлар нуру файзининг нафас орқали инсон вужудига кириши нуқтаи назари асосида ёндашиб «Хуш дар дам» тамойилини таҳлил этдик. Қуръони карим тафсиридан маълум бўладиги, бутун борлиқда

---

<sup>188</sup> Шайх Ҳаким Моуннуддин Чиштий Суффиское целительство. – Москва–Санкт-Петербург: «Диля», 2002. С. 147.

Аллоҳ изнисиз бирор нарса амалга ошмайди. Аллоҳ нафасимиз орқали ўз изнини бизга етказди ва шунга уйғун вужудда рағбат, куч-қувват ҳосил бўлади. Инсон нафас олиш билан илоҳий изни қабул этади ва унга амал қилади.

2. Биз аввалги тадқиқотларимизда ёзганимиздек, «Хуш дар дам» тамойилида нафас олиш ва чиқариш вазифаларини адо этишда фақат ўпка асосий хизмат қилмай, юрак ва қалб марказий ролни бажарар экан. Айнан юрак қон билан бирга вужуднинг барча қисмларини кислород билан таъминлайди ҳамда юракда жойлашган қалб илоҳий зоту сифатларни тана, рух, ақл ва нафс марказларига етказиб, уларни илоҳий амр ила ҳаракат қилишини таъминлайди. Бунга сабаб нафас ўзи билан фақат ҳавони эмас, балким илоҳий файзу барақа, нуру қувватни ҳам вужудга киритади. Ҳаво таркибидаги кислород юрак орқали барча вужуд аъзоларига тарқалса, юракда жойлашган илоҳий марказ бўлган қалб Аллоҳ изни билан унинг зоту сифатларини тана, рух, нафс<sup>189</sup> ва ақл марказларига етказиб, уларни бутун борлиққа уйғун илоҳий ҳаракатга рағбат ҳосил қилади.

3. Юрак тананинг жисмоний маркази бўлса, қалб инсонни Аллоҳ билан боғлайдиган ҳам жисмоний, ҳам руҳий марказидир.

4. Нафас орқали илоҳий изн билан кирган қувватлар тана, рух асосларини бутун олам билан уйғун, мувозанатда ҳаракат қилишга сабабчи бўлади. Натижада инсон Аллоҳнинг ҳақиқий бандаси сифатида бутун борлиққа эзгулик қилади. Тананинг ҳар бир маркази, рух, нафс ва ақл ҳам эзгу амалли бўладилар. Қалб бутун илоҳий изну қувватининг маркази бўлиб, уларни эзгуликка сафарбар этади. Бутун борлиқ билан уйғун, мувозанатда бўладиган инсон ўз ҳадди, меъёрини билади ва ўз-ўзини англаб ўзига белгиланган вазифани мукамал адо этади. Бундай инсон ҳақиқий бандалик мақомига этади.

5. «Хуш дар дам» тамойили натижасида нафас инсоннинг ҳам жисмоний танаси ҳаётига, ҳам руҳий, маънавий қалбига ҳаёт бағишловчи зарралар, нуру файз мажмуидир. Нафас инсон танасидан ташқарида бўлган муҳитдаги илоҳий неъмат – ҳаво ҳамда илоҳий файзу футух, изн ва куч-қувватни унинг психологик ҳолатига боғлиқ ички муҳитига киритади, яъни инсонни бутун борлиқ билан боғлайди ва уйғунлаштиради. Нафас фақат ҳаво ва кислород эмас, балким у илоҳий даргоҳ манбаидан ҳосил бўлувчи ва бутун самонинг илоҳий

---

<sup>189</sup> Мухаммад Зоҳид Кутку. Нафс нимадир? Таржимон: Зебунисо Ҳусайн кизи. – Т.: «Sharq» 2021. 335 б.

моҳиятини ўзида акс эттирувчи улуғ ва латиф неъматдир. Нафас олиш бу нурли материя ҳамда Аллоҳнинг латиф қувватидан баҳраманд бўлиш жараёнидир.

Нафас олиш жараёни инсон жисмини тозалаш билан бирга унинг хиссиётларини: шодлик, хафалик, ҳаловат, роҳат, ғазаб ва бошқаларни туғдиради. Нафас ҳам миқдор жиҳатидан, ҳам сифат жиҳатидан инсоннинг саломатлигига таъсир этади. Инсон нияти пок, вужуди зоҳиран ва ботинан пок, манзили пок ҳолатида тоза, соф ҳаводан нафас олганида илоҳий моҳиятни ҳис этади ва унга уйғун мукамал ҳаракатда бўлади. Ҳаром лукма, ҳаром кирган вужуд ва ифлос ҳаводан нафас олиш инсоннинг соғлигига ёмон таъсир этади, чунки бу ҳолат табиий, илоҳий тоза муҳитни ифлослантиради. Демак, инсоннинг ҳолати нафас олишига таъсир этади. Инсон кўп ғазабланса, руҳий тушкунликка тушса, кўркса нафас олиш жараёнига салбий таъсир этади. Аксинча, гўзал табиат, гуллар ифори, яхши куй ва мусиқа нафас олишга ижобий таъсир этади.

Нафас олиш жараёнида инсон Аллоҳ билан боғланади. Агар у «Ҳуш дар дам» онгли нафас олиш жараёнига амал қилса тўлақонли нафас олади ва ҳақиқий тирик ҳолатида умрини мазмунли ўтказди. Қуръони каримни кироат билан ўқиш ҳам тўғри нафас олишга ёрдам бериб, инсонни файзу баракали қилади. Тасаввуфда зикр амалиёти мавжуд. Зикр тўғри нафас олиш жараёнида катта аҳамиятга эгадир. Аллоҳни эслаш билан боғлиқ зикр амалиёти тўғри нафас олиш билан боғлиқдир.

«Ҳуш дар дам» тамойилининг метафизик таҳлили асосида қуйидаги хулосаларга келдик:

1. «Ҳуш дар дам» рашҳасининг моҳияти шундаки, у инсонни онгли нафаси орқали бутун борлиқ билан боғлайди ва унга мос, уйғун ҳаракатни таъминлайди.

2. Нафас бир томондан вужудга атмосфера ҳавоси билан кислородни киритиб танани соғломлаштиришга ёрдам бериб, ҳаёт бағишласа, иккинчи томондан инсонни Аллоҳ билан боғлайди ва илоҳий изн-ҳукм, ирода, нур, файзни ботинга киритиб инсон умрига мазмун-моҳият бағишлайди.

3. «Ҳуш дар дам» тамойилининг асоси бўлган нафас ҳаво ва илоҳий изн, нур, файз ҳамда қувват каби латоифлар мажмуасидан иборатдир.

4. Инсон нафас олиш жараёнида юраги жисмоний, табиий марказ сифатида унинг бутун вужудига кислородни етказиб, унга ҳаёт бағишлайди. Унинг қалби илоҳий марказ бўлиб, Аллоҳнинг изни, нури, файзи, қувватини бутун тана, ақл, нафс ва руҳий марказларга етказди.



Шу билан инсонни бутун борлиқ билан алоқага киритиб, уйғун, мувозанатдаги ҳаракатини таъминлайди. Жисмоний ва илоҳий марказ ёрдамида «Хуш дар дам» тамойили инсонни камолотига ёрдам беради.

5. Инсонни зоҳиран Олами сағир – Кичик олам ва ботинан Олами кабир – Катта олам бўлишига «Хуш дар дам» тамойили асосий роль ўйнайди. У онгли нафас орқали инсонни илоҳий бўлишга, илоҳий амрни ҳис этишга, ботинини нуру файзга тўлишига ёрдам беради.

6. «Хуш дар дам» тамойили инсонни коинотни бир қисми сифатида нафас олиши билан фақат табиат ва атмосферадан эмас, балки илоҳий амр ила яралган ва ломакон, лозамон, яъни макон ва замондан ташқаридаги илоҳий оламдан ҳам нафаси орқали илоҳий файздан баҳраманд бўлувчи илоҳий хилқат бўлишига ёрдам беради.

7. Инсон юраги табиий вужуд маркази бўлиб, нафасни тананинг барча нуқталарига етказса, қалб инсонни Аллоҳ билан боғлайдиган бутун борлиқ маркази ва илоҳий нур, тебранишларни қабул этувчи, фаҳмлайдиган марказдир.

Умумий хулоса қилсақ, «Хуш дар дам» тамойили инсонни илоҳий мавжудотга айланишига ёрдам берувчи Нақшбандия таълимотининг асосий талабларидан биридир.



## 5.4 НАҚШБАНДИЯ ТАЪЛИМОТИДА ИНСОН ҚАДРИ МЕЗОНИ

Янги Ўзбекистонда инсон қадр масаласи юксак даражага қўтарилмоқда. Инсонга эътибор жамиятимизда асосий масаладир. Тасаввуф таълимотларида ҳам инсон жуда улуғланган ва қадрланган. Баҳоуддин Нақшбанд асослаган Нақшбандия таълимотида фаол ва мукамал ҳаракатдаги инсон қадрланади. Бу таълимотнинг «Дил ба Ёру даст ба кор» шиори инсонни кадр қимматини ўлчайдиган асосий мезондир. Нақшбандия таълимотида ҳақиқий, баркамол инсон «Қалби Аллоҳ билан» – имони мукамал ва «Кўли ишда» – Аллоҳ ризолиги йўлида ҳалол меҳнат қилиб, эзгулик қиладиган кишидир. Мустақиллик йилларида Нақшбандия таълимотига оид манбалар таржима этилди ва янги асарлар нашрдан чиқди.

Манбаларда ёзилишича, Ҳирот Шоҳи Малик Ҳусайн Баҳоуддин Нақшбанддан сўрайдилар: «Сизнинг тариқатингизда жаҳр, хилват ва самоъ борми?» Хожа «Йўқ» дедилар. Яна сўради: «Сизнинг тариқатингиз нимага асосланган?» Баҳоуддин Нақшбанд шундай жавоб бердилар: «Хилват дар анжуман, сафар дар Ватан ва зохирда халқ билан, аммо ботинда Ҳақ билан бўлиш ва ҳазрати Ҳақ Субҳанаху Қуръони каримда: «На тижорат ва на савдо-сотик уларни Аллоҳнинг зикридан чалғита олмайди» дегани худди мана шу мақомга ишорадир»<sup>190</sup>.

Бу «Дил ба Ёр»ликни белгисидир. Бундай гўзал равиш ҳеч ерда топилмайди, деб Баҳоуддин тариқат аҳлини жамиятда меҳнат қилиб, тижорат, деҳқончилик, хунармандчилик ва бошқа касбу кор билан машғул бўлиб, яъни «Даст ба кор» бўлиш лозимлигини таъкидлайдилар.

Баҳоуддин хилватни инкор этадилар. У киши таркидунё қилганлар, бошқа одамларнинг садақаси билан яшайдиган сўфийларни танқид қилиб, ўз шогирдларига оила, қон-қариндош, қўни-қўшни, маҳалла, жамият ва Ватан олдидаги бурчини бажариб туриб, жамиятда қалбида Аллоҳ билан хилватда яшаш кераклигини таъкидлайдилар. Ҳазрати Баҳоуддиндан шундай байт сақланган:

Ҳосили дарё на ҳамин дур бувад,  
Як хунар аз одами пур бувад<sup>191</sup>.

<sup>190</sup> Абул Муҳсин Муҳаммад Боқир ибн Муҳаммад Али. Мақомоти Хожа Баҳоуддин Нақшбанд / Форсидан таржимон, сўзбоши, изоҳ ва луғат муаллифи Маҳмуд Ҳасаний. – Тошкент: Ўзбекистон, 2019. 110-бет.

<sup>191</sup> Абул Муҳсин Муҳаммад Боқир ибн Муҳаммад Али. Мақомоти Хожа Баҳоуддин Нақшбанд

*Мазмуни:*

Дарёнинг ҳосили фақат дур эмас,  
Бир ҳунар билан одамийлик мукамал.

Бу байт билан Баҳоуддин меҳнат қиладиган инсонни ўша дарёдаги дуру гавҳарлардан ҳам жуда устун қўймоқда.

Биз ўз тадқиқотларимиз давомида Баҳоуддин Нақшбанд томонидан айтилган ва фақатгина у кишига хос бўлган қўйидаги каломни учратдик: «Бу йўлдаги ҳақиқий талаб мукамал ҳаракатдан иборат бўлиб, у бандани беқарор ва беором қилади»<sup>192</sup>.

Бу калом Нақшбандия таълимотига хос бўлган меҳнатсеварликнинг тимсолидир. Баҳоуддин ҳақиқий инсон деганда, иймонли, яъни қалбида Аллоҳ бўлган ва холис хизмат қиладиган ҳамда меҳнатсевар, доимий ҳаракат қиладиган, қўли доим ишда бўлган инсонни тушунади. Баҳоуддиннинг фикрича, инсон зотидан Аллоҳ шу пайтда рози бўладики, унинг бутун вужуди Аллоҳдан огоҳ бўлиб, эзгу ният билан ҳаракат қилса, инсоннинг қалби, руҳи ва вужудининг холис ҳаракати, Баҳоуддиннинг фикрича, мукамал ҳаракатдир.

Баҳоуддин Нақшбанд мукамал ҳаракатни барча талабларнинг асоси эканлигини таъкидлаб қўйидаги байтни айтганлар:

Ин талаб мифтоҳи матлуботи туст,  
Ҳам сипоҳу лашкару роёти туст<sup>193</sup>.

*Мазмуни:*

Бу талаб сенинг мақсадларинг калитидир,  
Ҳамда сипоҳ, лашкар ва байроғинг ҳамдир.

Баҳоуддин Нақшбанд вақт масаласига алоҳида эътибор бериб, Нақшбандия тариқатига «Вуқуфи замоний» рашҳасини киритган<sup>194</sup>. У кишининг шундай қудсий каломлари мавжуд: «Дарвешлар нақд аҳллари дир, уларга бериладиган нарсани насия қилиб бўлмайдир».

---

/ Форсийдан таржимон, сўзбоши, изоҳ ва луғат муаллифи Маҳмуд Ҳасаний. – Тошкент: Ўзбекистон, 2019. 143-бет.

<sup>192</sup> Абул Муҳсин Муҳаммад Боқир ибн Муҳаммад Али. Мақомоти Хожа Баҳоуддин Нақшбанд / Форсийдан таржимон, сўзбоши, изоҳ ва луғат муаллифи Маҳмуд Ҳасаний. – Тошкент: Ўзбекистон, 2019. 145-бет.

<sup>193</sup> Абул Муҳсин Муҳаммад Боқир ибн Муҳаммад Али. Мақомоти Хожа Баҳоуддин Нақшбанд / Форсийдан таржимон, сўзбоши, изоҳ ва луғат муаллифи Маҳмуд Ҳасаний. – Тошкент: Ўзбекистон, 2019. 145-бет.

<sup>194</sup> Наврўзова Г. Баҳоуддин Нақшбанднинг «Вуқуфи замоний» тамойили // Фалсафа ва ҳуқук Ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий, фалсафий-ҳуқуқий журнал. 2022. №2. 32–34-б.

Имрўз бубин ба дийдаи ботин жамоли дўст,  
Эй беҳабар, ҳавола ба фардо чи мекуни<sup>195</sup>.

*Мазмуни:*

Бугун ботин кўзинг билан Дўст жамолини кўргин,  
Эй беҳабар, эртага қолдириб нима қиласан.

Баҳоуддин «Ас сўфий абу-л-вақт», яъни сўфий вақтнинг отаси деган иборани кўп қўллайди ва унинг моҳиятини очиш учун қуйидаги байтни келтиради:

Хирадмандон аз он кас табарро кунанд,  
Ки ў кори имрўзаро фардо кунад<sup>196</sup>.

*Мазмуни:*

Хирад аҳли, яъни доно кишилар шундай одамлардан узоқда турадиларки, у бугунги ишни эртага қўяди.

Халқимизда ҳар бир ишни вақтида қилиш лозимлиги ҳақида кўп мақоллар мавжуд. Масалан: «Ёшлиқда олган билим тошда уйилган нақшдир», «Бугунги ишни эртага қўйма», «Эртанги ишга қор ёғар», «Ер ҳайдасанг куз ҳайда, куз ҳайдамасанг юз ҳайда». Демак, ҳазрати Баҳоуддин айтган каломлари ҳам халқ мақоллари билан уйғун.

Баҳоуддин меҳнатсевар бўлиш учун ҳиммат, яъни кучли азму ирода ва қатъий ҳаракат билан ишлаш лозимлигини таъкидлайдилар. Нақл қилинишича, Нақшбанд аввалги ҳоллари ҳақида ҳикоя қилиб шундай айтганлар: «Биз бу йўлнинг талабига қадам қўйганимизда икки юз киши эдик. Менинг ҳимматим буларнинг ҳаммасидан ўтиш эди. Илоҳий иноятга ноил бўлиб, бу жамоатнинг ҳаммасидан ўтиб кетдим ва асл мақсадга етдим».

Баҳоуддин шогирдларига қарата шундай деганлар: «Мақсад талаби йўлида ҳимматингиз менинг бошимга қадам қўйиб, мендан ҳам ўтиб кетиш бўлмаса, мен сизни кечирмайман»<sup>197</sup>.

---

<sup>195</sup> Абул Муҳсин Муҳаммад Боқир ибн Муҳаммад Али. Мақомоти Хожа Баҳоуддин Нақшбанд / Форсидан таржимон, сўзбоши, изоҳ ва луғат муаллифи Маҳмуд Ҳасаний. – Тошкент: Ўзбекистон, 2019. 147-бет.

<sup>196</sup> Абул Муҳсин Муҳаммад Боқир ибн Муҳаммад Али. Мақомоти Хожа Баҳоуддин Нақшбанд / Форсидан таржимон, сўзбоши, изоҳ ва луғат муаллифи Маҳмуд Ҳасаний. – Тошкент: Ўзбекистон, 2019. 147-бет.

<sup>197</sup> Абул Муҳсин Муҳаммад Боқир ибн Муҳаммад Али. Мақомоти Хожа Баҳоуддин Нақшбанд / Форсидан таржимон, сўзбоши, изоҳ ва луғат муаллифи Маҳмуд Ҳасаний. – Тошкент: Ўзбекистон, 2019. 49-бет.

Демак, Баҳоуддин Нақшбанднинг меҳнатсеварликка ундовчи асосий шиорлари «Дил ба Ёру даст ба кор», «Дил ба Ёру, тан дар бозор», «Дил ба Ёру даст ба кор, мадад аз Парвардигор», «Ҳаракатда барокат» бўлиб, улар мукамал меҳнат асосида яшашга ундайди. Бу каломлар инсонни ҳам иймонли, ҳам меҳнатсевар қилиб, мукамал ҳаракат қилишга ўргатади. Бундай инсон вақтнинг қадрини билади ва кучли ҳиммат билан ҳаракатда бўлади. Иймон ва меҳнат мукамал ҳаракатнинг асосий таркибий қисмлари бўлиб, инсонга хайру барокат ёғдиради.

Хулоса қилиб қуйидагиларни таъкидлаш лозим:

Янги Ўзбекистонда Учинчи Ренессанс пойдеворини қуриш учун мукамал ҳаракатда бўлган, ботин ва зоҳиридан нуру зиё таратувчи инсонлар керак. Бундай инсонларни тарбиялашда Нақшбандия таълимотининг мукамал ҳаракат қилувчи инсонга оид ғоясининг аҳамияти каттадир.



## ХУЛОСА

Бухорои Шарифда вужудга келиб жаҳоний таълимотга айланган, Ислом тамаддуни ривожига муносиб ҳисса қўшган, умумбашарий эътирофига сазовор бўлган маънавий-маърифий меросимизнинг бебеҳо хазиначилигидан бири Нақшбандия камолот йўлидир. Бу таълимотни Баҳоуддин, Шоҳи Нақшбанд, Хожай Бузург, Намаки Машойих номлари билан машҳур Силсилаи Шарифнинг 16-ҳалқа пири Муҳаммад ибн Муҳаммад ал-Бухорий (1318–1389) асослаган.

Баҳоуддин Нақшбанд Хожай ва Яссавия тариқатларининг энг илғор, халқ камолоти учун керакли бўлган ғояларига таяниб, 1361 йилдан бошлаб янги – Нақшбандия таълимотини ярата бошлаган<sup>198</sup>. 1370 йил Хожай тариқатининг пири, Баҳоуддин Нақшбанднинг устози Саййид Амир Кулол вафотидан кейин Баҳоуддин Нақшбанд янги Нақшбандия тариқатига асос солди<sup>199</sup>.

Бу тариқат Бухорои Шарифда ташкил топди ва кейинчалик жаҳоншумул таълимот сифатида дунёга кенг тарқалди.

Нақшбандия таълимоти ва тариқати Баҳоуддиннинг Нақшбанд номидан олинган. Нақшбандия – Нақшбанд йўлини давом этувчи, Нақшбанд таълимотига мувофиқ тариқат, яъни Ҳаққа этувчи йўл маъносини англатади. Бу таълимотнинг асосий шиори «Нақш банд, ба дил банд» – «Нақшни боғла, қалбда боғла»дир. Нақшбандия йўли инсонни барча боғланишлардан узиб, нафсини тарбиялаб, Аллоҳни қалбда нақшлашни ўргатади<sup>200</sup>.

Нақшбандия тариқати ва таълимотнинг моҳияти ҳақида манбаларда Баҳоуддин Нақшбанд айтган сўзлар келтирилган. Нақшбандия таълимотини ривожлантирган Абдурахмон Жомий бу таълимотни жуда гўзал равишда қуйидагича таърифлаган: «Қуръони карим – барча илоҳий китобларнинг, Муҳаммад (с.а.в.) – барча пайғамбарларнинг, Нақшбандия – барча тасаввуфий таълимотларнинг, Баҳоуддин Нақшбанд – барча авлиёларнинг мукамал хулосасидир».

---

<sup>198</sup> Наврўзова Г., Зоиров Э. Бухорои шарифнинг етти пири. – Тошкент: Muharrir nashriyoti, 2018. 63-б.

<sup>199</sup> Navruzova G. Bahouddin Naqshband – the seventh pir of Bukharai Sharif (Noble Bukhara)// Islom tafakkuri. 2020. Maxsus son 6- p.

<sup>200</sup> Қаранг: Наврўзова Г. Нақшбандия тасаввуфий таълимоти ва баркамол инсон тарбияси. – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси «Фан» нашриёти, 2005. 233 б., Наврўзова Г.Н. Нақшбандия-камолот йўли. Бухоро: Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси «Фан» нашриёти, 2007. 189 б.

Нақшбандия таълимотининг ўзига хос хусусиятлари ҳақида тадқиқотларда олимларнинг фикрлари келтирилган. Манбадаги далиллар асосида Нақшбандия таълимотининг қуйидаги ўзига хос томонлари мавжудлигини диққатингизга ҳавола этдик:

1. Нақшбандия инсон камолотининг энг қисқа йўлидир. Манбаларда нақл қилишларича, бир куни Баҳоуддин Нақшбанднинг шариф суҳбатларида Боязид Бистомий – Султон ул-Орифиннинг қуйидаги сўзлари нақл қилинибди: «Бу йўлда юрувчи қанчалик юрмасин, унинг сўнгги қадами бизнинг биринчи қадамимиз устида бўлади». Баҳоуддин Нақшбанд ғайрат юзасидан шундай дедилар: «Биринчи қадами Боязиднинг охирги қадами устида бўлмаган кишига Ҳақ Субҳанахунинг суҳбати ҳаром бўлсин!» У киши яна шундай дедилар: «Биз интиҳони ибтидода тугаллаймиз»<sup>201</sup>.

Бу билан Баҳоуддин Нақшбанд Нақшбандия тариқатига кирган кишининг ибтидода, яъни йўлнинг бошида бошқа тариқатлар интиҳо, яъни йўлнинг охирига етадиган ҳушёрлик, огоҳлик, воқифлик мақомига етказишини таъкидламоқдалар. Демак, Нақшбандия таълимотидаги толиб дастлабки кунлардан бошлаб ғафлат уйқусидан уйғониб, ғофиллик ботқоғидан чиқиб, мушоҳада майдонига ҳушёрлик ва огоҳлик билан парвоз эта бошлайди.

2. Нақшбандия камолотнинг энг мақбул меъёрадаги йўлидир. Манбаларда Нақшбандия тариқатининг моҳиятини очиб берувчи қуйидаги далиллар бор: Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд Ҳиротда бўлганларида Малик Ҳусайн у кишидан сўрайди: «Сизнинг тариқатингизда зикри жаҳр, хилват ва самоъ борми?» Хожа «Йўқ» дедилар. Яна сўради: «Сизнинг тариқатингиз нимага асосланган?»

Хожа дедилар: «Хилват дар анжуман, Сафар дар Ватан ва Зоҳирда халқ билан, аммо ботинда Ҳақ билан бўлиш»<sup>202</sup>.

Баҳоуддин Нақшбанднинг бу жавобларидан маълум бўладики, Нақшбандия таълимотининг асоси «Хилват дар анжуман», яъни жамоат ўртасида яшаб, меҳнат қилиб, савдо-сотик билан шуғулланиб, лекин қалбида Аллоҳ билан хилватда бўлиш экан.

---

<sup>201</sup> Абул Муҳсин Муҳаммад Боқир ибн Муҳаммад Али. Мақомоти Хожа Баҳоуддин Нақшбанд. Форсийдан таржимон, сўзбоши, изоҳ ва луғат муаллифи М. Ҳасаний. – Тошкент: «O‘zbekiston» НМИУ, 2019. 69–70-бет.

<sup>202</sup> Абул Муҳсин Муҳаммад Боқир ибн Муҳаммад Али. Мақомоти Хожа Баҳоуддин Нақшбанд. Форсийдан таржимон, сўзбоши, изоҳ ва луғат муаллифи М. Ҳасаний. – Тошкент: «O‘zbekiston» НМИУ, 2019. 110-бет.



Бу тамойилни тушунтираётганда манбада Баҳоуддин Нақшбанднинг қуйидаги байти келтирилади:

Аз дарун шав ошнову аз берун бегонаваш,  
Инчунин зебо равиш кам мебувад андар жаҳон<sup>203</sup>.

*Мазмуни:*

Ичингдан, қалбингда Аллоҳ билан ошно бўлгину, уни хуфия сакла,  
Бундай гўзал равиш, яъни холис, риёсиз амал дунёда кам топилади.

3. Нақшбандия жамият манфаатига уйғун камолот йўлидир. «Хилват дар анжуман» тамойили «Дил ба Ёру даст ба кор», яъни «Қалб Аллоҳ билан, қўл ишда» шиори асосида яшаш имконини беради. Бу шиор тариқат аҳлига Ватани, эл-юрти, маҳалла ва оиласи олдидаги бурчини адо эта туриб, шу билан бирга меҳнат қилиб, эзгу амаллар қилиш ва қалбида Аллоҳни зикр этиб, тафаккур ҳамда шукроналар қилиб яшашга имкон беради. Бу тариқат аҳли бошқа тариқатлардан хилват, чилла, узлат, дангасалик, текинхўрлик каби иллатларни инкор этиши ва ҳалол меҳнат билан кун кечирishi билан халққа, айниқса ҳунармандларга марғуб ва манзур бўлган.

4. Нақшбандия ўзликни англашнинг энг мақбул йўлидир. «Сафар дар Ватан» Нақшбандия таълимотидаги асосий тамойил бўлиб, инсонни ўзлигини англашга, аслини билишга ёрдам беради. Бу тамойил инсон ватани бўлган ўз вужудини чуқур ўрганиб, бу покиза Аллоҳ томонидан берилган илоҳий хазина, мўъжизани асл пок сақлаш учун ботинидаги мавжуд бўлган нафси аммора истаги асосида туғилган иллатларни йўқотиб, нафсини бошқариб, пок бўлиб, ҳамида, яъни гўзал, чиройли ахлоқ билан безаниб, зоҳиран кичик олам бўлса-да, ботинан буюк оламни ўзида мужассам этган комил инсон даражасида юксалишга ёрдам беради.

5. Нақшбандия холис, пок ва беозор камолот йўлидир. «Хилват дар анжуман» тамойили бу тариқатдаги хуфия зикрига ҳам имкон берган. Хуфия зикр инсонни риёдан, тама ва кибру ҳаводан сақлаган. Хуфия зикр билан суҳбат бу тариқат учун хосдир. Баҳоуддин Нақшбанд айтганлар: «Хилватда шуҳрат бор, шуҳрат эса офатдир». Шуҳрат нафс кутқуси асосида кибру ҳавони туғдиради.

Шунинг учун Баҳоуддин айтадиларки, «Жамиятда хайрият бўлади, жамият эса суҳбатда бўлади. Агар бу йўл толибларидан бир гуруҳи

<sup>203</sup> Абул Муҳсин Муҳаммад Боқир ибн Муҳаммад Али. Мақомоти Хожа Баҳоуддин Нақшбанд. Форсийдан таржимон, сўзбоши, изоҳ ва луғат муаллифи М. Ҳасаний. – Тошкент: «O'zbekiston» НМИУ, 2019. 121-бет.



бир-бировлари билан ҳамсуҳбат бўлсалар, бу суҳбатда хайру барокат кўп бўлади. Умид борки, бу ишга доимо амал қилинса, охири ҳақиқий иқмон билан яқунланади»<sup>204</sup>. Демак, бу тариқатда яхши кишилар билан ҳамсуҳбат бўлиш асосий амаллардан бири экан.

6. Нақшбандия суннатга асосланган камолот йўлидир. Нақшбандия тариқатини «урвату-л-вусқо», яъни кучли тутқич, деб айтадилар. Баҳоуддин Нақшбанд бу ҳақда шундай айтган эдилар: «Бизнинг тариқатимиз урвату-л-вусқонинг нодир кўринишларидандир, яъни панжани Муҳаммад Мустафо (с.а.в.) суннатининг тобелик этагига уришдир ҳамда улуғ саҳобалар, уларнинг барчасидан Аллоҳ таоло рози бўлсин, уларнинг изларидан юришдир. Бу йўлда бизни фазл эшигидан киритганлар. Биз бошдан то охиргача ўз амалимизни эмас, унинг фазлини мушоҳада қиламиз. Бу тариқатда гарчи озгина амал бўлса ҳам файзу футуҳ кўпдир. Аммо суннатга рия қилиш улуғ ишдир»<sup>205</sup>. Яна Баҳоуддин Нақшбанд таъкидлайдиларки, кимки бу тариқатдан юз ўгирса, динига хатар бор. Манбада ёзиладики, Баҳоуддин Нақшбандан сўрайдилар: «Сизнинг тариқатингизни қандай топиш мумкин?» У киши жавоб бердилар: «Шариатни маҳкам тутиш ва Расулуллоҳ с.а.в. суннатларига тўлиқ амал қилиш билан»<sup>206</sup>.

7. Нақшбандия ҳақиқий комил инсонни тарбиялашнинг мақбул йўлидир. Баҳоуддин Нақшбанд тариқат моҳиятини очиб яна шундай деганлар: «Бу йўл талабида бўлганларга одобга амал қилиш шарт: «Тариқат йўли одобдан иборатдур, ҳар бир ҳол ва ҳар бир мақомнинг одоблари бор. Кимки одобни ушласа, уни Аллоҳ камолот аҳлининг камолига етказди». Адаб бу хулқни чиройли қилиш, сўзни ва феълни соз қилишдир. Ва айтадилар: «Хизмат одоби улуғ бахтдан яхшироқ. Унинг белгиси – амалнинг қабули, туғён эса адабнинг бузуқлигидир» Адабни сақлаш – муҳаббат самараси, яна муҳаббат дарахти, яна муҳаббат уруғи ҳамдир»<sup>207</sup>.

---

<sup>204</sup> Абул Муҳсин Муҳаммад Боқир ибн Муҳаммад Али. Мақомоти Хожа Баҳоуддин Нақшбанд. Форсийдан таржимон, сўзбоши, изоҳ ва луғат муаллифи М. Ҳасаний. – Тошкент: «O'zbekiston» НМИУ, 2019. 121-бет.

<sup>205</sup> Абул Муҳсин Муҳаммад Боқир ибн Муҳаммад Али. Мақомоти Хожа Баҳоуддин Нақшбанд. Форсийдан таржимон, сўзбоши, изоҳ ва луғат муаллифи М. Ҳасаний. – Тошкент: «O'zbekiston» НМИУ, 2019. 120-бет.

<sup>206</sup> Абул Муҳсин Муҳаммад Боқир ибн Муҳаммад Али. Мақомоти Хожа Баҳоуддин Нақшбанд. Форсийдан таржимон, сўзбоши, изоҳ ва луғат муаллифи М. Ҳасаний. – Тошкент: 2019. «O'zbekiston» НМИУ, 2019. 121-бет.

<sup>207</sup> Абул Муҳсин Муҳаммад Боқир ибн Муҳаммад Али. Мақомоти Хожа Баҳоуддин Нақшбанд. Форсийдан таржимон, сўзбоши, изоҳ ва луғат муаллифи М. Ҳасаний. – Тошкент: 2019. «O'zbekiston» НМИУ, 2019. 124-бет.



8. Нақшбандия тавҳидга элтувчи йўлдир. Ҳазрат Баҳоуддин айтадилар: «Бу йўлнинг боши калимаи тавҳиддир ва охири ҳам. Калимаи тавҳид биринчи ва охирги сабоқдир ва саодат калитидир. Ҳар қандай эшик унингсиз очилмайди»<sup>208</sup>. Калимаи тавҳид деганда тасаввуф аҳли «Ла илаҳа илаллоҳ», яъни «Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ» деган калимани назарда тутган. Инсон фақатгина Аллоҳга боғланса, шу унинг учун биринчи ва охирги сабоқ ҳамда саодат калити экан. Инсон айнан шу калит билан файз, нур, хайр, бараканинг эшикларини очар экан.

9. Нақшбандия вужуд имкониятларидан фойдаланишнинг энг самарали йўлдир. Баҳоуддин Нақшбанд айтар эдилар: «Бу йўлда вужудни инкор қилиш, борини нисор этиш, кам кўриш ва йўқлик улуғ ишлардан бўлиб, булар давлатга етиш ипи ва қабул воситасидир»<sup>209</sup>. Демак, қалбда Аллоҳни нақшлаш ва Нақшбандлар йўлида бўлиш учун биринчидан вужудни инкор қилиш лозим экан. Вужудни инкор қилиш дегани покиза асл вужудни сақлаш ва уни ифлослантирадиган аммора нафс истакларидан пок этишдир.

Бу йўлда иккинчи зарурий талаб борини нисор этиш, яъни Аллоҳ инсонга берган куч-қувват, ақлу идрок, фаҳму фаросат ва молу давлатни Ватан равнақи, эл-юрт фаровонлиги ва башариятни икки дунё саодати учун фидо этишдир. Бу йўлнинг учинчи талаби кам кўриш, яъни камтаринлик, хокисорлик, ниёзмандлик, тавозеликда бўлиш, бировга қилган яхшилигини кўрмаслик, яъни унутиш, уни миннат қилмаслик, қилган эҳсонларини хуфия сақлашдир. Бу йўлдаги тўртинчи талаб йўқлик, яъни фано ҳолатидир. Фано деганда, инсондаги барча замима, яъни ёмон иллатларнинг тўла йўқолиши ва ҳамида, яъни гўзал фазилатларнинг барқарор бўлишидир.

Бу ҳолатда инсоннинг башарий вужуди йўқ бўлиб, у асл илоҳий сифатини олади. Нақшбандия таълимотида нафс тарбияси фидоийлик, камтаринлик ва фано улуғ ишлардан саналиб, булар Аллоҳнинг ризолиги ва қабулининг асосий воситаси экан. Баҳоуддин Нақшбанд айтар эдилар: «Камолот ва нисор аҳлининг йўли шундай: Бу йўлнинг чақалоғини тариқат бешигига берадилар, ва тарбият кўкрагидан сут эмизадилар, шундай қилиб висол чегарасига етказадилар.

<sup>208</sup> Абул Муҳсин Муҳаммад Боқир ибн Муҳаммад Али. Мақомоти Хожа Баҳоуддин Нақшбанд. Форсийдан таржимон, сўзбоши, изоҳ ва луғат муаллифи М. Ҳасаний. – Тошкент: 2019. «O‘zbekiston» НМИУ, 2019. 148-бет.

<sup>209</sup> Абул Муҳсин Муҳаммад Боқир ибн Муҳаммад Али. Мақомоти Хожа Баҳоуддин Нақшбанд. Форсийдан таржимон, сўзбоши, изоҳ ва луғат муаллифи М. Ҳасаний. – Тошкент: «O‘zbekiston» НМИУ, 2019. 155-бет.

Сўнг бирор усул билан уларни ўзликдан қайтардилар, аҳадият саро пардасига маҳрам қиладилар. Шундай қилиб, йўловчи воситасиз Аллоҳдан файз олади ва висолга етувчи абадий умр топиб, бунинг шукрини адо қилмоқчи бўлса ҳам адо қилолмайди.

Гар бигўям шукри лутфат бардавом,  
Бигзарад умру нагардад ин тамом»<sup>210</sup>.

*Мазмуни:*

Сенинг лутфинг шукрини тўхтамай айтсам ҳам,  
Умрим ўтса ҳам Сенга шукр айтиш ҳақини адо қилолмайман.

Нақшбандия таълимоти асосида камол топган инсон Аллоҳнинг ўзидан ҳеч қандай воситасиз унинг файзини қабул қила олиш даражасига етиб, унинг висолига мушарраф бўлади. Бундай инсон абадий барҳаёт бўлади. Шундай икки дунё саодатига эришган инсон доимо Аллоҳ шукрини айтгани билан уни адо эта олмайди, чунки унга Аллоҳ файзлари, нурлари доимо тўкилиб туради.

10. Нақшбандия тариқатларнинг хулосаси ва энг мукаммалидир<sup>211</sup>. Халил Иброҳим Сорий ўғли Баҳоуддин Нақшбанд ҳаётига оид асосий маноқиб бўлган Салоҳ ибн Муборак Бухорийни «Анис ут-толибин ва уддат ус-соликин» (Толибларнинг дўсти ва соликларнинг яроғи) асарини чоп қилдирган олимдир. У мазкур асарнинг нашрига катта ҳажмдаги илмий мақолани илова қилиб, Абдулхолиқ Ғиждвоний Хожагон тариқатининг ҳақиқий асосчиси ва бунёдкори эканлигини таъкидлайди. Чунки у Нақшбандия тариқатидаги ўн бир усулнинг саккизтасини асослаб берган.

Муаллиф фикрича, шунинг учун Абдулхолиқ Ғиждвоний Хожагонлар табақасининг сардафтари бўлиб, уни «Сар силсиласи» деб атайдилар. Муаллиф Баҳоуддин Нақшбанд бу саккизта усулга ўзининг учта иборасини қўшган деб уларни «Вуқуфи замоний», «Вуқуфи ададий» ва «Вуқуфи қалбий» эканлигини ёзади. Бундан маълум бўладики, Нақшбандия таълимоти Хожагонлар тариқати асосида вужудга келган бўлса ҳам, ундан ўн битта усулга асосланганлиги билан фарқ қилади. Нақшбандия таълимотида Баҳоуддин Нақшбанд киритган «Вуқуфи замоний», яъни вақтдан огоҳлик, «Вуқуфи ададий», яъни

---

<sup>210</sup> Абул Муҳсин Муҳаммад Боқир ибн Муҳаммад Али. Мақомоти Хожа Баҳоуддин Нақшбанд. Форсийдан таржимон, сўзбоши, изох ва луғат муаллифи М. Ҳасаний. – Тошкент: «O'zbekiston» НМИУ, 2019. 155-бет.

<sup>211</sup> –293.

сондан огоҳлик ва «Вуқуфи қалбий», яъни қалбдан огоҳлик асосий тамойиллардан ҳисобланади<sup>212</sup>.

11. Нақшбандия увайсийлик ва робита каби ўзига хос услубларга эга камолот йўлидир. Нақшбандия таълимотининг ўзига хос томонлари «Рисолаи Ҳазрат Мавлави Жомий» асарида очиб берилган. Бу рисолаи Абдурахмон Жомий Гилон шоҳининг илтимосига асосан ёзган бўлиб, унда Нақшбандия тариқатида инсон камолоти учун ўзига хос бўлган уч йўлини кўрсатган: 1. Зикр. 2. Таважжуҳ ва мууроқабат. 3. Робита<sup>213</sup>. Нақшбандия таълимотининг ўзига хос томонларини Таҳсин Ёзувчи увайсийлик ва робита каби икки асосда деб қайд этган<sup>214</sup>.

12. Нақшбандия ҳозиргача амалда бўлган жаҳоншумул тариқатдир. Баҳоуддин Нақшбанд асослаган Нақшбандия таълимотини унинг шогирдлари Алоуддин Атор, Муҳаммад Порсо, Алоуддин Гиждувоний ва Яъкуби Чархий тарғиб этдилар, ривожлантирдилар ва у ҳақида асарлар ёздилар.

Хожа Аҳрор Валий Нақшбандия таълимотини жаҳоний тариқатга айлантирди<sup>215</sup>. Ҳозиргача Нақшбандия – Холидия ва Нақшбандия - Муҷаддидия тариқатлари дунёда кенг ёйилгандир<sup>216</sup>.

Умумий хулоса қилиб қуйидагиларни таъкидлаш мумкин:

1. Нақшбандия тариқати ва таълимоти Баҳоуддин Нақшбанд томонидан асосланган ва Бухорои Шарифда вужудга келган мумтоз тасаввуфий камолот йўлидир.

2. Нақшбандия тасаввуфдаги хушёрликка асосланган, меъёрдаги энг мақбул, энг қисқа ва энг самарали камолот йўлидир.

3. Нақшбандия суннатга асослангани ва «Дил ба Ёру даст ба қор»

<sup>212</sup> Қаранг: Наврўзова Г. Баҳоуддин Нақшбанднинг тасаввуфий таълимоти. Ўзбекистон фалсафаси тарихи. II том. – Тошкент: «Mumtoz so'z», 2017. 34–62-бетлар.

<sup>213</sup> Қаранг: Рисолаи Ҳазрат Мавлави Жомий. / Баҳоуддин Нақшбанд (Манбалар таҳлили). Тўплаб нашрга тайёрловчи, мақола, изоҳ ва шарҳлар муаллифи Г. Наврўзова. – Тошкент: «Sano-standart» нашриёти, 2019. 120–141-бетлар.

<sup>214</sup> Таҳсин Ёзувчи. Нақшбанд. Исломи энциклопедияси. 9-том. Истанбул. 1954. 53- бет.

<sup>215</sup> Юрген Паул. Докторина и организация Хваджаган-Нақшбандийи в первом поколении после Баха'ад-дина/ Суфизм в Центральной Азии (зарубежные исследования): Сб. ст. памяти Фритца Майера (1912–1998)/ Сост. и отв. Редактор А.А.Хисматулин. – СПб. Филологический факультет СПбГУ, 2001. 114–203 б.

Хожи Аҳрор Валийнинг ижтимоий-фалсафий қарашлари / Х. Рахматова; – Тошкент: «Adib» нашриёти, 2014. 128 б.

Хожа Аҳрор Валий ма'навий меросида муроса фалсафасига доир g'oyalalar tahlili. / Х.Х. Рахматова. – Бухоро: Sadridin Salim Buxoriy, 2023.–232 б.

<sup>216</sup> Султонмурод Олим. Баҳоуддин Нақшбанд ҳамда Нақшбандия тариқатининг ислом оламидаги ўрни, мавқеи ва аҳамияти//Глобаллашув шароитида тариқатлар: таълимот ва услублар, таҳлил ва хулосалар/масъул муҳаррир: И. Усмонов; Тошкент ислом университети, Исломишунослик илмий-тадқиқот маркази. – Тошкент: Мовароуннахр, 2014. 176–223 бет.



шиори асосида, хуфия зикр амалиёти билан ҳозирги кунгача бардавом бўлган инсон камолотининг энг мақбул энг яқин йўлидир.

4. Нақшбандия таълимоти ва тариқати ҳозиргача амалда бўлган жаҳоний тариқатга айланган камолот йўлидир.



## Фойдаланилган адабиётлар Рўйхати:

1. Абдулолик Гиждувоний таваллудининг 915 йиллигини ва Баҳоуддин Нақшбанд таваллудининг 700 йиллигини нишонлашга тай-ёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармойиши, № Ф-4988, 11 июль 2017.
2. Мирзиёев Ш. Янги Ўзбекистон стратегияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2021. 464 б.
3. Каримов И.А. Баҳоуддин Нақшбанд таваллудининг 675 йиллигига бағишланган тантанали маросимда сўзлаган нутқи / Халқ сўзи, 1993. 15 сентябр.
4. Абдурахмон Жомий. Рисола дар маънии хуш дар дам. ЎзФА ШИ. Кулёзма N 3844-В. 126 в.
5. Абдурахмон Жомий. Нафаҳотул унс. Лакнау: Нувил Кишур, 1908. 243 б.
6. Абдурахмон Жомий. Туҳфат ул-Ахрор. Лакнау: Нувил Кишур, 1908. 117 б.
7. Абул Муҳсин Муҳаммад Боқир ибн Муҳаммад Али. Мақомоти Хожа Баҳоуддин Нақшбанд / Форсийдан таржимон, сўзбоши, изоҳ ва луғат муаллифи Маҳмуд Ҳасаний. – Тошкент: Ўзбекистон, 2019. 335 б.
8. Авлиякулов Н.Х. Нақшбандия таълимоти жаҳон цивилизация ривожланиши баёнида. – Т.: «Fan va texnologiya», 2018. 60 б.
9. Акимускин О. Ал-Джунайд/Ислам Энциклопедический словарь. – М.: Наука, 1991. 68–69 с.
10. Али ибн Усман аль-Джулаби аль-Худжвири. Раскрытие скрытого за завесой для сведущих в тайнах сердец (Кашф аль-махжуб ли арбаб аль кулуб). / Перевод с английского А. Орлова, Изд. Перв. – Москва: Единство, 2004. 504 б.
11. Алишер Навоий. Ҳайрат ул-аброр / Хамса. Тўла асарлар тўплами. Ўн жилдлик. Олтинчи жилд. – Тошкент: Фафур Ғулом номидаги нашриёт – матбаа ижодий уйи, 2011. 805 б.
12. Алишер Навоий. Лисон ут-тайр. – Тошкент: Фафур Ғулом, 1991. 181 б.
13. Алишер Навоий. Насоимул муҳаббат. Мукамал асарлар тўплами. 17 том. – Т.: Фан, 2001. 520 б.

14. Алишер Навоий. Фарҳод ва Ширин /Хамса. Тўла Асарлар Тўплами. Ўн жилдлик. Олтинчи жилд. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2011. 805 б.
15. Алиқулов Х. Гуманистик мерос ва шахс маънавий камолоти. Т.: Фалсафа ва ҳуқуқ институти нашриёти, 2006. 59 б.
16. Асфаҳзот А. Адабиёти форсу тоҷик дар нимаи дуввуми асри XV. – Душанбе: Дониш, 1989. 250 с.
17. Афсаҳзод А. Абдурахмон Жомӣ. – Душанбе: Маориф, 1978. 136 с.
18. Аҳмад Заҳид Кутку. Тасаввуфи Ахлақ. Истанбул: Сена, 1985. 302 с.
19. Аҳмад Хожаги Косоний. Рисолаи чаҳор калима. Қўлёзма. Ўз.Р. ФАШИ № 501/ХВИ; 13 б.
20. Аҳмад Яссавий. Ҳикматлар. – Тошкент: «Ғафур Ғулом» нашриёти, 1991. 256 б.
21. Барноев Санжар. Юсуф Ҳамадонийнинг инсон ва коинот уйғунлигига оид таълимоти ва меъёр масалалари. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги (ЎЗА). Илм-фан бўлими (электрон журнал) 2020 йил март сони.
22. Баҳоуддин Нақшбанд (Манбалар таҳлили). Тўплаб нашрга тайёрловчи, мақола, изоҳ ва шарҳлар муаллифи. Г.Н. Наврўзова. – Тошкент: «Sano-standart» нашриёти, 2019. 256 б.
23. Баҳоуддин Нақшбанд. Аврод (тўлдирилган иккинчи нашр). Мақола, изоҳ ва шарҳлар муаллифи таржимон Г.Н. Наврўзова. – Т.: «Sano standart», 2019. 112 б.
24. Баҳоуддин Нақшбанд. Рубойилар. – Бухоро: «Дурдона» нашриёти, 2023. 84 б.
25. Бухорий Садриддин Салим. Бухоронинг табаррук зиёратгоҳлари. – Т.: «Navro‘z», 2015. 360 б.
26. Бобохонов Ш., Мансур А. Нақшбандийя тариқатига оид қўлёзмалар фикристи. – Т.: Мовароуннаҳр, 1993. 127 б.
27. Болтаев М.Н. Хожа Абдулҳолик Ғиждувоний – рифъат шайх. – Бухоро, 1994. 29 б.
28. Жалолиддин Румий. Маснавийи Маънавий. Куллиёт. Биринчи жилд. Биринчи китоб./Таржимон Асқар Маҳкам. Шарҳ, муаллифлари Обиддин Пошшо, Карим Замоний, Асқар Маҳкам. – Т.: Шарк, 1999. 368 б.
29. Жузжоний А. Тасаввуф ва инсон. – Т.: Адолат, 2001. 192 б.

30. Зойиров Э. Махдуми Аъзамнинг ижтимоий-сиёсий ва фалсафий қарашлари. – Т.: Дурдона, 2015. 144 б.
31. Зойиров Э. Махдуми Аъзам. (рисола). – Т.: «Abu matbuot-konsalt», 2011. 28 б.
32. Зойиров Э. Махдуми Аъзамнинг «Рисолаи вужудия» асари. // Сино. 2008. № 29. 71–76 б.
33. Зойиров Э. Яъқуби Чархийнинг тасаввуфий ирфоний қарашлари. – Бухоро: «Дурдона», 2023. 128 б.
34. Имом Абу Абдурахмон ас-Суллами. Табақоти суфиййа. – Т.: Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси «Фан» нашриёти, 2004. 91 б.
35. Имомназаров М. Миллий маънавиятимизнинг такомил босқичлари. – Тошкент: Шарқ, 1996. 70-бет.
36. Ислом ‘нциклопедияси: А-Ҳ /3. Хусниддинов таҳрири остида. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Давлат илмий нашриёти, 2003. 672 б.
37. Кныш А. Қалб. / Ислам энциклопедический словарь. – Москва: Наука. Главная редакция восточной литературы, 1991. с. 131.
38. Кныш А.Д. Мусульманский мистицизм: Краткая история. – Москва–Санкт-Петербург. «Диля», 2004. с. 453.
39. Кныш А. Ал-Мухосиб. Ислам. Энциклопедический словарь. – Москва: Наука, 1991. 182–183-бетлар.
40. Комилов Н. Тасаввуф ёки комил инсон ахлоқи. К.1. Т.: «Ёзувчи», 1996.
41. Комилов Н. Тавҳид асрори. Иккинчи китоб. – Т.: «Ўзбекистон», 1999.
42. Мавлоно Жалолиддин Румий. Маснавийи Маънавий. Биринчи китоб./Форсидан Камол Ж. таржимаси. – Т.: Фан, 2005. 368 б.
43. Мавлоно Яъқуб ибн Усмони Чархи. Мухтасар дар баёни силсилаи Нақшбанд: Қўлёзма. ЎзФАШИ. N 9328–1-В. 7.
44. Мирзозода Х. Таърихи адабиёти тоҷик. – Душанбе: Адиб, 1989. 258 с.
45. Муҳаммад Порсо. Рисолаи қудсия. Тошбосма.
46. Муҳаммад Зоҳид Қутқу. Нафс нимадир? Таржимон: Зебунисо Ҳусайн қизи. – Т.: «Sharq» 2021. 335 б.
47. Муҳаммад Боқир, Мақомати ҳазрат хоча Нақшбанд. – Бухоро: Бухорои шариф, 1326 ҳ. й. 154 б.
48. Махдуми Аъзам. Рисолаи вужудия (Вужуд ҳақида рисола) /

Таржимон, тўпловчи ва мақолалар муаллифи Наврўзова Г.Н., Зойиров Э.Х. – Бухоро: Бухоро, 2006. 99 б.

49. Мудрость суфиев /Пер. с персид. О.М. Ястребовой, Ю.А. Иоаннесяна, Б.М. Бабаджанова. СПб.: Азбука. – Петербургское Востоковедение, 2001. 448 с.

50. Мухамеджоджаев А. Идеология накшбандизма. – Душанбе: Дониш, 1991. 230 с.

51. Мўминов И.М. Ўзбекистондаги табиий-илмий ва ижтимоий фалсафий тафаккур тарихидан лавҳалар (IX асрдан XX асрнинг бошларигача). – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Фан нашриёти, 1999. 256 б.

52. Навоий асарлари лугати. – Т.: Гафур Гулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1972. 781 б.

53. Наврўзова Г. Накшбандия тасаввуфий таълимоти ва баркамол инсон тарбияси. – Тошкент: Фан, 2005. 233 б.

54. Наврўзова Г.Н. Накшбандия – камолот йўли. – Тошкент: Фан, 2007. 189 б.

55. Наврўзова Г.Н. Хожа Баҳоуддин Накшбанд ҳаёти ва маънавий мероси. – Т.: Фан, 2021. 244 б.

56. Наврўзова Г., Зойиров Э. Бухорои шарифнинг етти пири. – Тошкент: Muharrir nashriyoti, 2018. 72 б.

57. Navruzova G.N. Bahauddin Naqshband – the seventh pir of Bukharai Sharif (Noble Bukhara). Islom tafakkuri (Maxsus son), 2020. B. 5–8.

58. Nigmatovna, N. G., & Erkinovna, U. V. Pharaoh of the weavers of bahauddin naqshband. Academicia: An International Multidisciplinary Research Journal, 2020. 10(5), 922–926.

59. Nematovna, N. G. The essence of Abu Ali Ali Sina's treatise on birds and the influence of mystical ideas on its development. In Archive of Conferences. 2021, February.

60. Negmatovna, N. G. Khojagon education and the specifics of this way. Academicia: An international multidisciplinary research journal, 2021. 11(1), 1331–1337.

61. Наврўзова Г.Н., Рахматова Х.Х. Накшбандия тушунчалари генезиси. – Бухоро: «Бухоро» 2010. 150 б.

62. Наврўзова, Г.Н. Баҳоуддин Накшбанд. – Бухоро: Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Фалсафа ва ҳуқуқ институти нашриёти, 2009. 174.

63. Navruzova, G. Bahauddin Naqshband-the seventh pir of Bukharai Sharif (Noble Bukhara). Islamic thinking. Scientific-educational, religious-cultural, information publication magazine. Tashkent. Special issue, 2020. 5–8.

64. Negmatovna, N.G. Bahouddin Nakshband Abdurahmon Jomiy In The Public Description. Central Asian Journal of literature, philosophy and culture, 2021. 2(4), 79–85.

65. Navruzova G.N. The Tendency «Wuqufi Zamoniyy» of Bahauddin Naqshband. Central Asian Journal of Literature, Philosophy and Culture, 2020. 3(3), 41–45.

66. Navruzova G.N. Sayyid amir Kulol-Bahauddin Naqshband's teacher. ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal, 2021. 11(10), 2109–2116.

67. Navruzova G.N. Bahauddin nakshband's role in improving human's spirituality. Journal of Contemporary Issues in Business and Government, 2021. 27(2), 4089–4097.

68. Наврўзова Г.Н. «Dam – bu damdir» // Тафаккур. 2019. 3-сон. 119–121-бетлар.

69. Наврўзова Г. Dilda darj naqshlar // Tafakkur / 2022. №2. 85–86-бетлар.

70. Наврўзова Г.Н., Нурматова Н.У. Юсуф Ҳамадоний – Етти Пирнинг табаррук устози. – Т.: «Mashhur-press» нашриёти, 2016. 148 б.

71. Наврўзова Г.Н. Вақтнинг тасаввуфий талқини. // Фалсафа ва ҳуқуқ – 2009. №3. 21–23-бетлар.

72. Наврўзова Г.Н. Баҳоуддин Нақшбанд таълимотининг ёшлар тарбиясидаги аҳамияти. – Бухоро: Бухоро, 2008. 40 б.

73. Наврўзова Г.Н. Ҳазрат Азизон камолотга етишишнинг ўн шарти хусусида. – Бухоро: «Бухоро», 2007. 37 б.

74. Наврўзова Г.Н., Зойиров Э.Х., Юнусова Г.С. Тасаввуфда инсон ва унинг камолоти масаласи. – Т.: Фалсафа ва ҳуқуқ институти, 2006. 133 б.

75. Наврўзова Г.Н. Нақшбандия таълимотида ҳаёт тушунчаси. Islom tafakkuri. 1-Maxsus son. 2023. 3–10-бетлар.

76. Наврўзова Г. Назар бар қадам – ҳаётбахш ғоя. // Мулоқот. 2003. №3, 38–40-бетлар.

77. Наврўзова Г. Назар бар қадам // Мулоқот. 2004. №5, 23–25-бетлар.

78. Наврўзова Г. Юсуф Ҳамадонийнинг инсон камолотида оид ғоялари. // Имом ал-Бухорий сабоқлари. 2006. №3, 198–201-бетлар.

79. Наврўзова Г. Бухородаги Юсуф Ҳамадоний ирфоний мактаби. // Бухоро мавжлари. 2007. №3, 32–34-бетлар.



80. Наврӯзова Г.Н. Абдулхолиқ Ғиждувоний. – Самарқанд: «Имом Бухорий халқаро маркази», 2020. 108 б.
81. Наврӯзова Г.Н. «Хуш дар дам» тамойили ва билиш масалалари. Фалсафа ва ҳуқуқ. 2023. №2. 42–44-бетлар.
82. Наврӯзова Г.Н. «Хуш дар дам» тамойили: фалсафий таҳлил. Scientific forum: theory and practice of research III International scientific and theoretical conference. 10 march, 2023. 171–173 с.
83. Наврӯзова Г.Н. Маҳдуми Аъзам Нақшбандия асоси бўлган тўрт калима хусусида //Academic research in educatoinal sciences. 2021. №3. 188–199-бетлар.
84. Намозов Б. Хожа Муҳаммад Порсонинг фалсафий таълимоти. – Тошкент, «Мумтоз», 2015. 125 б.
85. Ориф Усмон. Баҳоуддин Нақшбанд ва унинг таълимоти ҳақида. Тошкент: Университет, 1993. 33 б.
86. Проф. Инайят-хан. Суффиское послание о свободе духа. – Москва: «Реверс», 1914. с. 47.
87. Рисолаҳои пирон ва пайравони тариқати Нақшбандия. – Душанбе: 2017. 456 с.
88. Рисолаи дигар мансуб ба Соҳиб-зода. /Моле. Нақшбандиёт. – Техрон, 1958. 322 б.
89. Рисолаи Ҳазрат Мавлави Жомий. Қўлэзма. 49 в.
90. Рисолаи Ҳазрат Азизон/ Наврӯзова Г.Н. Хожа Али Ромитаний ва Баҳоуддин Нақшбанд. – Бухоро: Бухоро, 1994. 21–25-бетлар.
91. Саййид Аҳмад ибн Мавлоно Жалолоддин Хожаги Косоний Маҳдуми Аъзам. Тўрт калима (йи кудсийя) ҳақида рисола/ Саййид Аҳмад ибн Мавлоно Жалолоддин Хожаги Косоний Маҳдуми Аъзам (ҳаёти, фаолияти, илмий ва маънавий мероси). – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси маънавий маданият тарғибот маркази, 1993. 37 б.
92. Салоҳиддин ибн Муборак. Анис ут-толибин уддат ус-соликин. Қўлэзма. 320 в.
93. Саматов Х. Маҳдуми Аъзам маънавий мероси ва ҳозирги замон. Монография. – Т.: «Tafakkur» нашриёти, 2019. ISBN 978–9943–24–266–1 8,4 б.т.
94. Саматов Х. Маҳдуми Аъзам Косоний таълимотида оила ва никоҳ масалалари. Илмий рисола. – Т.: «Наврӯз» ДУК нашриёти, 2020. ISBN 978–9943–6015–5–0 2.2 б.т.
95. Саматов Х. Роль Маҳдуми Аъзам Касани в тарикате Нақшбандийа и системы социальной защиты населения «Химоят».

Ученый XXI века. Международный научный журнал. Россия. №5–1(64), май 2020 г. 40 с.

96. Саччоди. Фарҳанги луғот ва истилоҳот ва таъбироти ирфони – Техрон, 1350 х. й. 356 с.

97. Саъдий Шерозий. Гулистон. Қўлёзма. 132 в.

98. Сержило тафаккур дурдоналаридан. Т.: Наврўз, 2003. 320 б.

99. Султонмурод Олим. Баҳоддин Нақшбанд ҳамда Нақшбандия тариқатининг ислом оламидаги ўрни, мавқеи ва аҳамияти // Глобаллашув шароитида тариқатлар: таълимот ва услублар, таҳлил ва хулосалар / масъул муҳаррир: И. Усмонов; Тошкент ислом университети, Исломшунослик илмий-тадқиқот маркази. – Тошкент: Мовароуннаҳр, 2014. 176–223-бетлар.

100. Тураев Б.О. Маҳдуми Аъзам-мутафаккир. – Т.: ИБХМН, 2013. 10 б.

101. Тураев Б., Зоҳидий А. Сийрати ва мероси. – Т.: Адолат, 2001. 133 б.

102. Тримингэм Ж.С. Суфийские ордены в исламе. //Перевод с англ. А.А.Ставиской, под редакцией с предисл. О.Ф.Акимушкина. Москва. Наука Глав.ред.вост.лит-ры, 1989. 328 с.

103. Турар У.Тасаввуф тарихи. – Т.: Истиқлол, 1999. 180 б.

104. Фалсафа: қомусий луғат (Тузувчи ва масъул муҳаррир Қ.Назаров). – Т.: «Шарк» нашриёт – матбаа акциядорлик компанияси. Бош таҳририяти, 2004. 496 б.

105. Фарҳанги забони тоҷики. Иборат аз ду чилд. Ч. 2. – М.: «Советская энциклопедия», 1969. 952 с.

106. Фахруддин Али Сафий. Рашаҳоту айнил-ҳаёт («Обиҳаёт томчилари»): тарихий-маърифий асар / Табдил қилувчилар, нашрга тайёрловчилар: М.Ҳасаний, Б.Умрзоқ. Масъул муҳаррир: Б. Умрзоқ (ЎзР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти). – Т.: Абу Али Ибн Сино номидаги тиббиёт нашриёти, 2004. 536 б.

107. Хожа Абдулҳолиқ Ғиждувоний. Сўз боши, таржима луғат ва изоҳлар муаллифи Маҳмуд Ҳасаний. – Тошкент: Ўзбекистон, 2003. 128 б.

108. Хожа Абдулҳолиқ Ғиждувоний. Маслак ал орифин. Қўлёзма. 183 в.

109. Хожа Али Ромитаний. Рисолаи Азизон. Қўлёзма 28 в.

110. Хожа Аҳрор Валий. Анфоси Нафиса. Бухоро: Бухорои шариф: 1327 х. й. 7 б.



111. Хожи Аҳрор Валийнинг ижтимоий-фалсафий қарашлари / Х. Раҳматова; – Тошкент: «Adib» нашриёти, 2014. 128 б.
112. Хожа Ahror Valiy ma'naviy merosida murosa falsafasiga doir g'oyalar tahlili. / X.X. Rahmatova. – Buxoro: Sadriddin Salim Buxoriy, 2023. 232 б.
113. Хожаги Аҳмад Косоний. Рисола-й-вужудия. Қўлэзма. Таржимонлар Наврўзова Г.Н., Зойиров Э.Х. 125 б.
114. Хожа Муҳаммад Ориф ар-Ревгарий. Орифнома. //Таржимон Садриддин Салим Бухорий, Исроил Субҳоний. – Т.: Наврўз, 1994. 16 бет.
115. Хожа Муҳаммад Порсо. Рисолои қудсия. Баҳоуддин Нақшбанднинг қудсий калималари / А.Болтаев таржимаси. – Т.: «Movarounnahr», 2020. 120 б.
116. Хожа Муҳаммад Порсо. Таҳқиқот. Намозов Б.Б. таржимаси. Бухоро. Марказий АКМ Шарқ қўлэзмалари бўлими. INV / 137 рақамли қўлэзма. 98 б.
117. Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор. Табаррук рисоалар. Нашрга тайёрловчи, таржимон, сўз боши ва изоҳ муаллифлари – М.Ҳасаний, Б.Умрзоқ, Ҳ.Амин. – Т.: Адолат, 2004. 385 б.
118. Хожа Абдулҳолиқ Ғиждувоний. Мақомоти Юсуф Ҳамадоний. – Т.: «Янги аср авлоди», 2003. 23 б.
119. Хожа Юсуф Ҳамадоний. Ҳаёт мезони. (Рутбат ул-хаёт) / Таржимон ва сўзбоши муаллифлари Сайфидин Сайфуллоҳ, Нодирхон Ҳасан. – Т.: Янги аср авлоди. 2003. 64 б.
120. Шайх Нажмиддин Кубро. Тасаввуфий ҳаёт. //Таржимон ва нашрга тайёрловчи Иброҳим Ҳаққул, Азиза Бектош. – Т.: Моворауннаҳр, 2004. 263 б.
121. Шайх Хақим Моуннуддин Чиштий Суффикское целительство. – Москва–Санкт-Петербург: «Диля», 2002. с. 208.
122. Шарипова О. Абдулҳолиқ Ғиждувоний ҳаёти ва тасаввуфий мероси. – Т.: Фан, 2008. 118 б.
123. Юнусова Г.С. Абдулқодир Гийлоний ва қодирия таълимоти. – Т.: Фалсафа ва ҳуқуқ институти нашриёти, 2009. 168 б.
124. Юрген Пауль. Доктрина и организация Хваджаган–Нақшбандийа в первом поколении после Бахауддина. / Суфизм в Центральной Азии (зарубежные исследования). Санк-Петербург: Наука, 2001. 160 с.
125. Яъқуб Чархий. Рисолаи унсия (Дўстона суҳбат). Таржимон ва шарҳлар муаллифи С. Раҳмонов. Самарқанд: «Самарқанд давлат чет тиллар университети» нашриёти, 2022. 78 б.

126. Қосимов Убайдулло. Тасаввуф психологияси [Матн]. – Тошкент: «Dizayn-print» МЧЖ нинг «IJOD-PRESS» нашриёти, 2019–192 б.
127. Куръони карим таржимон ва тафсир муаллифи Шайх Абдулазиз Мансур. – Т.: «Sano-standart», 2021. 618 б.
128. Ғарб фалсафаси. Т.: Ўзбекистон Файласуфлари миллий жамияти нашриёти, «Шарқ» нашриёт матбаа акциядорлик компанияси бош таҳририяти, 2004. 718 б.
129. Ғафуров Д.О. Маҳдуми Аъзам «Рисолаи шайбийя» (Кексалик ҳақида рисола) рисоласида кексаларни эъзозлаш масаласи. «UzAcademia» scientific-methodical journal. 09.2020. 226–232-бетлар.
130. Ғафуров Д.О. Шарҳи ал валади сирру абийҳи («Фарзанд отасининг сиридир» деган ҳадис шарҳи) рисоласида фарзанд тарбиясининг фалсафий-ахлоқий таҳлили. Materials of the International scientific-online conference in «Innovative achievements in science 2020» мавзусидаги 1-сонли халқаро илмий-онлайн конференцияси материаллари тўплами. – Фарғона 2020, 342–349 р.р.
131. Ғафуров Д.О. Маҳдуми Аъзамнинг «Асрор-ун-никоҳ» рисо-ласида оилавий муносабатларнинг фалсафий-ижтимоий таҳлили. Наманган Давлат Университети илмий ахборотномаси- Научный вестник НамГУ. 2020. 11-сон. 178–183 б. Ғаззолий, Имом Абу Ҳомид Муҳаммад ибн Муҳаммад. Ихёу улумид-дин. Биринчи китоб. – Т.: Мовароуннахр, 2003.
132. Ғиждувоний Абдуҳолиқ. Васиятнома. // Зикри Қалб Султони (Бадиий, тарихий тўплам) / Тўпловчи ва таржимон Ибодат Ражабова. 1-қисм. – Бухоро: «Бухоро», 2003. 151–153-бетлар.
133. Ҳазратқулов М. Тасаввуф. Душанбе: Дониш, 1990.
134. Ҳақиқат манзаралари. 96 мумтоз файласуф. – Т.: Янги аср авлоди, 2007. 372 б.
135. Ҳаққулов И. Тақдир ва тафаккур. – Тошкент: Шарқ, 2007. 131 б.
136. Ҳиравий Ж. Рисолаи раҳнамои уқдакушои // Моле М. Нақшбандиёт. – Техрон, 1952. 285–293-бетлар.
137. مرآت السالكين. مير بابا ابن مير درويش نقشبندي. كتبخانه مرکزی و مركز استاد انشگاه تهران: 216-ص
138. رباعيات خواجه نقشبند مرتب و شارح محمد قصوري اردوبازار لاهور الدينية پبليڪيشنز ۱۹۹۸ ۱۸۴ صحيفه



*Изоҳ ва қайдлар*



*Изоҳ ва қайдлар*

## МУНДАРИЖА

КИРИШ.....	3
I БОБ. ТАСАВВУФДА ҲУШЁРЛИК ЙЎЛИ: ТАРИХИЙ-ФАЛСАФИЙ ТАҲЛИЛ.....	9
1.1. ТАСАВВУФДАГИ МУҲОСАБА ТУШУНЧАСИНИНГ ТАРИХИЙ-ФАЛСАФИЙ ТАҲЛИЛИ.....	9
1.2. ЖУНАЙД БАҒДОДИЙ ҲУШЁРЛИК ЙЎЛИ АСОСЧИСИ.....	14
1.3. ЮСУФ ҲАМАДОНИЙ АСОСЛАГАН ҲАЁТБАХШ РАШҲАЛАР.....	19
1.4. АБДУЛХОЛИҚ ҒИЖДУВОНИЙНИНГ ТЎРТ ҲАЁТБАХШ РАШҲАЛАРИ.....	43
1.5. ХОЖА АЛИ РОМИТАНИЙ МАЪНАВИЙ МЕРОСИДА ҲУШЁРЛИК МАСАЛАСИ.....	51
II БОБ. БАҲОУДДИН НАҚШБАНД ТАЪЛИМОТИДА ВОҚИФЛИК МАСАЛАСИ.....	58
2.1. БАҲОУДДИН НАҚШБАНДНИНГ «ВУҚУФИ ЗАМОНИЙ» ТАМОЙИЛИ ВА «ҲУШ ДАР ДАМ».....	58
2.2. ВУҚУФИ АДАДИЙ.....	66
2.3. ВУҚУФИ ҚАЛБИЙ.....	70
III БОБ. НАҚШБАНДИЯ ТАЪЛИМОТИДА ҲУШЁРЛИК ТАМОЙИЛЛАРИ.....	79
3.1. МУҲАММАД ПОРСО «ҲУШ ДАР ДАМ» ХУСУСИДА.....	79
3.2. ЯЪКУБИ ЧАРХИЙ.....	86
3.3. ХОЖА АҲРОР ВАЛИЙ ВАҚТДАН ОГОҲЛИК ХУСУСИДА.....	90
3.4. АБДУРАҲМОН ЖОМИЙ «ҲУШ ДАР ДАМ» МАЗМУН-МОҲИЯТИ ҲАҚИДА.....	97
3.5. НАВОИЙ ВА НАҚШБАНДИЯ ТАЪЛИМОТИ.....	106
3.6. МАҲДУМИ АЪЗАМ ТЎРТ ҚУДСИЙ КАЛИМА ХУСУСИДА.....	116
3.7. МИРБОБО НАҚШБАНДИЙ ҲУШЁРЛИК ХУСУСИДА.....	124
IV БОБ. АКАДЕМИК ИБРОҲИМ МЎМИНОВ ИЛМИЙ ЖАСОРАТИНИНГ ЯНГИ ҚИРРАСИ.....	128
V БОБ. «ҲУШ ДАР ДАМ» ТАМОЙИЛИ: ФАЛСАФИЙ ТАҲЛИЛ.....	136
5.1. НАҚШБАНДИЯ ТАЪЛИМОТИДА ҲАЁТ ТУШУНЧАСИ.....	138
5.2. «ҲУШ ДАР ДАМ» ТАМОЙИЛИ ВА БИЛИШ МАСАЛАЛАРИ.....	150
5.3. «ҲУШ ДАР ДАМ» МОҲИЯТИ: МЕТАФИЗИК ТАҲЛИЛ.....	153
5.4. НАҚШБАНДИЯ ТАЪЛИМОТИДА ИНСОН ҚАДРИ МЕЗОНИ.....	159
ХУЛОСА.....	163
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:.....	171

Гулчехра Наврӯзова

# НАҚШБАНДИЯ – ҲУШЁРЛИК ЙЎЛИ



**Муҳаррир**  
Муҳаммадали Мамадалиев

**Бадий муҳаррир**  
Муродилло Раҳмонов

**Мусахҳиҳ**  
Жасур Қутбиддинов

**Саҳифаловчи**  
Сухроб Мирзаев

Ўзбекистон Республикаси  
Фанлар академияси «Фан» нашриёти  
давлат корхонасида нашрга тайёрланди  
100047, Тошкент ш., Яҳё Ғуломов кўчаси, 70-уй.  
Тел.: +99899 7917555, +99871 2622154.  
email: fan\_ndk@mail.ru



Нашриёт лицензияси № 1385, 21.01.2021 й.  
25.04.2024 йилда босишга рухсат этилди ва чоп этилди.  
Қоғоз бичими 60×84<sup>1/16</sup>. “Times New Roman” гарнитураси.  
Шартли босма табоғи 11,5. Адади 1000 нусха.  
Бююртма рақами № \_\_. Баҳоси шартнома асосида.

“GOLD PRINT PRESS” МЧЖ босмахонасида чоп этилди.  
Тошкент ш., Чилонзор тумани,  
Чўпонота кўч. 28 А уй